
Тошкент – 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011


АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Учинчи жилд

Хазойин ул-маоний

Бадоеъ ул-васат





Газаллар

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

1

Эй навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво,
Андин гулу булбул топиб юз барғ бирла минг наво.

Тўбию шохи Сидрадур кўюнг гиёҳи, негакким
Ушшоқ ашку оҳидин ҳар дам топар сую ҳаво.

Заҳри фироқингдин қаю ошиққи бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.

Чун Қозиюл ҳожот сен даъвои маҳринг қилғали,
Дарду фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво.

Қилмай қабул ижоднинг имкони йўқ, сўнгра яна
Мақбулини рад айламак лутфунгдин ўлғайму раво.

Зоҳид, кўнгулнинг хилватин матлуб ғайридин орит,
Сен сайр қилсанг қил, керак кўнғлунгга бўлса инзиво.

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвағар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

2

Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса нопайдо.

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ,
Агар юз минг жаҳондек бўлса нопайдо ваё пайдо.

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бақо пайдо.

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун, сайру сукун ичра,
Ки сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

Баҳона уммаҳот ўлдию обо, йўқса сунъунгдин,
Ато бирла аноға не атову не ано пайдо.

Нечаким баҳр ила кон бўлса, сендин тарбият етмай,
Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмагай хасча,
Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.

Навоийнинг тилин шукрунгға гўё айлаким, бўлгай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

3

Эй, қилиб лутфу ато бирла улус коми раво,
Эй, вужуду адам иккиси вужудингға гуво.

Сен солиб навъи башар хайли мизожи аро заъф,
Сендин афлок тибоида қавий барча қуво.

Офариниш сипоҳида бир эмас юз мингдин
Меҳрким, чекти фалак буржида зарбафт ливо.

Етмаса гарди раҳинг кўҳли бўлуб Руҳуллоҳ
Ожиз айлар чоғи хуффош амосиға даво.

Лутфунг оллида кириб Равзага аҳли исён,
Қаҳринг ўлганда тушуб вайлга аҳли тақво.

Шарқдин гарбни бир дам бориб аҳли талабинг,
Ким бўлуб ҳиммат аёғи била ул қавм раво.

Гулшани васлинга ҳар қушки ҳаво кўргузди,
Етмади лек агар етти қилиб эрди ҳаво.

Зотинга гайрни кимса начук этгай ташбиҳ,
Мосиваллоҳ чу саво келдию ул зот сиво.

Ё Раб, ул барг насиб этки, Навоий топқай
Боғи тавҳид гулу булбулидек баргу наво.

4

Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро.

Топмаған бўлса лабингнинг шарбатидин чошни,
Бас бу не жонбахшлиқдур чашмаи ҳайвон аро?

Нега олам ўртади, ҳуснунг ўтидин ламъае,
Тушмаган бўлса жамоли Юсуфи Канъон аро?

Тушмаган бўлса қуёшингдин қўлига партаве,
Бас не байзо эрди жайби Мусои Имрон аро.

Эсмайин лутфунг риёзидин чаман сори насим,
Гулга булбул қайда волиҳ бўлди бу бўстон аро.

Файз агар олмас вужудунг гулситони атридин,
Шаммаи нақши вужуд имкон эмас имкон аро.

Тортибон солғил Навоийни карам дарёсига,
Ким бўлубтур ғарқа баҳри бодаи исён аро.

5

Ё Раб, ўлғон чогда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо, сен бўлмағил ондин жудо.

Чун жудо бўлсам мени ғамиок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Ҳашр ғавғоси аро осийлигимга раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навоийга қилиб васлинг насиб,
Қилмагил, ё Раб, ани мундин, муни андин жудо.

6

Эй гулшани рухсоринг ўлуб даҳрға оро,
Рухсор уза сочинғ гул уза анбари соро.

Гунг этти Масиҳонию тор этти қуёшни,
Ул нутқи дилором ила ул ҳусни дилоро.

Гесуву юзунг сунбулию барги гулидин,
Девонамену шифта лайлан ва наҳоро.

Ул ердаки рахшинг қилибон жилваи парвоз,
Учмоққа фалак қушлариға анда не ёро?

Захм элдин ўлуб зоҳиру сендин бори марҳам,
Эл унф аён айлабу сен барча мадоро.

Лаълингға етиб хора агарчи ушатибдур,
Чун анда етиб лаъл бўлуб қадрда хоро.

Билди чу ҳадисингни саҳиҳ, эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо, не Бухоро.

7

Эй, санга муқтадолиқ ики кавн аро,
Анта хайрул башар, анта хайрул варо.

Кимки фавқус Сурайё эди манзили,
Тобеъинг бўлмағач кирди таҳтас-саро.

Зотинга фахр этиб етмиш икки фариқ,
Оразинг шамъидин ёруб икки саро.

Нафсинга раҳмати Ҳақ била иқтирон,
Муъжиз отингға сиҳру фусун ифтиро.

Ҳашрға тегру меърожинг афсонаси,
Хайл-хайл малойик аро можаро.

Ҳам Рафрафингға Арши баринда макон,
Ҳам Буроқиигға Хулди баринда чаро.

Ким касофат била қўйди юз наътингга,
Гар қуёш эрдиким, бўлди юзи қаро.

Ё набийаллоҳ, аҳволима қил назар,
Журму исёну ожизлигим мо таро.

То анинг бирла бўлгай, Навоий, сенинг
Наъту ҳамдинг баёнига достонсаро.

8

Улки ишқ аҳлини ўлтурмак эрур одат анга,
Жон керак бўлса кўнгул айламагай рагбат анга.

Ҳажр муҳлик эканин мундоқ агар билсам эди,
Тутмагай эрдим агар ўлсам эди улфат анга.

Ул парий суратиға телба кўнгул бўлди асир,
Ишқ аро, войки, юзланди ажаб сурат анга.

Юзи кўзни ёритур, лек қуёш хира қилур,
Билур улким кўзи борким, мунга йўқ нисбат анга.

Тош урарлар мени мажнунгаки, қозмиш Фарҳод,
Ишқ аро менча қачон эрди экин шиддат анга?

Ўлди Мажнун кўрубон дилбарину мен кўрмай,
Менча йўқ эрди экин ўлганида ҳасрат анга.

Дийда побўсин аёғингға магар элтур ашк,
Йўқ эса мунча югурмакда недур суръат анга?

Мени саргаштада ҳижрон ўқидин минг пайкон,
Чархи гардонга мушобиҳ кўрунур ҳайъат анга.

Даҳрнинг гулшанидин бўйи вафо тутма тамаъ,
Ким сабо машшотаси сепмади бу накҳат анга.

Эй хуш ул риндки, муғ дайрини қилди маскан,
Етса ҳам муғбачалар ишқида юз офат анга.

Эй кўнгул, қўйма Навоийники, ҳушёр ўлгай,
Кўп етардек эса даврон элидин меҳнат анга.

9

Килк эрур жисмимки, тил бўлмиш демакдин лол анга,
Ичда печу тоблиг ноламни англа, нол анга.

Сунъ килкидин ёзилди гўё ул гўйи зақан,
Нуқталар янглнғ занахдонингда икки хол анга.

Кокулунг элга жаҳонни тийра қилғон дуд эрур,
Ҳар сари зулфунг ики ёнида тушкан дол анга.

Кўйида овора кўнглум хаста эрмиш, эй рафиқ,
Лутф этиб маълум қилсангким, не бўлмиш ҳол анга.

Эй мусаввир, топмасанг Лайлию Мажнун чеҳрасин,
Дилбаримни бил мунга ўхшаш, мени тимсол анга.

Соқиё, кўнглумни даврон қилди кўптин-кўп малул,
Бўлгали фориғ керак бир жоми моломол анга.

Эй Навоий, кимки қилди ҳажр бедодин қабул,
Раҳбари сарманзили васл ўлди бу иқбол анга.

10

Лаъли лабингки, жоним эрур мубтало анга,
Махлас демонки, истарам ўлгай фидо анга.

Ҳажринг балосига не илож айлагай Масиҳ,
Ранжедур улки заҳр емакдур даво анга.

Васлинг қушики ашк ила оҳимдин этти рам,
Гўё ярашмади бу су бирла ҳаво анга.

Марям киби ано эди туққонда ул Масиҳ,
Тарсо эмон десамки, ким эрди ато анга.

Дашномим этса шод нечук бўлмайинки, мен
Андоқ ҳақирменки, дей олмон дуо анга.

Соқий майеки, ёр лабу орази киби
Бўлгай назар ҳаримида рангу сафо анга.

То ичсам ани ул юзу лаб жилва айласа,
Жон кўзгусида рафъ бўлуб мосиво анга.

Улким замона аҳлидин истар вафову меҳр,
Ким нақши меҳр кўрди мунга ё вафо анга?

Айб этмангиз, Навоий агар бўлса бенаво,
Қўйдиму даври чархи мухолиф наво анга.

11

Ҳажридин ҳар нечаким бўлди кўнгул зор манга,
Ҳеч раҳм этмади ул шўхи жафокор манга.

Ғунчадекдурким, очарлар куч ила баргларин,
Бўлгали ҳажрида қонлиг кўнгул афгор манга.

Оташин лаълдек ахгар тўкадурлар ҳар дам,
Лаби ҳажрида ики дийдаи хунбор манга.

Зулфидин шиддати куфрум эрур ул ҳадгачаким,
Субҳа торича эрур риштаи зуннор манга.

Яхшироқ равза саводидин, агар даст берур
Ул қуёш кўйида бир сояи девор манга.

Чунки бу қуббаи хазро аро жуз ҳодиса йўқ,
Эй кўнгул, авло эрур кулбаи хаммор манга.

Эй Навоий, не маю мутрибу не ҳусну не ишқ
Хонақаҳ тарки эрур, англаки, ночор манга.

12

Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга,
Гар даме жоми висолинг йиқса, не ғамдур манга?!

Панд эшитмай, кўруб они, юз балога учрадим,
Кўзларим чиқсунки, юз мунча сазо камдур манга!

Қофи шавқум шарҳини таҳрир қилдим, вах, не суд,
Ким анга ирсол учун Семург маҳрамдур манга.

Ёрким, мундоқ ниҳондур кўздину мен телбамен,
Ким дегайким, фитна бўлган насли одамдур манга.

Қаро чирмаб ёш тўкуб, афғон қилурмен хомадек,
Иткали нолон кўнгул бу навъ мотамдур манга.

Ўзга юзга боқма деб, бир-бир кўзумга бости муҳр,
Ийнак-ийнак ҳар қаро бир нақши хотамдур манга.

Даҳр аро тушкан ҳаводис ўтидин монеъ эмас,
Кўз ёшимдин гарчи кўз тушкунча пурнамдур манга.

Соқиё, жоми жаҳонбин тутки, андин кашф этай,
Ким кўп иш бу коргаҳ вазъида мубҳамдур манга?!

Дилбари оллида Мажнун нақди жон сарф этмади,
Эй Навоий, ишқ атвори мусалламдур манга!

№ 328707

13

То сенинғдек қотили хунхорае бордур манга,
Биллаҳ, ар ўлмакдин ўзга чорае бордур манга!

Нўши жон ҳар бодаким аҳбоб ила нўш айладинг,
Гарчи ҳаргиз демадинг оворае бордур манга

Васли иқболию мен, ҳайҳот, басдур бу шараф,
Ким йироқдин давлати наззорае бордур манга

Деб эмиш ҳар кимда бор захме, отай марҳам бир ўқ,
Шукр эрурким, ҳар сари мў ёрае бордур манга

Борди ул хуршиду ашким оқти, ваҳ, толеъ кўрунг
Ким, не янглиғ ахтари сайёрае бордур манга.

Сабр солдим кўнглума васлинг тилаб, ваҳ, бот келиб
Турфа кўрким, шиша ичра хорае бордур манга.

Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд қил,
Уйда баъзидек соғии маккорае бордур манга.

Дев уруб ишқи мажозий ичра мажнун айлаган,
Ёва дер, буким парий рухсорае бордур манга.

Эй Навоий, куймакимни қилмагайсен манъ, агар
Жон аро билсанг не оташпорае бордур манга!

14

Лабинг сори токим назардур манга,
Ёш ўрнида хуни жигардур манга.

Дема мендин айрил, доғи умр сур,
Ки ул умр ўлумдин батардур манга.

Туганлар дирам шаклидур зод учун,
Адам сари чунким сафардур манга.

Қилур айб ошиқлиғим барча халқ,
Улус айби, ваҳким, ҳунардур манга.

Табибо, яна сабрдин дема сўз,
Ки бу шарбатингдин зарардур манга.

Дема майни тарк этки, соқий юзи
Бу кўзгу аро жилвагардур манга.

Навоий, ул ой ҳажрида туну кун
Қотиқ шому тийра саҳардур манга.

15

Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,
Чунки сендиндур ҳаёти жовидонидур манга.

Ул париваш ишқидин, носиҳ, мени манъ этмаким,
Телбалик вақтию ошиқлиқ замонидур манга.

То ўқубмен ишқ ҳарфин дарс, такрори сабақ
Вомиқу Фарҳоду Мажнун достонидур манга.

Музтарибмен чарх янглиғким, нужуми тийрадин
Танда ҳар кун юз туман доғи ниҳонидур манга.

Ҳеч ранже зоҳир ўлмай мен худ ўлдум, эй табиб,
Лек билким, қасди жон эткан фалонидур манга.

Эйки, дерсен ишқ аро ўлмак зиёндур, умр суд,
Ҳар не судидур санга, неким зиёнидур манга.

Кўрмишам вожиб бақосин равшан андоқким қуёш
Токи имкон соя янглиғ кўзда фонидур манга.

Бу фано дайрин бақосиз эрканин то англадим,
Эл суруди ишрати мотам фиғонидур манга.

Эй Навоий, воизу фирдавси аъло зикриким,
Боғи Хулд ул ҳурпайкар остонидур манга.

16

Қилди юз пора кўнгул бўлгали афгор санга,
Юз кўнгул бирла мени ишқ гирифтор санга.

Йўқ бадан бирла кўнгулдин манга юз меҳнату дард
Ким, бўлубтур бадан афгору кўнгул зор санга.

Ғам туни субҳ тиларсен, кўнгул уз, захминг кўп,
Воқиф ўлким, дамидин етмасун озор санга.

Эйки, дерсен манга ошиқмусен, аҳволима боқ,
Ваҳки, тил бирла нечук қилгамен изҳор санга?

Эйки, даврон ғамидин йўқ сенга бир лаҳза амон,
Билки, хуш маъман эрур кулбаи хаммор санга.

Май ич, эй шайхки, матлуб юзи жилвасидин,
Қилмади манъ бажуз пардаи пиндор санга.

Васл кўйида, Навоий, турубон истама ёр,
Муддаи борида ул кўйда не бор санга.

17

Баҳона қатлимадур ишқдин фасона санга,
Қилурға қатл не ҳожатдурур баҳона санга.

Ўқи ўтунлари ичра сен ўтсен, эй кўнглум,
Бошоғлари учидан ҳар тараф забона санга.

Қуруқ таним ўқ учидин кўрунмас, эй чобук,
Яқин кетур, керак эрса сўнгак нишона санга.

Иҳота айладинг, эй баҳри ашк, ер куррасин,
Ажаб эмастур, агар йўқтурур карона санга.

Дам урма муғбачалар ишвасидин, эй зоҳид,
Вужуд нақшин оқизмай майи муғона санга.

Замона таркини ком айлабон халос ўлғил,
Десангки, солмаса нокомлиг замона санга.

Навоиё, гами чун жону кўнглунг олди, не суд,
Суруди дилкаш ила жонфизо тарона санга.

18

Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро,
Ким букун чобуксуворим йўқтурур майдон аро.

Тийраликдин кўр этибтур кўзларим ҳар кунги гард,
Ким бор эрди тўтиё бу дийдаи гирён аро.

Сенки майдон ичра йўқсен, пайкаредур жони йўқ,
Ҳар парий пайкарки маркаб секретур жавлон аро.

Гарчи ҳар шўхе сурар майдонға ўқ янглиг саманд,
Чун сенинг рахшинг эмас, биллаҳ, ўқедур жон аро.

Тер оқизған аблақингдектур сени келгайму деб,
Ҳар сари тушкан кўзум юз минг дури галтон аро.

Онсиз урмиш ҳалқа чобуклар, не янглиг итмайин,
Ким кўрунмас зарра, хуршид ўлмаса даврон аро.

Меҳрдек гар тавсани гардунга мингилким, сипеҳр
Паст этарда фарқ йўқ хуршид ила Кайвон аро.

Гар қуёш зангин фалакрафторлиг рахшингга ос,
Ким тузар ул занг навҳанг нағмасин афгон аро.

Эй Навоий, кет бу майдондин, гар ул ҳур ўлмаса,
Биллаҳ, ўлсам турмагаймен равзаи ризвон аро.

19

Ваҳки, расвомен яна девонаву оқил аро,
Бул-ажаб ҳолим бўлуб афсона ҳар маҳфил аро.

Музтар эрдим ҳажрдин, ёр эткан эрмиш тарки меҳр,
Мушкуледур ишқдин ҳар дам манга мушкил аро.

Ақлу сабру ҳуш итиб, кўнглумда қолди доғлар,
Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро.

Ўқларинг мужгон киби гирён кўзум атрофида,
Рост бордур ул қамишлиққим бутар соҳил аро.

Кирпикинг тушкан кўнгул ичра хаёлинг, эй пари,
Гўйиё Юсуф нузул этмиш чаҳи Бобил аро.

Қуллуғунг догидин ўлсам, истамон озодлиқ,
Ким бу тамгодур нишони мудбиру муқбил аро.

Масканинг истар Навоий, нася жаннат- аҳли зуҳд,
Мунча-ўқ бўлур тафовут олиму жоҳил аро.

20

Эй алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро,
Жисм ичинда жон киби сен барча султонлар аро.

Қушқа ўхшарким, тикандур ошиёни, эй кўнгул,
Тийрборони ғамингдин қолди пайконлар аро.

Ғам топар ҳажрингда ашким ичра кўнглум порасин,
Иш куни топқан киби эл ғойибин қонлар аро.

Чок кўнглум хўблар кўнгли аро топти шикаст,
Ваҳ, бутун қолғайму ёруқ шиша сандонлар аро.

Доглар ичра алифлар зор жисмим мулкида,
Ғам сипоҳиға қиличлар бўлди қолқонлар аро.

Элга кўюнгдур макон, мен қулни қавмоғлиғ недур,
Булбул ўлса, зоғ ҳам бўлур гулистонлар аро.

Иста йиртуқ жанда кийганларда маъни махзанин,
Ким бу янглиғ ганж ўлур ул навъ вайронлар аро.

Атласу зарбафт аро нодон анингдек ҳашв эрур
Ким, хатое сафҳада сабт ўлди афшонлар аро.

Бу эшикни чун тилаб келди Навоий Тенгридин,
Ул сабабдин гўйиёким қолди дарбонлар аро.

21

Демаки, кирди ўқи қатл вақти қоним аро,
Ким ул алиф киби кирди ўларда жоним аро.

Ўлуб эдим ғами ҳажрингда, бўлмаса эрди
Лабинг тахайюли жон жисми нотавоним аро.

Гар айласам ватан ул кўй аро, мени қовманг,
Ки ишқ шуъласи ўт солди хонумоним аро.

Кўзу кўнгул қурумиш, не тўкай аёғингға,
Ки қолмамиш дуру лаъл ушбу баҳру коним аро.

Ажаб йўқ, оқса эриб магзи устихонимким,
Ўтун сўнгаклар эрур шуълаи ниҳоним аро.

Сабуҳи истаю еткач саҳар очилди эшик,
Бу фатҳ дайрида ўтмас эди гумоним аро.

Навоий, истама жуз йиғламоқ, унумдинким
Нашот замзамаси йўқтурур фиғоним аро.

22

Сенингдек буте йўқтурур Чин аро,
Бути Чин сенинг банданг ойин аро.

Магар оби ҳайвонға кирмиш Масиҳ,
Каломинг лаби лаъли ширин аро.

Гуландомлар ичра, эй гулъузор,
Қизил гул киби сен раёҳин аро.

Қадингдек десам сарвни, қилма айб,
Агар тушмади рост тахмин аро.

Фироқ ичраким ваъда қилдинг висол,
Ажаб лутф қилдинг аён кин аро.

Кўнгулда сен ўлсанг, тафовут недур,
Йўлум бўлса гар куфр, агар дин аро.

Навоий дуо айлар ул ҳур учун,
Малойик, мадад айланг омин аро.

23

Бағир хунобидин заъф ўлди ғолиб хаста жонимға,
Оғир эрди ғизо, авд этти заҳмат нотавонимға.

Лабинғ ҳажрида жисмим конидии бир пора лаъледур
Кўнгул захмида, яхши боқсалар ҳар қатра қонимға.

Адам дуржики оғзинғ ҳуққасидур, марҳаме андин
Даводур ғунчадек кўнғлумдаги доғи ниҳонимға.

Сариғ юзумдин эл йиғлар, мағарким ўлмаким етти,
Ки мундоқ хосият баръакс бўлди заъфаронимға.

Салоҳим пардаси куйди ул ўтлуғ юз хаёлидин,
Фиғонким, ойни ёд этмак зарар қилди катонимға.

Ул ой кулбамға келди, жондуру хуноб ила оҳим,
Бу тортиғлар мураттаб айламишмен меҳмонимға.

Қарору ақлу ҳушум ишқинғ ўти бирла чурканди,
Самум эсди бало даштида озған корвонимға.

Замон авроқию ишқим эди Фарҳоду Мажнундин,
Фалак бир-икки фасл этти изофат достонимға.

Навоий, Зуҳра удин мотамим тутқонда куйдурди
Фалак сори эришиб борған учқунлар фиғонимға.

24

Ўтға солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса.

Сарсари оҳим эсар гам шоми ҳижрон тоғиға,
Яхшидур тонг отқуча бу тоғ ҳомун бўлмаса.

Телбаликдин, ваҳки, ҳар дам дардим афзундур, агар
Ул парий ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.

Гар кўнгул қатл истабон сен ваъда қилдинг тонгла деб,
Ушбу дам ўлтур, бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса.

Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса.

Фоний ўл, васл истар ўлсанг, бенаволигдин не ғам,
Бўлмасун ҳаргиз матоъе дунёи дун бўлмаса.

Эй Навоий, тонма, гар дер ул парий мажнун сени,
Ошиқ ўлгайму парийга, улки мажнун бўлмаса?!

25

Хотирим вайронлиғин билгай биров ҳижронида,
Улки ҳар соат бировни йўқлағай вайронида.

Англагай бекаслигимни бир қуёш қилған гумон,
Тебранурда соя ҳам тебранса ногаҳ ёнида.

Тийра шомим шиддатин андин сўрунгким, бўлмағай
Нур бир шамъи шабистондин саробўстонида.

Кулбам айвонин фалак йиққонни сўр ул зордин,
Ким аниси йўқ, йиқилғур кулбаси айвонида.

Ҳажр Канъонида шаънимда ўқир сабр оятин
Улки, ҳажр оятлари нозилдур онинғ шонида.

Эйки, айтурсен фалак бедодидин кўрмай ситам,
Давр аёғин солмағил қўлдин фалак давронида.

Раҳм этиб аҳбобқа ғардун, Навоий кўрди зулм,
Қўшмади гўё ани аҳли муҳаббат сонида.

26

Даҳрким, ёр йўқ манго анда,
Бор эса доғи йўқ вафо анда.

Тоза доғедурур кўзум қондин,
Ким бўлубтур ниҳон қаро анда.

Ўйла зиндон дурур фироқки, йўқ
Мен киби кимса мубтало анда.

Захми кўп кўнглум ўлди ғам тоғи,
Лолалар ҳар тараф яро анда.

Дардинга жону кўнглум ўлди ватан,
Истаган топти мунда ё анда.

Каъбадин дайр сари чек мениким,
Ринд ўлур кирса порсо анда.

Фурқат ичра Навоий ул гулсиз
Булбуледурки, йўқ наво анда.

27

Тушта кўрдум ёрни хандон рақибин ўтруда,
Рашкдин ҳар лаҳза тиш қирчиллатурмен уйқуда.

Ул парий васли аро ёдимға кирса фурқати,
Телбалар янғлиғ тўкармен ашк айни кулгуда.

Кўзгу жаннат равзанидурким, тамошо қилғали
Ҳур келмиш гўйиё, аксинғ эмастур кўзгуда.

Юлдуз иткандек қуёш ёғдусида, итти қуёш
Оразинғ хуршиди чун қилди тулуъ ул ёғдуда.

Соқиё, бир журъа тут, шоядки юзланғай нашот,
Неча бўлғай ҳажрдин озурда кўнғлум қайғуда.

Ўзлукумни ашк элтиб, ўздин андоқ ётмен,
Ким ўзумни тонимон, аксимни ҳам кўрсам суда.

Чун Навоий ёр сори юзланур, қайғу қолур,
Соя қолғандек кейин, хуршид бўлғач ўтруда.

28

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиг донаи савдо.

Мазаллат туфрағи сориғ юзумда бордур андоқким,
Беҳида гард ўлтурғои масаллик тук бўлур пайдо.

Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чеҳрам,
Момуғ ичра беҳини чирмаган янглиг киши амдо.

Юзумда тиғи ҳажринг захми ҳар сори эрур беважҳ,
Беҳини тиғ илан чун қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.

Юзум туфроқдадур ҳар дам қуруғои жисм ранжидин,
Беҳига сарнигунлик шохи заъфидин бўлур гўё.

Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиғ,
Кийиб пашмина, тоатқа қадин хам асрамоқ авло.

Навоий гар қуёш норанжидин беҳрак кўрар, тонг йўқ,
Беҳиким лутф қилмиш маҳди улё исмат уд-дунё.

29

Жисми беморимға бор ул нарғиси шаҳло бало,
Жони хунхоримға ҳам ул лаъли руҳафзо бало.

Даҳр ичинда офият нетсунки, ичкач бир қадаҳ,
Ёғдурур оламға ул шўхи қадаҳпаймо бало.

Не балодурким, қутулмасмен балодин бир нафас,
Ким манға етмас даме ул шўхдин илло бало.

Войким, жонимға кўзу қошу хатту холидин,
Ё аламдур, ё малолат, ё суубат, ё бало.

Қасдима азм этти, ваҳ, ўлмактин ўзға чора не,
Ким эрур ҳам жилва офат, ҳам қади раъно бало.

Севғали ул шаҳни мен мунғлуғ, бало ҳар дам ёғар,
Бор эмиш бўлмоқ ғадонинг дилбари мирзо бало.

Ул балоға ўрғанибмен, ўйлаким жоним чиқар,
Кўрмасам бошимда бир соат мени шайдо бало.

Жоми минойи иликдин қўйма, бу даврондаким,
Ёғдурур давр аҳли узра гунбади мино бало.

Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солик бошиға дунёву мофиҳо бало.

30

Тиғи заҳролудидин жисмимда сар-тосар яро,
Чашмаи заҳри гамидин ичмакимга ҳар яро.

Найлай ўлмай, эй кўзи қотилки, юз минг ёрадин,
Жисми афгорим уза муҳликдурур аксар яро.

Итларинг меҳмоним ўлса, тўъма ярам қонидур,
Қотил ўлғач, турфа кўрким, бўлди жонпарвар яро.

Қон борурдин гарчи жисмим боғиға бўлмиш хазон,
Турфароқким, қондин очмиш юз гули аҳмар яро.

Ёраға қўйган момуғлардин бўлуб бошимга тож,
Лаълу ёқут айламиш ул тожға зевар яро.

Ёғмаган бўлса танимга тийрборони фироқ,
Бир баданда кимга бўлгай бу қадар бовар яро.

Ёра гар маҳбубдин юз мунча етса бок эмас,
Чун етар аҳбобдин, айлар мени музтар яро.

Десанг, эй соқий, бадал бўлсун, қадаҳ тут беҳисоб,
Ким тўкар қонимни беҳад, ким эрур бемар яро.

Эй Навоий, қайси бир ёранг ўнгалгай, негаким,
Тургани бирла эрур бу нотавон пайкар яро.

31

Гулу гулзор сенинг боғи жамолннгга фидо,
Сарву шамшод доғи тоза ниҳолингға фидо.

Бутубон меҳригияҳ донаси ҳам сочилса,
Оразинг гулшани ичра хату холингға фидо.

Йўқ менинг, балки Хизр бирла Масиҳо жони,
Чашмаи нўш аро жонбахш зулолингға фидо.

Янги ой, балки тўлун ой демайин, балки қуёш,
Тўлин ою қуёшинг узра ҳилолингға фидо.

Эй кўнгул, васли хаёлини қилурсен доим,
Ки менинг жону жаҳоним бу хаёлингға фидо.

Туттунг, эй ринди харобот, манга согарким,
Руҳ бодангғаву тан эски сафолингға фидо.

Эй Навоий, лабидин нукта сурарсен, юз жон
Бўйла ширин сўзу жонбахш мақолингга фидо.

32

Мажнун бошини саждадин олмас эди асло,
Гар Лайли итининг жулидин топса мусалло.

Найлай қора наргисни, бошимга урайинму,
Ким бошима офат кетурур ул кўзи шаҳло.

Ёзғанда юзунг мусҳафини котиби тақдир,
Ишқ оятини қилди менинг шаънима имло.

Ул муғбача гўёки чиқибтур яна усрук,
Йўқса не учун дайрда бор элга алоло.

Дўзахни агар ишқ ўти бирла қизитурлар,
Дард аҳлиға учмоқдин эрур бас тамуғ авло.

Мақсадни йигитлар ғами ишқи аро иста,
Ёхуд қарилар ҳимматидин айла тавалло.

Васлига етушкунг неча саъб эрса, Навоий,
Гар қилса карам Тенгри таборак ва таоло.

33

Дарди ҳажримга ул икки лаъли хандондур даво,
Ким ўлар, Исо дамию оби ҳайвондур даво.

Не даво Исо дамин фаҳм айла, не ҳайвон суйин,
Ҳажр жонин олғон элга васли жонондур даво.

Ишқ аро заъфим давоси шарбат эрмас, эй ҳаким,
Шарбати васл этмайин ҳосил, не имкондур даво.

Ҳажр аро дардим давосин ёр мушкул, деб эмиш,
Раҳм агар қилса, анинг оллида осондур даво.

Дарддин гамгин кўнгулда хона қилмиш юз мавод,
Эй, қаро кўз, дафъига бир ниши мужгондур даво.

Зулфи зуннорига чирманган узорин очти ёр,
Зулмати куфр ичра элга нури имондур даво.

Гар менинг бедиллиғим дарди давосин истасанг,
Эй Навоий, бу маразга кўнглум олғондур даво.

34

Гулбарг уза қилмишсен то сабзаи тар пайдо,
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо.

Лаълинг гамидин суда гул яфроги келгандек,
Ашкимда келур ҳар дам парканди жигар пайдо.

Жисмимдин оқиб қони, пайкони аён бўлди,
Шох узра бўлур доим гул кетса, самар пайдо.

Жон риштасидек эрмас кўзларга белинг маъри,
Чобуклик учун қилдинг боғларға камар пайдо.

Ул зулф саводида ўлдум юзини кўрмай,
Ваҳким, йўқ эди муҳлик шомимға саҳар пайдо.

Даврон ғамидин кўнглум мақбуз эрур, эй соқий,
Басти учун эткайсен ҳам бода магар пайдо.

Килкида Навоийнинг жон ширази музмардур,
Ҳар найда қачон бўлгай бу навъ шакар пайдо.

35

Қилур ишқ юз минг бало ошкоро,
Вале борин айлар манго ошкоро.

Бало, кўрки, агёрга кўргузур ёр
Ниҳон меҳру бизга – жафо ошкоро.

Дедим: ишқни ошкор этмай, аммо
Ёшурдум мен, этти қазо ошкоро.

Нетиб мен ниҳон асрайин, айтинг охир,
Тилар бўлса дардим Худо ошкоро.

Жунунум бу бўлса, гамим бўлғусидур
Нечаким ёшурсам яно ошкоро.

Қилур юз жафо ошкорову бир ҳам
Вафо қилмас ул бевафо ошкоро.

Едим тийрборони ҳажрингда минг захм
Ки, бўлди не ўқу не ё ошкоро.

Неча бода махфий, чу фош ўлди ишким,
Тут эмди қадаҳ, соқиё, ошкоро.

Ки то мает ўлуб ишқ рамзида, тортай
Навоий киби бир наво ошкоро.

36

Эй, санга қомати дилжў раъно,
Тавру тарзинг доғи асру раъно.

Пайкару қаддинга волиҳменким,
Ул бири нозук эрур, бу раъно.

Ул парий учқуси раънолиқдин,
Одами мунча бўлурму раъно.

Қоматинг нозуқу тўби нозук,
Сарв раънову таронғу раъно.

Эй мусулмонлар, ўларменким, эрур
Асру ул сарви суманбў раъно.

Бевафодур бу чаман, кўп бўлманг,
Эй, сапидор ила ножу раъно.

Бил, Навоийки, ғизолингча эмас,
Чин гулистонида оҳу раъно.

37

Зиҳи лаълинг майидин жонга яғмо,
Кўзунгнунг куфридин нмонға яғмо.

Бузуғ кўнглумга торожингни бас қил,
Киши солмайдурур вайронға яғмо.

Юзунг кўз мардумининг нурин олди,
Парий солган киби ннсонға яғмо.

Бўлур ҳар шўхи ягмойи асири,
Чу ул чобук солур майдонга яғмо.

Ажаб ҳайрон қолибменким, не олгай,
Солиб ул кўз мени ҳайронға яғмо.

Юзунг кўргуз манга андин бурунким,
Хазондин еткай ул бўстонға яғмо.

Кўзидин зулф агар тўлгонди, тонг йўқ,
Ки солмиш турк Ҳиндистонга яғмо.

Жунун даштида не ахз айлагай ишқ,
Буким солгай мени урёнга яғмо.

Навоий, анда чекти давр аёғи,
Ки солди жоми май давронга яғмо.

38

Ёр жавлонгаҳидин келди сабо,
Пайкарим туфроғини қилди ҳабо.

Юз саманди аёғига қўярим,
Мисли каҳбаргдуруру каҳрабо.

Буки кўксумни ғаминг қилди шикоф,
Хилқатим кўнглакини қилди қабо.

Бўлди бағрим яраси ила уфун,
Ки шамимидин эрур бийми вабо.

Бошима ёғса қилич ишқингда,
Бўлмасун бошим, агар қилсам ибо.

Ваҳки, жоним била ўйнар ул тифл,
Шўхлуғ лозимаси келди сабо.

Панжа пашминага урдумки, эрур,
Эй Навоий, панаҳим оли або.

39

Эй, юзунг гулбаргига ошуфтаву ҳайрон сабо,
Телбалардек гулшани кўюнгда саргардон сабо.

Кўпмоғи мумкин эмастур, балки тебранмаклиги,
Топмаса жонбахш лаълинг нуктасидин жон сабо.

Сунбули зулфин агар ошуфта қилмайдур, недур,
Ким шабистонга эсар ҳар дам абирафшон сабо.

Пора-пора жисм аро оҳим нетиб қолгай ниҳон,
Бўлмог имкон йўқ хасу хошок аро пинҳон сабо.

Ёрдин келди сабо кеч келмакин айларга фош,
Кўнглум ичра тез қилди шуълаи ҳижрон сабо.

Нотавонлар оҳи ул гул кўйида ҳар субҳидам,
Ўйладурким, гулситон ичра эсар ҳар ён сабо.

Субҳ чун эсти сабо, ичкил қадаҳким, бўлмоғунг
Сену кўп эстургуси бу боғ аро даврон сабо.

Лоларухлар аҳдининг маҳкамлиги мумкин эмас,
Собит ўлмоқ лаҳзае бир ерда не имкон сабо.

Тонг эмас, солса Навоий оҳи кўюнгда ғирев,
Чун гулистон сайрида зоҳир қилур афғон сабо.

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «БАДОЕЪ»ДИН

40

Ҳақ ўзин қилди муҳиб, сен ойни маҳбуб, эй ҳабиб,
Ул муҳибқа сен киби маҳбуб эрур хўб, эй ҳабиб.

Роғиб эрдинг ул муҳиб васлига, чун шоми уруж
Топтинг, улким хотирингға эрди марғуб, эй ҳабиб.

Бир сари мў олам аҳли буғзидин парвойи йўқ,
Айлаган ўзни сенинг ҳуббунгға мансуб, эй ҳабиб.

Бўлсалар аҳли муҳаббат ҳар кишининг толиби,
Бизга сендурсен ики оламда матлуб, эй ҳабиб.

Ҳар киши аҳбобинг ичраким ўзин айлар ҳисоб,
Бермайин жон ул муҳибқа қайда маҳсуб, эй ҳабиб.

Чун шафоат дафтари сендин тутармен кўз, не ғам,
Ҳар қўлумга берсалар маҳшарда мактуб, эй ҳабиб.

Чун муҳаббат аҳлиға тоат ҳунардур, раҳм қил,
Ким Навоий келди ул хайл ичра маъюб, эй ҳабиб.

41

Ёр гулгун тўн енгинму юзга айлабтур ҳижоб,
Ё ёшурмиштур қуёш рухсорини гулгун саҳоб?

Йўққи, ишқ аҳлиға оламни қаронғу қилгали
Ул шафақдин ёпти хуршид узра гулнори ниқоб.

То қизил тўн ичра бўлди жилвагар моҳим менинг,
Меҳр этар ҳар тун шафақ хуноби ичра изтироб.

Қон ёшим аксиму ол этмиш фалак миръотини,
Ким бўлубтур лаългун атласда сойир офтоб.

Тўн кийиб гулранг, оламни гулистон айладинг,
Бизга қисм айлаб хазони ҳажр аро хори азоб.

Соқийи гулчеҳра, гулгун бода беандоза тут,
Ким бу гулшан ичрадур хори малолат беҳисоб.

Икки оламда, Навоий, сурхрўлуғ истасанг,
Ҳам наби, ҳам оли ҳуббига дуруст эт интисоб.

Ваҳки, ул муғбача, ҳар дамки чекар бодаи ноб,
Қўзгалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.

Ёқа чоку, ўзи бебоку белида зуннор,
Бир иликида пичоқ, бир қўлида жоми шароб.

Кўзи ислом элининг жонин олурға қотил,
Зулфи тақво элининг бўғзидин осмоққа таноб.

Юзида куфр ўтининг шуъласидин юз минг нур,
Сочида дин ҳулалидин тушубон юз минг тоб.

Ўлтуруб дайр эшики оллида туфроғ узра,
Дурди жомики томиб, руҳ топиб аҳли туроб,

Жонларидин юб илик барча харобот аҳли,
Ўзни қутқарғоли ҳар қайсиға бир сори шитоб.

Бўйла ҳолатда кўзи тушти мангаву кулибон
Юз туман лутфу карам бирла бу навъ этти хитоб

Ким: Аё ринди вафопешаву меҳрандиша,
Келиб ич бир қадаҳу чекма хумор ичра азоб».

Югуруб туштум аёғиғаву туфроғ ўптум,
Берди май илгима ҳайвон суйи оллида сароб.

Чектиму ҳуш юзин кўрмадим, андин сўнгра
Тушмишам кўйи харобот ичида масти хароб.

Эй Навоий, ангаким бор эса бу роҳ насиб,
Равваҳаллоҳу таоло валаҳу ҳусни маоб.

43

Паридек улки эрур хўблар аро маҳжуб,
Ҳижоб сизу мен улдур бу телбага матлуб.

Ҳаёси бирла ҳижобида ғарчи волиҳамен,
Қилибтурур мени оллида ноладин мажҳуб.

Муҳаббат аҳлиға ноз эткучидин эрмиш саъб,
Тариқи ҳилму адаб зоҳир эткучи маҳбуб.

Чу ишқ ғолиб эрур, эҳтиёж эмас Лайли
Қилурға ишваки, Мажнунни айлагай маглуб.

Кишики, даъвои ишқ ичра ўздин олди ҳисоб,
Бу муддаода агар ўлмагай, эмас маҳсуб.

Фано йўлида сабукбор истасанг ўзни,
Ўзунгдин айла бурун ўзлукунг юкин маслуб.

Навоий, асру муаддабдур ул маҳи мактаб,
Адаб тариқи била ёзгасен анга мактуб.

44

Лабингдин ҳаста жонким бўлди бетоб,
Эмас бетоб, анга эрур шакархоб.

Ёшимдин обрўюм борди, билдим,
Ки равнақсиз қилур олтунни сиймоб.

Қошинг ҳажрида ҳар наълики кессам,
Келур пайваста, жоно, шакли меҳроб.

Қилич боғи белинг қучқон ҳасаддин
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.

Кўзум оллидадур лаълинг хаёли,
Эмас кирпикларим остида хуноб.

Фироқ илги фиғон жон риштасидин .
Чиқорур, тордин андоқки мизроб.

Фалак бошингға қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб.

Ажаб йўқ, одамилигни унутсанг,
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.

Навоий, ранж кўрма, огзин истаб,
Ким ул бир жавҳаредур — асру ноёб.

45

Шаҳд аро оғушта гулбаргедурур ул икки лаб,
Ҳар сўз андинким чиқар, ширин эса, йўқтур ажаб.

Жоним ичра кирпиги ниши тешук қилған киби
Билгурур оғзи, табассум айлагач ул икки лаб.

Ишқини жон риштаси бирла муқайяд айладим,
Эй хирад, кетким, сени қайд эткали йўқтур сабаб.

Хоксорин ул қуёш юзлик парий мажнун демиш,
Тенгри бизга осмондин нозил этмиш бу лақаб.

Кўйида мақбул улус ҳажрида билмас куймаким,
Дўзах аҳлидин не огаҳ Равзада аҳли тараб.

Топти Лайли ноқаси Мажнун фиғонидин ҳудий,
Мумкин эрмас пўядин таскини онинг, эй араб.

Дайр аро ҳар дам йиқилма важд этиб, эй шайхким,
Пири дайр оллида мустаҳсан эмас ҳар беадаб.

Кўп ачиғланма, агар бўлсанг улустин талхком,
Улча қисмингдур қазодин, кимга айларсен газаб?

Эй Навоий, олма ёр оллида юз туфроғдин,
Ким бу шаръ ичра муҳаббат саждасидур мустаҳаб.

46

Бўлмайин ҳусн кўнгул топмади ишқ ичра тараб,
Анга Ҳақдин талаби ишқдурур ҳусн талаб.

Даҳр бўстонида бир ҳусн гули очилмас,
Булбули ишқ агар бўлса навосиз, не ажаб.

Оташин юзга етиб, қайда кўнгул ўртангай,
Бўлмаса зулф каманди анга бу ишда сабаб.

Талхлиқ бирла берурму киши ширин жонин,
Ноз ила талх ҳадис айламаса ширин лаб.

Бир қуёш машъалидин жонима ур ишқ ўти,
Йўқ эса шамъи ҳаётимни ўчиргил, ё Раб.

Соқиё, ишқ ўти гар йўқ, май ўтин равшан қил,
Ки кул ўлсун нафаси хору хасу, ранжу тааб.

Кўргач-ўқ ахтари ҳусн, ўлса Навоий тонг йўқ,
Ким ўтуб умр, тулуъ этти бу фаррух кавкаб.

47

Жамолин айла улус кўзидин ниҳон, ё Раб,
Ниҳон ўтумни анинг кўнглига аён, ё Раб.

Аёғи чунки етар остони туфроғига,
Бошимни айлагил ул хоки остон, ё Раб.

Агарчи эмин эмон бир замон жафосидин,
Чекардин ани манга бермагил амон, ё Раб.

Демонки, лутфини, жаврини доғи мендин ўгун
Биров хаёлига ўткарма, ногаҳон, ё Раб.

Замон-замон чекибон ишқ ўти шуъласини,
Ёрут кўнгулни ул ўт бирла ҳар замон, ё Раб.

Агарчи айламасанг яхши, яхши кўргузгил
Мени анга нечаким бор эсам ямон, ё Раб.

Навоий оҳини еткур анга, вале қўйма
Анинг жамолида бу дуддин нишон, ё Раб.

48

Эй, жамолинг гулшани хўбу висолинг боғи хўб,
Элга лутфунг хўб эса, жонимға зулмунг доғи хўб.

Майдин ул рухсора гулгул, бас мулойимдурки, бор
Соф су узраки бир-бир тушса гул яфроғи, хўб.

Лаъли кўнглум ҳолини сўрғоч, тирилдим ҳажр аро,
Не бало бор эрмиш онинг лаълининг сўрмоғи хўб.

Дема, бу оламда ул ой хўб ё жаннатда ҳур?
Кўрмамишмен андағин, бори эрур мундоғи хўб.

Меҳриға кўкта шафақ хўб эрмас андоққим манга.
Мовий терлик узра ул ойнинг қизил ширдоғи хўб.

Тут йигитликни ганиматким, қаригач англадим,
Ким йигитлар ишқи бор эрмиш, йигитлик чоғи хўб.

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб.

49

Эй, фироқингдин манга ғам рўзию меҳнат насиб,
Оҳким, ҳажрингда ўз шаҳримда бўлмишмен ғариб.

То ғариб эрдим, насибим ғам емак эрдию бас,
Шаҳрим ичра доғи ғам бўлса насибим, ё насиб!

Ғурбат ичра истар эрдим кезибон ёру диёр,
Чунки топтим, истамак ғурбат эрур беҳад ғариб.

Ўз диёримда бузуғ кўнглум не янглиг тўқтасун,
Ким эрур бегона ҳам аҳбоб мендин, ҳам ҳабиб.

Ким рақибим бўлса, баским, ёр айлар илтифот,
Олам аҳлин согинурменким, менга бўлмиш рақиб.

Даҳр аро, эйким, дединг: айлаб вафо, кўрдум жафо,
Ким вафо аҳлидурур, бу сўз анга бордур ажиб.

Эй Навоий, ёр васлин топмасанг, йўқтур ажаб,
Нўш йўқ, лекин кўрар юз ниш гулдин андалиб.

50

Юзунгда қиронинг эрур бас ажойиб,
Ки ой даврида ҳалқа урмиш кавокиб.

Ажаб сафҳадур оразингким, эсиркаб,
Ани хат била қилмади тийра котиб.

Юзунг оллида ҳар нафас тутма кўзгу,
Қуёшни қамар ёпмоқ эрмас муносиб.

Эрур сувратинг зеби андоққи, бўлгай
Рақам айлаган сурат ўпмакка роғиб.

Киши суҳбатидин қоч, эй лўъбати Чин,
Ки лўъбатларинг-ўқ санга бас мусоҳиб.

Йигитлар иши пардадарлиғдир, эмди
Бўладур кўнгул пардадарлигларга роғиб.

Навоий, йигитликни қўй, чун қаридинг,
Қилиб тавба, бўл зуҳду тақвога толиб.

51

Ишқинг ихфосиға не янглиғ бўлайин муртакиб,
Ким бўлурмен, ҳар киши отингни тутгоч музтариб.

Эйки, дерсен: бормасун ул юз сари кўнглунг қуши,
Ким кўрубтур шамъдин парвона бўлмоғ мужтаниб.

Кўрмаган мушкин саҳоб ичра паёпай соиқа,
Дуди оҳимдин дамодам шуълалар кўр мултаҳиб.

Гаҳ кўзидин ўлтурур, гоҳи лабидин жон берур,
Шўхлиғдиндур анга ҳар дам бу раъйи мунқалиб.

Риндлар, ифлосдин ғам йўқ, тўкилган бодадин
Айш этарсиз, чунки муғ дайрига кирди муҳтасиб.

Итларингга нисбатимни рост қилсам, Каҳф ити
Одамиларға ўзин қилган кибидур мунтасиб.

Маркабинг жавлонида бошин Навоий қилди гўй,
Ишқ аро бўлди ажаб саргашталикка муртакиб.

52

Куйди кўнглум, шуъла ўтлуғ достонидин тушуб,
Рост ул қушдекки куйгай, ўт фиғонидин тушуб.

Борурам урён тушуб тан захмидин, нолон кўнгул
Ул қаландардекки, қолғай занги ёнидин тушуб.

Кўйидин тушган йироқ кўнглум эрур оворае,
Ким эрур девона, айру хонумонидин тушуб.

Тиғи бедодинг била борғон шаҳиди ишқнинг,
Рустахези даҳр аро ҳар қатра қонидин тушуб.

Рунчаси рангин бўлуб лаъли майидин, ўйлаким,
Ўт туташқай ошиқи кўнглига жонидин тушуб.

Руҳи исён туфроғидин авж топмас, ўйлаким,
Бир малак журм айлабон олий маконидин тушуб.

Холи ҳажридин Навоий кўнгли оғрир, негаким,
Оғриғай элнинг қаро доғи ниҳонидин тушуб.

53

Ишқ нобуд этти бизни волаю шайдо қилиб,
Қатл учун ҳар лаҳза муҳлик боисе пайдо қилиб.

Эккали ғам тухми хайли дард ашким селидин
Айлабон вайрон чу кўнғлум кишварин, яғмо қилиб.

Ҳушу ақлу ному нанғим шишасин синдурғали
Нозанин сийминбарим кўнғлин қазо хоро қилиб.

Ишқ кимни кўрмасун деб одамилиғдин нишон,
Дилбарин онинғ парий пайкар, малаксиймо қилиб.

Ибтидо айлаб алифдин, муҳр айлаб доғдин,
Ишқ маншурин чу даврон отима иншо қилиб.

Топибон Фарҳод ила Мажнун тариқи офият,
Ишқ бедоди аро ерда мени расво қилиб.

Соқиё, тут жоми руҳафзоки, муҳлик ҳажрдин,
Ким бўлуб маҳзун иложин соғари саҳбо қилиб.

Эй, хуш ул ринди хароботики, маст ўлғон замон
Даҳрға ҳукмин суруб, ғардунға истиғио қилиб.

Ишқи кофир, чун Навоий телбани дин мулкидин
Хориж айлаб, мойили дайру муғу тарсо қилиб.

54

Ваҳ, не бало экинким, ул чиқти самандин ўйнотиб,
Қошлари ёсини чекиб, гамзаси ўқларин отиб.

Фитна қилурға отланиб, гоҳ чопиб, гоҳи ёниб.
Ҳар тарафеким айланиб, ўзгача лаъб кўрсатиб.

Тезгиниб, ўйлаким қуюн, айланиб ўйлаким тутун,
Рахши солиб чу дубдурун, хайли балони қўзгатиб.

Элга очиб узорини, гул киби юз баҳорини,
Дарду фироқ хорини кўкрагим ичра ўрнатиб.

Ишқи чу элга ўт ёқиб, икки кўзум суйи оқиб,
Ҳар сариким кула боқиб, дард ила бизни йиглатиб.

Муғбача ишқида мени тезрак этти пири дайр,
Нечаки мает ташлади, кўйи бошига судратиб.

Итти Навоий оҳ ила, нолаи умркоҳ ила,
Чунки шаҳу сипоҳ ила сиррини элга англатиб.

55

Ул мени сурмакка ҳар дам ханжари ҳижрон чекиб,
Мен аёғидин бошим олмай, йўлинда жон чекиб.

Ул ичиб эл бирла руҳафзо қадаҳлар ошкор,
Мен бало жомида заҳри ғуссани пинҳон чекиб.

Васл не мумкинки, то ошиқмен, ул қатлим учун
Ўқ чекиб қош ёйиға, мен захмдин пайкон чекиб.

Мен чекиб кўз қонидии юз узра хатлар бирға юз,
Нилдин хатким баногўши аро жонон чекиб.

Зикрида оҳим дамо-дам ўйладурким, аҳли зуҳд
Ҳар замон бир мад ўқурда ояти Қуръон чекиб.

Давр базмида не майким халқ нўш айлар, мени
Қон ютарға ул арода соқийи даврон чекиб.

Ул парий борғач, Навоий дашт сари қўйди юз,
Телбалар янглиғ яқосин чок этиб, афғон чекиб.

56

Ишқ ўти ичра ҳар дам кул бўлурмен ўртаниб,
Гаҳ-гаҳи ҳам телба итлардек чиқармен чурканиб.

Тоблиг гисусиға чирмар мени саргаштани,
Кўрмадук икки қуюн бир тор бирла чирманиб.

Маст бўлсам, остонинг бас манга бош қўйгали,
Не ҳадимким, такя қилгаймен, тизингни ёстаниб.

Ишқдин кўп маърифат харж айлади Мажнун манга,
Бўлмаса мажнун, қилурму харж, мендин ўрганиб.

Мен киму густох ўпмак илгинг?! Эй султони ҳусн,
Итларингнинг чун кафи пойин ўпармен ийманиб.

Ёрдин бўлмас жудо, жонга бало бўлган кўнгул,
Қуш балосидекки, айрилмас кичикдин ўрганиб.

Ҳажр аро саргаштамен андоққи, то тутқум қарор:
Иш йиқилмоқдур, бори олам бошимга айланиб.

Бевафодур чун жаҳон гулзори, эй кўнглум қуши,
Бўлма бир гул волиҳи, булбулга ногоҳ ўтканиб.

Ёрига борса, юз иш бўлса, Навоий тарк этиб,
Лек қайтур вақти ҳар соат бир ишга куйманиб.

57

Ул парий кўнглум қушин сайд этти, зулфин дом этиб,
Юзи бирла холи суву донасидин ром этиб.

Солди ўт кўнглумгаву ором тутти ғайр ила,
Шуъла янглиғ сўзлуғ кўнглумни беором этиб.

Кофиреким диним олди, доғи кирди қаср аро,
Қалъаи Хайбарга кирди, ғорати ислом этиб.

Базм аро мен ўлсам, ул жон топса, тонг йўқким, манга
Тутти заҳри ҳажр, ўзи нўши тараб ошом этиб.

Эй кабутар, чун дамим ўртар малак болу парин,
Сендин ўлмас ишқим ўтин ёрға пайгом этиб.

Ул қуёш ҳажринда, эй соқий, шафақгун май манга
Тут лаболаб, лек даври чарх зарфин жом этиб.

Яхши от бадномлиг бирла чиқарғил ўлгуча,
Эй Навоий, ўзни яхши от била бадном этиб.

58

Ичсангиз май суйидин, ишрат уйин обод этиб,
Журъае ҳам қуйгасиз туфроққа, бизни ёд этиб.

Соз этинг аввал гамимдин нағмаким, бир асл эрур
Уй иморат айламак, хоро била бунёд этиб.

То ҳавоиймен ул ой ҳажрида андоқким, булут
Токқа ҳар дам юзланурмен, ёш тўкуб, фарёд этиб.

Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, ғам тоғини
Қозғамен, тирногларимни тешаи Фарҳод этиб.

Ул қуюндурмен фано даштидаким, бўлдум адам,
Ҳар не боримни бошимдин чуюриб, озод этиб.

Ҳар замон кўнглум қотиғ эрмас дема, эй сиймбар,
Ёшурун қолмас булур ичра ниҳон пўлод этиб.

Воқиф ўлким, даҳр деҳқони сенинг қасдингдадур,
Исмин онинг гул қилиб, отин мунунг шамшод этиб.

Майға таргиб этмакинг кофидурур, эй пири дайр,
Мундин ўзга ишни найларсен манга иршод этиб.

Истама лаълин, Навоийким, маразда эмганур,
Табъини сиҳҳатлиқ эл шарбат била муътод этиб.

Вафони қилди кўп озурда ул ой, чун жафо айлаб,
Адам даштида кўнглумни ватан қилмиш, жало айлаб,

Вафо андоққи қочти ул жафогардин, агар мен ҳам
Қоча олсам, яна ишқин ҳавас қилмай, хато айлаб.

Демон, даврон аро йўқтур вафо айлаб вафо кўрган,
Ки йўқтур минг жафо тортиб, қутулган, бир вафо айлаб.

Йиқилган ишқ аро, сиҳҳат тамаъ қилма Масиҳодин,
Ки бу беморлигдин кимса қўпқон йўқ, даво айлаб.

Сафоли фақр ол, жону жаҳон нақдин бериб, гарчи
Киши Жамшид жомин сотқин олмайдур, баҳо айлаб.

Қутулсанг бевафовашлар гамидин, эй кўнгул, шукр эт,
Яна чекма бало, ўзни бировга ошно айлаб.

Бизинг афсонамиздин нукта сўрманг, эй хирад аҳли,
Нединким, бу жунун фасли туганмас, можаро айлаб.

Манга йўқ, ўзгага бори вафо қилганни гар топсам,
Бошига эврулай, оллида жонимни фидо айлаб.

Кўнгулким, рўзгоримни қарортиб бўлди овора,
Топилса, кездурай даврон аро, юзун қаро айлаб.

Гадоларга гаҳе лутф эт, шаҳо, бу шукр учунким, Ҳақ
Сени лутф айлабон шоҳ айлади, бизни гадо айлаб.

Навоий, кимса йўққим, чарх зулмидин забун эрмас,
Наво жовид кимга берди, бизни бенаво айлаб?

60

Ун чекармен ишқ аро, бир наргиси жоду кўруб,
Бағлаған итдекки, фарёд айлагай, оҳу кўруб,

Ваҳ, нетиб машшотани оллинда кўргайменки, ёр
Аксидин ғайрат қилурмен, оллида кўзгу кўруб.

Оразу холинг хаёл эткач, етишти новакинг,
Қилди ул қуш майл, гўё дона бирла су кўруб.

Чекти бош хаттинг лабу холинг қошида, ваҳ, не тонг,
Гар мулойим бўлса тўти шаккару ҳинду кўруб.

Лаблари хандон бўлур, кўргач кўзумда йиғламоқ,
Кўзларим йиғлар, лаби жонбахшида кулгу кўруб.

Носиҳо, не навъ майи жомини оғзимдин олай,
Ким ичармен, майда соқий оразин ўтру кўруб.

Гар Навоий муфрит афғон этса, жоно, қилма айб,
Сен ҳалок этган кўнгул сўгида йиғлар ўкуруб.

61

Ўртанурмен, кўнғлиға андин асар бўлғайму деб,
Бўлса таъсир, анға ҳолимдин хабар бўлғайму деб.

Телмурурмен мунграйиб ул бевафоға муттасил,
Бир ҳам андин дарду ҳолимға назар бўлғайму деб.

Ўртанур, эй воиз, оҳимнинғ шароридин сипеҳр,
Не сўрай, дўзахқа мундоқ бир шарар бўлғайму деб.

Сурса майдон ичра ҳар чобук, югурмоқдур ишим
Кейнича, ул чобуки зарринкамар бўлғайму деб.

Телбалик кўрким, қучармен боғ аро ҳар сарвни,
Бириси ул сарвқадди сиймбар бўлғайму деб.

Даҳр бўстони аро сўр боғбондин, эй рафиқ,
Жуз балият меҳр нахлиға самар бўлғайму деб.

Эй Навоий, нечаким қилдим ғадолиғ, сўрмади,
Ё Раб, ул мажнуни зори дарбадар бўлғайму деб.

62

Ул парий ишқида йўққим мени девона куюб,
Ясаганлар ҳам ўзин, оқилу фарзона куюб.

Ишқ ўтидин киши бир қатла куюб бўлса халос,
Чун яна қайтибон ул шуъла сари, ёна куюб.

Ишқ кўксумга чу ўт солди, кўнгул ҳам куйди,
Чуғз ҳам ўртаниб, ул ўтқаки вайрона куюб.

Юзидин ўртанибон талпинур оллида кўнгул,
Шамъ аёғида урунган киби парвона куюб.

Эйки сўрдунгки, қачон куйди бузуғ кўнглунг уйи,
Оразинг барқи чақилғонда, бу кошона куюб.

Ўртаниб ақлу кўнгул, ишқ чу айлаб туғён,
Андаким барқ тушуб, оқилу фарзона куюб.

Чун Навоий чекиб ул ой гамидин шуълаи оҳ,
Ошно кул бўлуб ул ўтдину бегона куюб.

63

Хорлар бир гул ғамидинким кўнгулға бутрашиб,
Ҳар бири мужгонининғ бир захми ичра ўрнашиб.

Ё Раб, андин саъброқ ҳолат бўла олғаймуким,
Икки ҳамдам бир-биридин айрилурда йиғлашиб?

Бу уқубатқа талофий ҳажр дафъ ўлғоч будур,
Ким қучушқойлар алар бир-бирға ноғаҳ учрашиб.

Истағайму ҳури жаннат ёнида Кавсар суйин,
Кимки ёри бирла бир кун бода ичти ёндашиб?

Сарвқаддим ишқидин кўп тўлғаниб, мен кўргали
Боғ ароким чиқти сарву ишқпечон чирмашиб.

Ўлса ўлдумму дегай, улким севар ёри била
Қолсалар хилват аро, ағёр ҳар ён тарқашиб.

Соқиё, май бирла сол жонимға андоқ шуълаким,
Ранжу меҳнат дуди чиққайлар бошимдин тўлғашиб.

Ғам хазонида тўкармен ашклар, тортиб ғирев,
Навбаҳор андоққи ёғқайлар булутлар кукрашиб.

Эй Навоий, бевафо давр аҳлиға индурма бош,
Ким алар қошида бош индурған эл бўйнин қашиб.

64

Куйсалар Фарҳоду Мажнун ишқдин афсона деб,
Зоҳир этмаслар манга ул нуктани, девона деб.

Ишқ ичинда мунгларим деб, эйки, йиғлаттинг мени,
Жон фидонг айлай, яна бир лаҳза йиғлат, ёна деб.

Бир йўли ишқ аҳли орименки, қўймаслар мени
Жам аро бир йўли, ақлу ҳушдин бегона деб.

Сўнгги уйқум шиддатин нақл этма, ровий, зинҳор,
Келтурур бўлсанг анга уйқу кеча афсона деб.

Мен ҳамулменким, қовар мажнун деб эмди тифллар,
Ким тилар эрди улуғлар оқилу фарзона деб.

Тушти зулфи домиға кўнглум қуши майл айлагач,
Ул тараф рухсори кўзгусин су, холин дона деб.

Тонгла барча яхшилар бўлғуси Кавсар даврида,
Мен ёмонни маҳрум этманг, сокини майхона деб.

Найлаб ул товус пайкарни тилай кулбамгаким,
Чуғз қўнмас, дам-бадам емрулгудек вайрона деб.

Шоҳлиғдин ор этар, чунким Навоий кирса маст
Дайр қўйига, суруду нагмаи мастона деб.

65

Май қуёшиму ичимда уёқиб,
Ё фалак меҳр ўти кўнглумда ёқиб.

Ҳажр аро васлидоғи ҳар ишин
Айтиб аҳбобу менинг ашким оқиб.

Телбалик хуштур, агар судрасалар
Зулфи занжирини бўйнумга тоқиб.

Тушубон юз тубан эл кўз ёшидек
Кўз учи бирла чу ҳар сори боқиб.

Ҳажр тошию салосил темури
Телбалик ўтини кўнглумга чоқиб.

Май бати дайрда учмоқ тилабон,
Мастлар анда овуч, баски қоқиб.

Дебки, марҳам ёқайин захмингга,
Ул неким деса, Навоийга ёқиб.

66

Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб,
Боқмас манга, кўзум нечаким турса телмуруб.

Ҳар қатла ит киби тушарам ўзга рахнадин,
Ҳар лаҳза чун мени чиқарур кўйидин суруб.

Синғон қадаҳ кибики, оқар ҳар тараф майи,
Қонлар оқиб, чу ғам тоши бошимни синдуруб.

Ҳар бир бўлуб бир ахтари наҳсе чу шоми ҳажр,
Чун дуди оҳим учқунини кўкка еткуруб.

Ишқинг бош урса зор танимдин, эмас ажаб,
Хошок ичинда шуълани бўлгайму ёшуруб?

Андоқ латифдур таниким, ичса жоми май,
Борур танида қурсоғиға тегру билгуруб.

Булбул парин не гулки совурди бу боғ аро,
Дай сарсари анинг доги баргини совуруб.

Даврон элига кимки вафо нўши арз этиб,
Ул ҳам муқобилида жафо ниши еткуруб.

Буким қовар жафо била, эй кош, кўйида
Итларга тўъма қилса, Навоийни ўлтуруб.

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

67

Нечаким кўнглумда бор ул дилрабонинг ёди кўп,
Бор анинг ёд этмаки озроқ, вале бедоди кўп.

Лайлию Ширинвашимнинг ишқ дашту тогида
Менча бир йўқ, гарчи бор Мажнун ила Фарҳоди кўп.

Хўблар водийсида топилмас эл кўнгли қуши,
Не учунким, бордурур бу бешанинг сайёди кўп.

Топмагай нахли қадингдек бир ниҳоли хушхиром,
Гарчи бўлғай боғбонннг сарв ила шамшоди кўп.

Телба кўнглумдин эмон розики, ҳар тун кўйида
Итларининг оғритур бошин анинг фарёди кўп.

Кирпигингга қатл таълимин ажал бермиш, валек
Ўзидин устодроқ этмиш анинг устоди кўп.

Шайх ила аҳли риёву дайр пири бирла ринд,
Ким фано ичра керактур пирнинг иршоди кўп.

Умр қасрин неча кун тутқил ганиматким, дариғ!
Хуш бинодур — пойдор эрмас вале бунёди кўп.

Давр аёгидур иложи, кимки даврон аҳлининг
Жавридин озурда бўлмиш хотири ношоди кўп.

Тарқанг, эй ушшоқким, сайд этти бизни муғбача,
Дайр аро сиз ҳам кезинг, куфр аҳлининг авлоди кўп.

Тифллар ўйнар Навоий бирла мажнун деб, магар
Тифл эканда ул даги бу қавм ила ўйноди кўп.

Жавр ўқин хокий танимға урма кўп,
Кўкка бу туфроғни совурма кўп.

Ишқдин бастур манга ўртанмаким,
Ҳажр барқи бирла ҳам куйдурма кўп.

Юзига, эй кўз, чу йўқ тоби назар,
Бас, анинг сари боқиб, телмурма кўп.

Нўши лаълингдин агар жон истадим,
Бу гуноҳ учун мени ўлтурма кўп.

Доимо расми муҳаббат бор эмиш,
Бизни ушбу журм чун ёзғурма кўп.

Васлға чун йўқ ниҳоят жуз фироқ,
Бас, вафо аҳлин қошингдин сурма кўп.

Ҳеч иш ўлмас айру Холиқ амридин,
Илтижо махлуққа келтурма кўп.

Эй гадо, чун шайалиллоҳ дединг, ўт,
Айлабон ибром боқиб турма кўп.

Тут гадолиғни, Навоий, муғтанам,
Шоҳлар оллинда бош индурма кўп.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

69

Тахту жоҳинг кишвари мулки Скандар бўлди тут,
Хизр умри ҳам бу мулк узра муяссар бўлди тут.

Бўйла мулку умрдин сўнг жину инсу ваҳшу тайр
Ҳукму амрингға Сулаймондек мусаххар бўлди тут.

Мунча ҳашмат топмоғингдин сўнгра бир адно қулунг
Жоҳ ила мукнатда Қорунча тавонгар бўлди тут.

Поя етти зиналиг тахтингга, етти чарх ўлуб,
Тахтпўшунг зийнати тарсиъ ахтар бўлди тут.

Бўйла тахт узра бўлуб бошинг уза хуршид тож,
Мундоқ олтун тож уза Биржис гавҳар бўлди тут.

Базми ишқинг бодасин Кавсар дейин ё Салсабил,
Жоми Жам ул жонфизо саҳбоға соғар бўлди тут.

Ҳар неким зикр ўлди, охир чун солиб кеткунгдурур,
Тенгдурур, гар бўлмади тут, барчани гар бўлди тут.

Умрға чун йўқ вафо, Тенгри неча бу даҳрча
Ёна халқ айлаб, санга ҳукми муқаррар бўлди тут.

Чун борурсен, авло улким, йўл ярогин айласанг,
Қолибон аксар гуноҳинг, доги аксар бўлди тут.

Сустҳимматлиг била учмоғ не мумкин, эй ҳаким,
Ҳикмат авроқи ики эгнинг уза пар бўлди тут.

Деб эдинг, соқийки, вақт ўлғоч, тутай бир жоми май,
Даврдин миръоти авқотим мукаддар бўлди, тут

Ўлса деб эрдинг Навоий, тиргузай васлим била
Билтур ўлганлар била они баробар бўлди, тут.

70

Тутти кўк ферузагун жомини шингарфий булут,
Соқиё, нилуфарий жом ичра гулгун бода тут.

Чарх даври чун малолат боисидур, неча кун
Чархдек жому шафақгун май била ўзни овут.

Топса кундуз кавн шуғлидин замиринг тийралик,
Кеча бори май қуёшидин замирингни ёрут.

Чун унутқунгдур сен элни, эл сени, бори чекиб
Айш жомин, бу унутмоғларни бир соат унут.

Носиҳо, чун умр ўтар, қўйким, бўлай ишрат била,
Айш таркинким буюрдунг, ўктадур бу навъ ўгут.

Гар зулоли васл, эй солик, қилурсен орзу,
Хотирингни орзулар ўтидин аввал совут.

Эй Навоий, чиқти чун рангин булут, рангин май ич,
Ким сен ўлмай қилғуси кўп жилва бу рангин булут.

71

Жон фараҳ топти, лабинг жавҳари бўлгач анга қут,
Аллоҳ-Аллоҳ, не муфарриҳ бўлур эрмиш ёқут.

Нола манъин қиласен, хотами лаъл огзима қўй,
Бу нигин нақши била қўйғил анга муҳри сукут.

Майи лаълинг не ажаб бодаки, кайфиятидин
Руҳ лояъқилу андин хирад ўлмиш мабҳут.

Ханжаринг тиғида юз кўрдунгу ашким ёғди,
Ёмғур эрмас ажаб, ўлғонда қуёш манзили Ҳут.

Ҳусн мулки уза, оё, не парий эркинсен,
Ки бўлур садқа санга чарх уза хайли малакут.

Ўзлуки боқию зоҳид урадур лофи вусул,
Фоний ўлмай киши топқайму бу даъвоға субут?

Жон ҳалок ўлди Навоийгаву тан зору наҳиф,
Ул ўлукка ясамиш ушбу сўнгакдин тобут.

72

Ваҳки, лаълинг қилди бағрим таҳ-батаҳ қон оқибат,
Қатра-қатра кўздин ул қон бўлди ғалтон оқибат.

Бордингу оғзимға қўйдунг муҳр, афгон чекма деб,
Бу ишингнинг муҳри бўлди доғи ҳижрон оқибат.

Фурқатинг тиғи бузуғ кўнглумни йиқти, оҳким,
Сели офат бирла емрулди бу вайрон оқибат.

Кўнглума қошинг хаёли бўлди танвин нунидек,
Ўйла нунга нуқта бўлди доғи пинҳон оқибат.

Ўлмиш эрдим ғам туни, лаълинг хаёли берди жон,
Зулмат ичра бўлди пайдо оби ҳайвон оқибат.

Соқиё, жом айла доирким, ганиматдур ҳаёт,
Тутқусидур чун ажал косини даврон оқибат.

Эй Навоий, ёр васли гарчи бас душвор эди,
Фоний ўлгач, бўйла душвор ўлди осон оқибат.

73

Кўздин учти ул парий, ваҳким, анга етмакка бот,
Кош анингдек чиқса дермен икки эгнимдан қанот.

Новакинг кўнглумда гар итти, ҳамул андоз ила
Они топмоқ истасанг, жоно, яна бир новак от.

Кош сенсиз ўлсам эрди, эй париваш, қилма таън,
Ким мени мажнунға ортуқтур ўлумдин бу уёт.

Соқиё, бехудмен андоққим, қилурмен касби ҳуш,
Имтиҳонга доруйи беҳуш агар жомимға қот.

Хонақаҳ шайхи ушатти соғарин, эй пири дайр,
Сен каромат кўргузуб, рағмиға тавбамни ушот.

Эй тани хокий, ул ой оллида ҳукми бирдурур,
Гарддек чиқ кўкка ё туфрогдек йўлинда ёт.

Бир дирамким қалб бўлгай, арзимассен, эй кўнгул,
Ҳар неча меҳру вафо бозорида ўзунгни сот.

Телбалар юз пора кўнглидек ясабсен болу пар,
Гарчи гайбатда париға ҳожат эрмастур қанот.

Чун Навоий жонига офат эрур лўливаше,
Соғинур ғули биёбон, кўрса қўнгроту қиёт.

74

Бошим чу гарду кўзум кўр сенсиз ўлмади бот,
Қошингда бош кўтариб, кўз очарга қўймас уёт.

Эрур малойикаи раҳмат ўқларинг жонга,
Малак танида, ажаб йўқ, агар уч ўлса қанот.

Хизр суйики эрур зулмат ичра, тенгму бўлур
Лабинг билаки қуёшдин чиқарди оби ҳаёт.

Ҳабиб ишқи аро буки ўлмадинг, эй Хизр,
Ичиб ҳаёт суйи, зойеъ айладинг авқот.

Қуёшқа кимки юзунг борида қилур сажда,
Парастиш айламак англа Илоҳ оллида Лот.

Кириб қуёш киби қўйма вужуд ғайрға ҳеч,
Ки кўнглум ичра хавотирдур ўйлаким заррот.

Навоий ўлди ўқунг ҳасратидин, эй чобук,
Иноят айла бир ўқ, секретиб анинг сари от.

75

Ғаминг қаттиғлиғин қилсам ҳикоят,
Эшитса тош, анга айлар сироят.

Кўнгул ғам шомидин чиқмоққа бўлди,
Бошоғлиғ новакинг шамъи ҳидоят.

Не навъ оллингда шавқумни қилай шарҳ,
Ки ҳуснунгдек анга йўқтур ниҳоят.

Хаёлинг кўнглум ичра музтарибдур,
Ким ул вайрона иссиғдур багоят.

Кўзунг қонимни ичмакка не ҳаддим
Эрур, они итинг ичса, кифоят.

Дема бир йўлдурур ишқ ичра, эй шайх,
Ки мунда мухталиф келди ривоят.

Навоий қонин ул кўз бирла тўктунг,
Тирик бўлким, будур айни иноят.

76

Танимни қилса ғамзанг юз жароҳат,
Етар ҳар захмдин жонимға роҳат.

Ҳаловат топмайин жоним лабингдин,
Солур захмим аро туз ул малоҳат.

Жамолинг субҳи очиб эрди юз гул,
Қуёш сарғарди, кўргач ул сабоҳат.

Супурдум кўз била кўюнг фазосин,
Ки жонлар жилвагоҳидур бу соҳат.

Бўлур зоҳир лабингдин қатл этар чоғ,
Ўлукни тиргузурдек юз фасоҳат.

Чу сендин айру эрмас ёр, недур
Уйин истаб жаҳон қилмоқ масоҳат.

Қабиҳ этти Навоий Ҳақ жаҳонни,
Элидин тутмағил кўз жуз қабоҳат.

77

Бошиға май чиқибон, бўлди ул ситамгар маст,
Йўқ аҳли ҳусн аро бир ўйла қотили сармаст.

Начукки сарв ниҳоли насимдин эгилур,
Хиром вақтида ул нахли моҳпайкар маст.

Кабутар ўйнамоғидин кўнгул қуши бсхуд,
Хуруж этар бўлубон ўйлаким кабутар маст.

Нс масти арбадагарсснки, чиқса базмингдин,
Бузар замонани бадмастлиғ била ҳар маст.

Лабинг ҳалоки агар боданўш, агар тоиб,
Кўзунг хароби агар ҳушёр эрур, гар маст.

Лабинг хаёлидан ар мастмсн, нс тонгки, эрур
Бу май хаёли била олам аҳли аксар маст.

Навоий усрук агар қилса арбада, тонг йўқ,
Ки шайн ўлур иши, мажнунни гар қилурлар маст.

78

Ё Раб, ул ой ҳуснининг идрокин элга мубҳам эт,
Кўз била кўнглумни ул сирри хафийға маҳрам эт.

Кўйию қадду лаби ёдин манга қилғил фузун,
Жаннату Тўби била Кавсар таманносин кам эт.

Дийда кўрмак истаса онинг юзидин ўзга юз,
Қийрлар бирла бу икки суқба жавфин маҳкам эт.

Гар кўнгул васлидин ўзга васл сурин истаса,
Қисм анга ҳижрон сияҳчолида доим мотам эт.

Хотири савдои ар ул зулфдин ўзга ҳавас
Қилса, они зулфдек ошуфтаҳолу дарҳам эт.

Руҳ ул қад жилвасидин ўзга қилса орзу,
Ҳажр ўти ичра анга дўзах азобин ҳар дам эт.

Кўнглум ўлди ҳажр ўтидин реш, эй соқий, манга
Бодаи кофургун дурдидин олиб марҳам эт.

Йўқ чу олам боғида бўйи вафо, эй пири ишқ,
Жилвагаҳ бир жом ила кўнглумга ўзга олам эт.

Ишқ журмиға Навоийни қоварсен, эй парий,
Қовма, жавру зулм қил, девонаву расво ҳам эт.

79

Ҳарфи ишқ ўлди азалдин сафҳаи жонимда сабт,
Ҳар не андин ўзга барча лавҳи нисёнимда сабт.

Дедим: Эй кўнглумга ўқ урғон, недур отинг, дегил?
Деди: Боқким, айламишлар они пайконимда сабт.

– Қайси шаҳлар боши қасринг даврида бормиш? – десам,
Дерки: Боққилким, эрур ул тоқи айвонимда сабт.

Бўлса тобеъ Вомиқу Мажнун, не тонгким, айламиш
Ишқ туғросин қазо килки менинг шонимда сабт.

Ишқ авроқида, эйким, ўқидинг юз минг бало,
Юз туман онча эрур авроқи ҳижронимда сабт.

Дарди ганжи шарҳини, эйким, тиларсен, қилмишам,
Fусса ниши нўги бирла кунжи вайронимда сабт.

Не ўқирсен қиссада Яъқуб ҳузнинким, эрур
Онча юз бир ой гамидин байтул-аҳзонимда сабт.

Жузв-жузвимни айирибким паришон айладинг,
Бордур онинг шарҳи ажзойи паришонимда сабт.

Ишқ тиғи ёрасидин ўлганим торихини,
Эй Навоий, назм айлаб, айла девонимда сабт.

80

Ваҳки, чиқди отланиб бир масти лояъқил йигит,
Сарвдек елдин от узра ҳар тараф мойил йигит.

Лаъли нўши бирла юз йиллиғ ўлукка руҳбахш,
Ғамза нишидин Масиҳу Хизрга қотил йигит.

Тиғи хунрези ажалдек қатли ом айлаб валек,
Сурса ҳар жониб нечукким умр мустаъжил йигит.

Англамонким ҳурму эркин, ё малакму ё парий,
Ким башар жинсида андоқ кўрмадук ҳосил йигит.

Кўнгли қоттиглиқдин элни ўлтурур, раҳм айламас,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким кўрубтур бўйла сангиндил йигит.

Заҳри чашму тиғи қотил гамзайи хунрез ила,
Қилғучи элга тириклик расмини мушкил йигит.

Ғорати дин қилдию кофирлиг иршод айлабон,
Аҳли куфр алфози бирла ҳар замон қойил йигит.

Қорибон қилма йигитлар суҳбатин ҳар дам ҳавас,
Ким қарини истамас базм аҳлиға дохил йигит.

Эй Навоий, нега бўлдунг телба деб кўп сўрмаким,
Ақлу ҳушум қолмади чиққач бу лояъқил йигит.

81

Ваҳ, қаён борди бузуқ кўнглумни зор этган йигит,
Жавр тиғи бирла кўксумни фигор этган йигит.

Оразин очқанда кўнглумни очиб гулгул валек,
Кирпикидин онда юзминг хорхор этган йигит.

Неча кўнглум тоату тақвоким айлаб ихтиёр,
Жилва қилгач маст ани беихтиёр этган йигит.

Бизни ишқ ойинида расвои олам айлабон,
Офият аҳли қошида шармисор этган йигит.

Ишқ таркидаки юз тадбир этиб кўнглум ниҳон,
Дафъига юз лаъбу афсун ошкор этган йигит.

Мен салоҳу офият ишқингда тарк этган қари,
Сен жафою зулм қатлимга шиор этган йигит.

Тавба айлаб эрдим, эй зоҳид, нетай тутти манга,
Лолагун май, бир узорин лолазор этган йигит.

Билки не ажзу ниёз ойину расм этган қари
Қолғуси, не нозу истиғио дисор этган йигит.

Носиҳо, тарки жунун қилмас Навоий келмайин,
Ишқ даштида ани девонавор этган йигит.

82

Олами ишқ ичра дардинг ўтдурур, ҳажринг ҳам ўт,
Дарди ҳажринг сўзидин кўнглумда олам-олам ўт.

Доғи ишқинг ўйладурким ҳирқатин ўксуткали,
Ёқса бўлгай устига онинг нечукким марҳам ўт.

Не ҳароратдур, майи ишқингда токим ичмишам,
Кўкка дудимни чекар, кўнглумга солиб ҳар дам ўт.

Шуълае тушмиш фироқингдин ҳазин кўнглумдаким,
Ашкдин тўктим ети дарё суйин, бўлмас кам ўт.

Ваҳ, не муҳлик ҳол эрур жонимга лаълинг ҳажрида,
Ким солур дафъига анфоси Масиҳи Марьям ўт.

Бу кеча воқиф бўлунг эвлардин, эй ҳамсоялар,
Ким манга тушмиш фироқ оташгаҳидин маҳкам ўт.

Ҳажр кўнглум кишварин бир ўт била куйдурдиким,
Қилди ишқ аҳлиға дудидин саводи аъзам ўт.

Даҳр бўстони аро сунбул била гул демаким,
Чарх зулми солмиш анда дуд бирла дарҳам ўт.

Эй қуёш, найлаб Навоий куймасинким, бор анга
Ишқинг ўт, ҳуснунг ҳам ўт, лутфунг ҳам ўт, қаҳринг ҳам ўт.

83

Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зори расво бирла дўст,
Ким парий гоҳи бўлур мажнуни шайдо бирла дўст.

Лаълини севдум, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,
Не ғам ўлмактин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст.

Зулфи савдоси, бу савдойи бошинда кўптурур,
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст.

Сарв қадлиқ, гулжабинлик дўстнинг ҳижронида
Бўлмоғум не гул била, не сарви раъно бирла дўст.

Ҳажрдин олам қоронғудур вале, ғам йўқ, гаҳе
Жилва қилса ул жамоли оламоро бирла дўст.

Хизр юз меҳр ила тутқан жоми Жамдин яхшироқ,
Тутса май дурдини юз торожу яғмо бирла дўст.

Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.

Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин,
Чун санга бўлмиштур ул юз минг таманно бирла дўст.

84

Чу қилди жилвагар ул шўхи нўшлаб сурат,
Мени заифқа кўргузди юз ажаб сурат.

Жамоли суратини сафҳада кўруб, иттим,
Тушуб жаҳонни кезарга қилиб талаб сурат.

Не навъ суратидин кўз олайки, маънидин
Бўлурга бир хабар ўлмиш манга сабаб сурат.

Нишот суратидин топқамен дедим, ваҳким,
Муяссар ўлмайин ул берди юз тааб сурат.

Фироқ андуҳида, соқиё, қадаҳ тутким,
Бу кўзгу ичра манга кўргузур тараб сурат.

Ул ой жамоли аро зулфидин ажаб қолдим,
Ки ой аросида қилмиш аён занаб сурат.

Навоийосо дарду фиғон илан менким,
Булардурур манга зотию муктасаб сурат.

Кўйи гардидин кўзумни аввал, эй ҳамдам, ёрут,
Сўнгра марҳам айлабон кўксум шикофин доги тут.

Гар унутти ёр бу маҳзунни, ваҳким, кўнглума,
Бор ани ҳар дам согиндирмоқ десам, сен ҳам унут.

Қадду рухсоридин айру дуду ўтдур, эй рафиқ,
Дема сарву гул била бир лаҳза кўнглунгни овут.

Заҳри ҳажринг бирла чун юз қатла қилдинг талхком,
Нўши лаълинг бирла ҳам бир қатла огзимни чучут.

Зулфи занжири жунунум чорасидур, эй ҳаким,
Ақлдинму эрди бу девонага бермак ўгут?

Ваъдаи васл айлади ул ой, ҳамоно келгуси,
Тиғи ҳажридин шикоф ўлғон кўнгул бу сўзга бут.

Асру ваҳшийдур менинг мушкин гизолим, эй кўнгул,
Чин кийиги гўйиё бермиш анга туққонда сут.

Эй кўнгул, даврон элининг тарки тут ё ҳар нафас
Багринга бир ханжари бедод еб, хуноба ют.

Олам аҳли, демангиз эмди Навоийким, мени
Бир қуёш ҳажри ҳавойи қилмиш андоққим булут.

Баҳор эл гулга мойил, бағрима юз хор ҳар соат,
Етиб ҳар хордин кўнглумга минг озор ҳар соат.

Бу ақшом нотавон кўнглумдин, эй аҳбоб, ўлунг воқиф,
Ки ҳолидин борур заъф айлаб ул бемор ҳар соат.

Бўлурмен ўйлаким, кўрган замон вайрон бўлуб кўнгли,
Бошимда йиглагай ҳам ёру ҳам агёр ҳар соат.

Эмас вайронада ҳар дам ўлардек ҳолатим, ваҳким,
Турубтур бошима емрулгали девор ҳар соат.

Дамо-дам заъфим андиндурки, мужгонинг хаёлидин
Жароҳатлиг кўнгулга санчилур бир хор ҳар соат.

Жунунум ҳар дам афзун бўлса, эй ҳуш аҳли, тонг йўқким,
Кўзумга жилва айлар ул парий рухсор ҳар соат.

Майи лаълингға не кайфият эрдиким, насимидин
Бўлурлар масту бехуд юз туман ҳушёр ҳар соат.

Бу базм ичра не амну айшким, ҳар давр аёғинда
Йиқар бир нотавонни гунбади даввор ҳар соат.

Фано дайрида гар май важҳи йўқ, бас хирқаву дафтар,
Мени майхонадин судратма, эй хаммор, ҳар соат.

Агар бошимға ёғса тош гардундин, тонг эрмаским,
Борурмен ул парий кўйига мажнунвор ҳар соат.

Навоий, то жаҳон аҳлиға сен вобаста, кўнгронма,
Алар жавридин ўлса хотиринг афгор ҳар соат.

87

Таиимға берди жон ул нахл қомат,
Дема қомат ани, дегил қиёмат.

Вафога майл қилмас нахли қаддинг,
Ки топмиш жавр аро кўп истиқомат.

Юз очма, гарчи тутқай кўрса маъзур,
Мени ишқингда арбоби маломат.

Не ғам гар юз менингдек ўлса, ё Раб,
Ки бўлсун ул Масиҳодам саломат.

Абад умрича бор оллида ўлмак,
Буюрма, эй насиҳатгў, надомат.

Недур, эй шайх, ушатмоқ согаримни,
Бутун қил, бор эсанг аҳли каромат.

Навоийни дединг кўюмдин ўтма,
Саломат бўл, десанг айлай иқомат.

88

Эй қошинг фитнаву ул наргиси шаҳло офат,
Йўқтур ул иккида жуз фитнаву илло офат,

Не қаду, не кўзу не гамзаки, ҳар дам андин
Ё балодур манга, ё фитнадурур, ё офат.

Дема раъно қад ила жилвасидин холингни,
Жилва жонимга бало, ул қади раъно офат.

Манга не офият ўлгайки, хаёл этсам, эрур
Юзини юз саридин жонима пайдо офат.

Мунча офатки эрур даҳрда, сендин тушмиш,
Йўқса оламда бурун йўқ эди мунча офат.

Соқиё, бодаки, тақвою риё офатидин
Яхшироқ, бўлса манга соғару саҳбо офат.

Ваҳки, кирпикларининг офати кўнглумга кириб,
Солмиш ул кулба аро бу кеча ғавғо офат.

Фоний ўлгил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур
Хирқаву дафтару тасбиҳу мусалло офат.

Асл улдурки, санамлар сори кўз солмағасен,
Эй Навоий, тиласанг кўрмамак асло офат.

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

89

Агар жаҳонга фалакдин гаме бўлур ҳодис,
Эрур бу хастани гамнок айламак боис.

Магар ўлар куни Фарҳод бирла Мажнуннинг
Балову дардига ишқ айлади мени ворис.

Фироқ хирмани йигдим, висол тухмин экиб,
Замона мазраида борму мен киби ҳорис?

Иёдатимдин ул ой гар қўпар, чиқар жоним,
Тирикмен ар бўлур ул умр бир замон мокис.

Тарнқи ишқу муҳаббат мангаю Мажнунға
Анингдек ўлдики, топмас сипеҳр анга солис.

Сен иста файзи фано дайр гунгу лолидин,
Ки ишқ дарсини билмас мужодилу боҳис.

Эрур Навоию ишқ ичра минг бало, гўё
Фалак ҳаводиси барча анга бўлур ҳодис.

90

Менинг мажнунлуғумга ишқу савдо гар эрур боис,
Ва лекин бу икига бир парий пайкар эрур боис.

Дема боис недурким, талпинурсен ҳар кеча то субҳ,
Тикилган кирпикингдин жонга юз ништар эрур боис.

Кўнгулда оташин лаълинг ғами, айб этма куйсамким,
Туташмоққа таним хошоки ул ахгар эрур боис.

Ўқунгдин пар чиқардим, кўюнга қилсам ҳаво, тонг йўқ,
Ки учмоқ майли қилмоққа бу болу пар эрур боис.

Фироқинг биймидин юз қатла жон бергай эдим, лекин
Ҳаётимга умиди лаъли жонпарвар эрур боис.

Чу мендин юз эвурдунг, тонг эмас, бошингга эврулсам,
Бу саргардонлиғимға гардиши ахтар эрур боис.

Агар раҳн ўлди тасбиҳу ридо майхонада, эй шайх,
Ичарга дайр пири илгидин соғар эрур боис.

Фано баҳрига чўммоқдин ғараз толибқа васл ўлди,
Ки гаввос ўлмакига ғарқ ўлуб, гавҳар эрур боис.

Навоий жисмининг заъфига боис бўлди бедиллик,
Вале бедиллигин сўрсанг, анга дилбар эрур боис.

91

Ваъдаи васлидин этса ул сўзи ширин ҳадис,
Гарчи ёлғон айтур, они согинурмен чин ҳадис.

Истасам васлини, дер ғам тоғи қоз тириоғ ила,
Бўйла ҳаргиз қилмади Фарҳод ила Ширин ҳадис.

Чунки ҳар бир нукта дерсен, сочилур ёқуту лаъл,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким деб эркин бу сифат рангин ҳадис.

Базми айшида ҳадисимни деманг, эй дўстлар,
Ким эрур ғам мужиби неким қилур, ғамгин ҳадис.

Гар такаллумдин ўлукни тиргузурлар хўблар,
Барчасиға маҳвашим гўё қилур талқин ҳадис.

Ишқ сиррин шарҳ қилмоқдин чу қосирдур баён,
Бас керак ошиқ демакни қилмаса ойин ҳадис.

Дарси ишқингни, Навоий, ўйла дер ушшоқ аро,
Ким дегай илм аҳлига Саййид Жамолиддин ҳадис.

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

92

Эй жаҳон мулки хирожи санга бир гавҳари тож,
Мулклар шоҳи қўюб даргаҳинга тожу хирож.

Тузубон адл, кўнгул мулкини обод эттинг,
Мулк маъмур бўлур, адлға шаҳ берса ривож.

Тенгрига гавҳари зотинг эди кулли мақсуд,
Сунъ дарёсин азал субҳи қилурдин маввож.

Эҳтиёж айлабон изҳор қуёш раъйингга,
Халқ андоқки қуёш нурига бўлгай муҳтож.

Пайкаринг туфроғиға хайли малойик ҳомил,
Тахти иззу шарафингга тўқуз афлок давож.

Чун чиқиб тахти хилофат уза Ҳақдин, бўлубон
Ҳукми гарданкашига мулкдин амри ихрож.

Бўйла мардуд ҳадисин нега қилдинг мақбул,
Ким таназзулга бадал бўлди санга ул меърож.

Не тагофул эдиким, ўйла адув макр била
Хоксор этти сени, мулкунга солиб торож.

Рўзгоринг қарориб зулмати исён ичра,
Зор эдинг, афв илки тутмаса оллингга сирож.

Эътироз этма, Навои́ю фузул ўлмаки, Ҳақ
Халқ этиб севди, яна дард бериб қилди илож.

Эл не билсун не эди Ҳаққа бу ишда ҳикмат,
Меҳр нурин не билур шабпараки тийрамизож.

93

Телба кўнглум пўясига анбарин бандинг илож,
Хаста жоним заъфига лаъли шакархандинг илож.

Солиб эрди чоклар бағримға тигинг ҳар тараф,
Бўлди мужгон ўқидин ҳар сори пайвандинг илож.

Муҳлик ўлди шавқ, ё сур тиғ, ё қил жилваким,
Бу икидин ўзга топмас орзумандинг илож.

Ҳажр қатлидин мени тиргузди лаъли, эй Масиҳ,
Ожиз эрдинг, сен нафас асра, гар ўргандинг илож.

Юзу лаъли ҳажридин бемор ўлубмен, эй ҳаким,
Умр зоеъ қилма, қилмас чунки гулқандинг илож.

Дарди ҳажрим саъб эрур — кел, эй ажал, бошимгаким,
Васлдин айру эмас маълум монандинг илож.

Кўнглунг, эй булбулки, юз парканд эрур, гар келса гул.
Барг-баргидин топар парканд-паркандинг илож.

Муршидесен бас ажаб, эй ишқким, матлубнинг
Васлидин ҳам истамас меҳнатқа хурсандинг илож.

Ул парий ҳижронида бўлгон Навоий носиҳе,
Айлай олгайму жунун мағлубига пандинг илож?

94

Эй, сочинг ошуфтаси юз хайли савдоий мизож,
Кўрмадук занжир ҳам савдога боис, ҳам илож.

Васл ишида асру нозуклук тушубтур, эй кўнгул,
Ким эрур ҳам нозук ул гулчеҳра, ҳам нозук мизож.

Дарди ҳажрим арз қилсам, дерки, сабр эт, войким,
Заҳр ила муҳлик маразга кўрмадук ҳаргиз илож.

Тиғ тортиб тожварлар, бошиға чун чопти рахш,
Тандин учти, ваҳки, ҳар ён бошу боштин учти тож.

Зулмунга бўлсам забун юз важҳ ила, не айбким,
Сен ғанисен, мен гадо, сен шаҳ, мен аҳли эҳтиёж.

Туз бўюнг оқу қаролик, долу гул тундин эрур,
Ўйла ўққим, обнўс ўлғай анга пайванд ож.

Кишвари ишқ ичра золим шаҳдур ул султони ҳусн,
Ким кўнгуллар мулкидин жон нақдини олур хирож.

Арш қандили гумон қил шишадек софий кўнгул,
Урмағил дамким, топар елдин халал равшан зужож.

Оҳи муҳликдир Навоий кўнгли захми исланиб,
Эл ўлар, топса ҳавоға чун уфунат имтизож.

95

Эмас лаълинг қатили жонга муҳтож,
Кўзунгнунг кофири нмонға муҳтож.

Лабинг муҳтожидур кўнглум, начукким,
Скандар чашмаи ҳайвонга муҳтож.

Чу майдон ичра сурдунг, бас бу офат,
Эмас наззорагар жавлонга муҳтож.

Тилар кўнглум ўзин ишқинг шаҳиди,
Ки бор ул гамзаи фаттонга муҳтож.

Қочар кўнглум қуши тан кулбасидин,
Агарчи чуғз эрур вайронга муҳтож.

Юзунг қурси қамар, муҳтож анга мен,
Гадо андоққи бўлгай нонға муҳтож.

Фано майхонасида қил гадолиг,
Десангким, бўлмайин султонга муҳтож.

Анга муҳтожроқ менмен, агарчи
Эрур кўп гар боқар ҳар ёнга муҳтож.

Навоий жонға муҳтож эрмас, аммо
Эрур юз жон била жононға муҳтож.

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

96

Кўзи қатл этти кўнғлум зулфи ичра мубтало бўлғач,
Ки қуш бисмил учундур, бастаи доми бало бўлғач.

Етиб мунглуғ кўнгул васлиға ҳеч ўз ҳолини билмас,
Ажаб эрмас гадо ўзни итурса, подшо кўргач.

Не сўрдунғ бир йўли ноғаҳ қарорған рўзғоримни,
Бу ҳол ўлди бир ой ҳижронидин шомим қаро бўлғач.

Қачон бўлдунғ, деманғ, бегона ақлу ҳушу тақводин?
Муни сўрмоғ не ҳожат? Ул париға ошно бўлғач.

Малойик хайли жонидин тўла бўлди фалак жавфи
Жаҳонда ул парий васлиға жон нақди баҳо бўлғач.

Улусқа тийрборони балийят ёғди, ул ойнинғ
Сипоҳи ҳусн аро мужгони — новак, қоши ё бўлғач.

Хижолатлар келур Фарҳоду Мажнун руҳиға ҳар дам,
Менинғ ншқим сўзидин халқ ичинда можаро бўлғач.

Замон аҳли вафосизлиқ била ғар қилдилар қатлим,
Фараҳ топқай магар руҳум, алар даъби вафо бўлғач.

Чу кетти баргу гул, булбул наводин қолди, кўргилким
Навоийдек эмиш ул доғи бебаргу наво бўлғач.

97

Турра марғулин очиб рухсори маҳ сиймога соч,
Тун саводи анбарин меҳри жаҳонорога соч.

Сарви гулрўйим қилур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сориғ, қизил гул, ул гули раънога соч.

Йиғлама, эй кўзким, ул ой бўлғусидур меҳмон,
Гар сочарсен юз гуҳар, ул гавҳари яктога соч.

Ёрдур шамъи шабистоним бу ақшом, эй сипеҳр,
Ахтарингнинг дурларин бу базми меҳросоға соч.

Ташнаға бер файз, эй абри карамким, йўқ осиғ,
Гар суни юз қатла дарёдин олиб, дарёга соч.

Дайр аро дин аҳлининг кўнглига зулфи бўлди қайд,
Булажаб зуннордур, ул дилбари тарсоға соч.

Зуҳд элин май бирла расво айладинг, эй муғбача,
Журъае ҳам нетти раҳм айлаб мени расвоға соч.

Йўқ бу дунёда вафо, эй сарсари дашти фано,
Гарди нисён совуруб, дунёву мо фиҳога соч.

Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу,
Бас ҳаётинг нақдини ул лаъли руҳафзога соч.

98

Тўлгади сабрим, қўлин зоҳир қилиб дилдор куч,
Гарчи нозукдур ва лекин бор анга бисёр куч.

Ишқ уйларни йиқар, ошиққа кин қилмоқ недур,
Мўр хайлига қачон пил айламиш изҳор куч.

Қош агар будур, сенинг ёйингни чекмак саъб эрур,
Кимса илгида чу мақдур эрмас ул миқдор куч.

Кўзларинг бедоди жон бирла кўнгулга тонг эмас,
Не ажаб, дин аҳлиға гар кўргузур куффор куч.

Заъф аро ул кўйдин судрар қўлум тортиб рақиб,
Банддин ойирғудекдур қилса ноҳинжор куч.

Соқиё, мен хастадин бадмастлиг эрмас ажаб,
Кўргузур кўпрак заиф элга майи хаммор куч.

Ишқ аро андоқ забундурменки, айларлар манга
Ҳам гадо, ҳам шоҳ куч, ҳам ёру ҳам агёр куч.

Соғ эканда ҳажр аро куч бирла ўзни асрарам,
Лек май ичканда айлар йигламоқ бисёр куч.

Куч била ўлтурди ул золим Навоий хастани,
Неча торта олғай охир бир заифи зор куч.

99

Чиқти боғлаб яна ул кофири хунрез қилич,
Мает ҳар сори сурар рахш, чекиб тез қилич.

Қиличин кўрдуму жонимға тараб юзланди,
Турфадур қон тўкуб ўлмоқ, тарабанғез қилич.

Қатра қонларки, томар тиғидин, учмоқ гулидур,
Ки шаҳидин қилур ул ғамзаға хунрез қилич.

Ҳар қаён тиғ солур, кўнғлум осиғлиғдур анға,
Бўйла қатл аҳлида ким кўрди диловез қилич.

Ламъайи тиғи дема, барқ чоқилған кибиким,
Гўйиё кескали илғидин этар хез қилич.

Ишқ аро ажзини кўрғилки, ўларға Фарҳод
Хасми фартут тилин айлади Парвез қилич.

Шаҳ Навоий тилидек тиғ ила кўп мулк очти,
Тортмиш очқали Бағдод ила Табрез қилич.

100

Чиқти жон, қошима жонон киргач,
Ким ҳалок ўлғон экин жон киргач?

Келурингга ясадим кўнглум уйин,
Ясалур кулба, чу меҳмон киргач.

Ўзни асрармену кўнглум чекар оҳ,
Ногаҳ ул сарви хиромон киргач.

Оҳдин шуъла етишкандек эрур,
Ўқидин кўнглума пайкон киргач.

Юз жунун шағбаси айлар пайдо,
Ул парий кўнглума пинҳон киргач.

Даҳр уйи ичра иқомат тилама,
Чиқмамоқ анда не имкон, киргач.

Борма кўйига, Навоийки, қочар
Ёр, сен телбаи урён киргач.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРОМИЙЛАРИНИНГ ҲУСН ОРОЙЛИҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

101

Зиҳи тақаддумунг Одамга бас ҳадиси саҳиҳ,
Бу нукта «кунту набийян» ишоратида сариҳ.

Азалда васлингу ҳажринг магар насиб ўлди,
Ки жон топарни Хизр олди, жон берурни Масиҳ.

Сўзунгни хони нубувватқа Тенгри туз ясади,
Зиҳи камоли малоҳат, зиҳи каломи малиҳ!

Чу сен чекиб «ана афсаҳ» таронасин, қочириб
Аларки даъво ила сўз очиб, деб ўзни фасиҳ.

Демак шариати байзони меҳрга рожиҳ,
Қуёшни заррага қилган кибидурур таржиҳ.

Юзунг сабуҳи азал бодасидин андоққим,
Не субҳға бу сабоҳат, не меҳр мунча сабиҳ.

Навоий ўлди ниҳон ишқинг ичра, тиргуз ани,
Неча ниҳон тутайин, айладим ўлуб тасриҳ.

102

Бу кўҳан дайрда ич шому сабоҳ,
Роҳати руҳ тилар бўлсанг, роҳ.

Чун қуёш лоласи тонг гулшанидин
Чиқти, тут лола масаллик ақдоҳ.

Анга тегруки шабистони сипеҳр,
Еткирур руҳ димоғиға риёҳ.

Яна ул вақтқачаким, хуршид
Кўк биёбонида бўлғай сайёҳ.

Қўйма муғ дайрида жом илгингдин,
Дайр пири чун ани қилди мубоҳ.

Рўзгоринг бузуғ эткан эса чарх,
Сен киму айламак ани ислоҳ?!

Кўп гириҳ тушти Навоий ишига,
Сен кушоде бер анга, ё Фаттоҳ.

103

Эй, хату жонбахш лаълингдин нишон Хизру Масиҳ,
Балки бу икки уётидин ниҳон Хизру Масиҳ.

Хат лабинг узра, лабинг юз узрадур қилғон киби
Оби ҳайвону қуёш узра макон Хизру Масиҳ.

Ул ёшунгой зулмат ичра, бу фалакдин ёнмагай,
Кўрсалар хатту лабингни ногаҳон Хизру Масиҳ.

Гар Масиҳу Хизр кўздин ғойиб ўлмишлар, не тонг,
Сабзаву оби ҳаётингдур ҳамон Хизру Масиҳ.

Гўйиё Руҳул Қудус яъни дамингдин етти файз,
Ким муаббад топти умру берди жон Хизру Масиҳ.

Йўқ даминг, балким насими гулшанинг айлар саҳиҳ.
Бўлсалар муҳлик мараздин нотавон Хизру Масиҳ.

Хаттидин лаълига еттим, лаълидин топтим ҳаёт,
Ул икав бўлди манга, эй хаста жон, Хизру Масиҳ.

Солики фоний таважжуҳдин тараддуд айламас,
Етсалар маҳви шуҳуд бўлган замон Хизру Масиҳ.

Дайр пири қўлдабон, тиргузди майдин муғбача,
Эй Навоий, бу икавни қил гумон Хизру Масиҳ.

104

Бода келтур, чун қуёштин чекти махфий жом субҳ,
Ким эрур жоми нишот ичмакка хуш ҳангом субҳ.

Ошкоро бодаи гулранг ичмак хуштурур,
Чун ниҳон айлар кавокиб гулларин гулфом субҳ.

Сиймбарларким, сабоҳат бирла тутқайлар қадаҳ,
Не бало хуштур тулуъ этканда сиймандом субҳ.

Сарғариб ашкин тўкуб, мендек яқо чок айламиш,
Бир ниҳони меҳр ила то бўлди беором субҳ.

Ваҳки, ул субҳи узору шоми зулф андуҳидин
Йиғларам то субҳу шом, афғон тузуб то шом, субҳ.

Даҳр гулзорида ҳар тун чеккали жоми сабуҳ,
Еткурур тонг булбули фарёдидин пайғом субҳ.

Субҳи васл уммидидин ўлди, Навоий шоми ҳажр,
Анга не суд, ўзгаларга ҳосил этса ком субҳ.

105

Истамон май бўлса хуршиди жаҳоноро қадаҳ,
Тутмаса базм ичра ул шўхи қадаҳпаймо қадаҳ.

Ёр чун тутти қадаҳ, ичмон демак бўлмас, валек
То не ҳол ўлғум яна ичкач мени шайдо қадаҳ.

Ҳажр андуҳида оз май тутмас, эй соқий, мени
Базм аҳлидин тўлароқ тут манга амдо қадаҳ.

Бир қуёш ҳажридин андоқменки ичкум сипқариб,
Тутсалар, солиб шафақгун май, сипеҳросо қадаҳ.

Ҳажр дафъин чун табиби ишқдин сўрдум, деди:
Ким эрур ё васл, ё жон тарки қилмоқ, ё қадаҳ.

Бу фано дайрида зоҳир бўлди анфоси Масиҳ,
Ким ичиб тутти манга ул дилбари тарсо қадаҳ.

Чун хумор илгимни қилди раъша, жоно, огзима
Нетти ўз илгинг била тутсанг солиб саҳбо қадаҳ.

Су хумор аҳли ичарлар, ул ҳам ўлгандин зарур,
Ичмагум ҳайвон суйин, эй Хизр, топқум то қадаҳ.

Чун харобот ичра маст ўлдум ичиб, эй майфуруш,
Риндлар бирла солиб ғавғо мени расво қадаҳ.

Шаҳна базмига не ҳосил, гар кириб ошуб ила,
Чекмасам шоҳид била мутриб, қилиб ягмо қадаҳ.

Чексалар, тонгла тутуб Боғи Жаҳоноро сари,
Дайр аро топиб суроҳи, айлабон пайдо қадаҳ.

Ваҳ, не ҳол ўлгай аларгаким, Навоийдур дебон,
Тонибон чорлаб, манга лутф айласа Мирзо қадаҳ.

Хусрави Fозийки, жоми Жам анга бўлсун насиб,
То қуёштин кўргузур бу торами аъло қадаҳ.

106

Эй сенинг кўюнг ҳарими туфроғи юз пок руҳ,
Солқинидин соврулуб ул навъким хошок руҳ.

Руҳ агар юз важҳ ила туфроғинг ўлса, не ажаб,
Лутф аро жисминг била чун тенг эмас юз пок руҳ.

Хилқатим боғида ул гул ҳайфким, бордур манга
Зор тан, мажруҳ жон, маҳзун кўнгул, гамнок руҳ.

Ул қуёш қасрига майл айлар танимдин чиқса жон,
Кимса ўлгандекки, бўлгай озими афлок руҳ.

Жон фидо бўлсун сангаву руҳ садқангким, эмас
Жон чучук лаълингдегу қаддинг киби чолок руҳ.

Мўъмин ўл ажсод ҳашригаву даъво қилма кўп,
Ким азобу неъматин тонгла қилур идрок руҳ.

Тиғи ишқидин Навоийга не даҳшат, негаким
Телбадур жону фидоидур кўнгул, бебок руҳ.

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «БАДОЕЪ»ДИН

107

Жафо тариқида андин эрур жаҳонга русух,
Ки қилди меҳру вафо расму ройини мансух.

Жаҳонга чунки вафо бўлмаса, ажаб эрмас
Ки, бўлса аҳли жаҳонга доги жафода русух.

Соғинма барча пишиғ сўзни таъб этар ошом,
Бўлур муқаййию ҳозим чу иккиси матбух.

Камолдин неки ўтти, яна топар нуқсон,
Ки кўп яшаб, кирар атфол чаргасига шуюх.

Дуруштхўй қилур элни чирки дунёлиқ,
Нечукки, қилгай ирик жамъ бўлса узвида шух.

Чу сифла ганж топар, мужиби ҳалоки эрур,
Ки ҳайзадур мушук илгига чун тушар маслух.

Навоиё, тила фақру риёйи элдин қоч,
Ки одамилар эрур ўзга, доғи ўзга масух.

108

Қотилеким, анга эрмас киши асло густох,
Тўлди қонимки, бўлубмен мени шайдо густох.

Эй кўнгул, ўзни ясаб маст, тилармен ҳар кун,
Айласам лаълидин ўпмакни таманно густох.

Бу маҳол амредурур, чунки тахайюл бирла
Қила олмон ики лаълини тамошо густох.

Мен сияҳрўз киму васлики, ҳаргиз кундуз
Бўла олмасмен анинг кўйида пайдо густох.

Хатти даврига, не тонг, эврула гар олмас Хизр,
Ким бу журъатда эмас гунбади хазро густох.

Ул парий ваҳшати ишқидин эта олмон анга
Телбалик бирла ҳам ўзни, мени расво густох.

Хонақоҳ ичра тутуб савм, су ичмак бўлмас,
Бўл хароботию чек соғари саҳбо густох.

Файзи қудсий тиласанг кўнглунгга бўлгай зоҳир
Аҳли ботин қошида сўз дема асло густох.

Эътидол иста, Навоийки, фано дайри аро
Улки йўл топмади, ё коҳил эрур, ё густох.

109

Дилраболар гар кўнгул олмоқдадурлар асру шўх
Лек дилдорим эрур бу шўхлардин айру шўх.

Шўхлардин баъзи олса жону баъзи берса жон,
Сен қилурсен иккисин, ваҳ, сен киби бўлгайму шўх.

Шўхлардин ҳар дам ул тифл айлар ўзга навъ ноз,
Кўнгли истарни қилур хўбеки, бўлса тифлу шўх.

Гаҳ кирар кўздин кўнгулга, гаҳ кўнгулдин жон аро,
Тутмаса ором, тонг йўқ, нозанин, бўлди чу шўх.

Шўхлар ичра бири кўнглум олибдур, войким,
Десалар, де қайси шўх олмиш, дей олмонким, бу шўх.

Гар намозим саҳв бўлса ҳар дам, эй зоҳид, не тонг,
Ким эрур моҳимки, анг ўлтурубтур ўтру шўх.

Эй Навоий, бир замон кўнглунг эмас осуда, кош
Кўнглунг олган бўлмагай эрди бу янглиг асру шўх.

110

Гарчи ул ширинлаб ичган май эрур бисёр талх,
Лек мен ичган майи ҳажри юз онча бор талх.

Май неча талх эрса, ҳижрон шарбатича талх эмас,
Заҳри қотил, онгламон, бўлгайму ул миқдор талх.

Аччиг-аччиғ дам-бадам шўробам этманг айбким,
Қилди айшим ҳажр ила бир шўхи ширинкор талх,

Ҳажри заҳри ичканимдинму экин, оё буким,
Набз соқит бўлмишу оғзим эрур бисёр талх.

Найлай ўлмайким, ҳаётим шарбатин мен телбага
Қилди ҳижрон заҳри бирла ул парий рухсор талх.

Кўп чучуклуктин очиғлиқ анфаъ ўлди ишқ аро,
Шарбати аттор эрур ширин, майи хаммор талх.

Талх май бирла мени мает айла, эй соқийки, бор
Ҳажр аро умрум, гар ўлсам лаҳзае ҳушёр, талх.

Диним аҳволига аччиг йигларамким, муғбача
Нўш этар дайр ичра ҳар дам жоми муғкирдор талх.

Ёр ширин лаълидин ҳар лаҳза айлар нўшханд,
Ишқидин ҳар дам Навоий гарчи йиғлар зор талх.

111

Мени ҳавосида девона айлади ул шўх,
Жунуну ишқ ила афсона айлади ул шўх.

Парий киби чиқибон ҳушу ақл ғорат этиб,
Ниҳон ўлуб, мени девона айлади ул шўх.

Ушатти шишаву, жому қадаҳни базм ичра,
Ўюн тариқини тифлона айлади ул шўх.

Қулоқ солингки, харобот ичра ғавғодур,
Магар азимати майхона айлади ул шўх.

Қадаҳға хирқам этиб раҳн, ваҳки, субҳамни
Қимор айлагали дона айлади ул шўх.

Чу олди ўйнагали нақди ҳушу сабримни,
Яна топилмадилар — то не айлади ул шўх.

Қилиб Навоийи оворани жалои ватан,
Балову дардға ҳамхона айлади ул шўх.

112

Ҳар нечаким санга жафода русух,
Мен жафокашгадур вафода русух.

Банди зулфунгни кимки қилса ҳавас,
Анга вожибдур ибтилода русух.

Юзи миръотин орзу қилған
Керак этса аён сафода русух.

Соқиё, бер қадаҳки, ҳижрондин
Жонғадур дард ила анода русух.

Сидқ аро пири дайр росихдур,
Лек зоҳидгадур риёда русух.

Қилма ишқ ичра даъво, ар қилсанг,
Зоҳир эткил бу можарода русух.

Эй Навоий вусул агар тиласанг,
Ишқ аро фош қил фанода русух.

113

Сочингки, юр чогида борди ҳар тараф бир шох,
Су ичра сунбули тардур анга мукаррар шох.

Демайки сунбули тарким, суда эрур акси,
Ки суда сунбули тар кўргузур муанбар шох.

Магарки сунбулунга чирмашур тахайюли бор,
Ки зоҳир этти тароғ сандали саросар шох.

Чаманда қилғуси гулгашт гўйиё ул сарв,
Ки очти соя учун ҳар тараф санавбар шох.

Ёшил енгингки сариғ дакладин кўрунди, не тонг,
Хазон дарахти бўлур ҳам бирорта ахзар шох.

Карам қил, эл панаҳинг ичра кирсаким, хуштур
Чаманда мева доги берса соягустар шох.

Навоий, онгла яқинким, ҳаёт риштасидур,
Қўлунгға кирса анинг иқди зулфидин ҳар шох.

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «БАДОЕЪ»ДИН

114

Қани сенинг киби маҳбуби оқибат маҳмуд,
Ки зилли отифатинг бўлсун эл уза мамдуд.

Жамол аро мутажалли юзунгда партави Зот,
Камол аро муталоло ўзунгда нури вужуд.

Вужудунг икки жаҳон хилқатидин ўлди мурод,
Начукки зотинг ўлуб икки кавндин мақсуд.

Не жуд эрур, не вужуд элга зотинг оллинда,
Санга чу келди мусаллам вужуд бирлан жуд.

Нубувват авжида кўп толеъ ўлди кавкаби саъд,
Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Чу сен мушоҳада шоми шуҳуд қозғондинг,
Киши не билдики, шоҳид ким эрди — ким машҳуд.

Навоий, ўлса гунаҳ дуди бирла номасиёҳ,
Ғами йўқ, ўтти эрур чун шафоатинг мавъуд.

115

Хўблар базмида жамъ ўлмоққа бор ул ой мужид,
Ҳуснин изҳор айламакка истар атрофида зид.

Гар жамол аҳли жафо боғида бор аҳли камол,
Лек ижоди жафо қилмоққа сенсен мужтаҳид.

Эрни шавқида совуғ оҳу исиғ кўнглумдин ашк
Гоҳ қон янглиг равон, гаҳ лаъл янглиг мунжамид.

Қаҳр ё лутф улча андин келса миннат жонима,
Мен ким ўлдум бўлгали мункир анга ё муътақид?!

Остонинг такягоҳимдурки, тахти жоҳ эрур,
Лек дарбонинг мадоросига эрмон мустанид.

Дилбарим андоққи келди ҳусн мулки ичра фард,
Шукрким, мен доғи аҳли ишқ аромен мунфарид.

Ишқи комил гулшани ичра гули раъно недур,
Билҳакиқат бўлмаса маъшуқу ошиқ муттаҳид.

Дўстлуғ ким қилса, душманлиқ топардин даҳр аро,
Бўлмамиш гўё муҳаббат аҳли ҳаргиз мунъақид.

Истарам, кўргач ани, афгонлар айлаб ўлгамен,
Соқиё, бир жом ила бўлғил Навоийга мумид.

116

Ўзин шаккар деса лаълингға монанд,
Қилай тишлаб ани парканд-парканд.

Лабинг ўпмакка ҳаддим йўқ, бўлубмен
Тахайюл бирла ўпмакликка хурсанд.

Мени чун ул париваш телбаратти,
Не суд, эй носиҳ, эмди телбага панд.

Магар Тенгрига Одам хилқатидин
Мурод эрди сенингдек турфа фарзанд.

Лабингнинг шаккари айлаб табассум,
Гули хандонға кўргузди шакарханд.

Жаҳон раъносиға берма кўнгулким,
Анга олдурмамиш кўнглин хирадманд.

Навоий найлабон сендин узулгай,
Чу топтинг риштаи жониға пайванд.

117

Кўнгулнинг хонумонин берди барбод
Ғами ишқингки, хонумони обод.

Мени ёд айламакни чун унуттунг,
Унутуб, нетти гоҳе айласанг ёд.

Фироқинг кунжида тун-кун эрурмен
Ғамингдин шоду мендин ҳам гаминг шод.

Сенга сайд ўлғали урён бўлубмен,
Қачон юлди тириклай қушни сайёд.

Кўнгул жинси башардин асраб охир,
Мени девона қилди бир паризод.

Сен ич махсуслар васлида майким,
Мени ҳажр этти қон ютмоққа муътод.

Вафолиг туз бу гулшан ичра йўқтур,
Агар насрину гул ё сарву шамшод.

Не шайхи хонақаҳ майдин қилур манъ,
Ки қилмиш дайр пири бизга иршод.

Навоий, ёр фарёдингға етмас,
Анинг фориглиғидин айла фарёд.

118

Ёр васлидин узуб эрдим мени шайдо умид.
Шоҳ лутфи қўймади шайдо кўнгулни ноумид.

Ўртар эрди ҳажр навмид эрканимда, войким,
Шавқ ўти кул қилғудекдур бўлгали пайдо умид.

Бир назардин гар бўлур жоним гаҳе осуда, бас,
Мундин ортуқ васлидин йўқтур манга қатъо умид.

Ҳайрат айларлар менинг ҳолим кўруб аҳли жунун,
Ақлдин, ваҳ, қайда тутгаймен мени расво умид.

Йўқ ажаб, гар одамийлигдин чиқиб девонамен,
Чун манга бор ул парий пайкар, малаксиймо умид.

Ҳажр навмид эрканимда, ўртар уммидимда шавқ,
Ваҳки, ё навмидлиг айлар ҳалоким, ё умид.

Ҳам жафо, ҳам жавр умиди бордуру ҳам лутфу меҳр,
Ҳар жиҳатдин йўқтурур андин манга илло умид.

Ҳажр дардига даво бехудлуғ эрмиш, соқиё,
Бу бало ичра тутармен согари саҳбо умид.

Эй Навоий, ғарқи баҳри ваҳдат ўлсам, не ажаб,
Менки кўз дарёсидин туттум дури якто умид.

119

Доми зулфу донаи холидин этса ёр сайд,
Йўқ халойиққим, малойик бўлғуси бисёр сайд.

Ул кўзи сайёд агар жон қасди айлар сайдга,
Оллида ўлгай бўлуб жон бирла миннатдор сайд.

Аллоҳ-Аллоҳ, не бало ул ҳусн эрур мардум фириб,
Ким ани кўргач бўлур ҳам ёру ҳам агёр сайд.

Сайдгаҳда қочмас андин сайдким, жон бергали
Секребу ўйнаб, нишоту завқ этар изҳор сайд.

Сайди гулранг олди хирман-хирман ул гул хирмани,
Лолазори даҳр аро ким кўрди бу миқдор сайд?

Хуштур ўлсам итларига тўъма, не имкони бор,
Шоҳ фитрокига етмак бир заифи зор сайд.

Ҳар киши нафс итлигидин айласа ўзни халос,
Ваҳш хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

Жоми заррин тутки, бўлмас меҳр кўргузмак била,
Кимсага заррин ғизоли чархи кажрафтор сайд.

Эй Навоий, гар десанг минг зулм бирла ўлмайин,
Бевафолар макри бирла бўлмағил зинҳор сайд.

120

Буки ҳар ёндин кўкартибдур юзумни кожи дард,
Жисм уйи тоқини олтун бирла қилдим ложувард.

Май юзунгда гуллар очти, қилма фарёдимни манъ,
Булбул афғони не тонг, очилди чун гулшанда вард.

Булажаблиглардурур ишқ ичраким, зоҳир қилур,
Меҳрдек ўтлуқ кўнгулдин дай елидек оҳи сард.

Ғам тоши хоки танимдин ҳар сари элтур ғубор
Бошима туфрог совурмоғдин эмас теграмда гард.

Ул қуёш зулфи хамидин чикса оҳим тўлганиб,
Бир қуюн бил ониким, даври эрур гардуннавард.

Эйки, истарсен ўзунгни фард ул ой ишқида,
Аввал онинг гайри ёдидин ўзунгни айла фард.

Эй Навоий, дардлиг назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз доғи бўлур, они ўқуғоч, аҳли дард.

121

Эй жамолинг қошида лол хирад,
Ишқинг ошубиға помол хирад.

Андаким сен қилибон жилваи ҳусн,
Ҳуш ўлуб зойилу бадҳол хирад.

Ишқ масх айлади, гарчи бор эди
Илм ашколига ҳаллол хирад.

Чиқмади туз йўлидин ишқ аҳли,
Нечаким айлади излол хирад.

Ишққа ақл залил ўлмаса, кўр,
Не қолур, чунки кетар доли хирад.

Ич майи ишқу Навоий, маст ўл,
Келтурур бўлса кўп ашкол хирад.

122

Ўйла ҳижрон тошларин ёгдурди чархи тезгард,
Ким сипеҳр авжигача хоки танимдин чиқти гард.

Ёр ила аҳбоб мендин айрую мен барчадин,
Йўқ ажаб, гар барчанинг дардича бўлса менда дард.

Ҳажр тошидин кўкарди пайкарим ёхуд бу ранг
Айлади урён танимни, баски чектим оҳи сард.

Каҳкашондин чекма саф анжум сипоҳин шоми ҳажр,
Мен ўлубмен, эй фалак, ҳожат эмас қилмоқ набард.

Ашку оҳимдин натижа бўлди қонлиг тоза дог,
Гўйи ул сую ҳаводин очилур бу навъ вард.

Эй кўнгул, гар худ хазон фасли эмас, ҳижрон куни,
Нега боғ аҳлиғадур титратмаву рухсори зард.

Халқнинг қайди Навоийни паришон айлади,
Кимки жамъият тилар, қилмоқ керактур ўзни фард.

123

Қадинғ деб сарвни жон бўлса хурсанд,
Ажаб ёлғондур, аммо ростмонанд.

Шакар чун қилди ширинликни даъво,
Эшиткач лабларинғ қилди шакарханд.

Кўнгул жонимға етмиш эрди, юз шукр,
Ки қилди итларинғ парканд-парканд.

Ити бағрим еғандин ўлса, айланғ,
Кесиб бағрин, кесук бағримға пайванд.

Бу навъ ар зулфи савдоси олур ҳуш,
Эрур саъб, эй ҳаким, ўлмоқ хирадманд.

Талаб йўлинда аввал фоний ўлғил,
Ки йўқ бу йўлда ўзлукдин оғир банд.

Навоийға яна кўп панд берма,
Кел, эй носиҳ, эшит сен доғи бир панд.

124

Ишқ ўзлук нафйи айлар, зуҳд ила тақво не суд?
Чун вужудунг манфи ўлди, кибру истиғио не суд?

Суду сармоянг нечун нобуд қилди бир йўли,
Сен пишурмак ҳар замон бир ўзгача савдо не суд?

Телбараб элдин чиқиб, йўлинда жон бердинг валек
Раҳм қилмас ул парий пайкар малаксиймо, не суд?

Ошиқ ўлдунг васлидин суд истабон, оё фироқ
Қўймади нақши вужудунгдин асар пайдо, не суд?

Ишқ дарёсиға суд уммидидин кирдинг валек
Бўлмади охир насибинг ул дури якто, не суд?

Ёр эрур жон ичра, сен гофил вале истаб ани,
Кеча-кундуз ел киби бўлмоқ жаҳонпаймо не суд?

Суд қилди улки ичти васл базми ичра май,
Бизга соқий тутмади бу согари саҳбо, не суд?

Истасанг фақр, ўрта олам суд ила сармоясин,
Кўнглунга то эврулур дунёву мо фиҳо, не суд?

То Навоий ишқ бозорида савдоий эрур.
Жуз зиён не топти бир сармоя ул расво, не суд?

125

Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд,
Лек анинг ёди била кўнглум эрур ҳар дам шод.

Зулфидин сурди кўнгулларни кўзи арбадаси,
Домдин кўрмади эл сайдни сурмак сайёд.

Қоматинг бандасидур сарв, вале хидмат аро
Кўрубон ростлиғин они қилибсен озод.

Қатлима чиқти этак белга уруб, тиғ чекиб,
Қон тегардин аяб эркин этагин ул жаллод?

Чунки Ширин кўзи беҳад қорадур, бас неча мил
Тошни сурма недин айлади оё Фарҳод.

Ўзгаларга ичур, эй соқийи даврон, майи васл
Ким, манга заҳри фироқ ичмак ўлубтур муътод.

Мунча фарёд Навоийдин эмас ҳажр туни,
Ким қилур ҳар кеча фарёдидин эл ҳам фарёд.

126

Рухсори жонибида ул холи анбаролуд,
Ўт гўшасида гўё анбар тушуб қилур дуд.

Баҳри ғам ичра ашким кўнглига раҳм солди,
Дарё мусофиримен — гардундин айлаган суд.

Базми гамида шаҳмен, сориғ юзумда қон ёш,
Бу — лаълранг бода, ул — согари зарандуд.

Кўнглум гадолиг айлар, огзингни гарчи топмас,
Йўқ ваъда бирла они қилсанг не бўлди хушнуд.

Келким, йўлунгда туфроқ, бошингға садқа бўлсун
Ҳам жисми дардпарвар, ҳам жони ранжфарсуд.

Нобуду буд фикрин маҳв эт замирдинким,
Не буд қолғусидур охир санга, не нобуд.

Сархуш таронагустар бўлмишсен, эй Навоий,
Соқий, сен эмди тут май, мутриб, сен эмди туз уд.

127

Туш-тушумдин душману йўқ дўстдин қатъо умид,
Қилма, ё Раб, дўстдин душманни мендек ноумид.

Ушбу муҳлик варта ичра гарчи элдин қолмамиш
Ҳеч умидим, қатъ қилмон дўстдин аммо умид.

Ўйла гирдоби бало ичра тушубтурменки, бор
Неча дерсен бийм, аммо йўқтурур пайдо умид.

Жон фидо қилдим — мени навмид қилди васлидин,
Лаълидин жон истар элга йўқтурур илло умид.

Соқиё, муҳлик гамимга шодлиғ имкони йўқ,
Не тутай сендин яна жоми нишотафзо умид.

Ёр васлидин вафо кўз тутмасам, айб этмаким,
Умру давлатдин вафо тутмайдурур доно умид.

Не висолу не умиди васл, ваҳ, ўлмай нетай,
Эй Навоий, кошки ё васл бўлса ё умид.

128

Ҳам аёғида ўтук, ҳам бошида дастори тунд,
Ошиқ ўлтурмак учун боштин аёғи бори тунд.

Тундлиқ манъин не навъ айлай ангаким, ўзганинг
Бир иши бор эрса, бор онинг бари атвори тунд.

Даҳрни рахши агар зеру забар истар, не тонг,
Ким эрур ҳам ўйнамоғи тунду ҳам рафтори тунд.

Ул киши ҳар лаҳза билгай ўлмаким кайфиятин,
Ким бўлур ҳар дам анга бир кофири хунхори тунд.

Эй сабо, тунд эрди бадмастим кеча бўстон аро,
Субҳидам уйқуға бормиш — эсмагил ул сори тунд.

Дайр пирин тунд агар қилмиш хумор, эй муғбача,
Жомини қуйғил тўло, анда майи хаммори тунд.

Эй Навоий, даҳр коми йўқ эса, тунд ўтмағил,
Анда юз ком арзимас бир дам бўлурга бори тунд.

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЛ ҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛУҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

129

Жунун дафъиға қилдим юзда қон ёштин аён таъвиз,
Ки ёзғонда керак шингарф бирла заъфарон таъвиз.

Бўлубтур тоза қонлиг доғу тирног хатлари бирла
Таним ул навъким, кўрган киши қилгай гумон таъвиз.

Дема таъвизким, афсуни савдо эрди кўнглумга,
Ки ошти шуълаи ишқу жунун ёзган замон таъвиз.

Манга ёзинг дуоким, ул парини кўргамен ногаҳ,
Ёзарлар чун парий кўзга аён бўлган замон таъвиз.

Жунунумдин парирўйумга ҳам савдо асар қилса,
Битидиклар кўзи кўнглум қушидин тўкса қон таъвиз.

Мени ишқ айламиш девона, эй роқий, не суд эткай,
Неча қилсанг баён афсун, неча қилсанг аён таъвиз.

Навоий ишқ асрорин ёзиб, бўйнига осибдур,
Тасаввур қилмагайсен, эй рафиқи меҳрибон, таъвиз.

130

Лабинғ ҳукми эрур қонимға нофиз,
Демай қонимғаким, жонимға нофиз.

Неким кофир кўзунғ фармони бўлғай,
Эрур ул дину имонимға нофиз.

Эрур, ҳар зулмким амр айлагунғдур,
Ўқунғдек жисми урёнимға нофиз.

Кўнгул маҳкуми амринғдурки, ҳукмунғ
Эрур бу мулки вайронимға нофиз.

Шаҳ ўлсам, бандамен оллида ҳошо,
Ки бўлғай ҳукм жононимға нофиз.

Кўнгул иттики, зулмунғ бор эди ул
Алохону аломонимға нофиз.

Навоийни лабинғ қатл этса, тонғ йўқ,
Ки онинғ ҳукмидур қоиимға нофиз.

131

Эй, лабинг бодасиға руҳу равон ичра нуфуз,
Қайси руҳу не равон, жавҳари жон ичра нуфуз.

Майи ишқ ўйладурур тезки, ичканга қилур
Жузв-жузви аро ҳар қатраи қон ичра нуфуз.

Қўйди ўлмакка кўнгул жисм ила жоним, гўё
Заҳри ҳажр айлади пайдову ниҳон ичра нуфуз.

Даҳр богидин эсар ройиҳаи ишқ, магар
Айлади оҳим ўти табъи замон ичра нуфуз.

Оташин невчун эрур лаълу муфарриҳ ёқут,
Бодаи ишқ агар қилмади кон ичра нуфуз.

Ичтилар кўп маю фош айламади, қилгандек
Мени овораи беному нишон ичра нуфуз.

Гар Навоийга эрур руҳу равон мает, не тонг,
Ки майи ишқ қилур руҳу равон ичра нуфуз.

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

132

Сипеҳр осебидин солим қутулмоглиқ не имкондур,
Ки меҳри ташту тиғу кулгуси барқи дурахшондур.

Мунунгдек меҳр кўргач, шод ўлуб кулган зиҳи ғофил,
Бу янглиғ кулгу сори меҳр солған асру нодондур.

Тенгиз кўнглида андоқ меҳрдин юз шуъладур пайдо,
Қиё бағрида мундоқ кулгудин минг дашна пинҳондур.

Ҳижоридин қиёдур анга юз минг тиғ ила ожиз,
Ҳубобидин тенгиз юз минг кўз илан анга ҳайрондур.

Чекиб қавси қузаҳдин ё кўнгуллар қасдиға, онинг
Ёғии ҳадди хадангу қатра сулар анда пайкондур.

Бу ёй бирла анингдек ўқни ёгдургоч, халойиқнинг
Ҳаёти қасрида ҳар сори қилмоқ рахна осондур.

Ҳаёт ичра бақо чун мумкин эрмас Нуҳ бўлсинким,
Ўлар ҳолатда туғмай ўлган ўғли бирла яксондур.

Бақо сарчашмаси зулматда дерлар, йўқки, ул зулмат
Скандар оҳи ўтидин йиғилғон дуди ҳирмондур.

Навоий, ўртабон ўзлук, қадам бу йўлга қўй, яъни,
Ки ҳар ҳамроҳким бўлгай тажарруд мониъи, ёндур.

133

Менки ҳижрон даштиға кирдим қуюндек беқарор,
Оҳу вовайлоки, ҳам сарғаштамен, ҳам хоксор.

Санчилиб урён танимға ҳар тараф юз минғ тикан,
Ҳар тиканни куйдуруб кўнғлум ўтидин бир шарор.

Қайдадур Мажнунки, берғай панду чун фаҳм этмасам,
Йиғлағай ҳолимға бағри оғриғандин зор-зор.

Ё қани Фарҳодким, ғам тоғиии тириоғ ила
Қозғанимдин, тешаву тоғидин ўлғай шармисор.

Билсам эрди бир замонлиғ ҳажр дарди шиддатин,
Юз йил ўлса васл даври, қилмас эрдим ихтиёр.

Дўстлар, меҳру муҳаббатнинғ ниҳолин экманғиз,
Ким бўлур эрмиш анға андуҳу ҳижрон баргу бор.

Эй сабо, келмиш Навоий хаста жонидин батанғ,
Элтибон ёр итларининғ оллида қилғил нисор.

134

Ҳар кишиким, ер юзинда бир сенингдек моҳи бор,
Тонг эмас, ер-кўкни гар тутқунча ашку оҳи бор.

Не ажаб, кўнглум адам кўйи сари азм айласа,
Хоссаким огзинг хаёлидек анинг ҳамроҳи бор.

Поку огаҳ бўлса кўнглум халқ жавридин не ғам,
Ёрнинг чун табъи поку хотири огоҳи бор.

Ёрни кўнглумда жон янглиг ниҳон қилгай эдим,
Айби кўнглумнинг будурким, нолаи жонкоҳи бор.

Ишқ кўйида қаро туфроқча йўқ жон қиймати,
Йўл яроғии доги топмас, улки молу жоҳи бор.

Мен киби ҳижронда жон бермактин ўзга найлагай,
Дилбаримдек кимки бир бегонаваш дилхоҳи бор.

Ишқ водийсидин айруким эрур мўр аждаҳо,
Кўрмадук шаҳким, гадо оллинда шайаллоҳи бор.

Эй мусулмонлар, эрур кўнглумда бир кофир ғами,
Ким эрур боиски, тақво жониби икроҳи бор.

Эй Навоий, ҳажр бедоду жафосидин не ғам,
Ҳар гадоким, хусрави Fозийдек онинг шоҳи бор.

135

Буким, кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор,
Ул англағайки, бирав ҳажридин малолати бор.

Қуйига тушмиш анинг зулми тиғидин бошим,
Ҳануз тиғи юзидин магар хижолати бор.

Қулоқ дурию юзи икки ахтар этти қирон
Ки, олам ичра басе фитнага далолати бор.

Сабо дебон хабар ул гулдин, элни тиргузди,
Масиҳча деса бўлгай анинг рисолати бор.

Кўнгулни зулм ила буздунг, бале бўлур маъмур
Шаҳеки, мулкида эҳсон билан адолати бор.

Қадаҳ қуёши била равшан айла хотирни,
Чу англасангки, фалак зулмидин залолати бор.

Навоий истамас эл ишқин англагай, буким
Ўз-ўзи бирла жунун аҳлидек мақолати бор.

136

Бу тийраи қотилки, оти ҳажр тунидур,
Оҳим тутунидур дема, доғим тутунидур.

Жисм ичра юзунг ҳажрида минг дард хаданги,
Гўё кўнгул оташкадасининг ўтунидур.

Сўнгакдин эмас риштаи жисмимда бўғунлар
Ул торда ранжим ададининг тугунидур.

Ул шўх симоъ ичра учурмоққа кўнгулдин
Ҳушу хираду сабрни офат қуюнидур.

Уйқу кетурур су уни, лек уйқуни олғон
Элнинг кўзидин сайли сиришкимнинг унидур.

Ўйнай-ўйнай тўкса ул ой қоним, эмас тонг,
Ким барча булар чархи мулоиб ўюнидур.

Юз пора бошимни ити рад қилди, Навоий
Билмаски, сўнгакларда боринг бутунидур.

137

Ул қуёшким, кўнглум ичра ҳажрининг озоридур,
Жоним олса ҳам, кўнгул жон бирла миннатдоридур.

Найлаб ул қотилдин ўлгаймен халос, эй ишқким,
Жоним афгори, таним бемори, кўнглум зоридур.

Ҳажр ўти пайкони захмин мен киби билмас киши
Ким, ичим бошдин-аёқ ул нишнинг афгоридур.

Ҳажр аро жонинг олай дер, кўр не бўлгай жаврким,
Бу манга ул шўҳдин меҳру вафо изҳоридур.

Қоф агар юздур ададда, Қоф тоғи меҳнатим
Шиддати аъдодининг юздин бири миқдоридур.

Телба кўнглум истаса Фарҳоду Мажнун суҳбатин,
Оқил эл рагми анга ҳушу хирад осоридур.

Кир харобот ичра, эй зоҳид, тилар бўлсанг биҳишт,
Ким майи кавсар зулоли кулбаи хамморидур.

Не ажаб гулшан эрур давронки, дуди оҳдин
Сунбулию ашк қони селидин гулзоридур.

Гар Навоийдек сўзунг фаҳм этмадим, эй порсо,
Афв қил, бир дам хаёлим боданўшум соридур.

138

Ишқдин, ваҳким, манга ҳар лаҳза ҳоле юзланур,
Ким бузулгон кўнглума андин малоле юзланур.

Ёрга ўзни тахайюл бирла махсус айлабон,
Ул хусусият аро ҳар дам хаёле юзланур.

Чун хаёл илгида бўлди нотавон кўнглум асир,
Бошиға ҳар лаҳза савдои муҳоле юзланур.

Васл савдосидин ўткарсам эмас мумкин дебон,
Хотири ичра анинг ҳам эҳтимоле юзланур.

Маҳвашимни сўзга тортармен тахайюл кунжида,
Ҳар сўзумгаким жавоб айтур, саволе юзланур.

Истамон анинг хаёлин доғи қилғаймен малул,
Бас қилурмен, гарчи ҳар дам қилу қоле юзланур.

Васлини онинг хаёли бирла қилмасмен бадал,
Гарчи ҳар соат манга соҳибжамоле юзланур.

Чиқ бу гулшандинки, паст истар бошингни ер киби,
Онда ҳар дамким санга саркаш ниҳоле юзланур.

Эй Навоий, ёр зулфу қоматидин бўлғуси,
Гар паришон хотирингға эътидоле юзланур.

139

Заъфлиқ жисмим қачон нозук белингга чирманур,
Зулфунг икки тори гўё бир-бирига тўлғанур.

Қоматингға сарв тақлид айлабон топти шикаст,
Бу сазодур, гар гияҳ сарви сиҳига ўтканур.

Зулфунга ҳамсарлиқ этмак ўзда топмас, нечаким
Сунбули мушкин қуюндек ўз-ўзига айланур.

Воқиф эркин ишқ ўтининг сўзидин ҳусн аҳликим,
Шамъ агар парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

Ўйнамоқ бирла солур давронга рахши қўзгалон,
Ҳар қачонким базмдин ул шўх сархуш отланур.

Бу чаманда тортибон булбул тонг отқунча фиғон,
Ишқ дарсин гўйиё гул дафтаридин ўрганур.

Дема саргарди Навоийнинг юзи ишқ ичраким,
Бўйла олтунни қилурга поймолинг қозганур.

140

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрагил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар,

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдига йўқ эътибор, эй дўстлар.

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиглармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз,
Ким эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ
Аҳду паймонида бўлгон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз,
Ким Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

141

Васлдин, ваҳким, дамо-дам элга жоми нўш баҳр,
Бизга соғар-соғар онинг фурқати базмида заҳр.

Ул кўзу қошдин агар қўзголса олам, тонг эмас,
Ким биридур офати даврон, бири ошуби даҳр.

Ваҳ, нетиб сабру шикебим мулки вайрон бўлмасун,
Икки кўздин Дажлаю Жайҳундек оқиб икки наҳр.

Хосларга лутфунг ўлди ом, юз афгонки, мен
Омдинменким, менинг жонимға қилдинг хос қаҳр.

Отланиб чиқти магар ул мает золимким, яна
Тушти олам кишвариға фитнаву қўзголди шаҳр.

Меҳрдин юз қилсаким, гардун аруси золдур,
Рустам они ақд қилса, нақди жон бергуси маҳр.

Эй Навоий, ёр ёдинда малак маҳрам эмас,
Фақр одоби аро тажвиз қилма зикри жаҳр.

142

Ваҳки, золим ишқ жонимга яна бедод этар,
Қатл умиди бирла гамгин хотиримни шод этар.

Зуҳду тақво бузди обод айламак бирла мени,
Шукрким, ишқу жунун бузмоқ била обод этар.

Базми айши ичра ғавғо ўйладурким, ташқари,
Ким қулоқ солур агар, девонае фарёд этар.

Неча тартиб айласам сабру салоҳ авроқини,
Сарсари ишқу жунун еткач, борин барбод этар.

Ишқ кўйида кўнгул ҳоли паришонроқ бўлур,
Офият мулкидаги жамъиятин чун ёд этар.

Ул қуёш ҳижронида бу зарраи саргаштаға
Ишқ зулми бас эмаским, чарх ҳам имдод этар.

Ишқ аро ёлғуз менинг ҳолим кўруб ҳар дам сипеҳр,
Вомиқу Фарҳоду Мажнун ҳолин истишҳод этар.

Ваҳ, нетиб, эй хонақаҳ шайхи, тутай зуҳду риё,
Дайр пири чун манга фақру фано иршод этар.

Эй Навоий, они бил озода олам аҳлидин,
Ким ўзин олам эли гавғосидин озод этар.

143

Лабки хандон қилибон қошу кўзин ўйнатадур,
Ўйнай-ўйнай мени бечорани қон йиғлатадур.

Кўргач ул ойни, яқиндурки фиғонлар қилғай,
Лек бехудлуғ ила кўнғлум ўзин тўхтатадур.

Тортмоқ мумкин эмас ўқини кўнғлумдинким,
Яна ўқ ҳар нафас онинғ ёниға ўрнатадур.

Бахтим уйғонмас ағарчи фазаъим дард аҳлин
Ўлум уйқусиға борғонлар эса уйғотадур.

Кўзум ашкин бу жиҳатдин деса бўлғай хуноб,
Ким бу су оқса, бағир ҳам анға қонин қотадур.

Сабру ором сипоҳин нечаким йиғсам, ишқ
Гаҳ ани синдирадур, ғоҳ муни бутратадур.

Ғарази буки, ҳабибимға қул ўлғай Юсуф,
Ҳусн бозорида ҳар нечаки ўзин сотадур.

Ўхшамайдур менинғ оллимда, ағарчи деҳқон
Сарви гулрўюма сарву гулини ўхшатадур.

Ишқ ани келтурадур хаста Навоий тарафи,
Новаки ғамзани ул шўх қаёнким отадур.

144

Чиқиб ишқ ўти кўксум чокидин, бошимдин ошибдур,
Бу эскирган ёгочқа ўз ичидин ўт тутошибдур.

Жунун аҳлиға ул ой тори зулфи орзусидин
Басе, сарриштаи савдоки бир-бирга улошибдур.

Қамар юзинда мушту кождин кўрдум асар ҳар ён,
Ҳамоно ул қуёш бадмаст бўлғонда талошибдур.

Кўнгул чокига ғам тухмин хатинг фикри тўла қилмиш,
Захира, кўрки, хайли мўр маскан ичра тошибдур.

Сабо машшотаси, лутф айлабон гулгун тўнин кийдур,
Ки раъно сарвиға гулбаргдин хилъат ярошибдур.

Фалакнинг пардаи зайлин буким қилди шафақ гулранг,
Магарким ер юзидин кўз ёшим хуноби тошибдур.

Мени Мажнун танин тирноғларнинг захмидин кўрган
Дегай Лайли ити ҳар ён қўтур жисмини қошибдур.

Кўнгулким, асру тавсан эрди зуҳд ойинида, кўргил,
Ки ишқинг роизидин не забунлардек ювошибдур.

Навоий туркларнинг тарки тутса, айб қилмангким,
Анга бир туркмон маҳваш ғами маҳкам дўлошибдур.

145

Кимки олам боғида бир сарви гулрухсори бор,
Боғ сайридин фароғи, сарву гулдин ори бор.

Гул била майни нетар девонаеким, кўнглида
Бир париваш лаълидин май, ҳуснидин гулзори бор.

Гул насиму атридин мумкин эмас топмоқ илож,
Кимки бир гулчеҳра хори ҳажридин озори бор.

Жон етиб оғзимға ўлгум, бир нафас Тенгри учун,
Эй Масиҳим, кел бери, эй муддаи, сен нори бор.

Кўзларига хори меҳнатдур гул, улким гул чоғи
Гулжабинлар кўзлари янглиг ики бемори бор.

Дема булбул зулмиға гул богламиш бел, гўйиё
Чарх зулмидин анинг ҳам боглаган зуннори бор.

Қолди хуррамлиқ фалакдин ташқари, кўр, эй рафиқ,
Ким қазо наққошининг не гардиши паргори бор.

Фақр йўлинда оғирроқ юк эрур вобасталиқ,
Эй кўнгул, тарки тааллуқ айлабон ул сори бор.

Эй Навоий, ўзни мақбул истасанг, туфроқ бўл,
Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

146

Туррангки, тоби юзда ўтумга василадур,
Ул шамъ шуъласи аро мушкин фатиладур.

Олса кўзунг ҳиял била кўнглумни, айб эмас,
Бор ул фусунгареки, иши макру ҳийладур.

Ашҳабларингки, риштага тортилди даҳр аро,
Солмоққа рустахез ажойиб тавиладур.

Лайли қабиласи ўти қайдин кўрунса шом,
Мажнунни куйдурур, бу не ўтлуқ қабиладур.

Кирсанг фано тариқиға, девонавор кир,
Ул важҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.

Эйким, жаҳон салитасини айладинг никоҳ,
Билгилки, хасмкушдур, агарчи жамиладур.

Лаълингга жонин этса Навоий фидо, не тонг
Андин олурга ком бу ишлар василадур.

147

Бинафша атри била эл тарабни ёд этадур,
Қадаҳ кетурки, эгиб қадни хайрбод этадур.

Чаман саҳифасида сабза демаким, гардун
Тараб сўзини яшил хат била савод этадур.

Кишики ғунча аро жола кўрса ишратдин,
Ҳабиб огзида кулмакни эътиқод этадур.

Сабуҳ май чекиб олтун пиёлада, наргис
Кўзининг уйқусига мужиби кушод этадур.

Хуш улки, лола киби лаълу жом аро майни
Зиёда қуймоқ ила ишратин зиёд этадур.

Замона боиси гамдур, замоне аҳли хирад
Қадаҳ кучи била гамгин кўнгулни шод этадур.

Пиёла даврини хуш тутки, жуз надомат эмас
Анга натижаки, давронга эътимод этадур.

Не келса оллинга, тут саҳлким, жафо кўрар ул,
Биравки даҳр инодин кўруб инод этадур.

Анинг муроди муродимдурур, агарчи мурод
Анга будурки, Навоийни номурод этадур.

148

Ғамзанг ул сайёдким, гулшан аро ороми бор,
Хол бирла зулфдин ҳам донаси, ҳам доми бор.

Хаттининг навраста жаннат сабзасидек ҳолати,
Қаддининг наврас ниҳоли умрдек андоми бор.

Сарв уза гул бутмади ҳаргиз, қани ул шўхким,
Сарви раънодек қад узра орази гулфоми бор.

Пора-пора багрим узра тинмаса, тонг йўқ, кўнгул,
Шуъланинг ахгар уза бир дам қачон ороми бор.

Васл субҳин то абад кўз тутмасун ушшоқ аро,
Кимки ҳижроним тунидек бир қаронғу шоми бор.

Шукрлар қилдик, манга боқиб бировким ёридин
Кунда бир қатла назар солғунча чоглиқ коми бор.

Қатл қилса, йўқ ажаб, дин аҳлини кофир кўзунг,
Мунча ислом олибон, элдин қачон исломи бор.

Субҳ ичарга бода ранги ўйлаким тожи хурус,
Ғафлат аҳлига хурус афғонидин пайғоми бор.

Итларинг снғон сафолидин Навоий ичса дурд,
Улдурур Жамшиду илгинда жаҳонбин жоми бор.

149

Улки солгай шуъла аъзосиға ўтлуғ оҳлар,
Қайда билгай куймакин зарбафт кийган шоҳлар.

Багридин қон томғучи ушшоқ захмин билмагай,
Тиғидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Шиддатин Фарҳод қилгай фаҳм, йўқ Парвезким,
Дардни хокийлар англар, йўқ фалакдаргоҳлар.

Жону кўнглум кирдилар ғам даштига гум бўлғали,
Мен ҳам эттим азм, чун азм эттилар ҳамроҳлар.

Бўлсалар огаҳки, бир гамгинни ҳижрон ўлтурур,
Фикр этар ҳолига ҳижрон дардидин огоҳлар.

Ваҳ, не билгай ҳажр занжирида дилхоҳим недур,
Ҳалқа урғон базм айши даврида дилхоҳлар.

Эй Навоий, шоҳларға чун гадолар фикри йўқ,
Элткил ҳам Тенгри даргоҳига шайаллоҳлар.

150

Хатти то бош чекти, кўнглин май била хушҳол этар,
Ҳусни хат истаб, юз авроқин ҳамоно ол этар.

Лекин эл ўтни аёғ бирла ўчургондек босиб,
Хаттининг хайли юзининг шуъласин помол этар.

Хат чиқарди ул парий юзига йўққим эгнига,
Ваҳ, не пардур буки, андин элни фориғбол этар.

Хат эмаским, қилди ҳусни кишварин зеру забар,
Ким бу янглиғ юзни машқ авроқидин тимсол этар.

Ҳусни хаттин сабзпўш ўлмоққа норози эдим,
Кўр: не ҳол ўлғайки, ул кисватни эмди шол этар.

Ҳусни зоҳирдин не ҳосил, эй хуш улким, ҳар нафас
Шоҳиди маъни юзидин ўзни фаррухфол этар.

То саводи хаттини кўрмиш Навоий, заъфдин
Жисмини килк, анда меҳнат ўқларидин нол этар.

151

Шоми ҳижроним аро жисми чу нолим чирмашур,
Зулфи савдосида андоқким хаёлим чирмашур.

Ишқ дарси ичра сурсам нукта савдо аҳлидин,
Турраси тобиға чун етсам, саволим чирмашур.

Чирмашай деб зулфиға юз печ урармен ҳар кеча,
Чун димог ичра бу савдои муҳолим чирмашур.

Мен қуюн мисли эмон саргашта савдо даштида,
Балки тақлидимни айлай деб мисолим чирмашур.

Зулфию қаддини кўр, эй боғбон, кўп демаким,
Ишқпечоним била раъно ниҳолим чирмашур.

Мушкул ар қолғай асар меҳру муҳаббат аҳлидин,
Бўйлаким, ул хайлға бу чархи золим чирмашур.

Эй Навоий, кўнглум истар зулфи торин, зулфидек
Ҳар дам ул савдоийи ошуфта ҳолим чирмашур.

152

Ўлмасам бу кеча, ранжу дарди гавғоси недур?!
Итларингнинг ҳам бошим узра алолоси недур?!

Ҳажр шоми тийралик бирла мени девонани
Чун ҳалок этти, яна бошинда савдоси недур?!

Ғам туни жоним уқубатлар била гар олмаса,
Ўрнидин тебранмай анжумнинг тамошоси недур?!

Жисм уйи вайрон бўлуб, сабру қарору ақлу ҳуш
Қолмади бир, эмди аҳли ишқ ягмоси недур?!

Телба кўнглим, иттингу жонимни барбод айладинг,
Ёна келдинг, эй маломат дашти расвоси, недур!

Хилқатимни ишқ нобуд эттию чекмас илик,
Эмди билмонким, анинг оё таманноси недур?!

Савту ҳарф ичра чу сиғмас ишқ сирри, эй фақиҳ,
Қилу қол аҳлининг оё лоу иллоси недур?!

Чун азалда ҳар не қисмат бўлди, кўрмай чора йўқ,
Халқ ўз комин ўзидекдин таваллоси недур?!

Эй Навоий, ишқ аро чун йўқтур имкони висол,
Телба кўнглум хотирида мунча васвоси недур?!

153

Ҳар қачонким хотиримға ул кўзу қош эврулур,
Ҳам қошимға чин тушар, ҳам кўзума ёш эврулур.

Ул ой отқон тошни кўксумга солдим, чокидин
Суртсам ҳар ён илик, кўксумга ул тош эврулур.

Мен ниҳонмен, заъф бирла ваҳмдин ўлтурди рашк,
Гулшани кўйидаким боди сабо фош эврулур.

Эй жунун арбоби, саргардонлиғим афсонасин
Гўш қилмангким, эшиткандин ани бош эврулур.

Бас улуғ тоатдур ул бут суратин қилмоқ назар,
Чун анинг нақшин кўруб, хотирға наққош эврулур.

Келки, бу дайри кўҳан вазъига ҳайрондур басе,
Ким тун анда сиймгун юз нақш хуффош эврулур.

Нақди жон бирла Навоий азм этар майхонага,
Ҳар қачонким кўнглига ул шўхи қаллош эврулур.

154

Шиканжи туррасидинким гириҳ ёзилмайдур,
Бинафшаедурур, аммо ҳануз очилмайдур.

Кўзунг жафо аро андоқдурурки, билмас ўзин,
Ғариб усрук эрурким, ўзини билмайдур.

Чу ҳур ҳуснин этар васф хозини жаннат,
Сенинг жамолинга гўё наззора қилмайдур.

Дамим баҳори булутида дард кожидин
Кўзумга ҳеч нафас йўққи, ўт чоқилмайдур.

Эрур мулк аро ншқим сўзи, тутунг маъзур,
Ки бу фасона ҳануз эл аро ёйилмайдур.

Такаббур айлама, деҳқон, деким, бу гулшанда
Қачон гуле очилибтурким, ул сочилмайдур.

Ўлар Навоийи бе илки, халқнинг кўнгли
Топилди, лек ан нг овораси топилмайдур.

155

Бу кеча шамъу субҳ ёқо чок қилдилар,
Гўёки ўлмакимни фироқингда билдилар.

Ишқим зуҳури Вомиқу Мажнунга урди хат,
Гар ишқ дафтарида бурунроқ битилдилар.

Кўйида иттилар яна жону кўнгул қочиб,
Ҳар қатлаким кўп истаб аларни топилдилар.

Ушшоқи ҳажр чоҳидин ўлғон замон халос,
Кўйида мўр хайли масаллик ёйилдилар.

Тавҳид нуктасида хамуш ўлди пири дайр,
Жамъеки шарҳ қилдилар ани, ёнгилдилар.

Шаҳдур гадойи майкада, йўқ-йўқ, ғалат дедим,
Шаҳни гадолар анда қачон кўзга илдилар?!

Туз қўй, Навоиё, оёгинг ишқ кўйида,
Ким анда ашк суйидин эл кўп тойилдилар.

156

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси Эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

157

Неча тортай васл учун мен зори маҳзун интизор,
Ваққи, кўздин тўкти селоби жигаргун интизор.

Демаким, ул ойға кўп муштоқсен ё мунтазир,
Иштиёқим бениҳоят, андин афзун интизор.

Эл мушаввашдур сени кўзларда андоққим вуҳуш,
Дашт аро тортар замон Лайлига Мажнун интизор.

Ё қўёшимни етур бошимга, ёхуд жоним ол,
Кўп манга еткурма, эй бемеҳр гардун, интизор.

Эй саҳоби ҳажр, қилма субҳи умрум тийраким,
Ул қуёштин айру тортибмен узун тун интизор.

Бошима бир қатла ет, гар худ эрур ўлтургали,
Ўлди тортардин чу бу зори жигархун интизор.

Ишқ шаҳри мунтазирдурлар Навоий қатлига,
Ул икига тортқондек тоғу ҳомун интизор.

158

Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг зор-зор,
Ким соладур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушкан хор-хор.

Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,
Нега зулфунгни паришонлигдин айлар тор-тор.

Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар
Икки-икки чунки киргайлар, отошиб ёр-ёр.

Қўрқарамким, бўлмагай озурда нозук қоматинг,
Эгнинга хуш-хушки солмиш жаъди анбарбор бор.

Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини,
Журми ишқимга магар ҳукм айлади дилдор дор.

Ишқ эрур андоқ мураббийким, қилур еткач асар,
Булбул ўлгай, очса юз бир сарви гулрухсор сор.

Эй Навоий, бўлди ул бут кофири оташпараст,
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар урса жонинга зуннор нор.

159

Ул не раъно қомату рухсори фаррухфолдур,
Ким хавос идрокидин лолу хирад беҳолдур.

Жон ўлардин, доги гамзанг ўлтурурдин тўймади,
Аллоҳ-Аллоҳ, ул не мақтулу бу не қаттолдур.

Ақл пириким малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул парий ишқи аро бозичаи атфолдур.

Ҳуру тўби келмаса оллингға, эрмас айбким,
Не бу ҳамқаддингдурур, не ул санга тимсолдур.

Чун нишиман қилди ҳуснунг богида кўнглум қуши,
Ўзга гулшанга қилурдин майл фориғболдур.

Ваҳки, чиқти шаҳсуворим секретиб майдонга маст,
То не динлар нақди рахши оллида помолдур.

Бас манга мунча шарафким, бергамен нисбат анга
Ҳолима андин агар идбор, агар иқболдур.

Кир харобот ичра, эй ҳамдамки, даврон аҳлидин
Ранжи гуногун давоси жоми моломолдур.

Дединг, ўлтургум Навоийнию айларсан ҳиял,
Ул худ ўлди интизор ичра, бу не иҳмолдур.

160

Яна бу оқшом бузуғ кўнглум, басе бадҳолдур,
Тан бузуғ зиндонида жон ҳам хароб аҳволдур.

Рўзгорим тийраликдин юзу холинг ҳажрида,
Рўзгори хиракаш рухсори узра холдур.

Ахтари идборим онинг барча наҳсият била
Толиъимнинг авжи узра кавкаби иқболдур.

Пири ақлимким, манга манъи жунун айлар эди,
Бир париваш кўйида бозичаи атфолдур.

Нотавон жисмим жунун даштидаким бўлмиш хаёл,
Дема Мажнун жисмидинким, руҳидин тимсолдур.

Жаннати кўюнгда тан сойирдурур, кўнглум итиб,
Шукр, ул учмоғда жисмим эмди фориғболдур.

Кўнглум олди ишқу итти ақлу сабру дин, бу дам
Ул бузуғ мулк ичра золим шаҳға истиқлолдур.

Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғким.
Чархдин ул саркаш ўлди, бу доғи помолдур.

Эй Навоий, ёр ҳажри дардида ўлмакдур иш,
Чун тирилгунг йўқтур, истарга бу не иҳмолдур.

161

Тушумга кирди жаннат ичра ҳуру тўбию кавсар,
Магар кўйида топқум оразу, қадду лабидин бар.

Мен эттим ишқи таркин ҳам ул этти васлидин ваъда,
Не андиндур манга бовар, не мендиндур анга бовар.

Юзи кўзгуга, хатти юзга зийнат берди. Ким кўрмиш –
Қамарга субҳдин равнақ, қуёшқа шомдин зевар?

Юзинда хаймудур ё манглайидин қатра, ваҳ, кўргил,
Ки гулдинму оқар шабнам, қуёшдинму томар ахтар?!

Лабида нутқу нутқида латофат кўрки, не янглиг
Судур ёқут аро мудгам, ҳаёт ул су аро музмар.

Юзинда партаву ул партав ичра лаълини кўрким,
Ўт узра шуъла кўргузди ва лекин шуълада ахгар.

Хумори ҳажру дарди ишқдин музтармен, эй соқий,
Карам айлаб, ўтумға су қуй, аммо жонима озар.

Замондин аҳле ё аҳли замондин истаган эҳсон,
Ёнар ўтдин тиларким су чиқаргай, хорадин гавҳар.

Тилар Лайлини Мажнун, дилбарин мискин Навоий, ваҳ,
Керак булбулга гул, девонага ёри парипайкар.

162

Ваҳки, мен бедилға не ул номусулмондин хабар,
Ул мусулмонким хабарға борди, не ондин хабар.

Қосиду жононадин йўққим хабарсизмен букун,
Ким не қосиддин, не жонон, балки не жондин хабар.

Йўқ манға андин хабар, доим сўруб аҳволини,
Қайда бир сўрмай анға мен зори ҳайрондин хабар.

Масти ноз ул, нотавонменким кетурғай, элткай
Ё анға мендин хабар, ёхуд манға ондин хабар.

Ваҳ, не кун бўлғайки, ул ғойиб сафардин келди деб,
Истабон мендин севинчи, етса ҳар ёндин хабар.

Ҳажр ағарчи жондин этти бехабар, кош ўлғамен
Бехудеким, бўлмағай жонимға ҳижрондин хабар.

Давр аёғин, соқиё, андоқ тўла тутким манға,
Қолмағай не аҳли даврондин, не даврондин хабар.

Эй хуш улким, келди андоқ маету борди мастким,
Топмади мутлоқ не келғандин, не борғондин хабар.

Эй Навоий, ким сўрар бўлса мени оворани,
Дашт уза сўрғай магар ғули биёбондин хабар.

163

Эй фалак, ҳижрон гамидин хотирим ношод эрур,
Ғайри васл ар салтанат берсанг, манга бедод эрур.

Бас неча мужримга бир жаллоди гамзанг хайлидин,
Бир ёзуғлуқ зор кўнглумга неча жаллод эрур.

Ноз ила гулшанга чун кирдинг — ниҳоли қаддинга
Банда бўлғон сарвинозу савсани озод эрур.

Дам-бадам етмайдур эрса ишқ зулми кўнглума,
Ҳар дам ул мазлуми меҳнаткашка не фарёд эрур.

Неча йиғсам сабр авроқию тоат хирманин,
Сарсари ишқинг етишкач, сарбасар барбод эрур.

Нўш этиб жоми фано, қўйсам риё, айб этмаким,
Дайр пиридин манга, эй шайх, бу иршод эрур.

Дард мулки, ғам сипоҳи ғусса нақдин арз этиб,
Эй Навоий, ишқ элига арзи истиъдод эрур.

164

Оҳим гамингда гунбади ахзарни куйдурур,
Ҳар учқуни фалакда бир ахтарни куйдурур.

Оташкада ўтида самандар топар ҳаёт,
Кўнглум ўти валек самандарни куйдурур.

То қоматингга не учун ўхшатти боғбои,
Оҳим самуми сарву сановбарни куйдурур.

Бир ўтдурур танимдаким, анинг ҳарорати
Кўнглакни кул қилур, доги бистарни куйдурур.

Дерларки, оғиз ўт деса куймас, вале бу оҳ
Чун сабт бўлса, хомаю дафтарни куйдурур.

Лаълинг хаёли кўнглума ўт солди, ваҳ, кўрунг,
Не тез эрур бу бодаки, согарни куйдурур.

Соқий, ғам ичра ўлди Навоий — пиёла тут,
Ким ғуссалардин ушбу ўт аксарни куйдурур.

165

Кўнглум ўтин зоҳир этсам, барча олам ўртанур,
Шуъласин гар тортсам, тўққуз фалак ҳам ўртанур.

Момуғ узра ёйибон кофур қўйманг догима,
Ким момуғ доғи тутошур ҳам бу марҳам ўртанур.

Гар ғаминг сўзокидин куяр кўнгул, эрмас ажаб,
Ҳар кўнгул ичраки тушти шуълаи ғам, ўртанур.

Айб эмас, ҳар лаҳза оҳим шуъла чексаким, кўнгул
Бир юзи ўтлуқ фироқи ичра ҳар дам ўртанур.

Ишқинг ўти учқунидин жисмим андоқ куйдиким,
Барқ хошок узра тушса, бу сифат кам ўртанур.

Қайнабон кўз чашмасидин ашк жисмим ўртади,
Етса жўшон су қаю узв узра, маҳкам ўртанур.

Эй Навоий, кўнглум ўти узра су қуй бодадин,
Ким кўнгул ул ўтқа етмас бўлса бу нам, ўртанур.

166

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачае шўхдурур, су била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур алқиссаки, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боглади уйқумни фусундин,
То гамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда,
Холингки, ўшул ҳалқаи гесу била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Муғ дайрида мает ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину била ўйнар.

167

Тилаб юзунгни кўнгул ҳажрдин фароғ истар,
Қаронғу тунда начукким киши чароғ истар.

Биҳишт борида дўзах сари қилур оҳанг,
Ҳабиб кўйи туруб, улки гашти боғ истар.

Салоҳ кўнглакини йиртиб, оҳ ўтин ёрутуб,
Кўнгул фироқим аро кўксум узра дог истар.

Сочингни ислабон ошуфтамен, зиҳи савдо,
Бировки мушкдин осойиши димоғ истар.

Ҳаёт бодасидин нашъа доги ҳайф анга,
Ки лабларинг майи даврида ўзни соғ истар.

Бу нақд жаннат ародур, бировки дайр ичида
Май ичса, муғбачалар илгидин аёғ истар.

Кўюнг Навоийи бедилни, қилса кўйига азм,
Ки кўнгли итмиш онинг — айламак сўроғ истар.

168

Не тонг, агар ўқи вайрон кўнгулга роғибдур:
Қуруғ ниҳол бузуғ боғ аро муносибдур.

Сиришк қатралари тийра кулбам ичра, магар
Бало сипеҳри аро наҳсваш кавокибдур.

Қошингдағи гириҳ ул юзни кўргали қўймас,
Жамол мулкида султон улу бу ҳожибдур.

Кўнгул уйи чу санамлардин ўлди бутхона,
Магарки, ишқ бу бутхона ичра роҳибдур.

Талабда шевану ғавғо эрур менинг айбим,
Йўқ эрса барча улус хўбларга толибдур.

Не ихтиёр улусбоз ерга мундоққким,
Нужум луъбати бирла фалак мулоибдур.

Навоий иттию, кўйида кимса демадиким:
— Бу кўй итлари ичра бириси гойибдур.

169

Фориғу озода билмас мубталолардин хабар,
Шоҳ кўнглида қачон бўлгай гадолардин хабар?

Ҳажр водийсинда ким топқай мени оворани,
Дам-бадам сўрғай магар дарду балолардин хабар.

Ул вафосиз олди кўнглумнию юз кўргузмади,
Истасам они, сўрармен бевафолардин хабар.

Ғунчадек қонлиғ кўнгул гум бўлди ул гул кўйида,
Эй сабо, тут гоҳ-гоҳе ул аролардин хабар.

Чун хабар йўқтур қарорган рўзгоримдин манга,
Қайда топқаймен кўзу қоши қаролардин хабар.

Улки масту бехабар дер, ишқи жомидин мени,
Гўйиёким, англамайдур порсолардин хабар.

Тут Навоий ҳолидин гоҳе хабарким, айб эмас,
Гар навозиш аҳли тутса бенаволардин хабар.

170

Шоми ҳижрон субҳидек бағримни чок этти сипеҳр,
Субҳға еткунча жонимни ҳалок этти сипеҳр.

Субҳдек бир чок йўқ, кўнглумни балким ғунчадек
Ишқи муҳлик тиғи бирла чок-чок этти сипеҳр.

Ғам туни ҳар кавкабинким жилвагар қилди, мени
Маҳвашим ҳижронидин андуҳнок этти сипеҳр.

Гарчи куйдурди мени, хуштурки, кўнглум кўзгусин
Ғайр нақшидин ҳамул кул бирла пок этти сипеҳр.

То бало тошини ёгдурди манга ҳажр илгидин,
Демайинким, хоксор эттики, хок этти сипеҳр.

Шукрким, жонимни ҳам муҳтож қилди зулмиға,
Қотилимни нечаким беваҳму бок этти сипеҳр.

Ғам захира қўйгали эрди магар ишқ аҳлиға,
Ким Навоий кўнглини юз минг мағок этти сипеҳр.

171

Кеча куймак расмини парвона мендин ўрганур,
Шамъ куйдурмак ишида маҳвашимга ўтканур.

Ул парий ҳажринда мен девона чексам ўтлуқ оҳ,
Эй малак, гар бўлмасанг воқиф, қанотинг чурканур.

Анжум эрмас, қатралар кўк сақфида айлар аён,
Дуди оҳимким, фалак тоқига ҳар тун чирманур.

Салтанат тахти уза ётқон уюмас рашкдин,
Кўрса бошимники, ҳар тун остонинг ястанур.

Бахтим уйқудин кўз очмас, йўқса чун чексам фиғон,
Сўнгги уйқу масти бўлғонлар ул ундин уйғанур.

Ўз-ўзумга тўлганурмен, қадду зулфин ёд этиб,
Сарвға гулшанда сунбул шохи чунким тўлганур.

Деввашлардин қочиб тутти Навоий бодия,
Бу жиҳатдин теграсига дашти ваҳший айланур.

172

Кўзда су, кўнгул аро ўт, не кўрарсен, охир?
Ёна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир?

Риштаи васл ила бир захмини тик, раҳм айлаб,
Ҳажр тиғи неча бағриға урарсен охир.

Ул ой ошуфталарин айлар эмиш дилжўлиқ,
Мунда, эй шефта кўнглум, не турарсен охир?

Тушта ҳажрини кўруб мен санга шарҳин айтай,
Эй ҳаким, они агар акс йўрарсен охир.

Тийрборонки, отар чархи муқаввас — басдур,
Неча қош ёсини қасдимга қурарсен охир?

Мазраи даҳр аро соч лутф ила эҳсон тухми,
Ҳар не эксанг, ани-ўқ чунки ўрарсен охир.

Гар Навоийга даводур унунг, эй ёр ити,
Ҳординг эркинки, тонг отқунча ҳурарсен охир.

173

Қасрнинг ҳар кунгури узра бало тошимудур?
Йўқса ботил ишқ даъво қилган эл бошимудур?

Ғам туни, билмон, шафақдур ё фалак миръотида,
Акс кўргузган кўзумнинг лаългун ёшимудур?

Кофирему қатл айлар Каъба тоқи ичра маст,
Йўқса ул хунрезнинг усрук кўзу қошимудур?

Бир ҳумоюн қуш кеча садқанг бўлур, эй муғбача,
Қоф анқосимудур ё дайр хуффошимудур?

Боғбонким сарв узра айламиш пайванд гул,
Сарв бўйлуқ гулрухумдур, йўқса бўйдошимудур?

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини,
Ё Раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур?

Тонглоғи Кавсар учун, дерсен, букун май ичмагил,
Тек тур, эй зоҳид, Навоий сен киби ношимудур.

174

Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур,
Ой чу толеъ бўлди — меҳри оламоройим келур.

Зуҳду тақво, бутрашингким, бу кеча май ичкали
Байтул аҳзонимға шўхи бодапаймойим келур.

Бу сариғ юзунгни кўрмаски, қилғай кўнгли раҳм,
Баски, юзга қонлиғ ашки чеҳраолойим келур.

Ваҳ, не ҳижрондур буким, айлай десам зикри висол,
Дам-бадам оғзимга оҳи меҳнатафзойим келур.

Шайху ибриқу ридосин чун кўрармен — ёдима
Дайр аро паймона бирла бодаполойим келур.

Озими дашти фано бўлдум, келур Мажнун доғи,
Гар қадам тез урмон андиндурки, ҳампойим келур,

Кўзлару, жону кўнгулда манзил эт орасталиг,
Эй Навоийким, букун маҳбуби худройим келур,

175

Мустариб кўнглум аро ул юз хаёли айланур,
Мавжлуқ суда қуёш акси начукким чайқанур.

То узори жилва айлар — жилвагардур зулфи ҳам,
Меҳр то айлар таҳаррук — соя доги тебранур.

Чун улусқа ишқи ўт солди ажаб йўқ куймаким,
Бешага чун тушти ҳар ён шуъла, хас ҳам ўртанур.

Эгма қад бирла мени саргаштадурмен мустариб,
Токи чавгон азмига, билдимки, ул шўх отланур.

Шўхлиқ расмин анга таслим этарлар хўблар,
Секрамакта ўйлаким учқун чақинга ўтканур.

Айлай олмас оразингдин ўзга ён кўнглум ҳаво,
Қуш ўзин машъалга чун урди — қаноти чурканур.

Соқиё, бер майки, ғам шоми хумори ҳажрдин
Бир паришон туш кўруб, бу хаста ҳар дам сесканур.

Кимки жон айлаб фидо, қозғонса даҳр аҳлида дўст,
Англағил, эй дўстким, ул душмани жон қозғанур.

Эй хуш улким, бошининг остидадур дилбар қўли,
Ким Навоий кечалар бори ўз илгин ёстанур.

176

Май лабингға етса, жонимға ҳарорат еткурур,
Ўт агар Исо дами бирла ёрурким, куйдурур.

Дарди ҳижрон мендадурким, умр ўтуб кўрмон юзин,
Васли комилдур буким: Лайлиға Мажнун телмурур.

Ҳар қўлумни тоза қоилиғ дог ила узган итинг
Ул кишидекдурки, гул бирла ёгочни синдурур.

Келтирур кўз богидин ашким бағир парголасин,
Бўстондин ўйлаким гул яфроғин су келтурур.

Ер юзин баҳр этти ашким, эйки, айтурсен мени,
Тоглар узра недин аҳли жунун янглиг юрур.

Ўйгай эрдим кўзни тирног бирла, билсам эрдиким,
Бир назардин бошима мунча балолар келтурур.

Соқиё, соғарни айландурки, ҳар соат хумор
Заъфдин бошимни соғар давридек айландурур.

Қўй тараддудким, фано дайрига кирсанг, муғбача
Икки соғар бирла кўнглунгни ўзунгдин тиндурур.

Эй Навоий, олам аҳлидин қироқ тут зинҳор,
Ким мулоқоти аларнинг кўп малолат еткурур.

177

Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин хоралар.

Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар.

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски, туфрог ўлди ишқинг даштида оворалар.

Англаким, аҳбобни кўнглумда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

Анда Мажнун — мен, буён Лайли — сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён парий рухсоралар.

Хонақаҳ вақфи суйин ичмаслар, эй шайх, англағил,
Гар хумор ўлса фано дайридаги майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,
Бас, галат бўлгай, демак ушшоқни бечоралар.

178

Турфа кўрким, фурқатидин юз малол оллимдадур,
Гарчи кўз ҳар сори солсам, ул жамол оллимдадур.

Ул Масиҳодинки бир дам айру туштум, ўлмадим,
Оҳким, ўлгунча ушбу инфиол оллимдадур.

Тўзгамен, ҳар неча бўлса тийра ҳижрон тунлари,
Гар яқин билсамки, айёми висол оллимдадур.

Англамон: оллимдадур лаълинг хаёли муттасил,
Ё анинг шавқидин оққан ашки ол оллимдадур.

Жон бериб, лаълин бир ўпмакни таманно айладим,
Эй кўнгул, билким, ажаб фикри маҳол оллимдадур.

Давр жавридин тинармен, эй кўнгул, ҳар лаҳзаким,
Соқийи маҳваш била жоми зилол оллимдадур.

Эй Навоий, деб эди васлимга етсанг — жон олай,
Бўлмоғум навмид, то ул эҳтимол оллимдадур.

179

Мену – ғариблиғу ҳажру бенаволиғлар,
Диёру ёр фироқиға мубталолиглар.

Шикибу сабр ила бегоналиглар айлаб кўп,
Балову дард била беҳад ошнолиглар.

Не кўзгу тутмоқ эрур дам-бадамки, ҳожат эмас
Сенинг жамолинга бу навъ худнамолиғлар.

Сени кўнгул била жон кишварида шоҳ айлаб,
Хаёл бирла қилурмен ажаб гадолиглар.

Қадаҳ кетурки, неча даҳр элига кўргузсанг
Вафо, натижа эмас ғайри бевафолиғлар.

Салоҳ суратида юз фасоду воқиф ёр,
Бошимға то не кетургай бу беҳаёлиғлар.

Навоий, эмдики муғ дайри ичра сен қадаҳ ич,
Ки кўп совуғ кўрунур мунда порсолиглар.

180

Осилмамиш қулоғингдин юз узра гавҳарлар,
Ки айрилибтур ул ўт шуъласидин ахгарлар.

Отинг аёғини ўпмакка наълу мих эрмас,
Сипеҳр рахшидин инмиш ҳилолу ахтарлар.

Юзунгда хай эмас, оби ҳаёт қатрасидин
Қуёш жамолиға сунъ илги тақти зеварлар.

Бошоғларинг учи эрмаски, чиқти жисмимдин,
Чиқармишам учубон еткали сенга парлар.

Узор сафҳасида хўблар хати демаким,
Туз этти ишқ мени ўлтурурга маҳзарлар.

Баҳор фаслида махмур бўлма, даштқа чиқ,
Ки лола тутти басе лаълранг соғарлар.

Навоий олдирибон кўнглини агар топмас,
Бировдурурки, қулидур жаҳонда дилбарлар.

181

Холу хаттидинки, ҳар бирнинг бир ўзга ҳоли бор,
Хат юзинда нуқтадек мушкин хат узра холи бор.

Чарх уза заррин ғизол ўлди шафақдин жилвагар,
Ё менинг мушкин гизолимнинг ҳарири оли бор.

Баҳри ашким ичраким топмас зарар кўз мардуми,
Гўйиё кирпик найистонидин онинг соли бор.

Гарчи ҳинду бўлса, маскан айлагай хуршид уза,
Холдек улким жамолингдин ҳумоюн фоли бор.

Не учун ўлмайки, эл қатлига айлаб эҳтимом,
Қотилимнинг чун манга навбат етар иҳмоли бор.

Кон ила дарё матоин найласун ул кимсаким,
Дайр аро лаъли равондин жоми моломоли бор.

Ўзни мает истар харобот ичра важду ҳол ила,
Гар Навоийнинг бу дам дарс ичра қийлу қоли бор.

182

Кофиреким, сен киби рухсори оташноки бор,
Ўт солурдин лашкари ислом аро не боки бор.

Ишқ ўтин кўнглум ёрутмоқ истаса, йўқтур ажиб,
Ким чурук бўлғон сўнгаклардин қуруқ хошоки бор.

Кўнглаким чокин тикарга майл қилдинг, эй рафиқ,
Билмадинг гўёки, кўнглак ичра кўксум чоки бор.

Эйки, дерсен пок ҳуснумдек жамол аҳлида йўқ,
Мен киби ишқ аҳлининг ҳам қайда ишқи поки бор.

Қатра-қатра ашку дафъа-дафъа оҳим дудидин
Ишқ мулкининг ажойиб анжуму афлоки бор.

Сол янги ой заврақига атласинг, эй чархким,
Оҳдин бу шом ашким баҳрининг кўлоки бор.

Эй Навоий, қўйма бошим шўхлар гўй эткали,
Ким ани осмоққа бўлсун чобуким фитроки бор.

183

Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор.

Кимки ул бир кўнгли севган нахл қаддин бар еди,
Аллоҳ-Аллоҳ, умридин не бахти бархурдори бор.

Билса кўнглум ҳолатин, шоядки келгай сўрғали
Улки, кўнгли ичра бир бадхўйдин озори бор.

Кўзларидин кеча тонг отқунча уйқум йўқтурур,
Кеча найлар анда уйқуким, ики бемори бор.

Шуълалиқ юз пора кўнглум хайли мужгонинг аро
Оташин гулдурки, атрофида ҳадсиз хори бор.

Истасанг даврон жафосидин қутулмоқ, эй кўнгул,
Хонақаҳ таркин қилиб, майхона кўйи сори бор.

Ҳеч янглиг топмасанг дайр ичра май олмоққа важҳ,
Раҳн учун бўлсун Навоий хирқаву дастори бор.

184

Икки гул вақтидуру икки қуёш давронидур
Ким, кўнгулда ул ики ораз гами ҳижронидур.

То латофатдин лабинг шавқи тушубтур жон аро,
Гўйиёким ул мунга тандур, бу онинг жонидур.

Кўзда ҳар сори қизил раглар демаким, мардумин
Ғамзанг урди, захмлар ҳар ён югурган қонидур.

Мултафит бўл ҳолатим шарҳигаким, бу достон
Шаҳр аро ҳар кўйнинг бошида эл достонидур.

Ҳар қуюн ғам дашти ичра кўрса Лайли согинур,
Ким хасу туфрог аро Мажнуни саргардонидур.

Улки то мумкиндурур, кўрмиш фалакдин эътибор,
Бас, мазаллат ҳам керак, кўз тутса то имконидур.

Асрангиз ўзни Навоий шуълаи афгонидин,
Ким бу ақшом фурқати ошубининг туғёнидур.

185

Лўливашимдин айруки, қабримда лоладур,
Ул ўйнағон киби ёғоч узра пиёладур.

Гулзор арому лўли этар лаъб тўлганиб,
Ё гул киби узорида мушкин кулоладур.

Ул турфа чеҳра доиранинг чамбари аро,
Хуршид даврасида анингдекки ҳоладур.

Таблу нафир маъракаси ичра демангиз,
Ким ишқида улус иши фарёду ноладур.

Борму ўюн ҳароратидин чеҳрасида тер
Ё равза гулистонида ҳар сори жоладур.

Гулшанда ғунчадур демаким, чарх чирмаган,
Булбул ғизоси ҳар сари қоилиғ наволадур.

Пинҳону ошкор Навоийдин ўлмоғи
Гоҳе жафо қилиб, яна гоҳе уёладур.

186

Сарв уза гул бутмаса, қад узра рухсори недур?
Жон агар ширин эмас, лаъли шакарбори недур?

Номаи ҳажрим кабутар парларин гар ўртамас,
Ул қаро хатлар қаноти узра ҳар сори недур?

Оразу зулфунгда кўнглум кофири ишқ ўлмаса,
Бас, анинг бир сори бут, бир сори зуннори недур?

Риштайи зулфига богликдур кўнгул ул шўхнинг,
Тифл қуш судрар киби ҳар сори рафтори недур?

Ишқ даштида кўрунган ерда тушмиш эрди ўт,
Билдим — анда ўтдур, андин билмадим нори недур?

Сабзхатлар васли ҳоло муғтанамдур, эй кўнгул,
Ким билурким, иқтизои чархи зангори недур?

Гар итинг дебдур Навоий қилмади меҳмонлиғим,
Кеча тишлаб-тишлаб олгон жисми афгори недур?!

187

Мен киби парвона ишқ ўтида беоромдур,
Ким ани ҳам ўртаган бир сарви сиймандомдур.

Ком ила исломсиз ўлмак, мусулмонлар, не тонг,
Мендек улким қотили бир кофири худкомдур.

Туну кун оқу қаросин найлайин менким, манга
Орзу бир хатти сабзу орази гулфомдур.

Холу зулфунг сайди бўлмоққа магар ҳам жон қуши,
Ким анингдек қушқа лойиқ дона бирла домдур.

Айшдин давронда наргисдек ул олгай баҳраким,
Оллида беш қурси кофур ичра олтун жомдур.

Чун замон аҳли замона ранги тутмоқдур зарур,
Даҳр нофаржом учун эл ҳоли нофаржомдур.

Эй Навоий, чун замона аҳлида йўқтур вафо,
Ҳар неким йўқтур, тамаъ тутсанг, хаёли хомдур.

188

Париваше, дедилар, пардаи ҳижобдадур,
Кўрарга телба кўнгул ани изтиробдадур.

Ити учун тилар эшкай таноб ул чобук,
Ки элга риштаи жон барча печу тобдадур.

Ҳамул таноб, не тонг, чекса ит киби мени ҳам,
Менинг чу риштаи жоним ҳамул танобдадур.

Хиром вақтида ул ганжи ҳусн эрур ғофил,
Ки иштиёқи не чоғлиқ мени харобдадур.

Манга вафо қилур эрсанг, шитоб қил, эй умр,
Нединки, умр деган бевафо шитобдадур.

Фасона ҳар киши ул ҳусндин деди, лекин
Жамоли шоҳиди мақсуднинг ниқобдадур.

Ҳисоб айлама умрунгниким, неча ўтмиш,
Ки умр ғафлат ила ўтса, не ҳисобдадур.

Парию ёр Навоийға қилдилар жилва,
Бу бирга роғибу ул бирдин ижтинобдадур.

189

Кулбамға, баски, гардун ғам тоши ёғдурубтур,
Сабрим уйидек ул ҳам емрулгали турубтур.

Не лоладур, не жолаким, умр уйин бузарга
Кўк раъдлар қазонин тоғ устидин қурубтур.

Фурқат туни эмаским, ҳижронда куйган элнинг
Куйган кулини даврон гардунга совурубтур.

Мен оҳ ўқию гардун зулм ўқи ёғдурур, ваҳ
Ким, ул ўқин урарни бу ўқтин ошурубтур.

Гардун қуёшни ўртабким, ерга кўмди гўё,
Ким меҳр журми бирла бу навъ ёзгурубтур.

Соқий, қадаҳ суйидин шуъламни паст қилким,
Бу коргаҳда ҳайрат жонимни куйдурубтур.

Сннғон сафол аро май ичсам, не тонгки, даврон
Ғам тошидин нишотим жомини синдурубтур.

Муғ дайрию маю бут, хушвақт ўлки, кўнглин
Майдин чу маст ўлубтур — бир бутқа олдурубтур.

Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг,
Ким шуғл ҳар неча кўп, юз онча ғам турубтур.

190

Йўлида кош мени пора-пора қилғайлар,
Ки халқ ҳолима бир-бир наззора қилғайлар.

Бу ҳолатимни кўруб бори ишқ асирлари
Вафосиз элни севардин канора қилғайлар.

Васиятим буки, кўнғлумни кўргач-ўқ аҳбоб,
Тутуб юзини ҳамул лаҳза қаро қилғайлар.

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғайлар.

Тамуғни равза соғинғайлар аҳли ҳашр ул кун,
Ки телба кўнғлум ўтин ошкора қилғайлар.

Май ички, анғламағайлар бу дайрдин рамзе,
Гар аҳли зуҳд юз ил истихора қилғайлар.

Сабо, деғилки, Навоийға тортсунлар хат,
Аларки аҳли вафони шумора қилғайлар.

191

Холи ҳижронида кўнглум дарди беандозадур,
Доғдин боргач қаро ташвиши онинг тозадур.

Тушта Юсуф ҳайъатин кўрдум ҳабибим ёдидин
Гўйи ул қолип, бу руҳи маҳз учун андозадур.

Захмим оғзи бутмасидин уйқум ўчмиш, эй рафиқ,
Гўйиё бу кўзга уйқу келтурур хамёзадур.

Ғамзаси жаллодида ҳолин кўнгулнинг билмадим,
Эй сабо, Тенгри учун кўйида не овозадур.

Лаъли васфин ёзмишам жон сафҳасидин дафтаре,
Ҳар тараф жон риштаси бирла анга шерозадур.

Захмидин қон кўп оқиб ёхуд жунундиндур буким,
Ул парий кўйида ҳар дам телба кўнглим озадур.

Итлари қут этсун ўлтургач Навоий қонини,
Барча гар ҳар қатра бир жаннат гулига ғозадур.

Воқиф ўлким, бешаи жаҳл ичра жисминг ҳужраси
Нафс сайёди ҳаво сайдин тутарга козадур.

192

Лолагун тўн ичра, ё Раб, ул газоли Чин эрур
Ё кўзумнинг мардуми қон ёш ила рангин эрур?

Билмон оёким шафақ ичра эрур заррин гизол,
Лолагун тўн ичра ёхуд ул ғизоли Чин эрур.

Айламиш гулдастабанди сунъ тўну жисмидин,
Санъатеким арғувон барги аро насрин эрур.

Қадмудур бу ё эрур шингарф ила ёзғон алиф,
Белму ё тореки, лаъл ичра анга таскин эрур?

Кўнглум ичра солди ул тўн акс ёхуд бўлди қон,
Халқ кўнглин қон этарга, ваҳ, бу не ойин эрур.

Бир қадаҳ гулгун май, эй соқий, тўла тутким, кўнгул
Ул бути гулгунқабо бедодидин гамгин эрур.

Эй Навоий, қатл учун гар худ қизил тўн кийди ёр,
Басдур ул тўн ранги, не муҳтожи қатлу кин эрур.

Дема тоғу лола даҳр ичра — ажал қаплони бил,
Ким кийиклар қонидин боштин-аёг рангин эрур.

193

Борди улким, сендин айрилгай кўнгул то жони бор,
Жавринга қўйдум кўнгул, қил ончаким, имкони бор.

Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тиргуз мени,
Бир нафас, дедим, қабул этким, нафаснинг жони бор.

Новакинг еткач, ики нов очти ашким суйидин,
Гўйи ул новакнинг икки новлиқ пайкони бор.

Хозини жаннат сену учмоғ гули бастур манга,
Буки ҳар ён тигининг жисмимда томган қони бор.

Ёрса кўксумни, фиғон зоҳир қилур жон риштаси,
Кўнглак ўлса чок, узулган торнинг афгони бор.

Жон қуши учқоч, туз этти жисм уйин сели фано,
Эй ҳумоюнфол, ўшул чуғзики, бир вайрони бор.

Шайху — бир бодому қон ютмоққи, пири дайрнинг
Нуқл ила майдин фано аҳлиға кўп эҳсони бор.

Даҳр шўхи макрига берма кўнгул — йўл баргин эт,
Сен киби ҳар гўшада невчунки бир меҳмони бор.

Лаъли ҳажрида Навоий қони қайнар демангиз,
Янги майдек руҳидурким, нолаи пинҳони бор.

194

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидурурким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидан хилъатки жононимдадур.

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур?

Қатл биймидур, тараҳҳумнинг доғи уммиди бор.
Бу либоси олким ул номусулмонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона шояд қолмагай,
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқиё, гулранг май солиб кетур паймонаким,
Зуҳд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.

195

Ҳаёт боғида то сарву лола бўлғусидур,
Менинг мумидди ҳаётим пиёла бўлғусидур.

Суроҳи ўлғусидур манга сиймтан маҳбуб,
Бошида қил анга мушкин кулола бўлғусидур.

Ҳаёт гулшани, муғ кулбасию, муғбачанинг
Юзию қадди манга сарву лола бўлғусидур.

Не айб базмим ичинда ҳазин фигонки, суруд,
Ангаки қон ютар, албатта, нола бўлғусидур.

Қадаҳки, ҳолима қон йиғлар, эмди оҳимдин
Сиришки қатраси гулранг жола бўлғусидур.

Қачон май ичра юзунг акси тушса, эй соқий,
Пиёла даври ўшул ойга ҳола бўлғусидур.

Дединг, фано недурур, мухтасар дейин ўлмак,
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур.

Навоий, истама Кавсар майини зуҳд била,
Ки бода ичкучи элга ҳавола бўлғусидур.

196

Юзи гулчеҳра соқийнинг тараб ҳукмига туғродур,
Юзинда май гули ул ёрлиғ узра оли тамгодур.

Лаби лаъли ҳалокимен агарчи жонфизолиғда
Масиҳо бирла ул гўё ўлук бирла Масиҳодур.

Дамим дуди хирад аҳлин қилур ҳар лаҳза савдойи,
Димоғимда, кўрунг, ул зулф мушкидин не савдодур.

Синонин кўксума то чекти ул чобук, бу хам қаддим
Ҳамоно ғам сипоҳи қалбида ул ўқ учун ёдур.

Лабинг акси кўзум шўробаси баҳрида гўёким,
Чучук судурки, атрофида онинг талх дарёдур.

Жаҳонни чун кўзумга ҳажр шоми айламиш тийра,
Не суд андин мангаким, васл субҳи оламородур.

Бошим қуш ошиёни, тан жунун торожидин урён,
Не тонг, ёшлар югурмак ҳар тарафдинким, тамошодур.

Фидоси нақди исломимки, муғ дайридаги соқий
Улус қонин тўкардин ваҳм қилмас, гарчи тарсодур.

Навоий дайр пири гўйиёким шаҳр шайхига
Фано жомин ичурдиким, харобот ичра гавгодур.

197

Кўнгул уйига ғаму ғусса селидин не қусур,
Ки бода лойи била қилмишам ани маъмур.

Бировни мумкин эмас тийра айламак қайғу,
Ки солмиш ўлгай анга жоми бода ламъаси нур.

Хуш ул майеки, эмастур сафову лавн ичра
Тамуғ ўти била жаннат суйига ул мақдур.

Десам бу ўт кул этар ғусса хирманин, не ажаб,
Десам бу су тузатур фикр қасрини, не қусур.

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,
Ки зоҳир аҳлиға бу маъни этти бўйла зуҳур.

Ва лек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.

Ичилса соқийи тавфиқ илгидин ул май,
Кўнгул бу гамдин эмас шубҳаким, бўлур маҳжур.

Манга бу май била бир жом келтур, эй соқий,
Ки кўнглум ул ғам аро бўлмиш асру кўп ранжур.

Маломат аҳлига, эй пири дайр, аёг тутсанг,
Бу навъ қўйма Навоийни бир йўли мастур.

198

Висол аҳли, сизу – жоми муроду комронлиғлар,
Визу – ғам кунжию хуноби ҳажру нотавонлиғлар.

Танимда ҳар тараф қонлиғ яра, гўёки қилди ишқ
Қасосим ҳукминиким, туттилар теграмни қонлиглар.

Эрур Фарҳоду Мажнун хонумони тоғ ила водий,
Халос этмиш мени ул қайддин бехонумонлиглар.

Басе риққат эди кўнглумда қилгач ул парий жилва,
Жунун бирла мубаддал бўлди барча хурдадонлиглар.

Асар йўқ кўнглида ул шўхнинг ному нишонимдин,
Натижа акс берди бизга беному нишонлиглар.

Мен ўлдум меҳридин, юз мендек ўлса, йўқ анинг раҳми,
Бўлур эрмиш бировга мунча ҳам номеҳрибонлиғлар.

Куҳан пире йўлингда ўлди, бир ҳам боқмадинг, ё Раб,
Ки ўткай хайр бирла бу ғурури навжувонлиғлар.

Яна зуҳдум тариқин афв қил, эй пири дайр, охир,
Ки сендин яхшиликдур, неча биз қилсақ ёмонлиғлар.

Навоийни деб эрмишсенки, мендин ўзгани севмиш,
Кам ўлмас, Аллоҳ-Аллоҳ, сендин ушбу бадгумонлиглар.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

199

Замона боғики, гулбаргидур нишотангез,
Не барги гулки, туташмиш тиканга шуълаи тез.

Тааммул эт кўрубон ранга-ранга гулларни,
Ки очти қатлиға булбулнинг ушбу рангомез.

Чу нўши васли аро заҳри ҳажр эзилмишдур,
Анинг бу шарбатидин авло айламак парҳез.

Не барги гулки, анга шаҳд қилди оғушта,
Санамлар эрни киби қилди ани шўрангез.

Замона аҳлиға ўт солғали эрур ҳар тун
Сипеҳриким, қилур анжум шароридин гулрез.

Агарчи тиғи жафоси қатилидур Фарҳод,
Бу тиғ қотилидин ҳам қутулмади Парвез.

Фано йўлига қадам қўй, бошингни овучла,
Ки йўқ бу йўлда кишига бу навъ дастовез.

Муроди субҳи висолингни тийра қилмоқ эрур,
Ки ҳажр шомин этар мушкпошу анбарбез.

Навоий истаса тардоман элдин ўлмоқ фард,
Фиғондин ўт сочибон барқ янглиг эткай хез.

200

Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз.

Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз «саводул важҳ фиддорайн»дин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг догини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

201

Жонима қасд айлару бор ўйлаким жоним азиз,
Мен анга хору манга ул моҳи Канъоним азиз.

Қон ютармен, лаъли гулбаргига эсса тонг ели,
Тонг эмас, эй дўстлар, бўлса менга жоним азиз.

Келди кўнглумга хаёли, жону кўнглум нақдини
Айладим исорким, бор эрди меҳмоним азиз.

Кўргач-ўқ ушшоқ аро жонимга сурди тиғи қатл,
Эл аро бу хор қулни қилди султоним азиз.

Гарчи хор эттинг мени дайри фано аҳли аро,
Бўл мусулмонлар аро, эй номусулмоним, азиз.

Бодаи лаълинг учун азми харобот этгали
Риндлар ичра эрур қадрим бийик, шоним — азиз.

Дема ҳар соат Навоийгаки, тарк эт ишқини,
Ким менга беҳад эрур ул кўнглум олғоним азиз.

202

Гар ўлмасам эди ул ойға ошно ҳаргиз,
Бошимға ёғмас эди чарҳдин бало ҳаргиз.

Тариқи ишқ аро беэътидол эсам, йўқ айб
Нединки, тушмамиш эрди бу иш манго ҳаргиз.

Жафосидин, демаким, ишқ таркини тутқил,
Бу иш бўлурму вафо аҳлидин раво ҳаргиз?

Балои ишқиға мен мубталою истамагай
Қутулмақ ила балодин бу мубтало ҳаргиз.

Даво чу мумкин эмас ишқ дардига, ваҳким,
Илож топмади бу дарди бедаво ҳаргиз.

Ёйилди Вомиқу Фарҳод ишқи, йўқ эди лек
Менинг ишим киби ҳар ён бу можаро ҳаргиз.

Кўнгулни даҳрдин ошуфта қилмаким, хуштур,
Ки тийра бўлмаса жоми жаҳоннамо ҳаргиз.

Санга замон элидин етса кўп жафо, муни де,
Ки ким кўруб эди бу хайлдин вафо ҳаргиз?

Не келса, хуш тут ўзунгники, халқ кўнгли учун
Рақам ҳак айламади котиби қазо ҳаргиз.

Десангки, хом тамаъ бирла бўлмайин ранжур,
Висол айлама ишқ ичра муддао ҳаргиз.

Навоий, истама кўп ишқ аро наво, негаким
Бу боғ булбулига етмади наво ҳаргиз.

203

Ўтинг, ишрат аҳлики, биз зорларбиз,
Туман минг балога гирифторларбиз.

Кўнгулни қилиб юз яра ишқ ўқи,
Тараҳҳум қилингким, дилафгорларбиз.

Тиларбиз шифо бир Масиҳонафасдин,
Ки бу кўҳна дайр ичра беморларбиз.

Ёрутқой дебон кўзни бир саъд кавкаб,
Ҳар ақшом тонг отқунча бедорларбиз.

Сабукруҳ соқий, фано жоми тутқил,
Ки ўзлук юкидин гаронборларбиз.

Муяссар эса дўстнинг васли бир дам,
Бериб икки олам, харидорларбиз.

Навоий киби ичгали ишқ жомин
Харобот кўйида хумморларбиз.

204

Маозаллоҳ, сиз, эй ишқу муҳаббат, не балодурсиз,
Ки кўнглумдин олиб сабру шикеб, ўтлар солодурсиз.

Сени кўр айлаб, эй кўз, эй кўнгул, солсам сени ўтқа,
Муҳиқменким, манга сиз боиси дарду балодурсиз.

Гар аҳбоб этсалар гулгашт, эй жону кўнгул, борманг,
Нединким, сиз бирав ҳажри ғамиға мубталодурсиз.

Насиҳат аҳли, ўлтурманг дамо-дам ишқу дард аҳлин,
Демай бедардсиз, биллаҳки, дарди бедаводурсиз.

Ишингиз жону дин олмоқдур, эй муғ дайри атфоли,
Агар куффори Хайбарсиз ва гар турки Хитодурсиз.

Мени бир жом ила ўзлук хуморидин халос айланг,
Гуруҳи риндларким, сокини дайри фанодурсиз.

Танаъум аҳлию — базми висол, эй дарду ҳажр аҳли,
Навоийдин сиз айрилмангки, зору бенаводурсиз.

205

Не айб, ишққа бу мўри мубтало ожиз,
Ки ишқ агар будурур, бўлгай аждаҳо ожиз.

Рафиқлар бошима йиглашурлар, ўлди магар
Табиб қилгали бу дардима даво ожиз.

Риёга ажз кетурсам тонгиргама, эй шайх,
Ул ишда чун яротибдур мени Худо ожиз.

Нечаки тавсану тунд эрса халқ кўнгли, бўлур
Чу бўлди ишқу муҳаббатқа мубтало ожиз.

Фироқ илгида ожизмен, эй кўнгул, не ажаб,
Кишини айласа минг меҳнату бало ожиз.

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

Навоий ар қила олмас гадолиг, эткил раҳм,
Ки бўлди бир йўли ул зори бенаво ожиз.

206

Тўкти қонимни — менинг сори чу очти ёр кўз,
Тўкмайин қон найласун ул қотили хунхор кўз.

Кўзу кўнглумдин балоларга йўлуқтум, кошки
Итса бесомон кўнгул, кўр ўлса йиглаб зор кўз.

Ҳажр тиғи бирла урма ончаким, кўрсун сени,
Ҳар не қилсанг қил, чу топти давлати дийдор кўз.

Ваҳ, нелар бўлғай яна тушса кўзум ул кўзгаким
Ул бири хунрез кўздур, бу бири хунбор кўз.

Кўз учидин ваъдаи васл айлаб имо олди жон,
Гўйиё бози бериб жон олди ул айёр кўз.

Бир юз очиб, чок этиб кўнглумни, кўзунг урди ниш,
Бўлди бу иштин кўнгул мамнуну миннатдор кўз.

Истасангким, сурмаи мақсуд ила кўз ёруғай,
Сурмагун тунларда ҳижрон шоми тут бедор кўз.

Кўзу кўнглунгга десанг, ул еткач офат етмасун,
Саъй этиб тўхтат кўнгулни, асрагил зинҳор кўз.

Эй Навоий, тўтиёйи васлга қобил бўлур,
Ғам ема, гар бўлса ҳижрон хоридин афгор кўз.

207

Ишқ журмиға мени, эй дўстлар, ёзғурмангиз,
Бегунаҳ мен худ куярмен, сиз даги куйдурмангиз.

Ҳар замон чун ёгдурур бедод ўқин жонимга дўст,
Сиз даға таъну маломат тошини ёгдурмангиз.

Мен чу ўлдум ёшуруб ишқин, гар эмди сўрса ёр,
Ҳолатимни сиз не билганни денгиз, ёшурмангиз.

Сўрманг, эй ушшоқ, мендин найлоли деб ишқ аро,
Гар қила олурсиз, аввалдин кўнгул олдурмангиз.

Ишқ оташгоҳида кул бўлмишам, эй дўстлар,
Кўкка ҳар соат кулумни сиз даға совурмангиз.

Чунки ишқ ошубидин ҳар дам ишим ўлмакдурур,
Сиз ҳам, эй аҳли насиҳат, таън ила ўлтурмангиз.

Ишқи оламдин суруб солди Навоийдек мени,
Кўйига, эй ашк хайли, сиз ҳам андин сурмангиз.

208

Кўксумни тиғи меҳнат ила ёра айлангиз,
Тортиб узунг кўнгулнию юз пора айлангиз.

Ҳар порасини куйдурубон кул қилиб сочиб,
Ҳар заррасини бир сори овора айлангиз.

Ул кулдин айлабон фалак, оҳим шарорасин
Ҳар жонибида кавкаби сайёра айлангиз.

Ҳар навъ мумкин ўлса, ани фоний айлабон,
Бедодидин бу шефтаға чора айлангиз.

Ул шўх ншқин истаган эл, солмангиз назар
Анинг сорики, кўнглума наззора айлангиз.

Чарх ўлди ҳийлагар — анинг тариқи макр,
Тажрид эли, талоқи бу маккора айлангиз.

Овора кўнгли келса Навоийнинг озибон,
Эй хайли дуди оҳ, юзин қора айлангиз.

209

Киши кўрмайдурур ишқ ичра зоре мен киби ҳаргиз,
Ғами ҳижронда бесабру қароре мен киби ҳаргиз.

Хаданги гамзаву ошуфта зулфунгдин йўқ эркандур
Дилафгоре, паришон рўзгоре мен киби ҳаргиз.

Десанг ушшоқнинг хоки тани узра сурай маркаб,
Кўп истаб топмоғунгдур хоксоре мен киби ҳаргиз.

Сенингдек сустпаймон даҳр аро ҳаргиз йўқ эркандек,
Вафоға ҳам йўқ эрмиш устуворе мен киби ҳаргиз.

Жафогарликда йўқ эрмиш сенингдек, дерга йўқ ҳаддим,
Йўқ эркандур жафокашликда боре мен киби ҳаргиз.

Дедимким: даҳр боғида йўқ эрмиш мен киби булбул,
Дедиким: борму эрмиш гулузоре мен киби ҳаргиз?

Магарким ёр соқий бўлса, дафъ ўлгайки, етмайдур
Кишига васли жомидин хуморе мен киби ҳаргиз.

Фироқи жаврида навмид ҳам йўқ мен киби, гарчи
Йўқ эрди васлдин уммидворе мен киби ҳаргиз.

Навоий, демаким, ҳижронида сабр ихтиёр этгил,
Бу ишда йўқ эмиш беихтиёре мен киби ҳаргиз.

210

Васл уммидидин бошимга ёрни келтурдунгуз,
Оқибат юз ҳажр тоши бошима ёгдурдунгуз.

Синди бошим косаси андоқки кўнглум шишаси,
Муҳтасибдек ишратим асбобини синдурдунгуз.

Юз тамуғча ўт не ҳожат эрди, эй ҳажру фироқ,
Ким ёқарда эмганиб хасдек таним куйдурдунгуз.

Тинмағур агёр зоҳир айлабон кўп изтироб,
Ҳажр аро қатлим учун мендин кўнгул тиндурдунгуз.

Майға афюн солиб, эй дарду бало соқийлари,
Турфа буким, маст бўлдунг деб мени ёзғурдунгуз.

Чун вафо йўқ даҳр гулзорида, эй тонг қушлари,
Саҳвдурким, бесамар ашжорида ўлтурдунгуз.

Сизга ҳам, эй ишрат аҳли, қолмагай жовид васл,
Буки зулм айлаб, Навоийни ародин сурдунгуз.

211

Йўқ ҳадим қўймоққа онинғ рахши туйноғиға юз,
Басдурур, ғар сурта олсам йўли туфроғиға юз.

Тўнунға юз сурта ғар олмон, чаманда ҳар шажар
Ўхшаса қаддингға, суртай барча яфроғиға юз.

Рахшининғ доғиға мумкин бўлмаса юз суртарим,
Суртайин жисмимда ишқи ўтининғ доғиға юз.

Кўйиға йўл топмасам, дўзах сари борғанча бор,
Кому осойиш учун қўймоқ Эрам боғиға юз.

Дўстлар, қатлимға андоқ келди ул султони ҳусн,
Ким салотин қўймағайлар қатл учун ёғиға юз.

Ишқдин Фарҳод ила Мажнунча мен қўймоқ била
Гаҳ жунун даштиға ғому ғаҳ бало тоғиға юз.

Эй Навоий, васл осон эрдию ҳижрон қотиғ,
Кўрки, осонлиқ тилаб, қўйдум қотиқроғиға юз.

212

Кўзу кўнглумга то бўлди аён ул зулф бирлан юз,
Кўзумдин уйқу учти тун, кўнгулдин сабр ҳам кундуз.

Югурмактин сиришким ҳажр шоми юзда хатлардур,
Тулуъ эткач югурмак одат эрмиш гам туни юлдуз.

Хаёлинг бирла мен то бодаи ишқинг била сархуш,
Эмасмен ишқинг иқболидин, эй жон, бир нафас ёлғуз.

Янги ой ботти, наргис итти, барбод ўлди сарву гул,
Таололлоҳ, не қошу кўз экин, ё Раб, не қадду юз.

Тонг эрмас, соядек оллингда сарви рост бош қўйса,
Тушар чун ҳар кишининг қадди туздур, сояси ҳам туз.

Чаманда сарву гулнинг ишваси кўнглумга ёқмайдур,
Фидо жоним санга, қаддингга бергил жилва, юз кўргуз.

Келурмен хонақаҳдин дайр сори, базм туз, эй муғ,
Муғона туз суруд, эй мутрибу, эй муғбача, май суз.

Чу муғ дайрида зикрим дўст оти бўлди, эй соқий,
Манга-ўқ тут қадаҳни, гар эрур тўқсону гар тўққуз.

Санамлар ҳуснидин мақсуд ёр ўлмиш Навоийга,
Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз.

213

Қачон бўлгай манга васлида имкони тараб ҳаргиз,
Хаёлинда чу айлай олмадим тарки адаб ҳаргиз.

Агарчи халқ жон топмиш лаби оби ҳаётидин,
Манга жуз ҳажр захми бермади ул нўшлаб ҳаргиз.

Висол аҳли сизу – ишратким, онинг завқини билмас,
Биравким кўрмади умрида жуз ранжу тааб ҳаргиз.

Табибо, қилса кўнглум ўтин афзун шарбатинг, тонг йўқ,
Су бирла шуъла табъидин кетарму тобу таб ҳаргиз.

Чу Лайли қилди Мажнун кўнглининг сарманзилин хилват,
Не суд ар қўймаса Ҳай гирдида они араб ҳаргиз.

Ялинсам ўлтурур, қилсам ниёз, огози ноз айлар,
Киши кўрганму эркин бўйла хўйи булажаб ҳаргиз.

Қачон равшан кўнгулни нафс ўти дуди қилур тийра,
Нубувват шамъини не навъ ўчургай Бу Лаҳаб ҳаргиз.

Нечаким саъй бирла топмаса матлубини солик
Керакким, жонидин кам бўлмаса ранжу талаб ҳаргиз.

Навоийдин киши ошиқлиқ отин маҳв эта олмас,
Қачон кетгай, киши салб айламак бирла лақаб ҳаргиз.

214

Эмди ғами йўқ, солди чу кўнглум аро минг сўз,
Оҳим ўтидин ўчса ҳамул шамъи дилафрўз.

Кўнглум яросин тикти ва лекин ўқи бирла,
Жонимга алифдек дурур ул новаки дилдўз.

Васли аро, кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу наврўз.

Ишқ айлади расво мени, эмди бошинг ол, кет
Юз хижлат ила, эй хиради маслаҳатомуз.

Жоним эвида онча гаминг нақдини йиғдим,
Ким бўлди кўнгул махзани бу жони гамандўз.

Бир субҳ ангаким толеъ ўлур бода қуёши,
Хуш бахти ҳумоюн била хуш толеи феруз.

Дерларки, Навоийму экин дашти фанода,
Чун сарсари ҳижрон совурур бир соридин тўз.

215

Эй юзунг боги насимида ҳавои наврўз,
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.

Зулфу рухсор ила комимға мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун наврўз.

Кўнглум ул луъбат илигида гирифтор ўлмиш,
Қушни ул навъики лаъб аҳли қилур дастомуз.

Дарди ҳажрингда куяр кўнглуму ўз ҳолимга
Кишисизликдин ўзумдурмен ўзумга дилсўз.

Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамкора ажуз.

Кўк жафосидин ўлур хобгаҳинг бўз туфрог,
Бўлса остингда сипеҳр ашҳаби янглиг кўкбўз.

Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.

216

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор,
Ким кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоқким, элга ондин нукта имло қилмангиз.

Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз нодим бўлуб,
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Менда ҳижрон дардию йўқ сабр, бори дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жоми саҳбо қилмангиз.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли туморинда иншо қилмангиз.

217

Нозанинлар, бенаволарга тараҳҳум айлангиз,
Лутф агар йўқтур, газаб бирла такаллум айлангиз.

Гаҳ бийик, гаҳ паст гирён кўрсангиз ушшоқни,
Фош кулмассиз, ниҳон боре табассум айлангиз.

Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолимни, эй жону кўнгул,
Билдингиз, ёр оллида бориб тазаллум айлангиз.

Эй балову дард, ўтлар худ солибсиз жонима,
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин таваҳҳум айлангиз.

Қон агар ютсам қарориб ахтарим, эй хатту хол,
Сиз майи лаъли била боре танаъум айлангиз.

Биз фано туфроғи бўлдук дайр аро, эй аҳли зуҳд,
Хонақаҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум айлангиз.

Эй муғаннийлар, Навоий маст эди — кеч уйғонур,
Они уйғотмоққа бир дилкаш тараннум айлангиз.

218

Мени бир нома бирла дилбарим ёд этмади ҳаргиз,
Қулин қайғудин ул хат бирла озод этмади ҳаргиз.

Сиришким сели йиқмай қўймади худ сабр бунёдин,
Бузуғ кўнглумда тарҳи васл бунёд этмади ҳаргиз.

Балолар тоғини ҳажринда тирноғим била қоздим,
Мен эткан ишни ошиқликда Фарҳод этмади ҳаргиз.

Чу нақди сабр торож айладинг, кўнглумга ўт солдинг,
Бу навъ ўз кишварига шоҳ бедод этмади ҳаргиз.

Фироқ айёмида кўп нафъ еткурди буким, кўнглум
Ўзин ул шўҳнинг васлига муътод этмади ҳаргиз.

Не тонг девона кўнглум итларингга таън қилмоқким,
Ебон юз дарду меҳнат тоши, фарёд этмади ҳаргиз.

Эрур ишқ оллида жоним фидо қилсам, ҳануз озким,
Ул ойдин ўзгани қатлимга жаллод этмади ҳаргиз.

Не тонг, эй муғбача, ишқингда маст ўлсамки, пири дайр
Бу икки ишдин ўзга бизга иршод этмади ҳаргиз.

Агар бузди Навоий кўнглини ул бевафо, тонг йўқ,
Вафо аҳли уйин чун ишқ обод этмади ҳаргиз.

219

Бор анингдекким керак ул кўзу қошу қадду юз,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким кўрубтур ҳусн бу янглиг тўкуз?

Зулфунг эгрилик, қадинг тузлуктадурлар ўйлаким,
Сунбул эрмас мунча эгри, сарв эрмас онча туз.

Сен эрурсен ҳусн шоҳи, меҳри сойир тожире,
Ким чекибтур оллинга афлок жинсидин тўқуз.

Ҳажр заъфидинки жон бир риштага боғлиқдурур,
Жонга раҳм эт, эй ажал, бу риштани ҳам тортиб уз.

Неча кўнглум кишваридин сабр тарҳин бузгасен,
Бир доги бу хаттидин зулму ситам тарҳини буз.

Кўз аёғингға етар уммид бирландур буким,
Оллинга юз қатла ҳар соат қўярмен ерга юз.

Соқиё, даврон ишида йўқтурур жуз тийралик,
Дафъига айларга доир давр аёғин бода суз.

Фақр кўйи туфрогиким, улдур иксири ҳаёт,
Жон бериб кўз ёритурча олсанг — олмишсен учуз.

Эй қаландарваш муғанний, гар Навоий кўнглини
Истасанг ҳар лаҳза беҳол айламак, тузгил қўбуз.

220

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созинг била овоз туз.

Навҳа оҳанги тузуб, оғоз қил маҳзун суруд,
Ул суруд ичра ҳазин кўнглумга махфий роз туз.

Тузма оғоз айлабон Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Десанг эл куйсун, менинг дардим қилиб оғоз туз.

Истасангким, нағманг ичра кўп халойиқ ўлмагай,
Ул икавдин кўп, вале мендин тарона оз туз.

Гар менинг ҳолим десанг туз барча достони ниёз,
Дилбаримдин нағма соз этсанг, суруди ноз туз.

Чун бу гулшанда нишиман қилғали қўймас хазон,
Гул фироқи савтин, эй булбул, қилиб парвоз туз.

Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуғ суруд,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз.

221

Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз,
Келки, бир лаҳза таҳаммул қила олмон сенсиз.

Чиқма кўнглумдин, ўлар вақтким ул ғурбатда,
Жону тан кишваридин айрила олмон сенсиз.

Бода базмида нишотим тиласанг, соқий бўл,
Ки майи Кавсар ичиб, очила олмон сенсиз.

Майи ишқинг била бехудмен, агар ҳуш манга
Истасанг, кел бериким, ойила олмон сенсиз.

Гулу булбулдек отим сенсиз эмас эл тилида,
Шукрким, сўзда доги айтила олмон сенсиз.

Не ғам оворалигим, жоним аро чун сенсен,
Истаган элга доғи топила олмон сенсиз.

Чун Навоий сени кўрмай нафасе билмас ўзин,
Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз.

222

Йигитлигинда қилур қадни бенаволар кўж,
Магарки фоқа юкидин бўлур гадолар кўж.

Не рост қад била мағрурсиз, йигитларким,
Сипеҳр айлар ул ўқларни мисли ёлар кўж.

Ҳавас қорилиг этиб, гўйиёки айларлар
Кўнгул камини учун қадни дилраболар кўж.

Не шўх туз қад ила жилва қилдиким, қилди
Ғаму бало юкидин қадни порсолар кўж.

Асо тутуб не илож айлагай гадоки, бўлур
Чу вақти етти — фалакқадр подшолар кўж.

Аларки кўж қадим бирла ҳазл этарлар, ҳайф,
Ки бўлмағумдурур ул дамки, бўлғай олар кўж.

Навоий итти йигитлик, магар вафосизлик
Қилдилар қарибон қадни бенаволар кўж.

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

223

Даврон гулию гулшани хориға арзимас,
Гулгун майи балойи хумориға арзимас.

Минғ йил киши жаҳон элиға қилса шоҳлиқ,
Бир дам алар иҳонату ориға арзимас.

Манқалда уду сандал ағар айласанғ ўтун,
Бир лаҳза дуд бирла шарориға арзимас.

Офоқ мулки фатҳи учун тортмоқ сипаҳ
Билким, сипоҳ ғарду ғубориға арзимас.

Юз қарн олам аҳли аро айламак нашот,
Бир дам алар нифоқу ниқориға арзимас.

Йиллар ҳабиб васли муяссар эса, ғаҳе
Майли рақиб жониби бориға арзимас.

Киргил фано йўлиға, Навоийки, даҳри дун
Бу умри бесабот мадориға арзимас.

224

Эй, қуёшдек оламоро ҳуснунга ҳайрон улус,
Зарра янглиг ул қуёш даврида саргардон улус.

Ўйла расвоменки, борсам ҳар тараф беихтиёр,
Тортар, ийнак келди ул девона деб, афғон улус.

Жилвагоҳи ҳуснида бир дам тамошо истарам,
Нетти бир дам бўлса олам даштидин пинҳон улус.

Дўзах ўтидин улус Тенгрига элтурлар паноҳ,
Не учунким, кўрмамишлар шуълаи ҳижрон улус.

Ҳажрдин юз саъб ҳолат ичрамен, эрмас ажаб,
Гар тамошоға қилурлар бошима туғён улус.

Гар улус изҳори ишқ айларлар, аммо чекса тиғ,
Мен қолурмен тиғ остида, қочиб ҳар ён улус.

Тийрборонким ғаминг қилди, туганмас қарнлар,
Терсалар анда бошоқ терган киби пайкон улус.

Чун фалак жавфин қазо қилмиш ҳаводис ҳуққаси,
Бўйла ерда фитнадин қочмоқ, зиҳи нодон улус.

Гар улус аҳду вафосида Навоий ўлди, лек
Йўқтурур бу аҳд аро қилмоқ вафо имкон улус.

225

Ҳар ниёз этсам аён, жуз ноз ойин айламас,
Неча аччиғ йиғласам, бир лабни ширин айламас.

Истаса ҳар кимни ўлтурмак учун жаллоди даҳр,
Ваҳки, мендин ўзгани ул гамза таъйин айламас.

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хотири майли раёҳин айламас.

Жилваким қонлиғ кўнгулда айлар ул қад бирла юз,
Соҳати гулзор аро шамшоду насрин айламас.

Ашк ўткунча юзумдин каҳрабо ранги тутар,
Суни ҳаргиз заъфарон бу навъ рангин айламас.

Ваҳ, не ҳолатдурки, ул ҳусн айласа ҳар кимни шод,
Ишқ мендин ўзгани бу ишда гамгин айламас.

Эй Навоий, сўз деким, давронни гардундек қазо
Жуз бу дурри кавкабойин бирла тазйин айламас.

226

Йўқ дамеким, фурқати жонимга бедод айламас,
Ғайрии шод эткали кўнглумни ношод айламас.

Ўлмакимни билмайин гўё дер эрмиш ул парий,
Ким неча тундурким, ул девона фарёд айламас.

Улча бағримға қилур ғам нишидин ҳижрон гами,
Тоғнинг бағриға метин бирла Фарҳод айламас.

Солди кўнглум ўтига пайконларин ҳижрон, ажаб,
Ким манинг қатлимга боштин тиғи пўлод айламас.

Қайси бир дамдурки солмон сабр авроқига кўз
Ким, борин оҳим ели бир дамда барбод айламас?!

Бевафолар рағмиға севдим парини, эй кўнгул,
Ким вафо изҳори жинси одамизод айламас.

Оқибат чун айрулуқдур, ул киши айлар ғалат,
Ким висол ичра ўзин ҳижронга муътод айламас.

Муғбача қурбони бўлсак йўқ ажабким, пири дайр
Бизга ойини фанодин ўзга иршод айламас.

Эй Навоий, бўлма онинг ёдидин гофил даме,
Сен ким ўлдунг дегаликим, ул мени ёд айламас.

227

Йўқ манга ҳад айламак бошингға эврулмак ҳавас,
Итларинг бошиға эврулмак муяссар бўлса бас.

Чун ҳадим йўқ эткали жавру жафосин илтимос,
Қайда мумкин айламак меҳру вафосин мултамас.

Эй Масиҳим, чун ўлармен — бир васият айлагум,
Халқдин махфий қулоқ огзимга қўйғил бир нафас.

Кечалар ҳажрингда фарёдим ўтар афлокдин,
Маҳвашим, фарёдким, бўлмас манга фарёдрас.

Гулмудур қўйғон қафас устида, эй булбул, санга
Ёхуд афғонинг ўтидинму тутошибтур қафас?

Гулшани ишқ ўйла олийшон эрурким, анда бор
Сидра шохи бирла Тўби бир-ики хошоку хас.

Гар Навоий ёрнинг васлин таманно қилса бор,
Ўйлаким, бўлгай гадо кўнглида шоҳ ўлмоқ ҳавас.

228

Менга, соғинмаким, ул дилрабо эрур мунис,
Ки дарди ҳажрида юз минг бало эрур мунис.

Ниёзу ажзидин ар ўлса дам-бадам, не ажаб,
Гадовашеки, анга подшо эрур мунис.

Чу ишқ бодияси келди дашти истиғно,
Шаҳ ўлди зор анга, гар гадо эрур мунис.

Вафосиз англаса ўз умри-ўқ гумон қилдик,
Ангаки умрида бир бевафо эрур мунис.

Хаёл бўлди таним заъфдин таносуб учун,
Бу дамки ёр хаёли манга эрур мунис.

Бу дашт қатъида ҳамроҳ эрур қадам урмай,
Ангаки сокини дайри фано эрур мунис.

Навоий унски булбул била тутар, тонг йўқ,
Бу бенавоға гар ул бенаво эрур мунис.

229

Бир ойни тилаб, хаста кўнгул зорму эрмас,
Ҳажри гамидин юз туман афгорму эрмас?!

Сўрмастин анга қатл тилар, йўқ эса кўнглум
Ошиқму эмас, бекасу беморму эрмас?

Ишқида ситамлар била ўлсам, не ажаб, ёр
Қотилму эмас, шўху ситамкорму эрмас?

Диним бошига титрар эсам, тонг эмас, ул кўз
Кофирму эмас, масту дилозорму эрмас?

Чун сурди самандин нега ўлдунг дема, эй шўх,
Сархушму эмас, чобуку айёрму эрмас?

Гар даҳр арусиға, дедим, берма кўнгул, боқ:
Муҳтоламу пурҳийламу маккорму эрмас?

Гар бўлса харошида Навоий уни, тонг йўқ
Бир гул гамидин кўнглида юз хорму эрмас?

230

Айлаган қадду юзунг боринда сарву гул ҳавас,
Даҳр бўстонида андоқ бўлмағай бир булҳавас.

Нозанин қаддинг ниҳоли бирла рухсоринг гулин
Кўргали не сарв қилдим орзу, не гул ҳавас.

Сарвинозим бошида то кўрди мушкин кокилин,
Шамъ айлабтур муанбар дудидин кокул ҳавас.

Кўрди то сарв қаду гулдек юзунгни боғбон,
Гулшан ичра қилмади шамшод ила сунбул ҳавас.

Куллию жузвий йўқу борим санга бўлди фидо,
Сен керак бўлсанг, манга йўқ эмди жузву кул ҳавас.

Шоми савм ифторига, эй шайх, шарбатни нетай,
Айласам бир шўх илгидин сабуҳий мул ҳавас.

Айлади бир холи ҳинду рўзгоримни қаро,
Эй Навоий, тонг йўқ, этсам Ҳинд ила Кобул ҳавас.

231

Кимғаким бўлса насиб ул офати жондек анис,
Бебаҳо бўлғай қошинда моҳи Канъондек анис.

Қайда бу гулшанда унс ўлғай манғаким, истарам
Орази гул, қомати сарви хиромондек анис.

Кофиреким нақди диним олдию ёшурди юз,
Топмоғум юз саъй ила ул номусулмондек анис.

Унс тутқоч, ваъдаи васл эттию қилди хилоф,
Ҳеч кимға бўлмасун ул аҳди ёлғондек анис.

Ул парий мен телба бирла унс ағар тутмас, не тонғ,
Дашт аро Мажнунға бас ғули биёбондек анис.

Не ажаб даврон аро ошуб тушмак ҳар замон,
Менки истар бўлсам ул ошуби даврондек анис.

Қилғай инсоният ар кўз мардумиға тутса унс,
Эй Навоий, яхшидур инсонға инсондек анис.

232

Қилса бўлгай меҳрни нуринда ёшунған қиёс,
Жилва қилған чоғда ул хуршиди кофурий либос.

Йўқ кўнгул султони ҳифзиғаким, ул ой йўлида
Уйқусиз кўзлар тонг отқунча тутар ҳар кеча пос.

Ул қуёш чиқмай солур чарх узра юз тарҳи жафо,
Ваҳ, бор эрмиш ҳусн шоҳи, не бало олий асос.

Пойбўсунг ваъдасиға жон олиб, дерсен манга,
Ҳожатингни илтимос эт, ваҳ, не ҳожат илтимос.

Кирпикимдин реш бўлғай деб тахайюл ичра ҳам,
Кўзни қилмон барги гул янглиг табонингға мумос.

Эй висол аҳли, сизу иқбол ташрифики, чарх
Тикти қаддимга менинг идбор торидин палое.

Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума,
Эй Навоий, билдим иҳдар-роҳатайн эрканни яъс.

233

Мен киму меҳру вафо?! Зулму итоб айласа бас,
Жаврини лутфича жонимга ҳисоб айласа бас.

Қайда ул ҳад мангаким, лутфидин обод ўлсам,
Зулм ила кишвари жонимни хароб айласа бас.

Эмон ул итки, рикобин тамаъ этсам ўпмоқ,
Қатл учун зулфини бўйнумға таноб айласа бас.

Ўн қуёшча юзида нуру анга тўрт ниқоб,
Етти гардунча жамолига ниқоб айласа бас.

Минг балокашни қилиб қатл гунаҳ қозғонди,
Мени тиргузгуча умрида савоб айласа бас.

Мен киму лаъли умидики, хаёл ичра гадо
Шаҳ била майли нишоти майи ноб айласа бас.

Чарх зулм этса, Навоий тиламас дод андин,
Азми даргоҳи шаҳи аршжаноб айласа бас.

234

Ўйла бўлмиш нотавон кўнглумга жонон бирла унс,
Ким баданға ҳаргиз андоқ бўлмагай жон бирла унс.

Кўнглума киргач анисим бўлди, тутқонму экин
Бир замонда ҳеч ким бу навъ меҳмон бирла унс?

Одамийлардин чу кўп ваҳшатқа қолдим, истарам
Тутмоқ элни тарк этиб, ваҳши биёбон бирла унс.

Кўздин учқунг, унс тут бир дам бу шайдо бирлаким,
Йўқ ажаб, тутмоқ парий мажнуни ҳайрон бирла унс.

Лаъли жонбахшингға маънус ўлса рухсоринг, не тонг,
Ким Масиҳога бўлур хуршиди рахшон бирла унс.

Дайр аро бўлмиш анисим пири дайру муғбача,
Тутмишам ҳоло бир-икки номусулмон бирла унс.

Нотавон кўнглунгга мунис кимни истарсен, деманг,
Ким мени шайдоға йўқ жуз кўнглум олгон бирла унс.

Даҳр боғи гулларида йўқ вафо, эй андалиб,
Зийрак эрсанг, тутмағил бу турфа бўстон бирла унс.

Чун итимен, итлари хайли била хўй этмишам,
Эй Навоий, не ажаб ҳайвонға ҳайвон бирла унс.

235

Гар манга бор эрса ул дилдори зебо бирла унс,
Ул муҳиқдур, тутмаса мен зори шайдо бирла унс.

Олам аҳли муттафиқдурлар мени ўлтургали,
То тутубмен ул жамоли оламоро бирла унс.

Лаъли маънусумдурур, ўлтурса ўлтурсун кўзи,
Не ғами жаллоддин тутқан Масиҳо бирла унс.

Мен киму ул хўблар шоҳи била улфат, магар
Ваҳш тутқай дашт аро Мажнуни шайдо бирла унс.

Тўлганиб зулфунг бу мажнунга не саркашлик қилур,
Чунки савдо аҳлиға бор аҳли савдо бирла унс.

Эй мусулмонлар, чу бир кофир асиримен, не тонг,
Бор эса кўнглумга зуннору чалипо бирла унс.

Сарвинозим кийгали сориқ, қизил бўлмиш манга
Ҳам гули раъно била, ҳам сарви зебо бирла унс.

Гар десанг дунёда ҳар дам юз балият кўрмайин,
Эй кўнгул, зинҳор тутма аҳли дунё бирла унс.

Эй Навоий, гар десанг соқийлиғ этсун муғбача,
Тут кириб муғ дайри ичра жоми саҳбо бирла унс.

236

Йўқ тамаъ ағёрдин, гар душман эрмас ёр, бас,
Ёрдин нўш истамон, ниш урмаса агёр бас.

Васли боғидин, демонким, муддаи гул термасун,
Терса терсун, урмаса бағримга юз минг хор бас.

Кимга қилдим бир вафоким, кўрмадим юз минг жафо?!
Эй кўнгул, гар худ ҳавасдур ишқ бу миқдор бас.

Бўлмаса оғзимда май ёхуд кўз ул гулдин қизил,
Оҳи оташнок бирла дийдаи хунбор бас.

Қасдима чекма ҳалокинг тиғини кўп, эй сипеҳр,
Ким ул ойнинг тиғи зулмидин кўнгул афгор бас.

Даҳр бўстонида гулгун хона қилсанг орзу,
Бодаи гулранг қуйгон кулбаи хаммор бас.

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънида сўз,
Дурри маъни истар ўлсанг, айлагил гуфтор бас.

237

Ғамингдин, эй парий, девона бўлмас,
Кишиким ҳуш топқоч, ёна бўлмас.

Жамолинг шамъига кўнглум қушидек
Малойик хайли ҳам парвона бўлмас.

Анга йўқ ишқ бирла ошнолиқ,
Ки ақлу ҳуштин бегона бўлмас.

Кишига васл иқболи не мумкин,
Агар ҳижрон аро мардона бўлмас.

Керакмас май, агар худ жон багишлар,
Манга соқий агар жонона бўлмас.

Хирад муғ дайри сори истамангким,
Бу йўлда оқилу фарзона бўлмас.

Навоийга бузуқ, булбулга гулшан,
Ки ҳузну айш эли ҳамхона бўлмас.

238

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру парий базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

239

Лабингдин айру бағир лахт-лахт қонму эмас?!
Бу қон назар йўлидин дам-бадам равонму эмас?!

Юзунгни пардада десам, пари, тонгиргомоғил,
Мениму қилмади мажнун, ўзи ниҳонму эмас?!

Жаҳону жон ҳазар этса, не айб гамзангдин,
Балойи жонму эмас, офати жаҳонму эмас?

Кўнгулга кўйунг аро раҳм невчун айламадинг,
Ғариб телбаму ё зори нотавонму эмас?!

Не айб, лаъли лабинг ҳасратида жон берсам,
Ҳаёт чашмаси ё умри жовидонму эмас?!

Қадаҳни яхши тўла айламайсен, эй соқий,
Хумор меҳнатидин ҳолатим ёмонму эмас?!

Қадам Навоийи маҳзун бошиға қўймас ёр,
Ғубори раҳму эмас, хоки остонму эмас?!

240

Олам ичра манга ул ҳури малаксиймо бас,
Ул қачон бўлса муяссар, қадаҳи саҳбо бас.

Гар шабистон ичида ҳожат эса шамъ ила нуқл,
Ҳам ўшул маҳжабину лаби шаккархо бас.

Нақди жон берсаму лаъли лабидин қут олсам,
Умр бозорида мен хастаға бу савдо бас.

Кимга бу даст беribтурки, санга бергай даст,
Айла бу фикри муҳолотни, эй шайдо, бас.

Гар будур ҳодисаи давр харобот ичра,
Хирқаи чок била дурди қадаҳполо бас.

Ҳашмат аҳли хазу хорода ёшунсунки, манга
Нотавон жисм фано гардида нопайдо бас.

Эй Навоий, етаринг ёрга эрмас мумкин,
Қилмасанг кўнглунг аро ғайр хаёлин то бас.

241

Биров анинг лаби жонбахшидин нишон бермас,
Ки ҳар кишики қилур истимоъ, жон бермас.

Адам тариқига туштум, тилаб онинг огзин,
Сўруб киши манга ул роздин нишон бермас.

Абад ҳаёти киби васлига етишкунча,
Фироқ маҳлакаси ичра умр омон бермас.

Лабингдин ўлди таним ришгае, табиби хирад
Иложин эткали шарбат багир қон бермас.

Ғанимат англа кўзу кўнглум ашк ила қонин
Ки, мунча инжую лаъл элга баҳру кон бермас.

Замона қилди мени гоҳ маету, гаҳ махмур,
Ки бир замон май агар берса, бир замон бермас.

Навоиё, гами жоним олурда саъй этти,
Соғиндиким, тилагач ушбу нотавон, бермас.

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «БАДОЕЪ»ДИН

242

Зиҳи отинг била хайли малойик ичра хуруш,
Фалак сенга янги ой наъли бирла ҳалқабагўш.

Гаҳики фикрати зотингни ақли кул айлаб,
Бурунғи жомда ҳайрат ани қилиб беҳуш.

Сипеҳр жомида қаҳринг ҳароратидин заҳр,
Қуёш замирида меҳринг ҳароратидин жўш.

Ҳам этти нофаи мушкунг қамарни мушкдавож,
Ҳам этти гулшани лутфунг шафақни гулгунпўш.

Не қаҳринг ўтидин эмин фақиҳи сойими даҳр,
Не раҳматингдин навмид ринди дурдийнўш.

Навои ҳамдинга булбул тили бўлуб гўё
Ва лек ҳайрати васфингда ғунча оғзи хамуш.

Навоий ўзни сотар қуллуғунг била, юз шукр,
Ки худфуруш эмастур, йўқ эрса зуҳдфуруш.

243

Келки, ҳижронинг мени маҳзунни бадҳол айламиш,
Юз туман дарду бало хайлиға помол айламиш.

Оразингдин ўзга юз кўрмактин айлаб кўзни кўр,
Дарди ишқинг элга айтурдин тилим лол айламиш.

Ҳам бошимни гард ила манкуби ҳижрон айлабон,
Ҳам танимни тош ила мажруҳи атфол айламиш.

Сен гули раъно фироқидин сариғ чеҳрамни ашк —
Қатра-қатра қон ила тим-тим томиб ол айламиш.

Хотирим озурда айлаб ёр ила агёрдин,
Ёру агёримни мендин фориғулбол айламиш.

Ўлмаган бўлсам, фироқингдин эмас мендин гунаҳ,
Чарх ани комим кўруб саъйида иҳмол айламиш.

Тушканим Мажнун била Фарҳод аёғига кўруб,
Гаҳ танимни нун қилиб, гоҳе қадим дол айламиш.

Эй кўнгул, дин аҳли зарқидин малул эрсанг, сипеҳр
Дайр пирин бўйла мушкилларга ҳаллол айламиш.

Ҳажр аро маст ўл, Навоийким, фараҳ касбига ишқ —
Майни ёқути музобу лаъли сайёл айламиш.

244

Қайси ишрат меваси нахли ҳаётим қилди фош,
Ким париваш тифллар ёғдурғай ул ён мунча тош.

Олам ичра ул қуёш зоҳир вале мендин ниҳон,
Эй ибодат аҳли, қўйсам тонғ эмас оламға бош.

Оқ уқор ўтоғаси чобуксуворим бошида,
Ўйлаким хатти шиои айлагай зоҳир қуёш.

Ғам туни сарғашта бошим, ҳам сипеҳредурмудир,
Анда кавкаб зоҳир ўлғон юз уза ҳар қатра ёш.

Кўз ани кўрғач, кўнгул севди, бу иш бўлған замон
Кўзларим кўру кўнгул нобуд бўлғай эрди кош.

Гар десанғ қаттиқ балоға қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшоғлиғ била қилғил маош.

Чун Навоий ўлди, итлар дардпарвар жисмини
Тўъма қилмоқ йўққи, рад айларда айларлар талош,

245

Авжи ҳусн узра юзунг хуршиди фарруҳбол эмиш,
Холинг ул ҳиндуи муқбил, кавкаби иқбол эмиш.

Дедим: айтай ҳусни васфи бирла ишқим ҳирқатин,
Билмадимким, тил булар васфин демакта лол эмиш.

Ҳусн хаттин пар чиқориб учмоги эрмиш сазо,
Ишқ ила дард аҳлидин хўбеки фориғбол эмиш.

Манъи ишқ айлар эдим кўнглумга, кўрдум ҳолини,
Шиддати шавқ изтиробидин басе бадҳол эмиш.

Кўз юмуб очқунча юз қон айлар эрмиш гамзаси,
Мен ёмон бахтига етканда иши иҳмол эмиш.

Ул париваш суратин сизгач мусаввир, англадим,
Ким хирадни айлаган девона бу тимсол эмиш.

Хонақаҳ шайхи қошинда қолди кўп мубҳам ишим,
Бўйла мушкилларга пири майкада ҳаллол эмиш.

Соқиё, жоми висолинг нўшидин тиргуз мени,
Ким хумори соғари ҳижрон ажаб қаттол эмиш.

Гар Навоий пирларга муршид эрди, киргали
Ишқу савдо кўйига бозичаи атфол эмиш.

246

Шамъ учини олмоғ учун, эй маҳваши фаррош,
Парвона қанотларидин эт сифраи минқош.

Йўқ-йўққи, юзунг шамъига парвонадур анжум,
Ким бир-бир алар шоми висолингда бўлар фош.

Ой шамъига минқош муносиб янги ойдур,
Андоғки, юзунг шамъига минқошдур ул қош.

Бошимдур аёгингга фидо, ҳар не керак — қил,
Тўқмоққа муносибдур, агар истар эсанг бош.

Ул ой агар илгига супургу олур, эй чарх,
Хуршид шиои хатидин қилсанг ани кош.

Ҳар тун чу фалак боргаҳи вазъи нигундур,
Гардун кўзи гўё бу жиҳатдин тўкадур ёш.

Кўнгли уйидин сабр матоъини супурди
Бечора Навоийким, эрур дилбари фаррош.

247

Мен гадоға ҳар неча кўйи сари бормоқдур иш,
Тўъма солмоқ итгаю дарбонга ёлбормоқдур иш.

Қон бўлуб итган кўнгулни истаю ул равзада
Ғунчалар хайлини гулбунларда ахтормоқдур иш.

Ул сари борурда жон бирла кўнгулни рашкдин
Ҳар бирисин юз баҳона бирла қайтормоқдур иш.

Тийра кўнглумда хаёлига малолат ваҳмидин
Нотавон жисмимни ҳар ёндин тутуб ёрмоқдур иш.

Тушса илгимга ити, азбас ниёзу меҳрдин,
Они мен Мажнун қўлидин элга қутқормоқдур иш.

Май тагорин тут десам, соқий, тожонмаким, санга
Иш ани тутмоқ ва лекин бизга сипқормоқдур иш.

Телбараб ҳар дам бўлур гойиб Навоий, нечаким,
Бизга они ақл кўйи сори бошқормоқдур иш.

248

Оҳким, ул шўх эрур ҳам моҳваш, ҳам шоҳваш,
Балки ҳам қулдур анга юз шоҳваш, минг моҳваш.

Гар қуёш эрмас юзунг, невчун нишотим мазраин
Тобидин айлаб қуруқ, рангимни қилди коҳваш.

Кўнглум олиб будурур мақсуд ангаким ўртагай,
Буким ўзни дилситоним кўргузур дилхоҳваш.

Васл аро ўзни хаёл айлаб нишотим бордур,
Сойил андоққим ясогай ўзни аҳли жоҳваш.

Эй қуёш, оҳим не тонг оламга солса рустахез,
Ҳар дамим гардунга чунким шуъла тортар оҳваш.

Ўздин огаҳ эрмон, огоҳе керак сарвақтима,
То ул огаҳ давлатидин бўлгамен огоҳваш.

Эй Навоий, гар ҳидоят етса йўлга киргамен,
Гарчи муғ дайрида ҳоло бор эсам гумроҳваш.

249

Базми васл ичра манга тутти қадаҳ ул маҳваш,
Бода хуш, базм хуш — ул иккисидин соқий хуш.

Бир-бир офоқ элин ўлтурди, не бир-бир, минг-минг,
Аллоҳ-Аллоҳ, не бало қотил эмиш ул маҳваш.

Лаъли кўнглумни чекиб, гамзаси қоним ичти,
Нечаким бу бири хунхор эрур, ул дилкаш.

Тавсани чарх уза гўёки қуёшдур сойир,
Шаҳсуворим чу қилур жилва, миниб кўк абраш.

Лаби ҳайвон суйидин гар мени қилди фориг,
Не ажаб, бода эрур ҳору қилур дафъи аташ.

Ҳусн чун жилва қилур, оқу қарода йўқ фарқ,
Кишига келса бало — хоҳи хито, хоҳи ҳабаш.

Сарвинозим қошида келди Навоий тўби
Ламским, сурати хатти ўқидим ани ламаш.

250

Қадинг ниҳолики боғи ҳаёт тарфини тутмиш,
Магарки Хизру Масиҳо сую ҳавосида бутмиш.

Кўнгулни гавҳари ишқингки равшан айлади, гардун
Магар бу уйни дурри шабчарог бирла ёрутмиш.

Кўнгулни қон ёшу коҳи юзум била овутурмен.
Сариғ-қизил била андоқки халқ тифлин овутмиш.

Дедингки, ҳажр аро бер ишқ сўзу тобига таскин,
Киши тамуғда қачон кўнглининг ўтини совутмиш.

Кўнгулга ҳар неча сабру қарор панди берурмен,
Бирини, войки, бишқармайин, бирини унутмиш.

Умид нахлини ашким била не тоза қилайким,
Самуми ҳажр ани кул айламиш, демайки қурутмиш.

Навоий, эмгак ила дема тарки ишқим этибдур,
Қачон замири уйи гирдиға бу ишни ёвутмиш.

251

Неким қилур, кўрунур ул бути ситамгар хуш,
Чу нозу ишва била базмдин чиқар сархуш.

Юзунгда хуш кўрунур жоми лаълинг, ул янглиғ,
Ки тоза гулшан аро лаълранг соғар хуш.

Қамарнинг икки ёнида Суҳайлу Зуҳра киби.
Кўрунди ики қулогинда дурру гавҳар хуш.

Кўзунгки ораз уза ётти — хуш кўрундики, бор
Ғазола ётмоқ учун лола барги бистар хуш.

Не навъ жинси башар суҳбатини хуш кўргай,
Биравга бўлса паризоди ҳурпайкар хуш.

Мену жамолин анинг бир кўрарга бермак жон,
Агар бу нохуш эрур аҳли давр аро, гар хуш.

Навоиё, санга гар ёрдин ғараздур ёр
Жафову лутфини кўрсанг керак баробар хуш.

252

Юзу энгида мунча латофат бўлур эрмиш,
Қошу кўзида мунча ҳам офат бўлур эрмиш.

Ҳуснидин онинг ҳур итиб қочди, парий ҳам,
Бир одамида мунча латофат бўлур эрмиш.

Моҳим юзини чунки қуёш кўрди — тутулди,
Мунча фалаки элда касофат бўлур эрмиш.

Лаълинг майиға чашмаи ҳайвонни қилиб зам,
Усрукрак эрур мунча сарофат бўлур эрмиш.

Жавр этганида ўлмас эдим, гар анга сўнгра,
Билсам эдиким, лутфи изофат бўлур эрмиш.

Кирганда бало даштига фикр эткай эдим гар,
Юздин бири, билсамки, махофат бўлур эрмиш.

Дебтурки: Навоий сўзининг бандасидурмен,
Бу лутф ила ул шаҳда зарофат бўлур эрмиш.

253

Эй мусаввир, лутф этиб сизғил мени жононга тўш,
Ўйлаким, тушкай юзи бу дийдаи ҳайронға тўш.

Юзи бўлсун юзума тўш, қадди ҳам тўш қаддима,
Лек жонпарвар лаби лаълини тарҳ эт жонга тўш.

Рўбарў ҳар узви ҳар узвумга тушдик, тушмагай
Юзи кўзгуси вале бу дудлиғ афгонга тўш.

Кўксини кўксумга тўш сизгил демонким, тушмагай
Нозанин жисми анинг багримдағи пайконга тўш.

Аллоҳ-Аллоҳ, телбалик солди хаёлоти муҳол
Кўнглума, йўқса не лойиқдур гадо султонга тўш.

Қайси ёнким итларин тарҳ айлагунгдур базм аро,
Сиз мени туфроққа юз қўйғон, вале ул ёнга тўш.

Чекти чун ҳар кимсани бир ишга тўш килки қазо,
Оҳким, бу телбани қилди рақам ҳижронга тўш.

Айш жомин тутманг, эй даври тараб соқийлари,
Бизгаким, чарх этти бизни меҳнати давронга тўш.

Эй Навоий, телба кўнглум зор танға келмади,
Токи эл мажнунни бир кўрсатсалар вайронга тўш.

Чекиб жон риштасин чобуксуворимким, каманд этмиш,
Кўнгул сайдин ҳамоно ул каманди бирла банд этмиш.

Фироқ ичра ажал заҳрин тут, эй соқийки, ишқ андоқ
Ачиғ шарбатни бу қотиқ маразга судманд этмиш.

Тўкулмак қонингиз кўйида, ушшоқ, орзу қилманг,
Ки тиғи ишқ бу давлатқа бизни аржуманд этмиш.

Бул оҳимдин фалакка етсанг охир ишқи Мажнунким,
Бу ел имдод ила ул шуълани андоқ баланд этмиш.

Бу ҳам хуштурки, мониъ бўлгай эл наззора айларга,
Буким майдонида хоки таним гарди саманд этмиш.

Аниким севдиму юз минг балога учрадим, йўқким
Манга ёлғузки, юз минг мен киби бедилга панд этмиш.

Ризо берким, қазога йўқ тафовут, кимса юз қатла
Не келса оллига хурсанд ёхуд бадписанд этмиш.

Сиёсат айларам мужгон синони бирла мундоққким,
Кўзум ул юзга густохона боқиб баҳраманд этмиш.

Навоий тарки зуҳду илм қилди, токи дилдори
Ичиб май туну кун худройлиқ бирла лаванд этмиш.

255

Нечаким қатл била ноз эрур ёрға иш,
Ўлмаку арзи ниёз ўлди мени зорға иш.

Хаста кўнғлум тиласа васли шифосин, не ажаб,
Ғайри сиҳҳат не ҳавас бўлғуси беморға иш.

Банди зулфида тилар кўнғлум ўзин маҳкамроқ,
Гарчи махлас талаби бўлди ғирифторға иш.

Қони тўлған неча дин аҳлин асир этти кўзи,
Бўлди пайдо ёна ул кофири хунхорға иш.

Марҳам ўрниға кўнгул захмини тирмар ул шўх,
Дўстлар, саъб тушубтур бу дили афғорға иш.

Ўлтурур ўткану қолған бошоғи кўнғлумда,
Эй фалак, қатлим эрур собиту сайёрға иш.

Жуз вафо аҳлиға сарғашталик этмак ойин,
Гўйиё қисмат эмас гунбади давворға иш.

Олам аҳлида чу йўқ ёрки, меҳр ўлғай иши,
Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш.

Эй Навоий, ўзунғға олам ишин осон тут,
Гар десанғ тортмасун эл бўйла душворға иш.

256

Ул ой гар айни усруклуктин уйқу майлиға ётмиш,
Вале бир кўз юмуб очқунча юз минг фитна уйғотмиш.

Висолинг байъида суд этмиш ул тожирки, Юсуфдек
Агар минг бандаси бўлса, барин бу важҳ учун сотмиш,

Тўла гавҳар ақиқинг ҳуққасидин баҳри ашким кўр,
Ки кўк анжум била дурлуқ садафдек қаърига ботмиш.

Сочинг савдосидин хайли малак мажнунваш ўлмиш бил,
Магарким олами арвоҳқа атрини бутротмиш.

Чаманда нақшбанди номия кўп сарву гул нақшин
Чиқармиш, қайси бирни сарви гулрўюмга ўхшотмиш.

Ўқидин пар чиқармишменким, ул турки хадангафкан,
Қаёнким гамзасининг новакин чекмиш, манга отмиш.

Қадаҳдин жон топибмен, гўйиёким нўшлаб соқий
Ани мамзуж этарда оби ҳайвондин анга қотмиш.

Замон аҳли замона ранги бирла бевафодурлар,
Замона аҳлиға гўё замон ўз феълин ўрготмиш.

Навоий хасталиғдин дам урарға қуввати йўқтур,
Ани гўё вафосизлар жафоси асру эмготмиш.

257

Эй жамолингнинг хаёли хотири вайронда нақш,
Шамсадин қолган асар янглиг бузуғ айвонда нақш.

Тегди бир новакки, саҳмидин ўлуб эрдим, валек
Янги жон топтим анинг отин кўруб пайконда нақш.

Кеча ул гул фурқатидин, кундуз атфол илгидин
Хору хора захмини кўр бу тани урёнда нақш.

Оразинг нақшики чиқмас тийра кўнглумдин даме,
Қилдилар гўёки Юсуф суратин зиндонда нақш.

Эй мусаввир, сизмағил Мажнуну Лайли суратин,
Бас мену ёрим ҳадиси сафҳаи давронда нақш.

Нақш судин чун бўлур зойил, ажабдурким, эрур
Йиғлаган сойи хаёлинг дийдаи гирёнда нақш.

Даҳр элидин гар вафо қилдинг тамаъ, эй соддадил,
Истадинг амреки, тутмас, ҳаййизи имконда нақш.

Қилди кўп девонни эл нақшу нигор, аммо эмас
Ўйлаким, қилдим нигорим васфини девонда нақш.

Боғламас нақш улки бўлгай сендин ўзга ёр учун,
Базми дард ичра Навоий боғласа ҳижронда нақш.

258

Шафақ жинсин қуёш зарриштасидин чорқаб қилмиш,
Шафақгун қилгали меҳр аҳлининг ашкин сабаб қилмиш.

Санга тақлид қилмиш гулки, осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига они турғузуб гардун адаб қилмиш.

Фалак жавфи тўла заҳр ўлса, мунча қатл эмас мумкин,
Ки анфоси Масиҳ ойин била ул нўшлаб қилмиш.

Замонда бул-ажаб осеблар солмиш, фалак токим
Бу янглиғ ул замон ошуби таврин булъажаб қилмиш.

Не умр ўлғай мангоким, масти бебоким мени ногаҳ
Тирик кўрганда ўлтурмиш ва гар ўлсам, ғазаб қилмиш.

Жамол авроқида ҳар нукта бор ул юзда зоҳирдур,
Магар ул сафҳани даврон боридин мунтахаб қилмиш.

Мени девонага юз шиква бор ўз қавму хайлимдин,
Ки Мажнунға не турлик зулмким қилмиш, араб қилмиш.

Сен они истамакдин тинмағил бир лаҳзаким, солик
Агар матлуб топмиш, андин эрмишким, талаб қилмиш.

Висол аҳли, сизу айшу фарогатким, Навоийға
Азал қассоми рўзи ишқ аро ранжу тааб қилмиш.

259

Менга номеҳрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, агёрга оромижон эрмиш.

Тан узра эмди фаҳм эттим ададсиз тоза доғимни,
Ки ҳар бир-бир қарорған шоми ҳажримдин нишон эрмиш.

Бузулган кўнглум атрофиндаги захм ичра новаклар
Балият қушларию захм аларга ошён эрмиш.

Рақиби синдуруб кўнглину мен йиғлаб анга, лекин
Су келтирмак ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

Балият даштида зоре кўруб Мажнун соғингайлар,
Кўнгул отлиғ бизинг овораи бехонумон эрмиш.

Хаёлинг хайли кўнглум даштида чун қилдилар манзил,
Ҳар ўт ёққан ер ул манзилда бир доғи ниҳон эрмиш.

Замон ошубидин кўнглумга юз шиддат етар эрди,
Чу фаҳм эттим — мунга боис ул ошуби замон эрмиш.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким муътарифдурмен,
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Навоий назмини кўрдум қуёш лавҳига сабт эткан,
Буюрган они олий қадр шоҳи хурдадон эрмиш.

260

Лабинг бу хастаға невчун такаллум этмади иш,
Ки бир сўкунж била ҳосил этса юз олқиш.

Отар ҳамиша қоши ёси бирла гамза ўқин,
Агарчи бўлмас ўқ отмоқ, йўқ эрса ёда кериш.

Бошоғларингму экин багрим ичра ё қолди
Итинг чу туъма учун анда маҳкам айлади тиш.

Тариқи ишқ аро комилдурур кўнгул, не ажаб,
Камол топмоқ этиб ишни ишқ ила варзиш.

Заиф жисмни то тиғи ёрди — нолонмен,
Нечаки чиқмас уни, неча чок бўлса қамиш.

Чекар гул оллида булбул фигон, магар билди,
Ки ўтса васл баҳори, хазони фурқат эмиш.

Навоий, асра ниҳон ишқ нуктасин зинҳор,
Ки ишқ пири манга ёшурун бу нукта демиш.

261

Манга бор ул санами раъно хуш,
Кўрунур ўзга санамлар нохуш.

Ёлғуз они севарамким, манга бор
Ул хуш, ўзга киши йўқ асло хуш.

Халқ нохушлигидин қайда гамим,
Бор эса ул санами зебо хуш.

Юзунгга юз қўяйин хат ароким,
Сабзада келди гули раъно хуш.

Кеча ҳижронида май тортар эдим,
Кирди ул гулрухи маҳсиймо хуш.

Менда юз биймки, тутқач олибон,
Чекти ул шўхи қадаҳпаймо хуш.

Дайр аро ўзни, Навоий, хуш тут,
Чун келибтур санга ул тарсо хуш.

262

Невчун юзида қаҳр ила чин зоҳир айламиш,
Хуршид чашмасида киши мавж кўрмамиш.

Васлинғ сўзин эшиткач этар кўнғлум изтироб,
Соғиимағил аники, фироқингда тўхтамиш.

Лаълингни истамонки оғиздин чиқарғамен,
Бир хастадекки, жонини оғзинда асрамиш.

Бўлдим ҳалок — чун белига боғлади камар,
Қатлимға гўйиё белин ул шўх боғламиш.

Беморлиғда жон итига қилмишам нисор,
Кўйи сари келибки сўнгакимни судрамиш.

Соқий, кетур қадаҳки, чу ғам айламиш ҳужум,
Бу етмайин кўнгулдин алар барча бутрамиш.

Юз пора кўнғлиники Навоий йиғиб эди,
Ул шўх кирмишу яна борини қўзғамиш.

Не хам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш,
Не кирпиклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиш.

Не печу тоби ҳадсиз доми зулф эркинким, очилгач,
Демай кўнглум қушиким, ўйла юзни мубтало қилмиш.

Не кўзлардурки, олмиш кўз юмуб очқунча кўнглумни,
Қилиб ҳар гўшада бемору қисми юз бало қилмиш.

Не ораз лоласидурким, кўнгулни қон этиб дарди,
Тугон қўйған била дафъига ул қоннинг даво қилмиш.

Не нозук хўй эрурким, айламиш ўтруда юз дашном,
Гадоеким анинг зулфу кўзу қаддин дуо қилмиш.

Биравким, жаннату дўзах сўзин шарҳ айламиш, гўё,
Киноят важҳи бирла васлу ҳижронни адо қилмиш.

Ажаб кўр ишқ ароким, мўр этарга аждаҳоларни,
Фусундин мўрхатлар қайди зулфин аждаҳо қилмиш.

Қазодиндур манга ишқ ўйнамоқ, эй носиҳи нодон,
Кўрубсенму киши ҳаргизки, тағйири қазо қилмиш.

Навоийдек халосим йўқ эди ул гамза куфридин,
Хусусан зулфи зуннори дағи бўйнумга тоқилмиш.

264

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

Бу маънидинки доим чун ниҳондур ул парий кўздин,
Иши жону кўнгулга ўртамак доғи ниҳон эрмиш.

Ити багримни ер чогда аёғи қонга булғанди,
Кўзум боғида гул онинг табонидин нишон эрмиш.

Шарарлар бирла оҳим дудини саҳрои ишқ ичра
Киши кўрса, гумон қилғай: минг уйлуғ корвон эрмиш.

Чаманда ҳар сари қилдим гули раъно гумон, ул худ
Сариғ гул жомида гулгун сиришким бирла қон эрмиш.

Соғиндим кўйида ҳар кеча итлар ноласи, лекин
Начукким телба ит ушшоқ кўнглидин фиғон эрмиш.

Тўкуб май муҳтасиб, мен йигладим, лекин ул усрукка
Су келтирмоқ ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

Фано дайрики гардун ҳиснидин маҳкамдурур, билдим,
Ки гардун зулмидин фақр аҳлига доруламон эрмиш.

Навоийни дедим ишқ ичра сомоне топиб эркин,
Вале кўрдум — ҳамул девонаи бехонумон эрмиш.

265

Ишқ кўнглунгга солиб дард, ани қон этмиш,
Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Кўзларинг шўхлуғидинки эл эрди гирён,
Ани бир шўх кўзи ишваси гирён этмиш.

Эмди аҳволима шоядки ичинг куйгайким,
Шарари кўнглунг аро ишқ ўти пинҳон этмиш.

Билгасен тиғи фироқинг била кўнглум чокин,
Эмдиким ҳажр санга чоки гирибон этмиш.

Хори ҳижрон танига чун тикилур англагасен,
Улча жонимга менинг ханжари ҳижрон этмиш.

Сенча кимдур боқибон кўзгуга ошиқлиқ қил,
Кўнглунг ар чошнийи ишқ ила туғён этмиш.

Эй Навоий, магар оҳинг ани тутмишки, кеча
Нечаким сен чекибон оҳ, ул афғон этмиш.

266

Септи тун мушкига сийми судадин кофур қиш,
Айш учун оқу қарони айлади масрур қиш.

Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас, вале оқ рахтини
Ёйди Ҳиндистон киби бу тунда номақдур қиш.

Гар эрур Занг аҳли зулмони ва лекин қор ила
Қилди тун зангисини аҳли сафову нур қиш.

Бода оқ уй ичра ичмак раем эрур қиш бўлғали,
Ҳақ юзин оқ айласунким, қўйди хуш дастур қиш.

Базмни ўтдин қизитти, базм аҳлин бодадин,
Саҳв эмишким, бўлди совуғлуғ била машҳур қиш.

Қиш эмиш май боиси, зоти бурудатдин бирав
Зуҳд этиб совуққа гар тўнгса, эрур маъзур қиш.

Уйи вайронларга қаттигдур, вале бил муғтанам,
Бўлса кулбанг май била асбобидин маъмур қиш.

Мулки Жам истар эсанг, албатта чек жоми сабуҳ,
Кечаги майдин сени субҳ айласа махмур қиш.

Эй Навоий, дўзах эрмиш гард ила иссиғ булут,
Қору муз бирла совуғдин бор эса маҳжур қиш.

267

Ҳуши йўқ кўнглум жунун даштида бир шайдо эмиш,
Ким анинг қошида Мажнун асру кўп доно эмиш.

Тутти сориғ лолалар рухсори ашким бирла ранг,
Дема, эй раънои гулрухким, гули раъно эмиш.

Ҳар бир оҳим дудининг мадду саводин кўрган эл
Зулфи ҳажринда, соғингайларки, бир ялдо эмиш.

Телба кўнглум ҳолини билмак таманно айладим,
Йиллар эрмишким, жунун даштида нопайдо эмиш.

Дедим: Ислай анбарин зулфунгни, ол бошим эваз.
Дедиким: Сен телба бошинда ажаб савдо эмиш!

Эй ғаний, ушшоқдин мустагний ўлдунг, билмадинг,
Ким фано аҳлиға султонлиғдин истиғио эмиш.

Англамас эрдим Навоий ҳолин ул ой кўйида,
Ҳар кеча то субҳ иши фарёду вовайло эмиш.

268

Жавзо кунидин доғи ул чеҳра жамил эрмиш,
Ялдо тунидин доғи ул зулф тавил эрмиш.

Ҳар қатра кўнгул қони жон берди ўлук танга,
Хосиятини сўрдуқ—лаълингға қатил эрмиш.

Гулзор аро нилуфар очилди, гумон эттим —
Хол ўрнига ҳар юзда бир нуқтаи нил эрмиш.

Ҳижрон туни дафъ ўлгач, билдимки, юз очибсен,
Хуршид вужудиға тонг нури далил эрмиш.

Овора кўнгул истаб жон тандин олур ишқинг,
Ул телбагаким итмиш гўё бу кафил эрмиш.

Ойини қаноат тут, иззат тилар эрсангким,
Эрмиш тамаъ аҳлидин ҳар кимки залил эрмиш.

Кўнглини Навоийнинг олсанг, назар айлаб кўр,
Ким дард ила дог ичра жони не қатил эрмиш.

269

Суратингдур ўйла кўнглум байтул аҳзонида нақш,
Ким парий тимсоли шаҳнинг қасри айвонида нақш.

Анга ёндошмоқ менинг ҳаддим йўқ, эй суратнигор,
Чексанг онинг нақшини, қилма мени ёнида нақш.

Гўй қилганда бошимни юқти ҳар ёнига қон,
Лаълию шингарф ила соғинма чавгонида нақш.

Жисми урёнимки, кўп толпинди тоғу дашт аро,
Хору хородин тамошо айла, ҳар ёнида нақш.

Зор кўнглум ё мусаввир бўлди, ё суратпараст,
Ҳар тарафким суратингни қилди вайронида нақш.

Зуҳд аро йўқ жуз малолат, негаким, килки қазо
Айш тарҳин қилди жоми бода давронида нақш.

Ул парийким, ҳажридин ўлди Навоий, эй рафиқ,
Суратин қилдургасен зинҳор девонида нақш.

270

Сарви раъно қаддидин раъно қадинг чолок эмиш,
Оташин гулдин гули рухсоринг оташнок эмиш.

Улки айтур кўнглакинг ул гул ғамидин чок эмас,
Англамайдур бегами ғофилки, кўксум чок эмиш.

Базмдин усрук чиқиб тўкти улуснинг қонини,
Аҳли дин, қочингким, ул кофир ажаб бебок эмиш.

Ишқим ўтин шохаи тўби уруб паст истаган,
Билмадинг, ул шох бу ўт оллида хошок эмиш.

Тушта Мажнунни ҳазину зор кўрдум, англадим,
Ким бир ой ҳажридин ул ҳам мен киби гамнок эмиш.

Бир қуёш ҳажри мени ҳолимга қўймас заррае,
Демангиз бу ишга боис анжуму афлок эмиш.

Воиз айтур, ҳур уммиди бирла ул ой таркин эт,
Эй Навоий, кўрки, ул пургўйи беидрок эмиш.

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «БАДОЕЪ»ДИН

271

Бир киши ўзни қилур аҳли фано базмида хос,
Ким қилур ўзлуки бирла ўзидин ўзни халос.

Дарду ғам хосларидинмену ўлмакдур ишим,
Бўлур эрмиш ғам ила дардга бу навъ хавос.

Бўлмайин ғарқи фано, истамағил гавҳари васл,
Дур топилмас, киши то баҳрда бўлмас ғаввос.

Қилмай ул Зуҳражабин базмда бир даври симоъ,
Не учун бўлди экин шефта кўнглум раққос.

Менки кўз қонин оқиздим, оқизур ҳажр доги,
Қоним ул қон учун ийнак қилиб изҳор қасос.

Фатҳ толибга етишмас, агар эрмас мухлис,
Ким ўшул фотиҳанинг лозимасидур ихлос.

Файзи ом истар эсанг, айла Навоий ўзни
Бу фано дайри аро муғбачалар базмига хос.

272

Эй кўнгул, зоҳир этиб ишқинг ўти доғиға ҳирс,
Булбул ул навъки гулшан гули яфроғиға ҳирс.

Ўйлаким, кўр гадо куҳли басират тилагай,
Кўзума рахшинг аёги изи туфроғиға ҳирс.

Бўлди Фарҳод ила Мажнунча кўнгул мундоққким,
Кўргузур дашти жунун бирла бало тоғиға ҳирс.

Ёр бедилларига қайда кўнгул берсунким,
Иш анга бўлди улустин кўнгул олмоғиға ҳирс.

Гар ҳарис ўлсам анинг кўйи тавофига не айб,
Бўлур эл табъида фирдавси жинон боғиға ҳирс.

Даҳр аро маст ила ҳушёр тамаъ зоридурур,
Негаким ғолиб эрур усрук ила соғиға ҳирс.

Қуллуғи доғидин озодалиғ иқболи етар,
Не ажаб, бўлса Навоийда ғаминг доғиға ҳирс.

273

Гар этти ишқини аҳли жаҳон учун тахсис
Валек ҳажрини бу нотавон учун тахсис.

Висол айшини махсусларға қилди рақам,
Нечукки, ҳажр ғамин мен ёмон учун тахсис.

Демангки, қатлиға махсусменки, айлабдур
Қиличи кесмакида имтиҳон учун тахсис.

Чу боғ эрур ватанинғ, шодмон бўл, эй булбул,
Ки ғамғадур мени бехонумон учун тахсис.

Бошимни туфроғ эт, эй муддаию ташламағил,
Ки ани қилмишам ул остон учун тахсис.

Агарчи даҳр элида меҳр йўқ, сипеҳр этмиш
Бу ишни ул маҳи номеҳрибон учун тахсис.

Хуш улки, ёр Навоийни қилмайин мазкур
Деди, жафони қилибмен фалон учун тахсис.

274

Эй доғи меҳнатингға мени мубталоға ҳирс,
Ул навъким, дирам сари бўлғай ғадоға ҳирс.

Ҳажрида васлин истабон айлармен изтироб,
Кўргузған эл киби мараз ичра давоға ҳирс.

Мен даври рўзғор қаролиғин истарам,
Қатлимға тонғ йўқ ул кўзу қоши қароға ҳирс.

Маҳруммен висолидин, ушбу эмиш асар,
Ҳар кимки зоҳир айласа бир муддаоға ҳирс.

Атфол ғунча узғали онча ҳарис эмас,
Ким бор кўнгуллар олғали ул дилрабоға ҳирс.

Мен чеккали жафосини ҳирс айларам аён,
Не тонғ, ағар ул айласа зоҳир жафоға ҳирс.

Соликка ҳеч мазҳаб аро ҳирс хўб эмас,
Илло бу эски дайрда жоми фаноға ҳирс.

Маҳрумлуқ ҳарисқа ойин эрур, валек
Васли ишида кирмайин ўтмас ароға ҳирс.

Дарду ғамин кўп истаю бўлди Навоийға
Мунча керакмас эрди бизинғ бенавоға ҳирс.

275

Эрур ишқинғ мени маҳзунға махсус,
Ки Лайли дардидур Мажнунға махсус.

Қўюнғ, эй сарву савсан, жилваким, бор
Бу иш ул қомати мавзунға махсус.

Кўруб мает айламак лофин қўй, эй май,
Ки бу бор ул лаби майгунға махсус.

Қўй, эй ой, тунни ёрутмоғниким, бор
Бу иш ул ҳусни рўзафзунға махсус.

Кўзум гирдоби жисмимни чўмурди,
Эмас бу Дажлаву Жайҳунға махсус.

Манға бемеҳр сенсен ҳам, фалак ҳам,
Бу иш бор ой ила ғардунға махсус.

Навоий, оташин гул ғунчасидек
Эрур куймак сени дилхунға махсус.

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «БАДОЕЪ»ДИН

276

Файз тақвода чу йўқ билким эрур, эй муртоз,
Мабдаи файз купу, майкада пири — файёз.

Ботину зоҳиринг аҳволини кўрким қилмиш
Зойиъ ул бирни хавотир, бу бирисин агроз.

Пир нутқи кетарур ужбу риё бирла ҳасад,
Исо ўлди чу муолиж, нетар итмай амроз.

Фард бўл дунёю уқбодин, агар васл керак,
Истаган ёрни кавнайндин этсун эъроз.

Қирғовул қорда ёшунған кибидур айбларинг,
Элга бас зоҳир, агарчи сен этарсен иғмоз.

Кўзунг оллида хатинг мушки чу кофур ўлди,
Кўр ани, гар кўзунга кирмади эрса бу баёз.

Кимки «иллаллоҳ» ила кўнглига истар пайванд,
Нафйи «ло»сидурур, элдин кесилурга миқроз.

Қилма кўнглунгни савол аҳли каду кажкули,
Солма бир зарфқа юз навъ мухолиф агроз.

Дўст ёди тирик асрар чу Навоий кўнглин,
Ғайр зикри била доим нега бўлгай ҳамроз.

277

Васлиға жон истар ул ҳури малаксиймо эваз,
Мунча билмаским, эмас юз жон анга асло эваз.

Ул парий побўсин айлар ваъда, ваҳким, топмағум
Бўлса юз минг жон мени девонаи шайдо эваз.

Жон лабига бердиму еткурса басдур қатрае,
Лаъли теккан майдин ул шўхи қадаҳпаймо эваз.

Тўбию кавсар санга эй воизу, бўлсун манга
Ул лаби гўё била ул қомати раъно эваз.

Риштаи динимни узди, лек басдур қилса лутф,
Риштаи зуннoридин ул маҳваши тарсо эваз.

Fофил ўлма ёрдинким, бир нафаслиқ ёдига,
Солик оллинда эмас дунёю мо фиҳо эваз.

Йўлида ўлсанг, Навоий, еткура олур санга
Юз туман жон рахши гардидин бизинг Мирзо эваз.

278

Қилган эрмиш нотавон сарви равонимни мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз.

Чу топар озор жононим мараздин, йўқ ажаб,
Айласа озурда жони нотавонимни мараз.

Гар маразнинг лозими дард ўлди, билмон, эй кўнгул,
Дардманд этгайму, оё дилситонимни мараз.

Садқаси айланг мени мардудни, эй дўстлар
Ким, заиф этмиш улустин тонлағонимни мараз.

Дардлиг кўнглум ҳалокин истарамким кўйида,
Йиқмиш ул овораи бехонумонимни мараз.

Юз туман мендек куҳанпир ўлса онинг садқаси,
Қилмасун озурда, ё Раб, навжувонимни мараз.

То мариз ўлмиш нигорим — қон тўкар гирён кўзум,
Эй Навоий, дей олурмен — тўкти қонимни мараз.

279

Эй, қуёш васфин демактин, моҳ рухсоринг ғараз,
Оби ҳайвон зикридин лаъли шакарборинг ғараз.

Улки, дебтурлар бадан бўстонида руҳи равон,
Аҳли маъни оллида қад бирла рафторинг гараз.

Жилвагар Кавсар зулолида қуёшнинг ламъаси,
Кўзгу ичра чеҳра аксидин намудоринг гараз.

Сайл мавжидин рақиби хонапардозинг мурод,
Абр сайридин саманди барқкирдоринг гараз.

Эй кўнгул, Фарҳод тоғи бирла метин захмидин
Дарду меҳнат шиддатидин жисми афгоринг гараз.

Ул қуёшқа, эй фалак, ҳар заррани зор этмакинг,
Зарраи мақсуд йўқ жуз бизга озоринг гараз.

Эй Навоий, умр бобида вафосизлиқ сўзи,
Ким бўлур мазкур, эрур шўхи жафокоринг гараз.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

280

Дайр пири хидматида қилса ҳар хаммор шарт,
Ким белин руст айлагай, аввал эрур зуннор шарт.

Шарт қилдимким, вафосизларни эмди севмайин,
Ишқ зўр эткач, вале ботил бўлур бисёр шарт.

Тавба қилмоқ истар эрсанг, қилма даъво ошкор,
Тенгрига топшур ўзунгни, қилмағил изҳор шарт.

Ишқни жабборлар фаҳм айламаслар, негаким,
Бордур анда жони решу хотири афгор шарт.

Бўлмагил озурдаву озурда қилма кимсани,
Фақр ойинида невчунким эмас озор шарт.

Шарт ила даъво фано ичра эмас шарти адаб,
Беадаблигдиндур, этса шайх даъвивор шарт.

Солик эрсанг, ишга машғул ўл, вале дам урмағил,
Ким бу йўлда шарт эрур кирдор, эмас гуфтор шарт.

Истар эрсанг Тенгрини, бутларни синдурким, эрур
Ушбу йўлда дунёю уқбодин истиғфор шарт.

Эй Навоий, чархдин жуз эгрилик кўз тутмаким,
Ҳожат эрмас қилмоқ они чархи кажрафтор шарт.

281

Гул уза анбар ёйилди, зоҳир эткач ёр хат,
Орази гулнор уза ким кўрди анбарбор хат?

Хаттини кўрдук лаб узра, гар зумуррадхат киши
Кўрмади лаъл узра ё шингарф уза зангор хат.

Демаким, хат ёзмадинг ҳажримдаким, элтур киши
Йўқтурур, лекин ётур ҳужрамда юз тумор хат.

Ул парий қасрида хомам нўгидин, оҳ-ўқ келур,
Оҳ ўқи бирла ёзар ҳолатда мажнунвор хат.

Қонима ҳижрон агар хат олмамиш, не важҳдин
Ашки гулгундин аён қилмиш сариғ рухсор хат.

Ул қуёштин айру сориг чеҳрам устурлобдек,
Кўргузур тирноғ ила беҳад рақам, бисёр хат.

Жоми Жам даврида шавкат аҳлининг тарихидур
Ким аён айлабтурур ул соғари заркор хат.

Даври гардун сайридин тузлук таваққуъ қилмаким,
Мумкин эрмас мустақим этмак рақам паргор хат.

Ёр хаттидин Навоий хаста кўнгли заъф этар,
Заъфқа мужиб бўлур, чун кўп ўқур бемор хат.

282

Хат чиқардинг, қилма ҳусну ноз аро эмди галат,
Ким яна бедод қилмай деб юзунг кўргузди хат.

Қўйки, мовий ёглиғингни юздин олмай бир замон,
Не учунким, хуш кўрунур зарварақ узра шамат.

Боқмади ҳолимга айни ноздин усрук кўзунг,
Нечаким оллинда ёлбордим, боқардим ҳар намат.

Хомадек гарчи қурубмен қатл учун шақ қилгали,
Кўксум ул шўх истамайдур тиғким, истар миқат.

Асру беандом эрур тўбию шамшод асру паст,
Қоматингдур муътадил, мен толиби ҳадди васат.

Шоми ҳажримга агар йўқ субҳ, хуштур интиқом,
Ким фалак бўлди фироқим тоғи оллинда сақат.

Эй Навоий, ул паридин одамилиг кўрмадинг,
Улки соғиндинг парини одами, қилдинг галат.

283

Юзу лаълингдин топар ҳар лаҳза кўнглум инбисот,
Ўйлаким, хотирға юзлангай гулу мулдин нишот.

Оразингни ой десам йўқ айб, чун кўргузмадинг,
Эй қуёш, чеҳрангни очким, яхши айлай эҳтиёт.

Айласам зоҳир анинг меҳрин, маҳалли рашк эмас,
Заррага не бўлғуси хуршид бирла ихтилот.

Дилбаро, базминг бисоти нотавон ушшоқдин
Чун тўлубтур, гофил ўлмаким, эмас холи бисот.

Ҳажрдин етмак висол ичра не мумкин сабрсиз
Ким тамуғдин ўтти учмог сори қатъ этмай Сирот?

Боглама кўнглунгни бу манзилга, невчунким, эрур
Бир янги меҳмон ери ҳар лаҳза бу эски работ.

Эй Навоий, даҳр аро не келса, бўлғил мунбасит,
Гарчи лаззатсиз бўлур куч бирла қилмоқ инбисот.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «БАДОЕЪ»ДИН

284

Ўйла қилдим дафтари ишқингда ҳар достонни ҳифз,
Ким қилур атфол сура-сураи «Қуръон»ни ҳифз.

Телбаликдин гарчи йўқтур хотиримда ҳеч ҳарф,
Лек бас хўб этмишам афсонаи ҳижронни ҳифз.

Оразу кўюнгни васф айларни қилган орзу,
Айламак авло «Баҳористон» билан «Бўстон»ни ҳифз.

Юз балоға учраса жоним гамидин, ғам емон,
Ҳар балиятдин керак Ҳақ айласа жононни ҳифз.

Ёр дерлар айламиш кулбамға келмак ихтиёр,
Ваҳки, айлай олмоғум беихтиёр афғонни ҳифз.

Шоми зулфи қайдию меҳри узорин кўргали
Айламишмен сураи «Валлайл»у «Ар-раҳмон»ни ҳифз.

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз.

Эй, ўлукни тиргузур чоғда суруб дурбор лафз,
Дам-бадам зоҳир қилиб лутфунг Масиҳосор лафз,

Қаддинг ул нахлики, бори гавҳари алфоз эрур,
Аллоҳ-Аллоҳ, не қади раънову гавҳарбор лафз.

Лаъли ҳар лафзида маъни кўптурур, йўқ тифлдек,
Бир адои маъни айларда дегай бисёр лафз.

Оразинг васфида кўп сурсам қуёш лафзин, не тонг,
Ажз эса маъни адосида топар такрор лафз.

Ҳажр аро андоқ топибдур ноладин бўғзум харош,
Ким бўлур дарди дилим айтур замон афгор лафз.

Бемалоҳат хўбким дебо кияр бор ўйлаким,
Маъни ўлгай чошнисизлик, анга пуркор лафз.

Эй Навоий, кўнглунгга берсанг сафо, ёр оллида
Фош ўлур сирринг, не ҳожат айламак изҳор лафз.

286

Тонг эмастур, тоби ишқингдин кўнгул гар топса ҳаз,
Не ажаб, ўт шуъласи бирла самандар топса ҳаз.

Хаста кўнглум бир лабинг қандидин, эй оби ҳаёт,
Топти ҳаз, шарбат ичиб нетти мукаррар топса ҳаз.

Жоми лаълингдин кўнгул маҳзуз бўлди, ваҳ, не тонг,
Тушса махмур илгига бу навъ соғар, топса ҳаз.

Тун-кун ул бебок май ичкандин ар гамгин эсам,
Бок йўқ, майдин керакким ул ситамгар топса ҳаз.

Мен ютуб қон йигларам, лаълинг ичиб согар кулар,
Тенг қадаҳ ичкан керак эрди баробар топса ҳаз.

Ишқи комил кўрки, юз минг зуҳд бирла бодадин,
Гўйиё мен ҳаз топармен, ул суманбар топса ҳаз.

Не ажаб, аҳли хирад хушдил Навоий назмидин,
Жавҳарий топқанда, тонг йўқ, яхши гавҳар топса ҳаз.

287

Кўнгулки ишқини жон ичра айлади маҳфуз,
Гуҳарни нақди ниҳон ичра айлади маҳфуз.

Кўнгулки кўйида эрди ғариб, дарду ғамин
Не бас, ғариби макон ичра айлади маҳфуз.

Начукки руҳи равон тандадур ниҳон, ишқин
Кўрингки, руҳи равон ичра айлади маҳфуз.

Юзию оғзида асраб кўнгул била жонни,
Яқинда доғи гумон ичра айлади маҳфуз.

Ёшурди доғини қонлиғ кўнгулда, ваҳ, кўрким,
Туганни лоласитон ичра айлади маҳфуз.

Лабида асради жонимни, ишқи жонфарсой
Қурутти қонину қон ичра айлади маҳфуз.

Навоий ўлди фиғондин, бу турфароқки, анинғ
Чу жонин олди, фиғон ичра айлади маҳфуз.

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

288

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким халқнинг ааззи деди: «азза ман қанаъ».

Мазмумдур қаноатидин қонеъ этса фахр,
Томеъ хисолидин киши не айлагай тамаъ.

Ким тўъма топмас эткали ифтору рўзадур,
Эрмас вараъ, бир очқа ғизо базлидур вараъ.

Мотам ўзунгга тутки, ўларсен гуноҳ ила,
Бежурм тифлинг ўлганига недурур жазаъ.

Бир дардманд кўнглида кўрсанг важаъ, анга
Гар кўнглинг оғримас, ул эмас, будурур важаъ.

Нафс ўлса тобиъинг кишисен, йўқса бўлмағунг
Ҳаргиз киши, бўлуб санга юз минг киши табаъ.

Қоққил, Навоий, ушбу эшикни лажож ила,
Ким собит ўлди фақрда мазмуни «ман қанаъ».

289

Улки, айлармен ғами ҳажринда жон бирлан видоъ,
Кош жондек айласа бу нотавон бирлан видоъ.

Гар жаҳону жон ила қилмоқ видоъ осон эрур,
Лек бас мушкулдур ул жону жаҳон бирлан видоъ.

Гар видоъ этсам замону юз минғ ошуби била,
Найлаб эткаймен ул ошуби замон бирлан видоъ.

Хонумонимға видоъ эттим ғамидин, ваҳ, анға,
Ким дей олғайким, қил ул бехонумон бирлан видоъ.

Мен ўлуб ул яхшилар султонининғ ҳижронида,
Ул топиб жон айлағанда мен ёмон бирлан видоъ.

Айладим кўп меҳрибон бирла видою ўлмадим,
Ваҳ, ўлармен, қилсам ул номеҳрибон бирлан видоъ.

Даҳр бўстониға мағрур ўлма кўп, эй боғбон,
Охир эткунғ, чун гулу сарви равон бирлан видоъ.

Гар видоъинғ вақти ўлсам бориб ўздин, не ажаб,
Ким эрур кўп саъб сендек дилситон бирлан видоъ.

Эй Навоий, хайрбоди вақти хилват истаким,
Айлагунғ ошубу фарёду фиғон бирлан видоъ,

290

Қилур қайғу кўнглумга ул нозанин жамъ,
Жароҳатқа андоқки бўлғай чибин жамъ.

Лабингда ҳаловат бўлур муфрит андоқ,
Ки гул яфроғида бўлур ангубин жамъ.

Йиғар қатл учун элни ул кофир, аммо
Дуосига анинг бўлур аҳли дин жамъ.

Иши дашт уза ғайри расволиг эрмас,
Неча бўлса кўюнгда хилватнишин жамъ.

Танингча эмас, кўнглакинг ичра қилса
Киши ҳулла ичра гулу ёсамин жамъ.

Юзинг даврида зулфу машшоталар кўр
Ки, гул хирманида эрур хўшачин жамъ.

Гирифторлар ўйладур зулфунг ичра,
Ки ҳижрон туни бўлса хайли ҳазин жамъ.

Сўзунг номабар қуш йигар, айлагандек
Наби нуктасин Жабраили амин жамъ.

Навоий хаёли не махзанки, йўқтур
Басе баҳр аро онча дурри самин жамъ.

291

Минг жавр ила биравки қилур ишқдин ружуъ,
Қилмоқ ружуъдур иш аро қилмайин шуруъ.

Берганда пири дайр май илгимга деб эди,
Оллимга ҳар не муғбачалардин топар вуқуъ.

Қутқаргай эрди куфрдин ўлса Ҳақ оллида,
Бут саждасида мунчаки мен айладим хушуъ.

Ишқ эрмиш асли илм фано дарсгоҳида,
Аҳли усул ҳар неки дер сар-басар фуруъ.

Айлар хумор шомида юз тийраликни дафъ,
Соғар қуёши қилди чу куп чархидин тулуъ.

Ишқ ичра сурхрў бўла олманг, чу сепмасанг
Рухсори заъфарони уза лолагун думуъ.

Гар ишқдин ружуъ Навоий қилур эди,
Эмди ружуъ қилганидин айлади ружуъ.

292

Ул парий ҳар дам қилур мажнунларин шод ўзга навъ,
Лек этар мен телбага ҳар лаҳза бедод ўзга навъ.

Ёрни мен кўрмай ўлдум, ул кўруб ҳам ўлмади,
Ишқ аро мен бормен ўзга навъу Фарҳод ўзга навъ.

Зикр этар базм ичра лутфу меҳр ила ошиқларин,
Лек мени бадрўзи расвони қилур ёд ўзга навъ.

Ишқ аро ўзни манга ўхшатма, эй булбулки, бор
Лаҳну оҳанг ўзга навъу оҳу фарёд ўзга навъ.

Шайху талқини риёким, солики дайри фано
Бизга қилмиш дарду ишқ ойинин иршод ўзга навъ.

Сиз чекинг нўши висол, эй аҳли айшу нозким,
Биз бўлуббиз заҳри ҳажр ичмакка муътод ўзга навъ.

Кўнглидек сўрма Навоийники, қилмағлиг эрур
Қушни озод ўзга навъу қулни озод ўзга навъ.

293

Ул қуёштин топти бу ақшом бизинг кошона шамъ,
Қилмасун бу уйни дудидин қоронғу ёна шамъ.

Банд аёғида лагандин, бошида соч дудидин,
Ул парий ҳажринда мендекдур магар девона шамъ.

Йўл шабистон ичра топмас, ҳар кеча келтурмаса,
Ул қуёш девони ҳуснидин неча парвона шамъ.

Иста гоҳи бизни доғи, эй маҳи хиргаҳнишин,
Ким бўлур фонус аро парвонага ҳамхона шамъ.

Нола қилмас тил чекибким, уйқу истаб ёрға,
Саргузаштидин кеча дер гўйиё афсона шамъ.

Нетти бир кун ёруса сендин йиқилган кулбамиз,
Чун топар ой партавидин доимо вайрона шамъ.

Тонг эмастур, ҳар бири гар бўлса дурри шабчарог,
Оразинг ҳажрида тўкса ашкидин ҳар дона шамъ.

Бу шабистон ичра келди фарқига тиғ узра тиғ,
Боши узра чунки қўйди тожи зар шоҳона шамъ.

Эй Навоий, ўртагил жону кўнгул парвонасин,
Ким бу ақшом оразидин айлади жонона шамъ.

294

Истамассен хотири ушшоқи ҳайронингни жамъ,
Йўқса невчун қилмадинг зулфи паришонингни жамъ?

Ишқинг ўтиға кўнгул ичра дедим таскин берай,
Буки қилдим зор жисмим ичра пайконингни жамъ.

Асрамоққа ер ики кўздин муносиб топмадим,
Оритиб юзники, қилдим гарди майдонингни жамъ.

Яхши эрди, эй кўнгул, қатлинг худ онинг тигидин,
Итларига берсалар кош, айлабон қонингни жамъ.

Ун парий мажнунларига садяк ўлгай, эй қуёш,
Чунки қилсанг зарраи беҳадду поёнингни жамъ.

Гар табассум вақтида кўрсанг лабин, эй боғбон,
Елга бергайсен, қилиб гулбарги хандонингни жамъ.

Эй Навоий, назминг эл кўнглин паришон айлади,
Қилдинг эл кўнгли учун гўёки девонингни жамъ.

ҒАЙИ ҲАРФИНИНГ ҒАЗОЛАЛАРИИИИГ ҒАВҒОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

295

Ул ой равшан қилур кўзларни меҳри ховари янглиг,
Нетиб девона бўлмайким, қочар мендин парий янглиг.

Саодатлиг биравким, ғам туни наҳсияти дафъин
Қилурға чиқса оллидин жамолинг Муштарий янглиг.

Нечук такрорида то субҳ булбулдек наво чекмай,
Юзунгким, сабзаи хатдин эрур гул дафтари янглиг.

Жабинингдурмуким, икки муанбар тоқи кейнидин
Чиқибдур ёрими субҳи саодат ахтари янглиг.

Не янглиг турфа қушсен, ваҳки, товусу тазарв эрмас
Жамолингча, начук жилвангни дей кабки дари янглиг.

Ул ўтлуғ чеҳра давринда муанбар зулф эрур ҳар ён,
Тажалли барқидин куйган малойик шаҳпарий янглиг.

Хушо, дайри фаноким, муғбача атрофидин чиққай,
Қилурга нақди дин торож Хайбар кофари янглиг.

Киши ҳижронда ўлмай васл отин тутмоқ эрур андоқ,
Ки гофил равза туш кўргай риё танпарвари янглиг.

Навоий, айш учун дайру риёзат чеккали Каъба
Гар истарсен, бу икки ишга йўқтур ер Ҳири янглиг.

296

Келди ёру бўлмас оллинда муяссар фошлиғ,
Ул қуёштин топтуқ охир мансаби хуффошлиғ.

Анғламас булбул ичим пайконларинким, гул эмас,
Новакосо тез мужгонлиғ, муқаввас қошлиғ.

Кўздур ул тифл ўрнию истар югурмак ашк ила,
Гўйиёким бор анға боис, бу ишға ёшлиғ.

Ишқ даштида ёғар оворалар бошиға тош,
Бу жиҳатдин бўлмиш ул саҳро ҳамоно тошлиғ.

Оразинғ нақшида Чин суратгари бўлди забун,
Чин будурким, килки сунъ этмиш ани нақкошлиғ.

Шўх майнўшимға Қорун ғанжи тўксам қадри йўқ,
Бизни майхона ғадойи қилди ул қаллошлиғ.

Бошларидин кечтилар ишқ аҳли ҳижрон даштида,
Вомиқу Фарҳод ила Мажнун Навоий бошлиғ.

297

Ярақондин манга гар бор эса рухсор сариғ,
Турфа кўнгилки, эрур дийдаи хунбор сариғ.

Кўзки, қон ёш оқибон бўлмаса сариглиги дафъ,
Ранги гўёки сариғ лола киби бор сариғ.

Хилъатин дема сариғ рангки, рухсору кўзум
Айлади ойинагун тўнида изҳор сариғ.

Ярақон дафъи сариғ жинс қилур, турфа кўрунг,
Ким бўлур тегса юзум тўниға бисёр сариғ.

Ўзга суфрат манга юз қўйди, йўқ эрса тонг эмас,
Заъфарон рангича ўн бор эса бемор сариғ.

Мен киби субҳу қуёш ошиқинг ўлмиш, негаким
Сидқу меҳр аҳли юзи қилди намудор сариғ.

Хас киби бўлса Навоийға сариғ юз, кулма,
Кўргузур гулни доғи боғда гулзор сариғ.

298

Онча ёр алтофидин ҳар кун етар шармандалиғ,
Ким эрур кам, ҳар бирига юз йил этсам бандалиғ.

Ҳам жунун, ҳам хасталиғ кўюнғда чун йиқти мени,
Сарбаланд ўлмоқдин ортуқдур манға афкандалиғ.

Зулмунғ идбори аро туфроғ ила тенғ бўлғаним
Яхшироққим, ўзғаларнинғ лутфидин фархундалиғ.

Қадду оғзинғ ҳажрида гулшанға майл этмонки, йўқ
Сарв дилкаш жилвалиғ ё ғунча шаккархандалиғ.

Не фаришта покликда ҳуснунға келди шабиҳ,
Не париға одамилиғда санга монандалиғ.

Ишқ кўйининғ ғадойименким, анда тенғдурур
Шоҳ эса зарбафтлиғ ё сойил ўлса жандалиғ.

Дема менсиз ўлмадинғ, васлимда кўп ер ўпмагил,
Ким қуйи солмиш Навоий бошин — ул шармандалиғ.

299

Бил ани дайрда масти мудом мен янглиг,
Ки май гадолиг этар субҳу шом мен янглиг.

Биравни ринди харобот англаким, бўлгай
Бир илгида кадую бирда жом мен янглиг.

Анга ҳалол маю ишқ дайр аро билким,
Ўзига зуҳдни қилмиш ҳаром мен янглиг.

Банақди жаннат аро нўш этар майи Кавсар,
Ангаки, майкада бўлмиш мақом мен янглиг.

Ҳаёт софини нокомдин бирав ичкай,
Ки дайр дурди била топса ком мен янглиг.

Абири жаннат исин айламас писанд улким,
Муаттар айласа майдин машом мен янглиг.

Ёмон эмас эди Мажнунда ишқ таври, валек
Сумурса май бўлур эрди тамом, мен янглиг.

Биравки жон бериб, элдин вафо тамаъ тутти,
Пишурди кўнглида савдои хом мен янглиг.

Навоий ўзлукидин тинди, улки дайр ичра
Ушатти шишаи номусу ном мен янглиг,

300

Шўхи чароғчи ёқибон ҳуснидин чароғ,
Машъал фатиласи била кўксумга қўйди доғ.

Базм аҳлин ўртамакка ёқар кеча зулм ўтин,
Эл базмини ёрутғали эрмастур ул чароғ.

Кўнглумдурур фатила эмас машъал ичраким,
Ул шўх ўт солиб, қуяр анинг устиға ёг.

Бўлди қуруқ ёғоч киби жисму бошимда ўт,
То бўлғай анга машъаланинг харжидин фарог.

Машъални кош тутмаса, ўтлуқ юзи етар,
Гар сайр этарга қўйса шабистон сари аёг.

Не тонг, кўзинки шамъи ҳидоят ёрутмаса,
Хабт ўлган элга машъала дуди била димоғ.

Ушшоқ базми машъали бас оҳ шуъласи,
Ғам шоми қилма машъалачи ҳар сари сўроғ.

301

Кўзунгки, куфр ила юз дииға солди вайронлиг,
Худой учун тий ани — йўқмудур мусулмонлиг.

Қадингки жилва уза жилва кўргузур ҳар дам,
Ажаб эмас манга ҳайронлиг узра ҳайронлиг.

Лабингни сўрсам, эмас тонгки, тўкти қонимни,
Сўрарлар аники, бўлгай бирав била қоилиғ.

Демишсен, ўлтурайин ишқ аҳлин айлаб жамъ,
Магар билибсен алар ичра кўп паришонлиғ.

Не ҳукм айлар эсанг, айла ҳусн мулкидаким,
Санга мусаллам эрур хўбларга султонлиг.

Жунунни тарк этибон оқил ўл, деди зоҳид,
Бўлур эмиш бани Одамға мунча нодонлиг.

Дединг, Навоий агар васл топса, ўлтурайин,
Фироқинг ичра гумон айладинг ани жонлиг.

302

Эй лабинг хосияти чашмаи ҳайвон янглиғ,
Қуйию юқориғи холи била жон янглиг.

Аёғимнинг қалами заъфдин андоқки қалам,
Қотақолған тери даврида қаламдон янглиг.

Нуни танвин киби хам ҳажрида нобуд таним,
Доғи пинҳоним анга нуқтаи пинҳон янглиг.

Қадди жавшан аро кўнглумда анингдекким ўқ,
Чаркаси дулига ул ўқ уза пайкон янглиг.

Одам ўрнига парий ошиқи бўлдумким, ул
Одамисизлиг аро бўлмагай инсон янглиг.

Юзи наззораси ҳайронлиғи ўлтурди мени,
Бир назардин ким ўлубтур мени ҳайрон янглиг.

Қўйма бу манзилу масканга кўнгулким зинҳор,
Англа йўл ўткучидек ўзнию меҳмон янглиғ.

Жоҳнинг зебига ким ҳусн тилаб, билдикким,
Зийнате келмади жоҳ аҳлиға эҳсон янглиг.

Шайх, дер, ишқни тарк эт, санга ақл ўргатайин,
Эй Навоий, киши бўлгайму бу нодон янглиғ!

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «БАДОЕЪ»ДИН

303

Дашти фаноки мўрча йўқ шерларга саф,
Гарчи махуф йўлдурур, эт азму ло тахаф.

Гар шердурки, мўрча йўқтур ҳисоб анга,
Ким топмади кўзи бу ёбон гардидин шараф.

Ўзни кўнгул саҳифасидин маҳв қилмаган
Топмас вуқуф нуктаи асрори «ман араф».

Табъингга фақр нуктаси гар зода бўлмаса,
Бўлган недур халифаи даврон санга халаф.

Гар сочса ул халифа сўзидин дури самин,
Дур ҳар неча самин эса, беқадрдур садаф.

Баҳри фанода ғўта садафвор урмасанг,
Сендин етишмагай дури мақсуд ҳар тараф.

Соқий, хароби жоми хароботи ишқмен,
Тутқил қадаҳ, муғанний этиб соз чангу даф.

То нашъа етса кўнглума ул бода завқидин,
Ганжи хаёлдин сочайин ҳар тараф туҳаф.

Шояд Навоий айлагай ул туҳфалар била
Тартиби назми «Манқабати шаҳнат ун-Нажаф».

304

Ҳажрдин ҳар дам қилур бу хотири афгор хавф,
Зоҳир эткандек ўлумдин ҳар замон бемор хавф.

Эйки, коминг дўст васлидин эрур топмоқ ҳаёт,
Қатл тиғи сурса душман, қилмағил зинҳор хавф.

Васл бўстонида гар эмин эмасмен, эй рафиқ,
Найлайинким, хори ҳижрондин ичимда бор хавф.

Ҳажр шомидур махуфу қотил, эй маҳваш, не тонг,
Ўйла муҳлик тийра тунда айласам изҳор хавф.

Нечаким дўзаҳдин ўлса хавф маҳшар аҳлига,
Менда ҳажринг шуъласидиндур юз ул миқдор хавф.

Солмай ўзлук нақдин ўздин тутмағил дашти фано
Ким оғир юклукка бу йўлда етар бисёр хавф.

Эй Навоий, ҳушунг ўлса, кўзларидин хавф эрур
Ул сифатким, мастлардин айлагай ҳушёр хавф.

305

Оҳким, кўнглум бузулди топмайин жонон вуқуф,
Мулк вайрон бўлди, ҳосил қилмайин султон вуқуф.

Жонни комимдур адам кунжида пинҳон айламак,
Оғзи рамзиғаки ҳосил қилмишам пинҳон вуқуф.

Васл аро ҳижрон ёшурди ишқ кўнглум қатлига,
Мезбон заҳр эзди суға, топмайин меҳмон вуқуф.

Телба кўнглум ғофил андинким улусқа васл эрур,
Лайли этти айшу Мажнун топмади чандон вуқуф.

Оғзи рамзига агар йўл топмадим, эрмас ажаб,
Ғайб сирриға не тонг эл топмамақ осон вуқуф.

Ишқим аҳволига мутлақ воқиф эрмастур хирад,
Қайда топқай аҳли маъни ҳолидин нодон вуқуф.

Лаъли ҳушум зойил этти, топмади кўнглум хабар,
Ваҳки, май аҳволидин усрукка не имкон вуқуф.

Васл уммиди бирла ҳажрин қилмиш эрдим ихтиёр,
Қатлдин кўнглумга аввал бермади ҳижрон вуқуф.

Эй Навоий, буки даврондин юз офатдур санга,
Эрмас эркин топмайин ул офати даврон вуқуф.

306

Ишқ тобидин ўлубмен мени бемор заиф,
Тоб кўп кўрса анингдекки бўлур тор заиф.

Васлида эврулубон бошига дерменки ўлай,
Ваҳки, бўлмишмен анинг ҳажрида бисёр заиф.

Заъф аро зорлиг озурда қилур кўнглумни,
Топар озор, бале, чунки бўлур зор заиф.

Хасталиғ тортса йиллар киши, маълум эрмас,
Мен киби кўргуза олғайму намудор заиф.

Бўлмиш ўн йилғи ўлуктин манга заъф афзунроқ,
Ваҳки, жонлиқ киши ким кўрди бу миқдор заиф.

Заъфдин шайх қутулғунг деди, тарк этсанг ишқ,
Пири дайр оллида бу қавли анинг бор заиф.

Заъф аро қилма Навоийга ситам, эй ойким,
Бўйла айлабтур ани чархи ситамкор заиф.

307

Қотил кўзунг атрофида мужгон чекибдур ўйла саф,
Ким қатл этар ҳангомада қилгай ҳужум эл ҳар тараф.

Ой, кун – ато бирла ано, фарзанд сен бўлсанг не тонг,
Ким сен саминдурсен, валек ул икки андоқким садаф.

Ғам зулматида истаю лаъли лабинг ўлдум, валек
Ҳайвон суйи топсам не ғам, гар бўлса ҳам умрум талаф.

Васлингга муҳлик ҳажрдин дедим мушарраф бўлгамен,
Лекин сенинг ишқинг аро ўлсам, эрур ул ҳам шараф.

Жон нақдини овучлабон келмиш эдим васлинг тилай,
Муҳлик фироқ ул нақдни олди, уруб илгимга каф.

Гар бебасарлиқ айнидин наргис кўзунгдин лоф урар,
Аҳли назар англарким, ул ҳам кўр эрур, ҳам бад алаф.

Эй мутриби Зуҳражабин, бу нагмаким, чектинг ҳазин
Камдур жаложил гар нужум ўлса, санга хуршид — даф.

Бўлмас ниқоб очсанг доғи чун ҳалли сирри «Лав кушиф»,
Толибга недур айламак таҳсили ганжи «Ман араф».

Ул новакафкан қилмаса кўксин Навоийнинг нишон,
Тонг йўқ, чу айлабтур анга хуршидни гардун ҳадаф.

308

Гар танимда зоҳир ўлмиш доғи ҳижрон ҳар тараф,
Жонда ҳуд юз онча бордур доғи пинҳон ҳар тараф.

Ишқ саҳросида менмен сойир андоққким қуюн,
Дема саргардон кезар Мажнуни ҳайрон ҳар тараф.

Кўйига пинҳон бориб, захмим не янглиғ ёшурай,
Ким қаён борсам яролардин борур қон ҳар тараф.

Кўксум ичра тушти бир хори хасак, яъни кўнгул
Токи андин чиққали бир нўги пайкон ҳар тараф.

Ҳиндуедур бул-ажаб бозигар ул кўз даврида,
Ҳинд эли аҳли тамошо хайли мужгон ҳар тараф.

Тоза бўлсун ул баҳори ҳуснким, онсиз кўзум
Дурфишон ўлмиш начукким абри найсон ҳар тараф.

Ҳар тараф майдон аро юз фитна тушти, раҳм этиб,
Тавсанингни чопмағил қилганда жавлон ҳар тараф.

Дайр ичинда нетти тиргузсанг мени, эй муғбача,
Жоми даврингдин томар чун оби ҳайвон ҳар тараф.

Чун Навоийдек ҳавоий бўлдум ул ой ҳажридин,
Не ажаб, елдек юз урсам, тортиб афғон ҳар тараф.

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «БАДОЕЪ»ДИН

309

Чарх дард аҳлиға ҳар дам ёгдурур гарди фироқ,
Ўт равонроққким, хатарликдур басе бу эски тоқ.

Аждаредур ҳалқа урған песа кавкаб холидин,
Жуз ажал заҳрини ком андин топа олмас мазоқ.

Ҳазм этар фикрин ҳам этгил, фарз этай нонинг учун,
Қилди чарх анжумни дона, ою кунни ёрғучоқ.

Чарх бир эвдур, иши бўлмоқ анинг ҳар дам нигун,
Тушмаган яхши иқомат мундоқ уйда иттифоқ.

Сунъ баҳридин ҳубобе англағил кўк гунбадин,
Сиймгун гунбад деб ўлмас айламак они висоқ.

Истасанг беш кун фарогат, гарчи кобин умр эрур,
Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилғил уч талоқ.

Эл нифоқин кўрмайин десанг, Навоий, фоний бўл,
Чунки сен чиқсанг ародин, кимга қилғайлар нифоқ?

310

Ёр келса бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ,
Сабру оромим бериб барбод, туғён этти шавқ.

Озу кўп ҳар не деди қосид висолинг муждасин,
Сабрим озу изтиробимни фаровон этти шавқ.

Шавқ ҳижрондин батар ошуб солди кўнглума,
Кўнглум ошубини қўйким, ғорати жон этти шавқ.

Не ажаб кечрак муяссар бўлса — ўлсам, эй рафиқ,
Бўйлаким, уммидвори васли жонон этти шавқ.

Ҳажр бўлсун ё висол уммиди чун муҳликдурур,
Бас ҳаёту қатлини кўксумга яксон этти шавқ.

Гар жунунумнинг ҳаду поёни йўқтур, йўқ ажаб
Ким кўнгул бехудлуғин беҳадду поён этти шавқ.

Эй Навоий, ҳажр зулмин ёд қилсам, қилма айб,
Ким манга бедоди номақдуру имкон этти шавқ.

311

Ҳар кун ўткан кечадин ошуфта кўнглум зорроқ,
Ҳар тун ўткан кундин ашкафшон кўзум хунборроқ.

Ўлмакимни қилғил осонроқ висолингдинки, бор
Фурқатингдин лаҳза-лаҳза ҳолатим душворроқ.

Шиддати ҳолимдур андоққким, ажалдин жон эрур
Ҳар неча бошимга ботроқ келса миннатдорроқ.

Ғам туни тули саводин кўз била кўнглум билур,
Ким алардин йўқ эди музтарроқу бедорроқ.

Ҳажр даштин сели ашким онча қозди ҳар тараф,
Ким бу саҳро тоғлардин бўлди ноҳамворроқ.

Мен анинг ҳуснини кўрсам юз қуёш миқдорича,
Заррадин мен оллида юз қатла бемиқдорроқ.

Неча лайливашроқ ул ой жилва кўргузди манга,
Кўрди мен шайдони ҳам ишқида мажнунворроқ.

Каъба шайхию – риёдур, дайр пирию – фано,
Эй Навоий, дема мундин они файзосорроқ.

Дурдкашлар ичра мендин фориғи гар йўқ, не тонг,
Чун харобот ичра йўқ мендин киши хумморроқ.

312

Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир гамгусор йўқ.

Жон риштасини чирмадим ўқунгға, войким,
Тиғинг бағирни ёрдию тикмакка тор йўқ.

Деманг, гамида йиглама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрликда манга ихтиёр йўқ.

Тутса қарор бир нафас оллимда, ваҳ, не суд,
Ким ул нафас рамида кўнгулга қарор йўқ.

Десамки, тарки ишқинг этай бутма, эй парий
Ким, телбалар ҳадисиға кўп эътибор йўқ.

Чиқ рўзгор аҳлидин осойиш истасанг,
Ким мунда гайри тафриқаи рўзгор йўқ.

Ўзни Навоий айлама усрук бу базм аро,
Ким даҳр айши бодасида жуз хумор йўқ.

313

Ўқларингдинким кўзум ҳам равшан ўлмиш, ҳам очуқ,
Машъаледурким, бўлубтур кавламоқ бирла ёруқ.

Эйки, бўйнумга ёзуқ деб қатл тиғин сурмадинг,
Сен не қилсанг қил, менинг бўйнумга бўлсун ул ёзуқ.

Манглайимдин келтурурмен кўзга саждам гардини,
Кўрган ул бутни гумон айларки, айлармен тобуқ.

Даъвои меҳримга мендин икки тонуқ истама,
Халқдин чун ёшурубмен, йўқ манга жуз бир тонуқ.

Гармрав ашку совуғ оҳ эттилар ожиз мени,
Ваҳки, ишқингдин юзумга келди кўп иссиқ-совуқ.

Эйки, азм эттинг ҳарам матлуб ҳамраҳдур санга,
Сен йироқсен андин, аммо ул санга беҳад ёвуқ.

Дайрға кирди Навоий куфри не пинҳон, не фош,
Тавба чун синди — ичарга не суроҳи, не ётуқ.

314

Эй, жамолу нозу ишванг бир-биридан хўброқ,
Қоматинг марғубу андин пайкаринг марғуброқ.

Менда бўлса минг ҳунар, чун ёрнинг мардудимен,
Олам аҳли ичра йўқ мендин киши маъюброқ.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнун доғи бехуд эрдилар,
Кимса мендин голибо бу ишда йўқ мағлуброқ.

Ҳар не қилсанг, нотавон кўнглум севар жондин сени,
Ҳақ яратмайдур экан сендин киши маҳбуброқ.

Толиб эрсанг қатлима, жоно, санга жоним фидо,
Не санга матлуброқ, улдур манга матлуброқ.

Ким тилар дайри фано азмини услуб айлагай,
Ўзлукидин иш керакмас кўнглига маслуброқ.

Гар Навоий бор эди мақбулунг, эткил раҳмким,
Андин эмди йўқтурур ушшоқ аро манкуброқ.

Мени айлаптурур бир қотили паймоншикан ошиқ,
Ки тиғи зулмидин ўлмиш менингдек юз туман ошиқ.

Сўрарким, ошиқим сенму, муқир бўлсам, ҳалок айлар,
Эрур бу турфаким, ёлғон дейолмонким, эман ошиқ.

Агар ишқ этти вайрон хонумоним, бок эмас, невчун,
Ки чун азми фано кўйиғадур, найлар ватан ошиқ.

Гар ўлсам ишқ тоғи тиғи захмидин яланғ, ғам йўқ,
Ки бас ҳам лолалардин айласа қонлиғ кафан ошиқ.

Қозиб ғам тоғи тош остида ўлмак не эди мендек,
Гар эрмас эрди бир Ширин санамға Кўҳкан ошиқ.

Висол имкон эмас то бўлса ўзлуктин сари мўе,
Бас ўлғай фарзким, қилғай фано таврини фан ошиқ.

Навоий, шодсенким, ўлтурур ушшоқин, аммо кўр,
Ки сендекларни дерму боре ул сийминбадан ошиқ.

316

Солур диним уйига кофире ҳар лаҳза вайронлиқ,
Мусулмонлар, бу шаҳр ичра магар йўқтур мусулмонлиқ.

Жамоли жилва қилғач, найлаб идрок айлайин ҳуснин,
Чу ҳайронлиқ уза ортар манга ҳар лаҳза ҳайронлиқ.

Лаби лаълинг эрур огишта қонимдин, ажаб эрмас,
Ани тутсакким, ул майхорадур бу дам манга қонлиқ.

Кўнгул то айлади зулфунг саводи аъзамин маскан,
Қарориб рўзгори, кўрди юз турлук паришонлиқ.

Ёшурдум доғи ишқинг, ҳажр ўти жисмимни куйдурди,
Кўнгулни доги чок эт, қолмади чун анда пинҳонлиқ.

Лабингдур жоми Жамшиду юзунг миръоти Искандар,
Мусалламдур санга ҳусну жамол аҳлиға султонлиқ.

Агар йўқ одамилиқ мендаю ёримда, тонг эрмас,
Ки мажнунда кишилик ё парида бўлмас инсонлиқ.

Жаҳон базмида меҳмонсен, ики-уч соғар ичкач, қўп,
Ки мунжар бўлмагай ногаҳ малолатқа бу меҳмонлиқ.

Бори душворликларни ўзунгга айласанг осон,
Бори душворлиқлар доги бўлгай шояд осонлиқ.

Кел, эй соқий, мени бир жом ила қил масти лояъқил,
Ки даҳр ичра эрур ғофил тирилмак, маҳз нодонлиқ.

Навоий, чунки муғ дайрида тутти муғбача соғар,
Ичиб май, кофири ишқ ўлмасанг, кўргунг пушаймонлиқ.

317

Боғ ичра санга сочти гул оқу қизил яфроқ,
Шаҳ бошига андоқким эл оқу қизил ёрмоқ.

Не ёрлиғ ўлгайким, ҳар кеча тонг отқунча
Сен айш ила уйқуда, мен ранж била уйғоқ.

Кўз мардуми кўюнгнинг гардин тилабон борди,
Қоники оқар, они қон тортти ё туфроқ.

Кўргач ани ҳайратдин илгимники тишлабмен,
Бармоққа ботибтур тиш, тилни кесибон тирноқ.

Жон нақдин ажал бирла ҳажринг ики бўлмишлар,
Андоққи, топиб суде ойиргай ики ўртоқ.

Кўюнг керак, учмоқ йўққим, учмоқу кўюнгда,
Ул навъ тафовутдурким, томуғ ила учмоқ.

Ҳам даҳр бақосиздур, ҳам умр вафосиздур,
Хуштур нафасе ўзни аҳбоб ила хуш тутмоқ.

Етмаклик эрур мушкил мақсадга, нединким бор
Кўз хираву тун тийра, от оқсоғу йўл буртоқ.

Дебсенки, Навоийни келгум доғи ўлтургум,
Ул ўлди бу ҳасратдин, кел Тенгри учун ботроқ.

318

Бинафшанинг нега бўлмиш димоғи мунча улуқ,
Ки ул сенинг хатинга ҳиндуйидурур майруқ.

Малоҳат оғзинга гар писта сотса ким олсун,
Ки борғусидур у шўрапушту оғзи очуқ.

Қадинг қошинда нечук сарв ўзин дегай озод,
Ки сабзранг қулингдур, анинг аёғи ёруқ.

Эрур чаманда юзунгнинг гадойи оқ гулким,
Кўрунди барча ямоғлиқ чапони узра момуқ.

Танингға маскаву қаддингға нахл ўхшашмас,
Ки будур асру семиз, лек улдур асру оруқ.

Сен абраш узра, вале гул ёғоч уза даста,
Йўл ўз аёғи била боргай, улки минди суруқ.

Хироми лофида ҳар мокиённи дейки не ер,
Не навъ жилвагар ўлгай тазарв бирла товуқ.

Май ичсанг ўлмағил оқсумки, пири дайр деди,
Ки бу иш ўлди бизинг дайр аро камина ёзуқ.

Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шаҳ анда тамбура чолиб, Навоий деса қўшуқ.

319

Солса партав том уза чиққанда рухсори очуқ,
Бир қуёшдур, тушса ҳар уй ичра тунглукдин ёруқ.

Совуғ оҳеким чекармен, гарм ўлур оқмоққа ашк,
Чашмаларда су бўлур иссиғ, ҳаво бўлгач совуқ.

Тенгри оллинда тонуқ демаки ўткар кимсани,
Менча севмассен, бу ишга худ эрур Тенгри тонуқ.

Лабларингниким учуқ тутмиш ҳамул ҳайъат била,
Огзинг андоқ ғунчадурким, тушмамиш андин қобуқ.

Дог ўртарга чапоним ичу тоши қолмади,
Богладим марҳам чапондин, қолди гар эски момуқ.

Гар ёзуқсиз ўлтурурсен, ғам емон, лекин гамим
Мунчадурким, бўлмагай ногаҳ санга андин ёзуқ.

Ёр дилхоҳин чу топтинг, тенгдурур васлу фироқ,
Ҳақ ризосин чунки қозгандинг, не учмоқ, не томуқ.

Соқиё, май тутқали қўпмоқ басе таклиф эрур,
Қўй такаллуфнию қўп, лекин манга ўлтур ёвуқ.

Заъфи кўплуктин Навоийнинг кам ўлмас ноласи,
Не мунофидур фигон булбулга бўлмоглиқ оруқ.

320

Кўнглум бўлур гаминг туни ҳар лаҳза қайғулуқ,
Чун шом бўлди, ҳар нафас ортар қаронғулуқ.

Ул кўзки олам аҳлидин олмишдур уйқуни,
Бахтим киби, не айб, агар бўлса уйқулуқ.

Сабру қарору ҳушни олмоғлиғинг недур,
Эй жонлар офати, санга жонимдур олғулуқ.

Дашти фироқ ичра тирик йўқ чу ваҳшу тайр,
Гўё ели самуму гиёҳидур оғулуқ.

Муғ кўйи азмидин мени манъ этма, эй рафиқ,
Бу йўл эрур чу аҳли маломатқа борғулуқ.

Андин фалакни илмас экан кўзга пири дайр,
Ким бу эрур ҳақиру, жаноби анинг улуқ.

То гамдадур Навоий, анга даҳр тийрадур,
Шод англамас улусни, бирав бўлса қайғулуқ.

321

Ҳар кишиким ғайри ишқинг ҳарфи ёзгай бир варақ,
Илгини айлаб қалам, бошин қаламдек айла шақ.

Парда ёпқач юзга, тутти қон ёшим офоқни,
Меҳр уёққанда, уфуқ сори ёйилгандек шафақ.

Гўйиё хуршид ҳар сори югуртур кавкабе,
Чунки суръат вақти ул юздин томар ҳар ён арақ.

Ваҳки, ашким жоласидин топти офат ҳар неча,
Сабр тухмин мазраъи жон ичраким қилдим насақ.

Бир-бир устида қўюбмен фурқатингдин неча дог
Ишқ хони ичра қўйгандек табақ узра табақ.

Нўш этармен бода то лаълинг хаёли бирла мен
Қон ютармен, токи бўлгай танда жонимдин рамақ,

Шайх Кавсар шарбати, мен талх май мадҳин дедим,
Оччиғи келса не тонг, невчунки оччиғ келди ҳақ.

Бода васфин дарс агар дер эрса пири майфуруш,
Жоми хатти давридин олмоқ муносибдур сабақ.

Истама Кавсар, Навоий, топ фарогат бодадин,
Ким эрур ул мухталиф, лекин бу бирдур муттафақ.

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «БАДОЕЪ»ДИН

322

Десангки, дашти фано аҳлиға бўлай ҳамтақ,
Не дўст ғайри эса, барчасига силк этак.

Қил ўзлукунг кесагин поймол бирла ғубор,
Йўқ эрса балчиғ ўлур фисқ суйи бирла кесак.

Чу руҳ хайлиға нафс истар ўлса ортуғлуқ,
Етур иложиға тақво сипоҳи бирла кўмак.

Юракни сол демагил ишқ кўйининг итига,
Муни анга деса бўлгайки, анда бўлса юрак.

Хуш улки, ишқ гулистону боғида йиқилиб,
Ўларда остида хорову хор бўлса тўшак.

Бало ғубори вафо аҳлиға ёгар гўё,
Сипеҳр чанбари парвезанидин ўлди элак.

Гадову – хирқада куймак начукки парвона,
Йўқ улки, ҳулла аро шоҳид ўйлаким кўпалак.

Анга бу дайри фано ичра тутти муғбача май,
Ки тишни бағриға беркитмакини қилди газак.

Навоий ўлса, не тонг базм ичинда ботроқ маст,
Ки ғусса жомини даврон анга тутар кўпрак.

323

Бу кеча оҳим эрур давронни барҳам урғудек,
Чарх гулзоридин анжум гулларин совурғудек.

Сўрғали келди эвурунғ бошиға қўлдоб мени,
Ким эмастур лаҳзае бошим уза ўлтурғудек.

Эй кўнгул, дерсенки, ёшур ишқини, не ёшурай,
Ким эрур жисмим фано туфроғида ёшурғудек.

Синса кўнғлум, не ажабким, сангборони фироқ
Бўлди хамлиқ жисм уйин ҳар соридин синдурғудек.

Ҳажр зулмиға чидармен, ўлғали йўқ, анғласам,
Ким эрур қатлимға ул жону жаҳон қайғурғудек.

Айш вақтин бил ғаниматким, эрур дам ушбу дам,
Чарх эрмас фавт бўлған вақтни ёндурғудек.

Сен кўнгул берсанғ Навоийға ғаҳе минғ жавр ила,
Эрмас ул ҳар дилрабоға кўнғлини олдурғудек.

324

Фалак зарфи тўла май бўлсаю топсам ани хумдек,
Чекайким, қатралар ҳам қолмағай жавфида анжумдек.

Ҳавои ишқ барқи гарчи муҳриқдур, вале эрмас
Бу ишда оташин лаълинг аён қилған табассумдек.

Қувонурмен итинг эски сафоли ичра май ичсам,
Ки Жам қилган эмастур жоми бирла ул танаъумдек,

Ҳалок ўлганда қилган навҳа гар таъсир этар, лекин
Эшит ноламниким, муҳлик эмастур бу тараннумдек.

Масиҳо нуктаси гар жон берур эрди, вале билгил,
Ки жон олмоққа эрмас эрди ул ширин такаллумдек.

Чиқиб қатлимға ўзга сори сурди рахшин ул қотил,
Манга юзланмамиш умрумда ваҳме ул таваҳҳумдек.

Ажал ҳажрингда жоним олди шафқат айлабон зоҳир,
Киши раҳм аҳлидин кўрмайдур эркин бу тараҳҳумдек.

Май ичра чунки соқий акси муҳликдур, бу соғарни
Кишиким ичса, уммиди ҳаётидин кўзин юмдик.

Навоий ҳажр даштидин танаъум бистари топқай,
Бу водийда ирик қум чун ёнида бўлди қоқумдек.

325

Тиғи ишқингдин кўнгул ҳар ён оғиздек бўлди чок,
Бу оғизлардин не тонг чекса фигони дарднок.

Шарбати ҳижрон била қатл айладинг аҳбобни,
Кимса ҳаргиз дўстларни заҳр ила қилмас ҳалок.

Жон қуши ўртанмасун деб ёпма ўтлуқ чеҳраким,
Шамъ ўтин кўргач куярдин айламас парвона бок.

Меҳрдек ёр эврулур, бошиға ҳар саргаштаким,
Заррадек қилса ҳавои ишқи ичра ўзни пок.

Оразингдин, йўқ ажаб, тушса кўнгул захмига ўт,
Меҳрдин кўпроқ бўлур маҳрур, ҳар ерким магок.

Истасанг еткач фано ели санга, бўлгай уруж,
Фақр кўйида бурун қилмоқ керак сен ўзни хок.

Эй Навоий, ёр агар кўнглумга кирмак истади,
Захмима марҳамча бордур қилгани кўксумни чок.

326

Оғзиким сўзда Масиҳодек қилур элни тирик,
Бас улуғ сўзлукдурур, ғарчи эрур асру кичик.

Қадди қўпқоч, сарв ағар тушса аёғин ўпкали,
Йўқ ажабким, паст ўлур соя, қуёш бўлғач бийик.

Ҳам ўшул туфроғдин сочиб қурутунғ номани,
Ёзсангиз ул ойға жисмим туфроғ ўлғандин битик.

Тиғи захмин боғласа аҳбоб, ғам йўқ, эй кўнгул,
Бир эшик боғланса ишқ ичра, очилғай юз эшик.

Ҳажр тошин бошима, меҳнат палосин жисмима,
Қайда билғай ишқ анға кўргузмаған қотиғ-ирик.

Учқил, эй булбул, бу гулшандин, нединким ҳар неча
Гул вафода кунд эрур, жавр ичрадур хори итик.

Гар Навоий қатлиға келмайдур ул усрук, нега
Бас этак санчиб, қилич тортиб шимолибдур илик.

327

Хони васлингдин агар бўлмас муяссар бар емак,
Ҳам ганиматдур талашмоқ итларинг бирла сўнгак.

Не либоси офият киймак мени мажнунгаким,
Англамон, гар бўйнума тушса яқо янглиг этак.

Ишқ нақди кисасининг ҳифзиға бодоми муҳр
Гар тилар бўлсанг, муносибдур бу чок ўлган юрак.

Зулфдур ёхуд узори ўтига чирмашти дуд,
Ё баногўшига тўш, бўркига санчибтур гажак.

Сурткандек кўзини сарпанжаси нақшига юз,
Кўз ёрутсам илгидин, панжамда бўлса ул билак.

Ишқ агар бўлса ҳавойи нафсдин пок, эй кўнгул,
Йўқ тафовут, дилбаринг гар бека бўлсун, гар мирак.

Қоши меҳробида васлин истаб айлармен дуо,
Эй Навоий, тонг йўқ, андоқ қиблада мундоқ тилак.

328

Баски, кўксум чоки тиккан игнадин бўлди тешук,
Кўнглаким чокидек ўлмишдур, вале андин чурук.

Жонфизо лаълинг била қотил кўзунг ҳижронида,
Ўйла ҳолим борким, билмон, тирикмен ё ўлук.

Хотами лаълинг агар оғзимға еткач, тишлагум,
Муҳр этарда мум ёпишқон киби босқач узук.

Фурқатингдин лоладекдур чок-чок ўлган кўнгул,
Негаким, ҳам қон аро бўлмиш бўёғлиқ, ҳам куюк.

Оташин лаълинг агар жонимни ўртар, тонг эмас,
Ким эрур асру исиғ, неким эрур асру чучук.

Дема, дашти ишқ аро минг хайли ишқ аҳли қани?
Итти бу поёни йўқ саҳрода ҳар ён бир сурук.

Эй Навоий, фақр йўлида бурун ўзлукни сол,
Ким бу йўлда пўяға монеъдур ул ортуқси юк.

329

Эй тани хокий хадангингга нишон бўлган кесак,
Ҳам бу маъниға қуруғ бошим кесак узра сўнгак.

Бир яқони қўймадинг қилмай этакка тегру чок,
Рахш то сурдунг ёқонгни синдуруб, санчиб этак.

Зоҳир айларда яди байзо қилурсен элни қатл,
Тиғ урарда енг шимолибким, аён этсанг билак.

Гул била номардум эл андоққи узгай ғунчани,
Еб итинг юз пора бағримни, тамаъ қилди юрак.

Риштаи жон янглиг асрай тушса илгимга даме,
Ким ҳилол ўрнига ширин лаълинга еткай ипак.

Ҳажр шоми дарду гамни бошима ёгдургали
Бўлди анжум бирла чархи чамбари гўё элак.

Ул парий ишқида чун ўлди Навоий англангиз,
Ким мужанниндур иси қабрига бутса ҳар чечак.

330

Ўт урди жонима, чун очти лаъли оташнок,
Ҳаёт чашмасидин, ваҳки, жоним ўлди ҳалок.

Заиф жисмим ўтидин жаҳонни куйдурдунг,
Улуғ ўт урмоқ учун ўртадинг магар хошок.

Дединг — кўнгул ўти дудин чиқарма оҳ била,
Агар чин эрса сўзунг, нега кўксум эттинг чок!

Наззора ҳойилидур дуди оҳу қатраи ашк,
Фиғонки, мониъи комимдур анжуму афлок.

Кўнгул шикофи дема, анда сабр дафни учун,
Ки ҳажр қотили ўлтурди, қозди ишқи мағок.

Чу маст ўлдум эса, май била юнгиз баданим,
Тонгинг ушолган наъшим белига риштаи ток.

Навоий истаса лўливаше, ажаб эрмас,
Бу важҳ илаки, вафо тарки эттилар атрок.

331

Меники муғбача дайр ичра айлагай усрук,
Не тонг, кўзумга қуёш бўлса заррадин ўксук.

Сўзумни ёр эшитмай юзумни чуркади оҳ,
Бу важҳдиндур ул ой оллида юзум чуркук.

Фироқи ўқидин ўлмиш тешук-тешук багрим,
Бу турфароқки, бир ўқдиндурур ҳар икки тешук.

Ғамида турлук-турлук балога учрабмен,
Ки ҳар бириси мени куйдурур неча турлук.

Танимда раглар узулди фироқ шиддатидин,
Начукки, ришта чубулғай, ипак тўн ўлса чурук.

Тутай жаҳонда Сулаймон сени ва ё Жамшид,
Не мунга жом вафо айлади, не анга, узук.

Навоий, ўртади ширин ҳадисинг эл кўнглин,
Начукки куйдурур ични, чу шарбат ўлди чучук.

332

Гулшан ичра йўқтур оромим — дилоромим керак,
Сарву гулни найлайин, сарви гуландомим керак.

Гар парилар қуш киби рам қилсалар мен телбадин,
Ғам йўқ, ул шўхи парий пайкар менинг ромим керак.

Офият кўйида маҳвашларга йўқтур нисбатим,
Ул муқаммиршева шўхи бодаошомим керак.

Каъбада ноком ила дин аҳлиға йўқ жуз нифоқ,
Дайр ичинда кофири бебоки худкомим керак.

Гул била савсан керакмастур манга, эй боғбон,
Зулфи сунбул атрлиқ рухсори гулфомим керак.

Эй харобот аҳли, расво кўнглум итмиш бу тараф,
Келмишам топиб суроғ — ул ринди бадномим керак.

Эй Навоий, хонақаҳда топмадим жуз тафриқа,
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.

333

Айтмонким, лаъли жонбахшинг эрур жондин чучук,
Ким эрур ҳар неки йўқ ондин чучук, ондин чучук.

Нечаким бўлсун чучук ширин такаллумлар сўзи,
Лекин эрмас ул каломи шаккарафшондин чучук.

Нўши лаълингдин манга чун заҳри ҳажр ўлди насиб,
Не осиғ, гар бўлса ул ортуғроқ имкондин чучук.

Най ўқунг беҳад чучуктур жонға, гўё чиқмамиш
Бир қамиш мундоқ шакар буткан найистондин чучук.

Новакинг узра бошоқ гўё эрур ҳабби набот,
Ким кўнгул коми бўлур ул шакли пайкондин чучук.

Соқиё, жомимда эзгил заҳрким, ҳар неча ул
Бўлса оччиғ, бўлғусидур заҳри ҳижрондин чучук.

Эй Навоий, жонфизо назминг лаби васфида бор,
Шираи жондин эзилган оби ҳайвондин чучук.

334

Сарвнинг соясида бодаи гулфом керак,
Бўлди чун иккиси, бир сарви гуландом керак.

Кимгаким бўлди булар кофир эрур деса манга,
Ҳуру тўби била Кавсар майидин ком керак.

Гарчи рухсори эрур субҳи дилафрўз, валек
Васл айёми қаро зулфи киби шом керак.

Улки Жамшид дегай ўзини хуршид киби,
Соқий илгидин анинг базми аро жом керак.

Кўзларим донаю суйига келур васл қуши,
Лек тутмоққа ул ой туррасидин дом керак.

Каъба тавфида басе тафриқадур билки, ўзин
Жамъ истарга фано дайрида ором керак.

Дайр пирига мурид ўлди Навоий, негаким,
Шайхул-ислом деган кимсага ислом керак.

335

Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак – ҳилолу ёнида хуршид – занг.

Асру изҳори тажаммул қилди султони баҳор,
Ким бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.

Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг.

Дафъа-дафъа бир-бири узра булут офоқ уза,
Гўйиёким тожире терди рухутин танг-танг.

Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузаҳ,
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.

Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.

Бу бори бир ёну ул бир ёнки, ичмак боиси,
Соқиё, бўлгай бу давр ичра багоят шўху шанг.

Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаву соқий учун қилмаққа тарки ному нанг.

Эй Навоий, дам бу дамдир — тут ганимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг.

336

Айласа муғбача дайр ичра мени масти маланг,
Ушатай соғари номус била шишаи нанг.

Эй хуш улким, қилибон зуҳд тўнидин урён,
Дайр аро тифллар ўйнатса ани масту маланг.

Ишқ базмиға нетиб бормагамен, чунки мени
Тортадур ул сари юз тор била нағмаи чанг.

Манга, зоҳид, яна май таркини қил деб таклиф
Қилмагайсен, кўзунга учраса ул соқийи шанг.

Соф май ламъасию соқийи маҳваш ҳусни,
Тийра зоҳидқа асар қилмадиким, бор эди данг.

Ишқи бебок уза ким зуҳд хаёлин қилса,
Эрур андоққи, егай бодаи ноб устида банг.

Майкада аҳлиға юз тоқу тараб, эй соқий,
Хонақаҳда бўла олғайму Навоийга даранг.

337

Раҳмсиз бўлгай кўнгул куффори Хайбар кўнглидек,
Мумкин эрмас бўлмоқ ул шўхи ситамгар кўнглидек.

Кести атфоли ғаминг кўнглум уза наъл узра наъл,
Ончаким бўлди ҳазин кўнглум санавбар кўнглидек.

Кўнглум ул хат шавқидин юз захмлиқ жисм ичра бор
Ўт ичинда анбар эткан дуди мижмар кўнглидек.

Неча захм этсанг қизиқ кўнглумни, ўтдур — қон эмас,
Ҳумратиким анда зоҳир бўлса ахгар кўнглидек.

Гарчи Лайли маҳмилидин нола кўп чеккай дирой,
Савти муҳлик бўлмағай Мажнуни музтар кўнглидек.

Мужда, дайр аҳлики, соқий акси эрмиш жилвагар,
Ҳар киши берса сафо кўнглига соғар кўнглидек.

Ҳажр тигидин Навоий қону захмин кўрки, бор
Кўнгли мамлу жисмидек, жисми саросар кўнглидек.

338

Дарду меҳнат тошин, эй маҳзун кўнгул, жонимға ўк,
Ҳар не афзун келса ондин, жисми вайронимға ўк.

Чун басе кўпдур чиқиб жон, жисм уйи емрулғали
Етса, хирман-хирман ул тошларни ҳар ёнимға ўк.

Ишқ ўти ахгарлари таскин берур чун дардима,
Ёққали марҳамдек они доғи пинҳонимға ўк.

Ҳузну меҳнат юклари кўнглум уйин қилмиш тўла,
Эй фалак, эмди аларни байтул-аҳзонимға ўк.

Юзу зулфи ёдидин мажлис тузарман, эй рафиқ,
Боғдин гуллар териб, ҳар ён шабистонимға ўк.

Хонқаҳда тийрамен, дайри фано туфроғини
Ҳам супур кирпик била, ҳам чашми ғирёнимға ўк.

Ғам била андуҳ ғизосидин бўлубмен мумтали,
Эй Навоий, гўшаларда они зиндонимға ўк.

339

Субҳи иқболу саодат келди ул фархунда энг,
Тонг бошида муҳтариқ кавкабдек ул энг узра менг.

Сарвким, тенг тутмас ўз қадди била ҳар нахлни,
Эътидол ичра эмастур сарви қаддинг бирла тенг.

То мени саргашта чиқтим, даштдин ҳар ён қуюн
Пўя айлар тинмайин, невчунки топмиш ерни кенг.

Кўнглак ўрниға елак кийдинг ҳамоно, эй қуёш,
Ким яди байзога монеъ бўлмагай ҳар сори енг.

Ғорати ислому дин ёлғуз қилурсен гўйиё,
Бўйла яғмоларда йўқ ҳожатки, бўлгай кимса ҳенг.

Бода истаб зуҳд тарки айладим, олгаймусиз,
Хирқаву сажжода раҳн этсам, харобот аҳли денг.

Доғу қон бирла Навоий кўнгли бўлди лолаким,
Бу тақозо айлар ул мушкин менгу гулранг энг.

340

Эй, жафо пешангу бедод – ишинг, жавр – фанинг,
Ҳар бири марҳами роҳат киби кўнглумга манинг.

Кўпдурур кўнглум аро ниш магар қилди нишон,
Варзиш айларда ани ғамзаи новакфиканинг.

Хўблар хатларидин тийрадурур чеҳралари,
Сенсен ул гулки, юзунг гулшанида йўқ тиканинг.

Лутф кўрким, суда гул акси масаллик кўрунур,
Ҳулла нозуклигидин ҳар сори нозук баданинг.

Эй кўнгул, ғам юзининг кўзгусидурсен гўё,
Кўзгунинг икки юзи ёнғғию эски туганинг.

Мендек, эй лола, сени қилмади гар ишқ шаҳид,
Нега ғам доғи аён айлади қонлиғ кафанинг?

Давр андуҳи мени қилди ҳалок, эй соқий,
Шиша софий йўқ эса, йўқму экан дурди анинг?

Йўқтурур аҳли замон қасрида жуз нақши жафо,
Чиқма, гар худ йиқилур бошинга байтул-ҳазанинг.

Эй Навоий, чу фалак тоқидин офат ёгадур,
Чиқмаким, бўлса керак майкада боғу чаманинг.

341

Бировки, қўнди кеча ўзга ерга ёри анинг,
Кўзидин уйқу ўчарга не ихтиёри анинг.

Кишики, дилбари ағёр бирла тутти қарор,
Ажаб эмастур, агар бўлмаса қарори анинг.

Замона хўбларидин вафо тамаъ тутқан,
Ўт истагайки, су қилгай аён шарори анинг.

Вафога чунки жафодур эваз, хуш ул фориг,
Ки ишқ кишварига тушмамиш гузори анинг.

Кўнгул ҳавоси мени бузди, шукрдур ангаким,
Тузулди офият авжида рўзгори анинг.

Ҳаёт гулшанидин қайда бар егай кўнглум
Ки, ғам хазониға бўлмиш бадал баҳори анинг.

Замона боғида нахли вафо эмас сарсабз,
Ки жаври жоласидин тушти баргу бори анинг,

Қувонма давлати хуснунгға, эй паривашким,
Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг.

Навоий этса фигон, хўблар,ториқмангким,
Не қолғусидур ўзи, не фигони зори анинг.

342

Ошиқ ўлдум, панд берманг — чорам асбобин тузунг,
Ишқ зор этганга зулм этманг — тараҳҳум кўргузунг.

Эйки, дерсиз ншқ аро сабринг уйин обод қил,
Мундоқ айтгунча ҳаётим қасри бунёдин бузунг.

Сарвинозимким борур кўз боғидин, қилмон қабул,
Гар анинг ўрнида тўби нахлини ўлтурғузунг.

Онсизин, эй дўстлар, не заҳру не оби ҳаёт,
Ким мусовидур манга гар ўлтурунг, гар тиргузунг.

Гар ажал турғузмади жисмимни ул ой кўйида,
Дўстлар, наъшимни боре анда бир дам турғузунг.

Дурд келтурдунг дебон ёзғурмангиз, эй аҳли ишқ,
Бок йўқ, зуҳдум ридоси кунжига солиб сузунг.

Чун Навоий кўнглини қилди гириҳ ҳар тори зулф,
Дўстлар, сарриштаи уммидни андин узунг.

343

Чун латофат кўзгуси бўлмиш сафо ичра ул энг,
Ё Раб, оҳим дуди зоҳир қилмасун ул энгда менг.

Илгим ўтин дафъ этар енг суйи, баским, элтурам
Оҳ манъиға илик ё ашкнинг дафъига енг.

Қоматинг бирла латофатда ўзин тенг тутса сарв,
Бордур ул янглиғки, бўлгай сарв бирла соя тенг.

Мен бало чоҳидаву Мажнун фарогат даштида
Лофи ишқ урса, ажаб йўқким, топибдур ерни кенг.

Судрабон элтур қазо илги мени майхонага,
Маст бўлмай чора борму, эй насиҳат аҳли, денг.

Турктоз айлаб кўнгул олдинг ажалдин бурна жон,
Ҳисса ойирма анга, невчунки эрмас эрди ченг.

Эй Навоий, гар кўнгул кетти, малолат кўрма кўп,
Сен чу бедилликка қойилсен, эрур ул телба тенг.

344

Қуюндек васл даштидин гар, эй Лайли, мени сурдунг,
Дегач саргашта Мажнунум, бошимни кўкка еткурдунг.

Сотарлар дашт уза мен телбани ким тутса ҳинду деб,
Танимни ҳажр дуду шуъласига баски куйдурдунг.

Тегиб туфроққа андин секреган тошлар ҳалок этти,
Неча бошимга қалқон тутқунг, ар ғам тоши ёгдурдунг.

Ҳазин кўнглум қушининг парлари чурканди, ул кунким,
Бузуғ тан ошёнин шуълаи ҳажрингга куйдурдунг.

Нетиб нахли умидимдин гули васл орзу айлай,
Ки ҳажринг илгидин они қўнгардинг, йўққи синдурдунг.

Бошимга келди ғам тиғи, бало тоши, ажал захми,
Кўр, эй ҳижрони золимким, нелар бошимга келтурдунг.

Яса, эй дайр пири, бодаким, келгум кафоратға,
Эшиттимким, мени айлабтурур деб тавба ёзғурдунг.

Бу гулшан гулларининг чун вафоси йўқтур, эй булбул,
Не очилгай тутайким, сен фигонинг кўктин ошурдунг.

Навоий, йўл йироқ, мақсуд нопайдо, қадам ургил,
Ки қолдинг корвондин, гар тинарға бир нафас турдунг.

345

Зиҳи қути ҳаётим ҳажр муҳлик дардида ёдинг,
Агар лутфунгға лойиқ бўлмасам, йўқтурму бедодинг.

Манга лаззат сенинг зикринг, манга қувват сенинг фикринг,
Манга ишрат сенинг васлинг, манга тоат сенинг ёдинг.

Агар хуршиди рахшон орзу қилсам гули рўюнг,
Ва гар тўбии Ризвон майл этсам сарви озодинг.

Бағир қонин лаболаб айлаган ошом ики лаълинг,
Кўнгул сайдин дамо-дам бисмил этган икки сайёдинг.

Улусни тиргизур қатл айламактин оби ҳайвонинг
Ва лекин ўлтурур қатл айламастин бизни жаллодинг.

Муҳиқдур, эй кўнгул, буким ул ой фарёдинга етмас,
Ки ёлқибдур, нединким, етти кўп ул ойға фарёдинг.

Демон девона, балким дев ўлубмен ул парирухдин,
Не тонг, эй шайх, акс этсам тахайюл барча иршодинг.

Улусқа софийи ишрат тутуб, эй соқийи даврон,
Ҳамоно заҳри меҳнатни менинг жомимга асродинг.

Навоий Каъбаи мақсуд сари гар қадам қўйсанг,
Тажарруд басдурур ҳамроҳингу бетўшалиг зодинг.

346

Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг,
Қўл ёланг айлаб солиб, ҳар ён ичимни ахторинг.

Учраса юзи қаро кўнглум тутуб, тортиб, узуб,
Ўтқа солиб ўртабон, жонимни андин қутқоринг.

Кетган эрса чоклик кўксум тикиб, воқиф бўлуб,
Келса бу жониб, синонлар бирла санчиб қайторинг.

Чун ўлармен — ёрни истанг, бошимга келмаса,
Бош ёланг айлаб, қўюб туфроғ уза юз, ёлборинг.

Келса айтурда ошуқмангким, фараҳдин ўлмайин,
Нуктадонлиғ бирла ул сўзни қошимда ўткоринг.

Бошима етса, чу ўлгумдур неча фарёд этиб,
Бир нафас Тенгри учун ҳар қайсингиз бир ён боринг.

Гар муяссар бўлмаса бу иш, Навоий хастани,
Қўлдабон ё судрабон майхона сори бошқоринг.

347

Ҳажрдин кўзумга оламни қаронғу айладинг,
Умрдин кўз юмғаним ул тунда уйқу айладинг.

Жону кўнглум муддате саргаштадур кўюнг аро,
Бошларин айландурурға бўйла жоду айладинг.

Ҳолима қолур таажжубдин эл оғзи очилиб,
Йўқса аҳволим жаҳон аҳлиға кулгу айладинг.

Ашк сиймобимудур ҳажрингда, ё кўз оқини
Ҳал қилиб, кўздин равон ул навъким су айладинг.

Қолди маҳмизингдин ой юзинда, эй чобук, нишон,
Гўйиё жавлон куни они тепингу айладинг.

Шоҳиди давронға гўё, эй тараб машшотаси,
Бодадин гулгунаву согарни кўзгу айладинг.

Буки айтурсен замон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,
Они маълум, эй Навоий, бу замонму айладинг?

348

Нил тортиб, оразинг оройишин фан айладинг,
Шуълаи гўгурд бирла шамъ равшан айладинг.

Сарвдин зоҳир йўқ эрди жуз ниёз, эй сарвиноз,
То хиромон жилва бирла азми гулшан айладинг.

Ҳазл бирла дўстлуқ изҳори айлаб, оҳким,
Жумлаи олам элин жонимга душман айладинг.

Дуд солмиш бошима ҳажр, эй бало тоши, магар
Жисм уйининг гунбади бошини равзан айладинг.

Жуз шарар не дона ҳосил айлагаймен, чунки сен
Мазраи жоним аро ўт бирла хирман айладинг.

Чун қадаҳ бердинг лаби хандон била, эй муғбача,
Жонга лаъли оташинни шуълаафкан айладинг.

Эй Навоий, хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг.

349

Айрил, эй заъф, эмди моҳи нотавонимдин менинг,
Кам қил андуҳ ўтини озурда жонимдин менинг.

Чок кўксумдек тикинг огзимни ҳамким, кечалар
Ҳар замон сесканмагай бехуд фиғонимдин менинг.

Садқа вожиб бўлса, эй кўзу кўнгул, айланг нисор,
Дур била лаъл оллига бу баҳру конимдин менинг.

Эй фалак, жилванг учун айлай равонимни фидо,
Жилвагарлик олмағил сарви равонимдин менинг.

Жисм аро ҳар дам ҳарорат фаҳм қилсанг, эй қуёш,
Ғофил ўлма жондоги руҳи равонимдин менинг.

Соқиё, гар лаългун май тутса бўлмас ёрга,
Итларин сероб қилғил бори қонимдин менинг.

Хурдаи жоним нисоринг, эй Навоий, гар десанг
Сиҳҳатойин нукта шоҳи хурдадонимдин менинг.

350

Не бийми ҳажрдурурким, ниҳояти йўқ анинг,
Висол умиди киби ҳадду гояти йўқ анинг.

Не суд хорани гар қилса дуди оҳим мум,
Ки кўнгли ичра шарарча сирояти йўқ анинг.

Агарчи шаҳдуру ушшоқ анинг раиятидур,
Вале раияти сари риояти йўқ анинг.

Не зулмдур буки, ҳажр этса қасди жон ногаҳ,
Анга мададдуру бизга ҳимояти йўқ анинг.

Жафову жаври дамо-дамдур, эй кўнгул, демаким,
Асиру шефталарга иноятн йўқ онинг.

Бу дайр аро бирав осудадурки, муғбачадин
Не келса, шукр этар, аммо шикояти йўқ анинг.

Навоий илгида не сабру не умиди висол,
Кишики бўлмаса нақди, кифояти йўқ анинг.

351

Қилса кўксум чок тиғи заҳрпарварди анинг,
Қўймангиз марҳамки, ўлтурсун мени дарди анинг.

Кўйи туфроғи аро ўлдум, дам урма, эй Масиҳ,
Ким ҳаёт истаб юзумдин учмасун гарди анинг.

Гул юзунгдин айру богедур кўнгулким, очилур
Ҳажр ўти учқунларидин оташин варди анинг.

Оҳим андоқдурки, лаълинг шавқидин бир қатра қон
Тўкса кўз, ёқутдек боғландурур барди анинг.

Бўйлаким солди самандин пўяга, ваҳ, не ажаб,
Олам ичра солса ўт барқи жаҳонгарди анинг.

Сотма, эй гул, ноз кўп, боққил хазон боғиғаким,
Бор эмиш гулранг бир кун чеҳраи зарди анинг.

Бер Навоий комини ё жонин ол, эй умрким,
Зулмни элга фиғони ҳаддин ўткарди анинг.

352

Не ажаб, сарви сиҳига инмаса бошинг сенинг,
Ким эмастур қадду раъноликда бўйдошинг сенинг.

Гар ниҳони фитна таълим айламас, бас не учун
Бошини чекмиш баногўшунгғача қошинг сенинг?

Сангборони гамингдин бош не янглиг ёшурай,
Ким саодат гавҳаридур бошима тошинг сенинг.

Оби ҳайвон бирла гўё қилди лаъли ранг ҳал,
Сурат ичра чун лабингға етти наққошинг сенинг.

Ўта олмас хонақоҳи қудс эли, эй муғбача,
Дайр эшикинда чу тузгай базм авбошинг сенинг.

Дема, эй носиҳки, қилмайсен сўзум бирла амал,
Хотиримда қайда қолмиш мунча қалмошинг сенинг.

Эй Навоий, бўлди қонлиг душманингким, ёшурур
Ёрдин сориғ юзунг рангини қон ёшинг сенинг.

353

Юзунг оқ, эй ғамки, ашким рангини ол айладинг,
Жон фидонг, эй дардким, жисмимнн помол айладинг.

Ҳолатим халқ англамас, ё Раб, сен-ўқ раҳм айлагил,
Чун гаме бердингки, айтурдин тилим лол айладинг.

Сен тараҳҳум қил, Худоё, бу қотиғ ҳолатдаким,
Мени зору дилбаримни фориғулбол айладинг.

Сафҳаи рухсор уза хатким чиқардинг— фитнадур,
Фитна узра нуқталардурким, отин хол айладинг.

Шарҳи ишқинг ёзгали жисмим қуруттунг хомадек,
Ҳар тараф жон риштасин ул хомага нол айладинг.

Ваҳ, не ҳол эрдики, мажлис ичра лаълинг жомидин
Элни хушҳол эттинг, аммо бизни беҳол айладинг.

Элга жавлон ичра солдинг тиғ, юз минг войким,
Ҳар қачон еттинг Навоий сори, иҳмол айладинг.

354

Ичмадинг май — то бурунроқ бизни расво қилмадинг,
Чунки расво қилдинг — андин сўнгра парво қилмадинг.

Майни заҳри ҳажр соғиндинг магарким, тотқали
Бир фидойи мен киби давронда пайдо қилмадинг.

Май ичардин қасдинг эрмиш бизни расво айламак,
Айш фикрин мундин ўзга ишга гўё қилмадинг.

Шаҳр бадноми мени айлаб, ўзунг ишрат аро
Ваҳки, бу бадномни бир ёд қатъо қилмадинг.

Шоҳ базми ичра чун лойиқ эмас эрмиш гадо,
Эй хирад, невчун бурунроқ бизга имо қилмадинг?!

Эй кўнгул, раҳмат сенга, ҳар нечаким кўрдунг жафо,
Олам аҳлидин вафо ҳаргиз таманно қилмадинг.

Эй Навоий, шукрким, гарчи сени шаҳр ичра ёр
Шуҳра қилди, сен анинг сиррини ифшо қилмадинг.

355

Оразинг гулдур, гул узра сунбули тар кокулунг,
Аллоҳ-Аллоҳ, гул юзин қилмиш муанбар кокулунг.

Қоматингдур шамъу рухсорингдур онинг шуъласи,
Шуъланинг дудидур, эй шўхи ситамгар, кокулунг.

Очқанингда нега ҳар тори ародур юз гириҳ,
Гар кўнгуллар банд қилмайдур саросар кокулунг.

Не ажаб, ҳусн аҳлининг султони бўлсанг хоссаким,
Мушкдин қўйди қуёш бошига афсар кокулунг.

Сунбуледурким, саросар чирмашибдур сарв ила,
Нахли қаддинг бирлаким бўлмиш баробар кокулунг.

Истасангким, бўлмагай ошуфтаю дарҳам, дегил,
Қилмасун бизни паришонҳолу абтар кокулунг.

Гар Навоийга димоғ ошуфта бўлса, тонг эмас,
Чун сепар ҳар дам юзунг ўтиға анбар кокулунг.

356

Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг?!
Дуди бирла хонумонимни қарому қилмадинг?!

Куймакимга барқи офат қилмадингму оҳни,
Ўлмакимга ашкни сели балому қилмадинг?!

Зулм тиғидин танимни қилмадингму банд-банд,
Фурқатингдин банд-бандимни жудому қилмадинг?!

Дема, эй кўзким, не қилдим, гар сени кўр истасам,
Бир боқиб, юз минг балога мубталому қилмадинг?!

Эй кўнгул, ҳолимни қилдинг арзу афзун қилди зулм,
Билмадингму ё билиб яхши адому қилмадинг?!

Шиква қилсак сендин, эй гардун, раво эрмас дема,
Бизни беком айлаб, эл комин равому қилмадинг?!

Баҳри ишқ ичра, Навоий, ошнолиг топмадинг,
То бу бир кўзни Арас, ул бирни Ому қилмадинг.

357

Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг.

Танимни қурб фазосида хоки раҳ эттинг,
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб қўлумни юзунгга, мурод этиб ҳосил,
Очиб юзунгни, кўзум ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.

Жаҳон ғамин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тагофул айларсен,
Алар тагофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур, вале ул ой боқмас,
Навоиё, неча булбул киби наво қилсанг.

358

Оташин рухсора очиб, хонумоним ўртадинг,
Хонумоним худ не бўлғай, жисму жоним ўртадинғ.

Дема: «Не қилдим, не қилдим, жону кўнглунгни олиб?!»
– Ўртадинг, эй қотили номеҳрибоним, ўртадинг!

Дилраболиқ бирла чун ёқтинг жамолинг шуъласин,
Хаста кўнглум олғач-ўқ, эй дилситоним, ўртадинг.

Тўлганиб куйсам, ажаб йўқ, ўтқа тушкан риштадек,
Чун фироқ ўтиға жисми нотавоним ўртадинг.

Ўтқа солдинг сабру ақлу жону кўнглум барчасин,
Йўқу борим куйдуруб, яхши-ямоним ўртадинг.

Соғаринг жону жаҳондин ортуғ эрмиш, соқиё,
Лекин ул ўт бирла-ўқ жону жаҳоним ўртадинг.

То Навоийдек белу огзинг хаёли бирламен,
Ушбу йўқ савдода пайдову ниҳоним ўртаднинг.

Элга ишқидин ғараз меҳру вафосидур анинг,
Гар мени ўлтурса, мақсудим ризосидур анинг.

Бўлмас ул бегонаваш чун ошно, бўл, эй кўнгул,
Бир кишига ошноким, ошносидур анинг.

Новаки захмин кўзумдин чиқмасун деб, захмини
Қийр ила туттум, согинмангким, қаросидур анинг.

Ўқи суфори кўнгулда гар қизарди, не ажаб,
Ким бағир парголаси ҳар дам ғизосидур анинг.

Сабр хайлин кўнглум ўз гирдинда қўймас, гўйиё
Кирпику қошинг хаёли ўқу ёсидур анинг.

Даҳр бўстонида буким чок эрур гул кўнглаки,
Булбул аҳволига гўёким азосидур анинг.

Шод ўлубтур фақр кўйида Навоий, ўйлаким,
Салтанат фарши гадолиғ бўрёсидур анинг.

Зулфиким, боғликдурур ҳар жонга бир тори анинг,
Тандин эл жонин, ажаб йўқ, чекса рафтори анинг.

Тиғи захминким тикармен, сиҳҳатим эрмас ғараз,
Чиқмасун дермен ҳазин кўнглумдин озори анинг.

Дона-дона хол ила ғунчангни истаб, кўрки бор
Тоза-тоза дог ила кўнглум намудори анинг.

Лабларинг шавқида ўлган халқдин кўюнгда зоғ
Тўъма айлабдурки, бўлмиш лаъл минқори анинг.

Мумкин эрмас ул парий мажнуниға ҳуш, эй ҳаким
Ким, жунун хаттидурур бўйнинда тумори анинг.

Эй мусулмонлар, фиғонким, кофире кўнглумдадур,
Ким эмас жон риштасидин ўзга зуннори анинг.

Ташнамен, соқий, шафақгун май тўла тут соғаре,
Ким фалакни нуқта қилғай даври паргори анинг.

То қуюб оғзимға андоқ сипқарай ул майниким,
Қолмасун ул навъ соғар ичра осори анинг.

Айта олмон, асрай олмон ишқ сиррин, оҳким,
Саъб эрур ихфосию мушкилдур изҳори анинг.

Эй Навоий, фард бўл, васл истасангким, халқдин
Ҳар кишиким ёрлиғ узгай, Худо ёри анинг.

Мужда, эй толибки, ердин олмағи мумкин эмас,
Бир қадам матлуб бошқармай талабгори анинг.

361

Оҳимни сарсар айлабон, ашкимни тўфон айладинг,
Бу сарсару тўфон била оламни вайрон айладинг.

Бир дам юзин кўрган замон маҳрум этарга васлидин,
Эй йиғламоқ, зўр айлабон, эй ашк, туғён айладинг.

Эй ҳажр, ашким қонидин ер гўйин эттинг лаългун,
Бу гўй шаклин ўйлаким бир қатраи қон айладинг.

Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб дог-дог,
Жисмимда ҳар ердин нишон бир доғи ҳижрон айладинг.

Гардун балият ўқларин отқанда, эй гул, гўйиё
Пурхор ҳажринг даштидин ҳар бирга пайкон айладинг.

Чун жону кўнглум хирманин кул айладинг, эй барқи ишқ,
Асрарға ҳажр ўтин магар ул кулда пинҳон айладинг.

Эй муғ, зулоли ҳажр эди жоми Жам ичра дайр аро,
Синған сафол ичра солиб, дурдига эҳсон айладинг.

Давр аҳлидин, эйким, вафо мумкин эмас, дединг, санга
Туттуқ мусаллам, ҳар нечаким манъи имкон айладинг.

Эй кўнглум, иршодим билаким туттунг ойини фано,
Кавнайн ранжидин халос ўлдунг, не нуқсон айладинг.

362

Кўрган эл бедоди ҳижрондин мени ер бирла тенг,
Кўрсангиз ишқ аҳлини, мендин ўпуб ер, ишқ денг.

Сарв тенг тутса ўзин қаддинг била, ул навъдур,
Ким гиёҳ ўлгай қад ичра сарви раъно бирла тенг.

Ғунча ичра жола лоф урса тишинг бирла не тонг,
Бу адам кунжига қолиб, ул топибдур ерни кенг.

Турфадурким, куфр шоми рафъ ўлуб, қилгай тулуъ
Субҳи имон зулфин очиб, ошкор этса ул энг.

Турфароқ буким, саодат субҳида чиқмиш дегай
Тийра бахтим ахтареким, кўрса ул энг узра менг.

Ақл васвоси хароб этмиш мени ҳужжат била,
Соқиё, бир айш жоми тут мангову они енг.

Эй Навоий, енгда пинҳон этма ул ой руқъасин,
Чун санга улдур ҳамиша ашк оритмог бирла енг.

363

Менинг фироқиму анинг висоли тун била тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига
Кўрунмамиш бу икининг мисоли тун билан тонг.

Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур
Кўнгул аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.

Не тунда айш насими, не тонгда меҳр, магар,
Ки бўлди зулфу юзунг поймоли тун била тонг.

Тунунг хужаста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш,
Ки икки банда санга бўлди ҳоли тун била тонг.

Биравки, тонгу тунин бода бирла ўткаргай,
Яқинки, бўлмагай анинг малоли тун била тонг.

Навоий этмади зулфу юзунг висолин кашф,
Валек эрур гамининг иттисоли тун била тонг.

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «БАДОЕЪ»ДИН

364

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул,
Ким эрурмен кимки андин яхши йўқ, ондин малул.

Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени,
Ким эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.

Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали,
Ким даме йўққим, эмасмен халқи нодондин малул.

Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,
Эй, мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,
Каъба топти, бўлмагон хори муғилондин малул.

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун
Кўрмас эрди, бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

Эй муғанний, тут Ироқ оҳангию кўргуз Ҳижоз,
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул.

365

Эй кўнгул, мен тарки ишқ эттим, вале фош этмагил,
Мен сенга сиррим дедим, сен элни сирдош этмагил.

Эй кўз, эмди айладим ҳар чеҳрадин қатъи назар,
Кил таҳаммул доғи атрофимни қон ёш этмагил.

Соқиё, қўйдум аёғингға сиришким лаълини,
Лутф этиб, бу майга жоми ҳажр подош этмагил.

Риштаи меҳр уздум, эй машшота, зулфи қиссасин
Кўп узатиб, нотавон кўнглумга чирмош этмагил.

Гар десанг қаддинг бўлуб хам, қолмагайсан фитнага,
Кўз солиб ҳуснига, майли ул кўзу қош этмагил.

Ҳажр тошин ёғдурубким қавди, ўлсам, эй рафиқ,
Қабрим устида тўкар тошинг жуз ул тош этмагил.

Эй Навоий, фақр йўлинда ер ўпкил ҳар қадам,
Яъни ул йўлда қадам сайр ичра жуз бош этмагил.

366

Қосидо, оллинда аҳволи харобимни дегил,
Муфрит андуҳ бирла муҳлик изтиробимни дегил.

Ишқи ичра заъфлиғ жисмим шиканжи шарҳин эт,
Тори зулфидек ўт узра печу тобимни дегил.

Кўйи сайрида кўруб они мулойим ғайр ила,
Равзаи жаннат аро дўзах азобимни дегил.

Тан тирикларнинг ҳисоби топмаганни доги айт,
Жонда ҳам дарду балойи беҳисобимни дегил.

Ҳажр дардидин вужуд уйида бир дам тўхтамай,
Ҳар замон мулки адам сори шитобимни дегил.

Сўрсаким, ғам базмида менсиз тузарму базми айш,
Қон ёшимдин бода, бағримдин кабобимни дегил.

Эй Навоий, ғам била бехудлуғумдин нукта сўр,
Ёр ҳажринда бу янглиг хўрду хобимни дегил.

367

Эйки, ишқ ошубида ҳолим сўрарсен, сўрмағил,
Кўзларимда су кўруб, кўнглум аро ўт англагил.

Эй парий, девона деб кўнглумни қавма ҳар замон,
Даъвойи дилдорлиг қилсанг, кўнгулни асрагил.

Эй баҳори ҳусн, барқи васл ила кул қил мени,
Нотавон кўнглумга лекин доғи ҳижрон қўймағил.

Шўхлуқтин буки боғ ичра тиларсен ўйнамоқ,
Кўзларимнинг боғи серобинда бир ҳам ўйнағил.

Телба кўнглумни ҳамиша қилма мажруҳ, эй парий,
Тиғи кин юз қатлаким сурсанг, бирор ҳам алдағил.

Кирди ишқ аҳли фано даштига, эй мажнун кўнгул,
Истасанг йўл озмагайсен, корвондин қолмагил.

Эй Навоий, дайр аро бўлсанг гадолиг бирла маст,
Бош қўяр бўлсанг, сафолингни бошингга ёстағил.

368

Не атову не ўғул, сен шаҳ йигит, мен қори қул,
Ҳеч ато кўрмайдур эркин сен киби бадмеҳр ўғул.

Ишқинг оташгоҳиға ҳар нечаким қилдим назар,
Шуъласи ўтлуқ нафасдур, ахғари қонлиғ кўнгул.

Рўзгорим ҳажр даштида қарорған, айб эмас,
Ким анинг мушкин насими дуд эрур, туфроғи кул.

Доми ишқингдин гар озод айласанг кўнглум қушин,
Ўзга ён қилса ҳаво, синган пару болини юл.

Неча қилгай дарди дил ҳар дам санга жон, эй ажал,
Раҳм этиб, андин мени қутқар, ўзунг доғи қутул.

Истасанг махлас қаро қайғудек андуҳ шомидин,
Субҳдек оллингға даврондин неким юз берса кул.

Эй Навоий, саъй ила чун васл ҳосил бўлмади,
Ёр лутфиға тикил эмдию гайридин тўнгул.

369

Гаҳ-гаҳ, эй шўх, мени бошинг учун ёд этгил,
Ё бошингдин эвуруб бир йўли озод этгил.

Бийми ҳижронинг ила неча қилурсен ғамнок,
Нетти бир муждаи васлинг била ҳам шод этгил.

Бордингу узр буким тўзмади бедодимга,
Кел доги ончаки мумкин эса, бедод этгил.

Ноладин ишқки кўнглумни йитиб, етти фироқ,
Эмди, эй телба, фигон чеккилу фарёд этгил.

Базмдин сурдингу кетмакка эрур мониъ заъф,
Соқиё, бир-икки соғар била имдод этгил.

Фақр даштида десанг фориғу озода борай,
Кир таваккул билаю ваҳмни барбод этгил.

Эй Навоий, тиласанг ишқда эмганмагасен,
Ўзни ҳижрон гамию дард била муътод этгил.

370

Қошларингдинким эрур қонлиғ кўнгул ичра хаёл,
Ул қизил коғазда нундур, бу шафақ ичра ҳилол.

Тутмайин кўнглумда таскин қадди, васлин истамон,
Қайда пайванд этсалар тутқай, ўзи тутмай ниҳол.

Сарвнинг сен киби бошинда дастор узра чин,
Наргис узра нуқта монанди кўзунг устида хол.

Заъфлиг жисмимдадур ҳар ён бўғинлардин гириҳ,
Нол торига эрур гарчи тугун тугмак маҳол.

Лолагун май тобидин ул ой қизармиш ё магар
Шўхлуқтин лолазор устида агнаптур гизол.

Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилгил, валек
Кимни хушҳол этсанг, андин тут ўзунгга юз малол.

То Навоий зулфи янглиг пойбўсин истади,
Гаҳ паришонҳол эрур ул зулфдек, гаҳ поймол.

371

Дўстлар, ул сарвқад ҳажринда чун бўлдум қатил,
Сарв экинг, гар қўймоқ истарсиз мазорим узра мил.

Кўҳи ҳажр эгнимда истармен ани суръат билан,
Шавқдин хасдек танимга эрмас андоқ юк сақил.

Заъф аро сунбулни гар зулфунг дедим, тонг йўққи, бор
Хастага жавзо туни ялдо туни янглиг тавил.

Рашкдин бир-бирга қиймас меҳрини жону кўнгул,
Рост андоқким ҳасуд эл молиға бўлгай бахил.

Буки ҳижрон тиғидин кўксумни юз чок айладинг,
Юз далилим бор, агар ҳар чок бўлса бир далил.

Дайр жаннат, ҳури ийндур хўблуқтин муғбача,
Май зулоли бирла куп «Айнан тусаммо салсабил».

Гар юзунг истаб Навоий кўзларингга хордур,
Не ажаб, дин аҳли куффор оллида бўлмоқ залил.

372

Ҳажринг кунин бир йилчаву ҳар соатин бир ойча бил,
Ҳайрат маҳалли бўлмагай ўн икки ой гар бўлса йил.

Ул ишвагар чун очти юз — кўзга назар йўқ, тилга сўз,
Ким ашкдин богланди кўз, ҳайратдин ул янглиғки тил.

Чун шаҳсуворим отланур, андин фалак лаъб ўрганур,
Ишқида жисмим тўлғанур, ул навъким ўт узра қил.

То чиқмас ул гул богдин, бўлмиш бу дарду доғдин,
Дардим оғирроқ тоғдин, хошокдин жисмим енгил.

Эй ҳусн аро соҳибғино, хуршид отангдур, ой ано,
Истар эсанг нисбат яно, ҳам сарв оғо, ҳам гул сингил.

Кўк меҳридин айёрроқ, Баҳромдин хунхорроқ,
Сен ё фалак гаддорроқ, эй меҳри йўқ моҳим, дегил.

Кўрди Навоий жон аро гам шуъласи ҳирмон аро,
Кўз мардумидек қон аро, кўргач либосингни қизил.

373

Ул гули раънога номам хўб эмас яксон қизил,
Сафҳаси бўлса керак бир ён сариғ, бир ён қизил.

Ҳажр ўтидин қони кўнглумнинг қурубтур, гар ул ўт
Зор кўнглумни қизитмайдур, недур пайкон қизил?

Сарвға гулнор баргидин либос эткан киби,
Чекти гулгун ҳулла нахли қаддиға жонон қизил.

Бесутун Фарҳод қабридур қизарған лоладин,
Ё анинг қонидин ўлмиш туфроги ҳар ён қизил.

Оримас ашким била кўзнинг қизарған раглари,
Баҳр мавжидин оқарғудек эмас маржон қизил.

Қон ёшим сероб қилди боғии, мундин нари
Анда тонг эрмас кўкармак сабзаву райҳон қизил.

Гар кўзунг захмин кўнгуллар қонин этмайдур ғизо,
Бас, недин қон тўккали бўлмиш начукким қон қизил?

Чарх баҳридин бу янглиг бўлса қон ютмоқ мудом,
Йўқ ажаб, эмди садаф бермак дури галтон қизил.

Лаъли шавқидин саросар лолагундур кўз ёшим,
Эй Навоий, ким кўрубтур баҳри бепоён қизил?

374

Ёр ҳижронида сарвақтимга еттинг, эй ажал,
Жон фидонғ этсам ҳануз оздурки, келдинғ дармаҳал.

Жон талашмоғлиққа қўйма лаъли ҳажридин мени,
Чун эрур таъхир аро офат, кўп қилма ҳаял.

Жонни бот олмоқ санга мушкул эса, жон чекма кўп,
Қўйки, бу мушкулни бот айлар анинг ҳижрони ҳал.

Ҳажридин ўлмай висоли нўшидин топсам умид,
Айлагумдур саъй ўлмактин тирилмак филмасал.

Ҳажр бемориға қотил заҳр эрур ҳайвон суйи,
Эй Масиҳ, асра нафас, бу нуктада қилма жадал.

Сўнгғи кундин халқ тарсон, мен бурун кундин ваҳим,
Элга ғам шоми абад келди, манга субҳи азал.

Ич Навоий, ғусса таҳлилиға гулгун бодаким,
Бир пиёла лаъли маҳлул ўлмади андин бадал.

375

Жонга зулмунгни нечаким кўнглунг истар, онча қил,
Мен чека олганча демон, сен қила олғонча қил.

Қўзгади кўнглумни бедод айлабон хайли гаминг,
Гар риоят айласанг, ул мулк қўзголғонча қил.

Жонима минг дард солдинг, айла мингдин бирни дафъ,
Айтмон анда даво ҳам дардни солгонча қил.

Ғам юки остида тавшалдурди ҳижронинг мени,
Илтифот этсанг доги мен зор тавшолгонча қил.

Жавру бедодинг туганмай қолган эрса жонима,
Чархдин ҳам унтуж олсанг, ол демон, қолгонча қил.

Ваъдаи меҳрин манга юз қатла ёлгон этти чарх,
Сен доғи бемеҳрлик қилсанг, юз ул ёлғонча қил.

Эй Навоий, навҳа оҳангида кўп қилдинг фигон,
Эмди мажлис мутриби бу нагмани чолғонча қил.

376

Бу не қомат, бу не рафтору на шаклу на шамойил,
Ким этар ақлни мадҳуш, доғи ҳушни зойил.

Юзи куйдурмакима ўт, сочи йиғлатмоғима дуд,
Кўзи торожима соъий, қоши хунрезима қотил.

Жонфизо ҳусни ниқоб ичра, доғи эл талашиб жон,
Қолмағай эрди тирик бир киши, ул бўлмаса ҳойил.

Тиғин эгнимга тушурмакни ҳамойил тилайолмон,
Қайда ул бахтки, бўлғай қўли бўйнумга ҳамойил.

Эй ҳабиб, этма Масиҳ оллида изҳори фасоҳат,
Чун эрур дам ура олмасқа лабинг оллида қойил.

Ақлу ҳушу хираду жонни анинг йўлида қўйдум
Топмадим васл муҳайё қилибон мунча васойил.

Чунки ушшоқ уни ёқмас эмиш ул гул қулоғига,
Эй Навоий, неча булбул киби бу наъраи ҳойил.

377

Эй мусаввир, оразин кўр, меҳри рахшон чекмагил,
Жондин ортиқдур лаби, зинҳорким жон чекмагил.

Келди ул миръоти ҳусну учмоқ истар жон қуши,
Эй кўнгул, бир лаҳза урма оҳу афгон чекмагил.

Новакидин жон топиб эрдимки чектинг, эй рафиқ,
Эмди боре заҳмидин бир лаҳза пайкон чекмагил.

Эйки, бўйнум богладинг кўйида журми ишқ ила,
Асра гарданбаста қулни, лек ҳар ён чекмагил.

Ғамза тигидинки кўнглумни қоворсен ошкор,
Чин эса қуллоби зулфунг бирла пинҳон чекмагил.

Мумкин эрмас қисмат ўлган ризқнинг афзунлиги,
Бас халойиқ миннатин, то бўлгай имкон, чекмагил.

Эй Навоий, хонақаҳ шайхи кўп эткай зарқу макр,
Йўқлуқ асбобини муғ дайридин осон чекмагил.

378

Начукки дард қироғи аёғинг остида дол,
Узор нуқтаси янглиг узоринг устида хол.

Алиф киби қадинг ул икки ломи зулф ичра
Кўрунгач, ўлдум алар васфин айламактин лол.

Танингки мовийи беҳол ҳулладин кўрунур,
Танимни су киби, тонг йўқ, гар айласа беҳол.

Ғариб ҳолим агар ёр сўрмаса, не ажаб,
Ки огзи йўқлуғидин йўқтурур маҳалли савол.

Малолат этти мени гард, лек қўрқармен,
Ки еткай, ани десам, хотирингга гарди малол.

Бу боғ гуллари чун бевафодур, эй булбул,
Хуш ул қушеки, тааллуқдин ўлди фориғбол.

Навоий, истаса дилбар сени фироқ ичра,
Мурод топма, агар худ муродинг ўлса висол.

379

Ики кўз манзилинг, эй моҳи маҳмил,
Кўнгулга азм қил манзил-баманзил.

Кўзунг қотилдур, аммо заҳрчашминг
Эрур ўлтурмакимга заҳри қотил.

Эшикингда ёзармен оҳлар, лек
Бўлур, бир оҳ чексам, барча зойил.

Мени Мажнун, деди Лайливашим, вой,
Ки бу девонани соғинди оқил.

Кўзунг чун нимхоб эрди, не тонг, гар
Кўнгул сайдини қилди нимбисмил.

Эрур бир хол бирла мабдаи файз,
Санга гар етмас, айла ўзни қобил.

Навоий, ўзлукунг рафъ этким, ул бут
Эрур мақсуд рухсорига ҳойил.

380

Ёқинг ўт бергали, эй ишқ, ҳаётимга халал,
Доғи ҳажр ўртагуча ўртаса не доғи ажал?

Деб эмишсенки, фироқимдағи ушшоқ ичра
Нечасин айлагум охир, мени бори аввал.

Номаи ҳажрим аро сафҳаи тақвим киби
Ашк қони била ҳар сори чекилмиш жадвал.

Барқи тиғингки вужудум хасини куйдурди,
Дудидин тийра гар ўлса, кулидин бер сайқал.

Бошима шуълаи ҳижрон туташибдур, не осиғ,
Ким ёрутмас қаро ҳажрим кечасин бу машъал.

Зоҳидо, бода гунаҳ бўлсаву лекин не гунаҳ
Бизга бу ишни насиб этти чу Қассоми азал.

Ишқдин кўп гила назм этти Навоий, билмон,
Найлагай, турфа газолига етушса бу ғазал.

381

Гўё лабу хаттингни тарҳ этканда Наққоши азал,
Шингарфу зангор ўрнига лаълу зумуррад қилди ҳал.

Фош этти гоҳи риққати кўз қони томган ҳайъати,
Ким кўз қаросин фурқати қон бирла айлабтур бадал.

Доғи фироқ, эй дилрабо, андоқ кўзум қилди қаро,
Ким кўз қаросидек манго матлуб эрур доғи ажал.

Сен фурқат истаб кин ила, мен ер ўпуб тамкин ила,
Қатл аҳлига таскин ила қилмоқ намоз эрур ҳиял.

Ҳажринг ўтидин ҳар замон андоқ куяр озурда жон,
Ким соғинур боғи жинон дўзахқа кирса филмасал.

Юз йилға умр ўлсун қарин бир дам кўрар аҳли яқин,
Бас недур, эй хилватнишин, мунча санга тули амал.

Васлу замони бул-ажаб, соқий, қадаҳ тут лаб-балаб,
Мутриб, тузат савту тараб, ўткар, Навоий, бир газал.

382

Ишқинг ўтидин таним кул бўлди, эй бадмеҳр, бил,
Меҳр уйи қилсанг бино, ул кул била тарҳ айлагил.

Гар бузуқта чуғз нолон кўрмамишсен, захми кўп
Тан аро афғон чекар кўнглум қушин наззора қил.

Келди чун оҳимдин ўт олмоққа Мажнуни заиф,
Тўлганиб чурканди ул ўт ичра ул янглиғки қил.

Ғам туни заъф эттим андоққим саҳар ул кўйдин
Субҳ анфоси учурғудек таним бўлмиш енгил.

Кўнглаки гулгуни беҳол ўлди чун жисмин қучар,
Найласун беҳол бўлмай, эй кўнгул, охир дегил.

Умрга ҳеч эътимоде йўқтур, эй ғофил кўнгул,
Ою йилни неча мает ўткаргасен, бир ҳам ойил.

Неча ул кирпик синониға Навоий кўнглини,
Ҳар замон илгайсен, эй бадмеҳр, они бир кўзга ил.

383

Ким деди меҳрингни ул маҳвашқа равшан айлагил,
Куч била жонингға жононингни душман айлагил.

Ул парий чун борди, хоҳи телбалардек дашт тут,
Хоҳ зуҳду офият кунжини маскан айлагил.

Чун бўлур ул турфа қуш кўпрак рамида, не осиғ,
Ҳар замон юз қатла гар фарёду шеван айлагил.

Эй қуёш, ишқингда гар саргашта бўлди заррае,
Гарм ўлуб куйдурма, балким меҳр анга фан айлагил.

Бўлмаса ул сарви гулрух, эй кўнгул, дўзахча бор,
Хоҳи азми дашт қил, гар майли гулшан айлагил.

Ҳар не даврондин келур, таслим хуштур, эй рафиқ,
Нафъ чун йўқ, ўзни гар юз қатла тавсан айлагил.

Ғам сипоҳи қатлиға майхонадур дорул-амон,
Эй Навоий, зинҳор ул уйни маъман айлагил.

384

Эй парий, юз ёралиқ кўнглум сари наззора қил,
Ёрасиз ҳар қайдаким топсанг, ани ҳам ёра қил.

Пора-пора айлагач бир-бир анинг ажзосини,
Юзларин борининг оҳим дуди бирла қора қил.

Хайли ҳиндудекки, душман илгида бўлгай асир,
Ҳар бирисин олам ичра бир тараф овора қил.

Чун алар овора бўлди, кўзларимни ҳам ўюб,
Ўтқа ташлаб, уйларин ҳам тош била юз пора қил.

Ул икавдин бошима келган балову ғуссани
Айлабон мундоқ уқубатлар замоне чора қил.

Кўзу кўнглум бўлмаса неткунг агарчи, эй сипеҳр,
Хўбларга сарвдин қад, меҳрдин рухсора қил.

Эй Навоий, ўйнағунг йўқ ишқ то юз кўрмагунг,
Узр айтиб, ер ўпу сўз таркини якбора қил.

385

Эй кўнгул, ҳижрон кунидур, тортиб афғон йиғлағил,
В-эй кўз, айрулғунғдур ул гулчеҳрадин, қон йиғлағил.

Кўз тутармен, эй булутким, ўтсанғ ул гулшан сари,
Чун соғинсанғ бизни, ун тортиб, фаровон йиғлағил.

Ростлиқ ҳаққи учун, эй шамъ, бир тун базмида
Чиқса сўз мендин, куюб беҳадду поён йиғлағил.

Эй қадаҳ, қон ютмағимни мажлисинда соғиниб,
Чекса гулгун бода ул гулбарғи хандон, йиғлағил.

Кўнғлум олған чоғда, эй кўз, манъи ашк эттим, валек
Қасди жон ҳам қилди чун ул кўнғлум олғон, йиғлағил.

Йўл қотиқ, мақсуд мубҳам, яъс ғолиб, эй кўнгул,
Ун чекиб бу ҳолинға, то бордур имкон, йиғлағил.

Эй Навоий, белу оғзидин санға йўқтур насиб,
Хоҳ пайдо нола чеккил, хоҳ пинҳон йиғлағил.

386

Ҳажр ўқидин, эй кўнгул, ҳар ён қанотлар соз қил,
Ул парий васли ҳавосин истабон парвоз қил

Истасанг бир қисса, эй ровийки, эл кўп йиглагай,
Ишқ аро кўрганларимнинг шарҳидин оғоз қил.

Биз ниёз аҳлию сен ноз аҳлисен, раҳм эт гаҳе,
Қўй ниёз этмакка бизни, гоҳ ўзунг ҳам ноз қил.

Гар десанг қатлим сўзинким йўқ дегум йўқ, эй Масиҳ,
Ўлгум армон бирла, бир дам ҳам мени ҳамроз қил.

Раҳм озу жавр кўп қилмоқ санамлар даъбидур,
Гар қила олсанг ани кўпрак, бу бирни оз қил.

Берма, эй зоҳид, таъайюндин ўзунгга имтиёз,
Ўзни элдин бетаъайюнлуқ била мумтоз қил.

Гар бегонмассен Навоийнинг ниҳоний дардини,
Ёна, эй ишқ, оҳи бирла ашкини гаммоз қил.

387

Тиғи ҳижронинг била кўнглумни юз парканд бил,
Ҳар бирин юз ёралиқ бағримға бир пайванд бил.

Дема ҳар торида зулфининг нединдур юз гириҳ,
Ҳар бирин ул торлардин юз кўнгулга банд бил.

Ою кун гар волидайн ўлса ул афзун ҳусн аро,
Айб эмас, икки садафқа дур киби фарзанд бил.

Ёлғон аҳли ишқ янглиг қатлим этма, чеҳра оч,
Бир кўруб ишқ ичра ўлмакка мени хурсанд бил.

Ҳуснига ўхшаттинг, эй гардун, қуёшингни, валек
Ой анга монанддеку, они мунга монанд бил.

Эйки шаҳсен, лек қилмайсен раво эл ҳожатин,
Ўзни ҳам ўздин улуғроқ шаҳға ҳожатманд бил.

Эй Навоий, панд эшитмай телба кўнглунг бўлди гум
Десанг андоқ бўлмай, аҳволин ўзунгга панд бил.

388

Ҳулласин ул сарв қилди нахли раънодек яшил,
Лек оҳим дудидин ваҳм айлаб асрадик яшил.

Эврулур бошиға булбуллар киби парвоналар,
Қилгали ул шамъ кисват сарви раънодек яшил.

Ранги лаъли гар дурур қонлиғ мужам, токим эрур
Вусма бирла қоши мино туслуқ ёдек яшил.

Истамас бўлса қаро эл рўзгорин ул қуёш,
Ҳулласин бас невчун этмиш чархи хазродек яшил?

Гар муаллим лавҳи мино жаврин ўргатмас, недин
Лавҳаи таълимин этти лавҳи минодек яшил?

Реву ранг аҳли муриди бўлмағилким, Хизр эмас,
Хирқасин ҳар аҳмақ этса бақли ҳамқодек яшил.

Эй Навоий, юз гул очти жонинга ул сарвиноз,
То либос этти баҳори оламородек яшил.

389

Юзига, англамадимким, ниқоб эрур ҳойил,
Қуёш жамолига ёхуд саҳоб эрур ҳойил.

Узори устида кокилму бўлди ошуфта,
Йўқ эрса гул юзига мушки ноб эрур ҳойил.

Ўқунг кўрунмас эса пора-пора кўнглум аро,
Не тонгки, сих кўрарга кабоб эрур ҳойил.

Бузуғ кўнгул аро ул ганжи ҳусндур, юз шукр,
Ки эл кўзидин анга бу хароб эрур ҳойил.

Фиғонки, турфа муғанний уни била хушмен,
Вале нетайки, юзига китоб эрур ҳойил.

Кўрарсен ани, гар ўзлук ҳижобин этсанг рафъ,
Агарчи кўргали юз минг ҳижоб эрур ҳойил.

Навоий, айлама кўрмак хаёл ул гулни,
Ки баргдин юзига беҳисоб эрур ҳойил.

390

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон бўлди гул.

Бодадин гул-гул кўруб ул юзни, онинг ҳажридин,
Чок-чок ўлған кўнгулдек таҳ-батаҳ қон бўлди гул.

Гулузорим кишвари ҳусн ичра бўлди подшоҳ,
Рост андоқким, чаман мулкида султон бўлди гул.

Сайри боғ айларда даврон чашмизахми дафъига,
Ҳар тарафтин чобукум даврида қалқон бўлди гул.

Лаъли комимдур, қошимда келса ул гул хирмани,
Май тилар кўнглум, чу базмимда фаровон бўлди гул.

Кеча-кундуз қилма гулбонгингни бас, эй андалиб,
Ким санга беш кун бу гулшан ичра меҳмон бўлди гул.

Гул чоғи ёри сафар айлаб, Навоий жониға
Ҳар бири бир тоза қонлиғ доги ҳижрон бўлди гул.

391

Оташин гул ғунчасидур ўтлуғу қонлиқ кўнгул,
Зор булбул тумшуғи чокидин афгонлиқ кўнгул.

Бўстонафрўз эрур ҳар ён ниҳон тухми анинг,
Ҳажр хуноби аро юз доги пинҳонлиқ кўнгул.

Хаста жоннинг сўгида девонаедур мотами,
Кўкрагимнинг захмидин чоки гирибонлиқ кўнгул.

То бўлуб юз пора, ҳар бир пора зулфунг торидин
Бирга богланди, басе топти паришонлиг кўнгул.

Бирки ҳайрон бўлди ул оразга, кўрди халқдин
Ҳар нафас юз қатла ўз ҳолиға ҳайронлиғ кўнгул.

Ғунчалар эрмас тиконлар ичраким, ушшоқдек
Чархдин кўргузди ул ҳам неча пайконлиғ кўнгул.

Эй Навоий, кўнглунг олдурма, йўқ эрса сен ўлуб,
Не осиғ, юз қатла гар қилса пушаймонлиғ кўнгул.

392

Юзини кўрди бадан чокидин хароб кўнгул,
Узулди, баски аён қилди изтироб кўнгул.

Чу бўлди жилвагар ул ганжи ҳусн ҳасратидин,
Хароблиг қиладур ҳар замон хароб кўнгул.

Магар шиканжаи зулфунгға қолдиким, урди
Ўзига ғунча киби мунча печу тоб кўнгул.

Балодурур ғами ишқинг сенинг, вале юз вой —
Ким ул балодин эта олмас ижтиноб кўнгул.

Шарори оҳ масаллик ул ой ҳавосида кўр,
Ки пора-пора қилур кўк сари шитоб кўнгул.

Риоят айла судек соф халқ кўнглиниким,
Синар нафас била ул навъким ҳубоб кўнгул.

Навоий онча лабингдин дедики, бўлди анга
Тешилмаки била қон ичра лаъли ноб кўнгул.

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

393

Борму ул икки ўрулгон гесуйи анбар шамим,
Ё этак солмиш Муҳаммадда ёзилган икки «мим».

Ҳамд важҳида бири сарчашмаи оби ҳаёт,
Ҳадди лутф ичра бири сарҳалқаи аҳли наъим.

Ул биридин руҳпарвар топти анфоси Масиҳ,
Бу бирисидин асосин аждаҳо кўрди Калим.

Жаҳл аро ўлган кўнгулларга дами Исо бўлуб,
Чун эсиб танлар қубурига риёзингдин насим.

Кўрмаган бўлсанг ато, маъни анга бу бўлдиким,
Сен киби чиқмай нубувват баҳридин дурри ятим.

Турфа буким, Булбашар келди атоларга ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бийм.

Қидмат ичра барчадин бўлдунг муқаддамроқ, валек
Улки сендиндур муқаддамроқ, эрур Ҳаййи қадим.

Ё набияллоҳ, саломатдин бўлуб мен мунҳариф,
Бир иноят бирла аҳволимни қилғил мустақим.

Тонг эмастур, гар наво бўстонида топқай мақом,
Чун Навоий ўзни наътинг кўйида қилди муқим.

394

Неча ҳижрондин бузуғ кўнглумда бўлгай дам-бадам
Ғам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам?!

Ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати,
Чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам.

Сабр озидин азоб, андуҳ кўпидин изтироб,
Ашкдин сели бало, оҳ ўтидин ҳар дам алам.

Субҳу шом эмгак кўпидин кўнглума юз минг бало,
Шом то субҳ уйқу йўқтин жонима юз минг ситам.

Барча бир сори мангаву ёр заъфи бир сори,
Кош анга сиҳҳат бўлуб, бўлғай манга юз мунча ғам.

Садқа айларга анга лойиқ, манга йўқ туҳфае,
Хаста жоним нақди бордур элт, эй пайки ҳарам.

Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушти, ҳам куйди қалам.

Субҳидам гул ёқти шамъу, лола зоҳир қилди жом,
Яъни ёқиб шамъ, ол жоми сабуҳий бирла ком.

Жоми гулгун хуштурур бир сарвқад шўх илгидин,
Ул нафаским, тонг елидин гулга сарв айлар салом.

Субҳким булбул мақоми «Рост» тузгай сарв уза,
Базм учун тут сен даги бир сарв аёғинда мақом.

Субҳ нечун умрдин май бирла коме топмагай,
Кимсаким умрига йўқтур эътимод ўлғунча шом.

Соқие хуштур сабоҳатлиг сабуҳи вақтида,
Лек андин хушроқ улдурким, бу айш ўлгай мудом.

Гул арусига берур зийнат чаман машшотаси,
Су била ҳар субҳ то бўлмиш зилол ойинафом.

Сен доги бир гул иси бирла димогингни қизит,
Васл савдосин пишур, гарчи эрур савдои хом.

Мен худ ул сарви хиромонни дедим, умри азиз,
Ваҳким, ул сарви хиромон бас итик айлар хиром.

Эй Навоий, умр ишида худ кўп иҳмол айладинг,
Қилмасанг дунё ишига ҳам бўлур кўп иҳтимом.

396

Холу хаттинг уза, эй турфа санам,
Айладинг нуқта хат устида рақам.

Тушти кўз зулф ила оғзингға, не тонг,
Айласа ишқ вужудумни адам.

Ўт солиб бошима ишқу тан аро,
Шамънинг риштасидек печ ила хам.

Ўқи захми уза куйдурдум дог,
Қароси захм уза бўлди марҳам.

Ўзига қилмаган ўзлукни ҳаром,
Ҳарами ишқ аро бўлмас маҳрам,

Соқиё, ойинагун жом била
Бир дам этгил мени Искандару Жам.

Ки на Жам қолдию не Искандар,
Итти ул жом ила ул кўзгу ҳам.

Шод бўлким, икки олам коми
Арзимаским, егасен бир дам ғам.

Эй Навоий, санга саъб ўлса хирад,
Телбалик силсиласин тут маҳкам.

397

Ёрға еткач алам, тутти кўнгул хайлини ғам,
Шаҳға чун ранже етар, ранжур ўлур мулк аҳли ҳам.

Ёр уйдин чиқмаса, олам кўзумга тийрадур,
Чун қуёш чиқмас, жаҳондин муртафиъ бўлмас зулам.

Не ҳароратдур сангаким, куйди андин оламе,
Ўйлаким ўртар жаҳонни меҳр ўти ургач алам.

Не арақдурким, ичинда гарқадур нозук танинг,
Барги гулдекким, гулоб ичра чўмар сар то қадам.

Сарвға боғ ичра ҳар ён жилва қилмоқ хуштурур,
Соядек невчун ётибдур сарви гулзори Эрам.

Сенсиз ичмак ўйладурким марг жоми ичра заҳр,
Оби ҳайвон бирла гар бўлса лаболаб жоми Жам.

Эй Навоий, садқаси бўлгил алам дафъи учун,
Мен ўлуб, гар ул саломат бўлса, ҳеч эрмас алам.

398

Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмиш дам-бадам,
Ким нақди васлинғ байъиға кўзлар санар бир-бир дирам.

Ишқингда бўлғач хоки раҳ, бўлдум балокашларға шаҳ,
Ғам хайлидин тортиб сипаҳ, оҳ ўтидин чектим алам.

Бир қатла кўрсанг ани, бас, таън этмагай эрдинг ҳавас,
Ишқиға, эйким, ҳар нафас бизни қилурсен муттаҳам.

Эй сарв қадди маҳлиқо, Тенгри қачон кўргай раво
Мендин вафо узра вафо, сендин ситам узра ситам?

Йўқ фикри бу девонанинг, титрар ичи хумхонанинг,
Ким сақфи бу вайронанинг ашким суйидин бўлди нам.

Мутриб, навое ком тут, муғ дайрида ором тут,
Соқий, лаболаб жом тутким, қасди жоним қилди ғам.

Берганга ғам даҳри дани майхона басдур маскани,
Ким бода дафъ айлар ани, етса кишига ҳар алам.

Дайру ҳарамда сар-басар, ул юздин истарлар хабар,
Кўп ҳам низоъ этма агар ул дер Самад, бу дер санам.

Дединг топиб жонон иси, топтим лабидин жон иси,
Келур бу сўздин қон иси, тинма, Навоий, асра дам.

399

Тутқали бодаи гулгун қади савсан моҳим,
Савсанихонадурур ҳар кеча манзилгоҳим.

Ваҳки, васфида тилим лолдурур савсандек,
Савсани тўн ила то жилвагар ўлмиш моҳим.

Кўргали қаддини савсан сари туз боқмаймен,
Ушбу сўз тузлугига Тенгри эрур огоҳим.

Манга дилхоҳ анинг қадду юзидур, гарчи
Савсану гул сари кўп майл қилур дилхоҳим.

Қоматинг хижлатидин савсан ўлубтур неча ранг,
Ё бу навъ этмиш ани шуълаву дуди оҳим?

Бу чаман савсану сарвига бақо чун йўқтур,
Бўлса гулгаштидин анинг, не ажаб, икроҳим.

Эй Навоий, нетайин сарв ила савсанки, эрур
Савсани тўн била ул сарви равон ҳамроҳим.

400

Қачон кўрсам ул ойни, куйдурур жонимни афғоним,
Агар кўрмак муяссар бўлмаса, мискин менинг жоним.

Кўзум ёши таним захми била кўюнг йўлин туттум,
Ки бир сори борур ашким, яна сори борур қоним.

Танимда буки пинҳон доглардур, айлагай пинҳон
Танимни, ҳар тарафдин бўлса пайдо доғи пинҳоним.

Қуюндек дашт уза саргаштадур хоки таним, ёхуд
Либос этмиш қуюннинг пардасидин жисми урёним.

Танимга келмади овора кўнглум кўйидин, гўё
Унутмиш хонумонин ул алохону аломоним.

Ёнимга келди ул маҳваш, дам урмон, лек найлайким,
Кўнгулнинг изтиробидин тешилгудекдурур ёним.

Аёқчи маҳвашу май дилкашу аҳли тараб сархуш,
Қадаҳ келтурки, қилмоқ порсолиқ йўқтур имконим.

Замон асҳобининг ҳажри қошимда васлидин хушроқ,
Ки хушроқдур висолимдин алар оллида ҳижроним.

Навоий ишқ аро зуннор боглаб кирди дайр ичра,
Муғона бир қадаҳ бермас ҳануз ул номусулмоним.

401

Не ғам, кўргузса кўксум ёрасин чоки гирибоним,
Кўрунмас бўлса кўнглум ёрасидин доги пинҳоним.

Багирдин ўзга йўқтур тўъма, кўксум чокидин ерга
Ичимга бошини солиб итинг гар бўлса меҳмоним.

Бўлубтур заъфим ул янглиғки, боссам мўрни ўлмас,
Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин чиқар жоним.

Танимга мунча заъф ўлдики, рангин ашк ифроти,
Не тонг заъфим, чу икки захмдин турмай борур қоним.

Сабоҳи васл ул ой истаб мени туфрог аро топмас,
Ки шоми ҳажр кўп гарди фано ёгдурди вайроним.

Чамандин ел равоносо келур ҳар дам, ажаб эрмас,
Ки гулгашти чаман айлар бугун сарви хиромоним.

Тиярмен оҳу ашкимни улус бедодидин, йўқса
Олур додим алардин ушбу сарсар бирла тўфоним.

Мени мақсуддин маҳрум этибсен, эй кўнгул, ҳар дам
Жафо доғи била куйдурмаким, бас доғи ҳирмоним.

Қилибтур ваъдаи васл, эй Навоий, ваҳ, не хуш бўлгай,
Сўзин бир қатла гар чин айласа ул аҳди ёлгоним.

402

Саҳар кўрдум юзин — ақшомғача куйди ҳазин жоним,
Бу эрди субҳи васлим то не бўлғай шоми ҳижроним.

Қуёш кулбамға инғандин манға юз қатла хушроқдур
Қаро шомимни равшан айлаған шамъи шабистоним.

Не янғлиғ ёшурай ҳижрон ғаминким, фош этар ҳар дам
Оғиздин шуълалиқ оҳим, назардин ашксиз қоним.

Ажабтур тоири васл истамак кулбамға қўнмоқким,
Яқиндур Насри Воқиъни учурғай кўктин афғоним.

Қадинғ нахли хаёли кўздадур, эй навбаҳори ҳусн,
Маозаллоҳ, агар они қўнғарғай сели мужгоним.

Дедим: «Сўзон кўнгулдин чекмағил бир дам хадангинғни».
Дедиким: «Қолса бир дам су бўлур ул ўтда пайконим».

Балият тоши ёғдурған киби вайронима ғардун,
Мазаллат ғарди ҳар дам ёғдурур бошимға вайроним.

Қадаҳ даврин эвур, эй дайр пири, токи мумкиндур,
Ки даврон ранжини тортарға эмди йўқтур имконим.

Дема, жоми фано ичра эзилмиштур ажал заҳри
Навоий, жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним.

403

Суда кўрмак юзунг душвор эди, эй ҳусноро моҳим,
Хусусанким, анга таҳрик бергай сарсари оҳим.

Не янглиг ул қуёш кўйига ёлғуз азм қилгаймен,
Ки бўлмоқ истамон ул ён борурға соя ҳамроҳим.

Кўнгулни истади ул, ани кўнглум истади, юз шукр,
Ки ҳоло даст бермиш ҳар неким бор эрди дилхоҳим.

Биравни кўз кўруб, кўнглум асир ўлгонин ёшурсам,
Гаҳ ашким имтидоди фош этар, гаҳ оҳи ногоҳим.

Гар ўлсам итлари ҳамкосаси, аҳбоб, таън этманг,
Алар икроҳи гар йўқтур, менинг худ қайда икроҳим?

Неча дог истарам кўнглум аро, Тенгри учун ўрта,
Ки сойилмен, бу икки-уч дирамдур шайалиллоҳим.

Мавокиб гарди ул ёндин, бу ёндин халқ наззора,
Магар йўлинда мен ўлган, тамошога келур шоҳим.

Ажаб йўқ пирларнинг нуктасидин бўлмоғим огаҳ,
Фано йўли сулуки ичра бўлса пири огоҳим.

Танимни, эй Навоий, ҳар тараф кўйида оҳ элтур,
Тилаб ул хирмани гулни, учар ҳар ён парий коҳим.

404

Жунундин ўйла туфроғ ўлди жисми ранжпарвардим,
Ки ҳар тош урсалар атфол жисмимға, чиқар гардим.

Неча ҳажринда ўлсам оҳу ашкимдин солиб тўфон,
Вале қўйманг, кўрарга келса сарви нозпарвардим.

Йўлида баски қўйдум чеҳра санчилған хасу хошок,
Сомонлар билки чекмиш каҳрабодек чеҳраи зардим.

Паёпай не экин абри баҳордин чоқин тушмак,
Булут узра бир учқун солди гўё шуълаи дардим.

Куюндек гар талаб даштида йўқ мен етмаган водий
Не ғам, саргашталикда учраса моҳи жаҳонгардим.

Вафо бўстонин ашким бирла сероб айладим умре,
Эрур ғам новаки — сарвим, бағир парголаси — вардим.

Муҳиқдур, эй Навоий, ул парий мендин малул ўлмоқ,
Нединким, кўйида девоналиғни ҳаддин ўткардим.

405

Эй, юзу қаддинг ошиқи гулу сарви равон ҳам,
Мунунг ичида ўқдур, анинг бағрида қон ҳам.

Кўюнг эрур ул равзаки, хижлат топиб андин,
Гум бўлди гулистони Эрам, боғи Жинон ҳам.

Огзинг била лаълингни тилар жону кўнгулким,
Ғунчангға кўнгул садқа, фидо лаълинга жон ҳам.

Кўнглум кибидур ғунча экан лолаки бордур,
Пайдо тошида қон, ичида доғи ниҳон ҳам.

Гаҳ бул – ажаб аҳволима, гаҳ дардима бўлмиш
Ул кўйида ҳар кечаки ғавғову фигон ҳам.

Мен телбаки кўргач ани фарёд этиб ўлдум,
Гар яхши эмас эрди, эмас эрди ямон ҳам.

Ғам хайли ҳужум этса, югур майкада сори,
Невчунки, эрур ҳисни ҳасин дори амон ҳам.

Тут муғтанам, ўлдунг эса хушҳол замоне,
Невчунки, замон ҳосид эрур, аҳли замон ҳам.

Ҳар ён борур ул шўху Навоийга ҳам уммид,
Ким саҳв ила шояд қилгай майл бу ён ҳам.

406

Ишқ ўтидин танда андоқ саъб ўлубтур куймаким,
Ким шарарлар торидин гўё тўқилмиш кўнглаким.

Бағриму кўнглум итига тўъмалиқ душвор эди,
Шукрким, чок ўлди ишқинг тиғи бирла кўкрагим.

Заъфдин кўюнгга бордим сурганиб атфолдек,
Раҳм қилғилким, бу йўлда ҳаддин ошди эмгаким.

Дема уйқусиз кўзунг ҳажрим туни очилмади,
Не қила олғай ажал уйқуси бирла сергаким.

Бир қадам вайронима қўйким, гамингдин туну кун
Юзга илгимдур сутун, туфроққа ботиб тирсаким.

Дард кўрким, девсийратлар биландур ул парий,
Гарчи бор андин малак хайлига доғи тергаким.

Эй Навоий, ҳажридин йиллар куюб, ул бевафо
Демадиким: «Найлар ул ушшоқ ичинда эртаким?!»

407

Ҳажрингда қону ғуссадур ичмак-емакларим,
Ишрат суруди нолаи зор айламакларим.

Махфий гаминг ёзарда йиғилған битикча бор
Дардинг ниҳон тутардин оқарган сўнгакларим.

Жону кўнгул фироқ ҳужумида иттилар,
Мендин забуну зорроқ эрмиш кўмакларим.

Ўпмак изингни йўқ ҳаддим, аммо хаёл ила
Лаълингни ёлқитур мутаоқиб мучакларим.

Гарди бало бошимга ёғар ончаким, магар
Чамбарларидин айлади гардун элакларим.

Юз пора бағрима тиш урармен ютарда қон,
Бу бўлса май, не тонг, алар ўлмоқ газакларим.

Огзинг гумони эрди Навоийда, шукрким,
Нутқунг яқинға қилди бадал барча шакларим.

408

Йиғларимни, эйки, кўп манъ айладинг, йўқтур шаким,
Ашкинг ўлмоқда садим, гар бўлса дардинг садяким.

Ул қуёш васлин тиларда пўям ул ғоятдадур,
Ким эмас мумкинки, бир кун соя бўлғай ҳамтаким.

Жон бериб, васлингни байъ этканни ёздим кўнглума,
Дарду ишқ икки гувоҳим, чоклик кўнглум чаким.

Шоми ҳажр уйғоқмен беҳад келурдин кўзга ёш,
Уйқуға қўймас югурмакдин бу хайли гўдаким.

Кўнглума жузв ўлди пайконингки, чиқмас тортибон
Жузв-жузв ўлса кўнгул, ул жузв эрур лоянфаким.

Соқиё, миръоти идрокимни майдин равшан эт,
Ким эмас бу коргаҳда бир сари мў мудраким.

Эй Навоий, огзидин кўнглумда гар бор эрди шак,
Қатлима чун демади сўз, бартараф бўлди шаким.

409

Киши ҳам эрмас эмиш ишқ сирриға маҳрам,
Тахайюлиға кўнгул ҳам, ҳадисиға тил ҳам.

Насиме ғунча ичидин чу ёйди гул атрин,
Димоғларға етардин не чора, эй ҳамдам.

Ёшурди Одам ағар Тенғри сиррини, кўрунгуз,
Ки халқ сиррини тутмас ниҳон бани Одам.

Таашшуқум сўзини, эй рафиқ, кўп сўрма,
Ки бу фасонанинғ авлодур ўлмағи мубҳам.

Агар гуноҳим эса дарду ишқ изҳори,
Бу сўзда яхши-ямоннинғ қошида мен мулзам.

Ҳаёт бўлса қилилғай талофийи мо фот,
Фиғонки, умр биноси эмастурур маҳкам.

Хуш улки, маст ўлуб ўлғай халос оламдин,
Ки келди олами беҳушлуқ ажаб олам.

Мен ўлмадим эса ғамсиз даме, ғам эрмастур,
Ки ғам ҳужум этар, ўлған замон даме хуррам.

Не тонғ, Навоий улустин ғар ўлди озурда,
Ки кўрди кўп алам узра алам, ғам устида ғам.

410

Фурқати заъфида қон ёш ичра ётмиш пайкарим,
Гулузоримдек қизил атластин ўлмиш бистарим.

Юз била ашким оритти ёр, шод ўлсам не тонг,
Ким тулуъ этти саодат матлаъидин ахтарим.

Отаїшин лаълинғ ғами қонлиғ танимға солди ўт,
Учқунум гулбарғ ўлуб, лаъл ўлғусидур ахғарим.

Оҳ шояд кўйи сори элтгай деб шодмен,
Гарчи ғард ўлди йўлинда жисми меҳнатпарварим.

Ўйла ҳижрон бирла хўй эттимки, ғар дерлар бирав
Ёри бирла васл топмиштур, эмастур боварим.

Итларинғ синған сафоли ичра бўлдум дурдкаш,
Бўлмасун ҳаргиз тиҳи ул бодадин бу соғарим.

Эй Навоий, ҳажр ўқидин пар чиқармоғ не осиғ,
Чун парирўюмға етмакка ярамас бу парим.

411

Кўнглуму жоним фидо оғзиға, гуфториға ҳам,
Куфриму диним доғи зулфиға, рухсориға ҳам.

Итти қонлиғ кўнғлум, узгил ғунчаларни, эй сабо,
Ким анға кўз солмайин, балким намудориға ҳам.

Зор кўнғлумға агар боқиб ани зор айладинғ,
Жони беморимға ҳам боқ, жисми афғоримға ҳам.

Борғач ул сарви равон, жисмимда жон қолғаймуким:
Қаддиға жон риштаси боғланди, рафториға ҳам.

Мен киму дин?! Эй мусулмонларки, бир кофир кўруб,
Жон фидо қилдим чалипосиға, зуннориға ҳам.

Даҳр боғининғ гули ўтдур, бийик ашжори дуд,
Елға бер ул гулни ҳам, ўт солғил ашжориға ҳам.

Эй Навоий, даҳр йўқу бори тинмаслиғдурур,
Тинғасен, ғар қилмасанғ парво йўқу бориға ҳам.

412

Эмас жунундин, агар тогларда бўлса қарорим,
Ки қолди баҳри сиришким тубида мулку диёрим.

Жамолинг ойинасин хат чу тийра айлади — ўлдум,
Не айб, қилса қуёш кўзгусини тийра ғуборим.

Чу итларинг ялади қонларимни захмларидин,
Ғариб марҳам эди буки топти жисми афгорим.

Сиришк қони чу нақш айладим, нигор етишти,
Биҳишт қилди бузуғ манзилимни нақшу нигорим.

Ҳалоким ул қаду юздин чу бўлди, туфрогим узра
Бўлур, чу сарв уза гул эгилса, шамъи мазорим.

Қадаҳ олиб лаби жонбахшинга, қуй огзима, соқий,
Ки жонни айлагудекдур ҳалок ранжи хуморим.

Навоиё, су агар қилса тошни, не осиғдур,
Нигор кўнглига қилмас асар чу нолаи зорим.

413

Не рафиқеким, давосиз дарди ҳолимни десам,
Не шафиқеким, ниҳоятсиз малолимни десам.

Етти чарх авроқи тўлғай, етти баҳр ўлса мидод,
Ул қуёш васлиға бир дамлиқ хаёлимни десам.

Истимоъ ўлса хирад савдойи ўлғай, шаммае,
Зулфи занжирида савдои муҳолимни десам.

Чунки козибдур мунажжим, ўкса меҳрин ордур,
Ўтруда ул ахтари фархундафолимни десам.

Дема тўбидинким, ул эски дарахт ўтрусида
Номуносибдур, ағар наврас ниҳолимни десам.

Ринд эмасмен, дайр аро ғар жоми Жамдин ўтса сўз,
Май ғадолиғ қилғали синған сафолимни десам.

Эй Навоий, хўблар ичра менинғ моҳимдадур
Табъи мавзунни десам ё зеҳни солимни десам.

414

Фироқ ўтидин анингдек қизибтурур баданим,
Ким ани сокин этар жонни ўртаган туганим.

Ғамингдин ўйла ўлуклар ҳисоби бўлмишмен,
Ки ҳужра мадфану идбор ғардидур кафаним.

Сиришк баҳри аро ўйла хўй қилмишмен,
Ки су кишисидек ўлмиш тенгиз аро ватаним.

Фаришталиғ тиламон, истарам итинг бўлсам,
Агар бўлур эса зулфунг камандидин расаним.

Агарчи юз тикан ул ғамза тикти бағримға,
Юз очсанг, очғуси юз гул бағирда ҳар тиканим.

Хуш улки, йиғлар эдим зор-зор дайрда мает,
Санам ғамидин ўлуб чок-чок пираҳаним.

Навоиё, қани ул файз хонақоҳ ичра
Азимат этки, эрур хушроқ анда-ўқ эканим.

415

Ишқ таркин қилдиму чиқти кўнгулдин ёди ҳам,
Сизга васлининг нишоти, ҳажрининг бедоди ҳам.

Ишқ бузсун деб, кўнгул мулкини обод айладим,
Ер қуйи эмди анинг вайрони ҳам, ободи ҳам.

Зор эдимким, шод эмас ишқ ичра кўнглум хотири,
Эмди кўнглум қолмади, ул хотири ношоди ҳам.

Кўрса Лайли бирла Ширин руҳи жаврин, раҳм этиб,
Куйгай онинг хаста Мажнуни, мунунг Фарҳоди ҳам.

Даҳр боғидин, кўнгул, нахли вафо кўз тутмаким,
Бесамардур сарв ҳам, саркашдурур шамшоди ҳам.

Мен вафо кимдин топай, бу шевани чун топмади
Офаринишда парий жинси, башар авлоди ҳам.

Ёрсизлиғдин Навоийни яна қўрқутмангиз,
Ким бу саъб ишга юрак бости, кўнгул тўқтоди ҳам.

416

Келди тиргузгали заъфим кўруб ул Исодам,
Келгани ҳам ўз ишин қилди, вале кетгани ҳам.

Келмаки жон берибон қайтури ўлтурди яна,
Гўйиё қайтғали бошима еткурди қадам.

Бориб ўлтурмади, жон нақд нисор этти кўнгул,
Ўйлаким, халқ сочар, шоҳ аёғиға дирам.

Шоми ҳижроники, ғоятсиз эрур тийралиги,
Адам иқлимиға ул келди саводи аъзам.

Кўзни суртуб, гар итингнинг тобонин реш эттим,
Ҳал қилиб кўз қораю оқини айлай марҳам.

Ваҳ, не янглиг бу харобот аро ҳушёр бўлай,
Ки дақойиқдур анга бир-бирисидин мубҳам.

Мен киму васл?! Ани хосларингға еткур,
Ким Навоийға етар ҳажр аро бедоду ситам.

417

Ҳажр қоним тўккудекдур, бўйлаким зор ўлмишам,
Вот қутулғум, гарчи бас қоттиғ гирифтор ўлмишам.

Ўйлаким, урён танимға ёгди тош ҳижронида,
Эй Масиҳ, асра дамингким, беҳад афгор ўлмишам.

Кеча тегранг айланиб, кундуз юзум девор уза,
Уйдаги парвонадин гўё намудор ўлмишам.

Мумкин эрмас мен қари сойилга кўюнг фурқати
Хоссаким, ишқ офатидин саъб бемор ўлмишам.

Кўйи девориға орқам ёпишиб, мен волиҳи
Сурати наззорасида нақши девор ўлмишам.

Гар кўрунмас ул парий, истаб анга якранглик,
Заъфдин мен телба ҳам эмди паривор ўлмишам.

Эй сабуҳ аҳли, мени бир жом бирла тиргузунг,
Ким ўлум ҳоли хумор илгида бедор ўлмишам.

То мулозим пири дайр ўлди, муродим муғбача,
Сокини дайру муқими кўйи хаммор ўлмишам.

Эй Навоий, сарв бирла гулни найлай, чунки мен
Волаи бир гул узори сарврафтор ўлмишам.

418

Қарнған чоғда бир маҳваш йигитга мубтало бўлдум
Ўзум ўз жонима бедод қилмоқтин бало бўлдум.

Манга ҳам ошно бегона, ҳам бегона хаем ўлди,
Ҳамул чоғдинким, ул бегонавашқа ошно бўлдум.

Жунун саҳросида деманг қачондин бўлдунг овора
Анинг ишқида токим ақл мулкидин жало бўлдум.

Юзумга чарҳдин юз кожу ул ой оллида мардуд,
Қарорған рўзгоримдек ажаб юзи қаро бўлдум.

Ҳино ёқған киби жисмимға марҳамни сувадиклар,
Ки бошдин то оёқ ҳажр ўқлари бирла яро бўлдум.

Манга дорул-қазойи ишқ аро қон даъво этти шавқ,
Анга хунрез кўз бирла бу даъвоға гуво бўлдум.

Муғона нағма бирла муғбача май тутти оллимда,
Чу бир иршоди бирла сокини дайри фано бўлдум.

Мураққаъ бас манга юз доғлиқ тан, чунки дайр ичра,
Сафол илгимда дурди бода истардин гадо бўлдум.

Навоий барча эл бир ёну сен бир ён, ёмон эрмас
Гар аҳли ишқ топтилар наво, мен бенаво бўлдум.

419

Кўнгул жароҳатиға васлидин даво кўрсам,
Назар муродин анинг ҳуснидин раво кўрсам.

Бу номурод юзин бир назар кўруб ҳар дам,
Муродим ушбудурурким, ани яно кўрсам.

Не навъ эл кўзи оллида кўрмакига чидай,
Эрур чу мардумидин рашк кўз аро кўрсам.

Қаро кўруб, не бало қўзгалурлар эл манга ҳам,
Не айбу ҳам хатидин қаро бало кўрсам.

Улус жафосидин этмон шикоят улча келур,
Не шиква, ул улус ошубидин жафо кўрсам.

Қошимда жоми Жаму салтанатча бор ўрни,
Сафол алимда харобот аро гадо кўрсам.

Бу коргаҳда хато келмади чу бир саримўй,
Хато менинг назаримдандурур, хато кўрсам.

Қачонгача бўлай ўзлук музийқи ичра батанг,
Хуш улки, жилвагаҳим водийи фано кўрсам.

Навоиё, мени гар ёр бенаво қилса,
Кўп ортуғ андинким, гайрдин наво кўрсам.

420

Жонға кўксум чокидин жононни меҳмон айладим,
Гавҳаре топтим, ани кўнғлумда пинҳон айладим.

Кавкаб эрмас, пахталар тиқмиш қулоғиға сипеҳр,
Ул қуёш ҳажрида тунлар, баски афғон айладим.

Жонға, эй гул, хори ғам кўп урдунғ, эт ваҳм эмдиким,
Ҳар бирин бир новаки оҳимға пайкон айладим.

Кўксум узра ҳар не марҳам эрди, ашк оқизди, вой,
Ким саломат тарҳин ул су бирла вайрон айладим.

Фитна тоши ё саломат соҳили тенгдур манға,
Ким ҳубоби ашкдин бошимға қолқон айладим.

Боиси мақсуд — зоҳид зуҳд қилди, мен — фано
Фақр иқболидин ул мушкулни осон айладим.

Эй Навоий, боғлаб эрди Каъба эҳромин кўнгул,
Кўйидин бир нукта шарҳ айлаб, пушаймон айладим.

421

Бодадин жон иси касб этти машом,
Гўйиё лаълинга етмиш эди жом.

Кўрмаган Хизр суйининг боришин,
Келу кўр оби ҳаётимға хиром.

Тўлин ойни недин эл васф қилур,
Ки мушобиҳдурур ул юзга тамом.

Меҳри гардун чамани вардидурур,
Ким эрур кўзга юзунгдек гулфом.

Қадам, эй руҳи равон, бошима қўй,
Негаким, руҳ бийик топти мақом.

Холу зулфиға кўнгул бермангким,
Қушни бандур этар ул донау дом.

Оғзи васфида Навоий сўз дер
Мухтасар, чунки эрур хайр калом.

422

Лаҳза-лаҳза кундуз онинг зулмини ёд айларам,
Кеча ўз жонимга бедод узра бедод айларам.

Ақл ёд айлаб, яна ҳижронида бўлсам хамуш,
Чун жунун туғён қилур, бехост фарёд айларам.

Бўйни боглиқ қул қилур, кўргач агарчи ҳажрида,
Ўзни юз таъкид ила ишқидин озод айларам.

Ишқ сели чун ўтар, топмон тилаб осорини,
Ҳар неча кўнглумга тарҳи сабр бунёд айларам.

Қуш қочар сайёд домидин, ажаб қушменки, мен
Зулфин истаб орзуи доми сайёд айларам.

Ақлу ҳуш авроқу ажзосин жунун оҳи била
Девбод ўткан киби борини барбод айларам.

Соқиё, муҳликдурур қайғум ушул уммид ила
Ким, майи жонбахш тутқунг, хотирим шод айларам.

Фақрдин юз йилчилиқ йўл мен йироқ, аввал далил
Буки, фақр ойинини ўзумга иснод айларам.

Эй Навоий, зулмким, номеҳрибон моҳим қилур,
Меҳрибон шоҳимни кўргач, қичқириб дод айларам.

423

Дардоки, лаҳза-лаҳза фузундур малолатим,
Ҳижрон малолатидин эрур саъб ҳолатим.

Бошимки, тиғи касрати еткач, тушар қуйи,
Алтофи ўтрусида бу эркан хижолатим.

Десамки: «Эй жамол элининг шоҳи, қилма зулм».
Дер: «Шоҳлиқ тариқидадур бу адолатим».

Менда мақол қуввати йўқ заъфдин, валек
Ҳар анжуман аросида йўқ жуз мақолатим.

Кўнглум ўтинки шарҳ қилурмен, бўлур самум,
Ул гулга тонг насими гар этса рисолатим.

Дашти жунунга кирмангиз, эй аҳли ишқким,
Гум айлар анда халқни дуди залолатим.

Ёр этмай илтифот Навоийга бўлса яъс,
Не ғам, чу қатл ваъдаси бор истимолатим.

424

Бўлғанда ҳажр тунлари беҳушлуғ ишим,
Кўз мардумидурур юзума су урар кишим.

Демангки, ёр очса узор, айла жон нисор,
Не ҳожат айтмоқ, ул эрур худ менинг ишим.

Ҳажрида ўйла телба бўлубменки, телбарар
Ҳар итни ёр кўйидаким захм этар тишим.

Кўп сурди тиғи қатл фироқ, эмди сен доғи
Бир қатл тиғи сур, етишибдур чу варзишим.

Жонон муроди қатлим ўлуб, қилса жон ибо,
Жонимға қарғишимдуру жононға олқишим.

Ул гул ҳарими гулшанида бир гиёҳ эдим,
Навъе қўнгарди ҳажрки, қолмади қиртишим.

Деманг, Навоий асру тирик қолди ҳажр аро,
Васли уммиди бирладурур мунча қолмишим.

425

Куяр ҳажрингда жисми нотавоним,
Не жисми нотавонким, хаста жоним.

Гар ўлтурсанг мени, қил тиғ ила қатл,
Ки бўлсун кўюнга оғушта қоним.

Фироқинг сўзидин бир шуъладурмен,
Ўти ул шуъланинг сўзон фиғоним.

Мени қовма эшикдин, чун итингмен,
Ажаб йўқ, гар эрур кўюнг маконим.

Ёриб кўксум, сени жонимга тортай,
Тараҳҳум қил, кўруб доғи ниҳоним.

Амон бермас эди даврон жафоси,
Харобот ўлмаса дорул-амоним.

Анинг кўйида қил қабрим, Навоий,
Дер эрсангким, етушсун ерга ёним.

426

Фироқ даштида туфроқ бўлуб эди бошим,
Кўтармаса эди туфроғдин ани ёшим.

Бошимни гўй қилибмен йўлунгда, эй чобук,
Отинг аёғи қаён бўлса, андадур бошим.

Йўл ўйла қатъ этарам ул қуёш ҳавосинда,
Ки соя қилғудек эрмас ўзини йўлдошим.

Ҳаёт нақдини найлайки, майфуруш олмас,
Ўшанча майғаки очқай хумор қаллошим.

Юзунг хаёлида оҳим шарар сочар ҳар ён,
Самуми ҳажрдурур бу насими гулпошим.

Кетур пиёлаки, ҳар нечаким вафо қилдим,
Жафодин ўзга улустин йўқ эрди подошим.

Навоиё, агар иккинчи Одам эрмасмен,
Недин жаҳон юзини тутти сар-басар ёшим.

427

Қориған вақтда бир тифлға шайдо бўлдум,
Ким ғамидин қорию тифл аро расво бўлдум.

Хайли атфол аро тош ёғдурубон қовларлар,
Ҳар қаёндинким анинғ кўйида пайдо бўлдум.

Қайси Мажнун соғалур, кўрса мени телба бўлур,
Телбалар хайлиға сармояи савдо бўлдум.

Итлари силсиласида кечалар нола чекиб,
Хайли аҳбобқа сарҳалқайи ғавғо бўлдум.

Коҳи энғ узра, ки тим-тим кўрунур кўз ёшим,
Ишқ боғи аро шохи гули раъно бўлдум.

Демаким, тавбаю тақвони қачон тарк эттинғ,
Соқийи гулрух даме шефтаси то бўлдум.

Лаби васфида Навоий дами тиргузди ўлук,
Файзи қудсий чу мадад қилди — Масиҳо бўлдум.

428

Эй пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур, бечора ҳам,
Ишқу савдо даштида Мажнун эрур, овора ҳам.

Тандағи пайконлару ашким ёрутмас уйниким,
Дуди оҳимдин қарормиш собиту сайёра ҳам.

Захми кўп бағримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиқ,
Ким эрур юз пораву мажруҳ эрур ҳар пора ҳам.

Васли иқболию мен, ҳайҳотким, рухсорини
Тоқатим йўқтур йироқтин қилғали наззора ҳам.

Ўйла су қилди бало кўҳсорини оҳим ўти,
Ким олиб кўксумга урғунча топилмас хора ҳам.

Чарх макру фитнасидин ғофил ўлманг зинҳор,
Чунки бу шоҳид басе фаттон эрур, маккора ҳам.

Телбараб иттим Навоийдек жунун саҳросида,
Қилмади ёдимни ҳаргиз бир парий рухсора ҳам.

429

Ҳажр ароким, ўзни май бирла фасона айларам,
Йигламоққа бода ичмакни баҳона айларам.

Лаългун ҳар майки ичтим ул майи лаб ҳажридин,
Кўздин ашки лаългун янглиг равона айларам.

То ичармен май, қадаҳдек йигларам бехуд бўлуб,
Топмасам бир дам, фиғони бехудона айларам.

Заврақи май бўлмаса, билким, ўлармен, эй рафиқ,
Fусса баҳридин анинг бирла карона айларам.

То тўла тутсун дебон соқий манга еткач қадаҳ,
Тошқи даври хаттини онинг нишона айларам.

Соқиё, тут бодаким, кўпрак мени мабҳут этар,
Нечаким андишаи бу корхона айларам.

Не осиғ, чун ёр кўнгли айламас бу ён кашиш,
Эй Навоий, нечаким дилкаш тарона айларам.

430

Хирқаи зуҳд ўртамак кўнглум шиори айладим,
Субҳа торин уздуму гугирд тори айладим.

Чун туташти ўт, бир овуч донасин тасбиҳнинг
Устига сочмоқ била ул ўт шарори айладим.

Дафтару сажжодаву наълайнни ҳам дам-бадам
Ташламоқ бирла равон ул шуъла сори айладим.

Зуҳду тақво, балки чун ўзлук нишони қолмади,
Расми сайр айлаб, фано дайри гузори айладим.

Ичмайин бир журъа андоқ жилва қилди муғбача,
Ким қошинда сажда қилмоқ ихтиёри айладим.

Мунча давлат касбиким айлаб экин олам аро,
Ким фано иқболидин мен хаста боре айладим.

Эй Навоий, менда бир жон нақди қолмиш эрди бас,
Шукр, ани ҳам маю мутриб нисори айладим.

431

Эй, ҳилолингға нигун қад била пайвасталиғим,
Дилкушо ғунчаи хандонинга дилбасталиғим.

Тушкали жонима бемор кўзунг ҳижрони,
Ўлгудекменки, басе саъбдурур хасталиғим.

Чун фано аҳлиға қайд ўлди сочинг силсиласи,
Қилмади нафъ тажарруд била ворасталиғим.

Юз шикаст ўлди жунун тошларидин жисмим аро,
Гарчи кўнглумда эрур онча юз ишкасталиғим.

Ишқ саҳросидаким пўя уруб секрермен,
Бу экин зумраи ушшоқ аро баржасталиғим.

Истиқомат чу замон табъида йўқтур, не ажаб,
Бир замон тезлигим, бир нафас оҳисталиғим.

Юз балиятқа Навоийдек ўлуб шойиста,
Не балодурки, анга бўлмади шойисталиғим.

432

Нома ёздим ёр учун, лекин жавобе топмадим,
Жисмима ул номадек жуз печу тобе топмадим.

Ҳар кишига жон бериб, қилдим тамаъ меҳру вафо,
Бу гунаҳ подоши жуз нозу итобе топмадим.

Дарди келди қасдима, итмиш эди вайрон кўнгул,
Қўйгали бу ганжни, ваҳким, харобе топмадим.

Чирмадим жон риштасин новакларингға най киби,
Ўйла қушлар қайдиға мундоқ танобе топмадим.

Чун хаёлинг кўзда меҳмон ўлди, май қон ёш ўлуб,
Баглаган кирпикда қонлардек кабобе топмадим.

Нечаким матлуб рухсорин дедим айлай назар,
Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим.

Эй Навоий, ҳажр аро қил ишқ бирла машварат,
Ким мен истаб ақлдин ръайи савобе топмадим.

433

Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам,
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам.

Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун
Танда жон янглиг сени жон ичра пинҳон айласам.

Анда ҳам жон пардасин ҳар сори осиб сатр учун,
Васлинг ихфосин нечаким, бўлғай имкон, айласам.

Чун бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам, не мен,
Ҳар не номаҳрам дурур, ўздин паришон айласам.

Дафъ ўлуб ағёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиг бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.

Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро
Ўзни бехуд, кўзни рухсорингга ҳайрон айласам.

Эй Навоий, дема иқрор айла ишқи таркини,
Ким инонгай, гар ўзумга бўйла бўҳтон айласам?

434

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдига
Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим?!

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафога юз жафо онинг жазосин кўрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлига,
Ғайр сори хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим?!

Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафиқ,
Ким мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида,
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

435

Сочинг саводиға ҳаргиз назора айламадим,
Ки дуди оҳ ила оламни қаро айламадим.

Йўлунгда кимса бошин кўрмадимки, гайратдин
Бошимни ерга уриб, пора-пора айламадим.

Бағирни чоклар эткандин айлама инкор,
Мен ани тиғ ила худ мунча пора айламадим.

Манга ғаминг аро бечоралиғдурур чора,
Не гам, агар мени бечора чора айламадим.

Ёранг ҳисобини касратдин англамон, эй ишқ,
Санаб туганмади, йўққим, шумора айламадим.

Таваккул айлаю кир ишқ йўлиға, эй шайх,
Ки мен қилурда бу азм истихора айламадим.

Навоий, оҳни ифшои ишқ учун ёзғур,
Ки кўнглум ўтини мен ошкора айламадим.

436

Орзу тухмига бар ҳирмон эканни билмадим,
Васл нахлига самар ҳижрон эканни билмадим.

Ҳажр водийсига кирган чоғда билдим, тўли бор,
Лек мунча беҳаду поён эканни билмадим.

Англадимким, саъб эмиш бемори фурқат ранжи, лек
Шарбати заҳру ғизоси қон эканни билмадим.

Бистари ҳижронда билдим санчилур хори фироқ,
Ҳар сари мў танда бир пайкон эканни билмадим.

Чарх афсун бердиким, бот ўлғуси ҳажрингға васл,
Мунча онинг ваъдаси ёлғон эканни билмадим.

Ғам туни билдим бўлур ошиқнинг оҳу ашки, лек
Ул бири сарсар, бу бир тўфон эканни билмадим.

Эй Навоий, васл агар топсанг, ганимат билки, мен
Рўзгори васл хуш даврон эканни билмадим.

437

Шоми васлингни кўруб, субҳи дилафрўз дедим,
Субҳи ҳажрингга етиб, шоми жигарсўз дедим.

Тенг кўрунди кўзума васл аро қаду зулфунг,
Кеча кундузни кўруб тенг, они наврўз дедим.

Ишқидин тонди кўнгул, солди қаро кунга фироқ,
Ажаб эрмас, гар ани қалби сияҳрўз дедим.

Чини зулфунг ғами муҳлик дедим, ўлтурма мени,
Чин дедим, ҳар неки мен зори гамандўз дедим.

Янги ўрганди кўнгул булбули ул гул юзига,
Тонг эмастур, агар ул қушни навомуз дедим.

Тикти панд игнасидин даҳр эли кўнглум ярасин,
Халқ нишини бу маъни била дилдўз дедим.

Эй Навоий, ёруди шомим ул ой партавидин,
Не таажжуб, гар ани моҳи шабафрўз дедим.

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

438

Эй, келиб минбаринг уч поя била Сидрага син,
Сен чу анда тутуб ором, бўлуб сидранишин.

Ул сафар ичраки сен сидра сари айлаб азм,
Маркабинг руҳи равон, пайкинг ўлуб Руҳул-амин.

Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди, русул
Жамъ бўлгай эди эшиткали оёти мубин.

Ўйлаким, сидра киби минбар уза гоҳи ҳадис,
Йиғилур ҳар сари асҳоби рисолатойин.

Даргаҳинг Аршдурур, анда малойик, не ажаб,
Зикру тасбиҳ дебон суртса ҳар сори жабин.

Сен чу Арш узра чиқиб, чарх нисорингға ясаб
Бу тўқуз хон ичида анжум ила дурри самин.

Журму исён кўпидин бўлди Навоий бехуд,
Бир назар айла анинг сорики, бор асру ҳазин.

439

Бизга ул ой ҳажридин бир йилчадур ҳар тийра тун,
Кундузин англа бу тундин ҳам қоронғу, ҳам узун.

Балки йўқтур бу туну кунда тафовут, лек бор
Ҳар бирида бир ғами муҳлик бу маҳзун жон учун.

Гар ўтар юз минг суубат бирла кундуз меҳнати,
Вою юз минг вой, мен бекасга бўлғач кечқурун.

Гар бутун эрмас ёқам, эй дўст, ҳайрат қилмаким,
Тош урардин кўксум ичра бир сўнгак эрмас бутун.

Ҳажридин ўртанса жисмимда сўнгаклар, тонг эмас,
Ким эрур ўт асру итик, доғи бас қоқшол ўтун.

Ишқ нахлининг бари ҳижрон эмиш, эй дўстлар,
Бу насиҳатдин енгиз бар ошиқ ўлмастин бурун.

Неча тун ҳижрон аро олди Навоий жонини,
Кимга етса васл, тутсин муғтанам бир неча кун.

440

Ишқ даштин ҳеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун,
Мен ғариб ул дашт аро кўрганни кофир кўрмасун.

Ёрмангиз Фарҳоду Мажнун оллида кўксумниким,
Ботинимнинг дарду доғин аҳли зоҳир кўрмасун.

Даҳрни қил тийра, ё Рабким, анинг туфроғидин
Ҳар не кўз мумкин эса бўлмоққа нозир, кўрмасун.

Ҳар боқишда қатли ом айлар кўзунгким, даҳр эли
Ҳеч кимни сен киби бу фанда моҳир кўрмасун.

Воизо, кўп васф қилдинг Сомирийнинг сеҳрини,
Ҳозир ўлғилким, сени ул кўзи соҳир кўрмасун.

Кимки ошиқлик асиридур, тахайюл бирла ҳам
Ишқ кўйида ўзин осудахотир кўрмасун.

Ким Навоийдек фано водийсида истар ҳузур,
Кечсун ўздин, балки худ ўзлукни ҳозир кўрмасун.

441

Субҳ чун борғунг, келиб кулбамга пинҳон кечқурун,
Ҳажр ўқин жонимга сен отма тонг отмасдин бурун.

Неча эл мендин ёшургайлар сени, ваҳ, бир кеча
Нетти кулбам сори келсанг, барча элдин ёшурун.

Жон магар чиққай ва ёхуд сели ашким кўйидин
Чиққудекмен, бори ул кўй ичра тутмай мен ўрун.

Жилва қилғанда кўрунмаслар кўзумга шўхлар,
Эй парий, сен бори бу девонага гоҳи кўрун.

Нолам андоқ бўлди, бағрин ёраси ислангали,
Ким ёнимдан ўтмас, эл тутмай қулоқ бирла бурун.

Чирмабон беркит суроҳи огзини, эй пири дайр,
Қайда кўрсангким, узулмиш чоки хирқамдин юрун.

Эй Навоий, тифллар қовғон замон мажнун дебон,
Бу баҳона бирла ўз Лайливашинг сори урун.

442

Боғладим афғонға бел найдек, сени кўрган замон,
Заъфдин қилдинг мени охир бели боғлиқ самон.

Эмди руҳунг тоза эт ул оташин рухсордин,
Ким мени маҳжур ани кўрмак ҳамон, куймак ҳамон.

Кўз юмулмиш ҳажрдин, ул юзга очмоқ истарам,
Лек ҳижрон кўз юмуб очқунча ҳам бермас амон.

Дашт аро дерлар мени – Мажнун, ани – мен кўрган эл
Чарх золи бизни гўёким кетирмиш тавъамон.

Яхшилардин яхшидур ёрим, не навъ айлай тамаъ
Васлин онинг, менки бордурмен ямонлардин ямон.

Қил зулоли васл ила булбулни, эй гул, шодким,
Бу чаманда доимо шодоблиқ йўқтур гумон.

Азм этиб эрмиш Навоийни сўрарға ул Масиҳ,
Эй ажал, жонинг учун жонимға раҳм эт бир замон.

443

Маҳвашеким чеҳра давринда қирон этмиш аён,
Даврнинг маҳвашларида улдурур соҳибқирон.

Не қийиғ эркин ул ой тўнидаким, тиккан чоғи
Меҳр анга зарришта еткурмиш, фариса осмон.

Тугма гулгун даклайида, лаъл пайкони эмас,
Гулга боглабтур кўнгул булбуллар, аммо барча қон.

Титрагуч эрмас мурассаъким, қуёш боши уза
Хўшаи Парвин шиои хат аро қилгай макон.

Вўсмаю гулгунадин ул орази зебо эрур,
Сабзаю гулдин начукким зеб топқай бўстон.

Аллоҳ-Аллоҳ, англамонким, ҳурсен ёхуд парий,
Одами бу шакл ила ҳаргиз киши қилмас гумон.

Эй Навоий, яхши эрмас эрди ул ён борганинг,
Чун бориб ўтлуқ юзин қилдинг тамошо, эмди ён.

444

Ғунчаи хандон уза холингмудур, эй маҳжабин,
Ё магар шаҳд истай ул гулбарг уза қўнмиш чибин.

Дашт уза Мажнун киби саргаштадурмен, то эрур
Ул мусофир маҳвашим Лайли киби саҳронишин.

Чин-бачин зулфунг тушар эл бўйнига, юз войким,
Бизни чун кўрдунг — тушар қошинг уза чин узра чин.

Корвони мушк эрур зулфу баногўшингда хол,
Нофаи мушк ўғриси бир гўшада қилган камин.

Юзунг узра зулфу зулфунг ҳалқасидин юз эрур,
Кишвари дин ичра куфру ҳалқаи куфр ичра дин.

Юз ўтидин ўртадинг булбул киби кўнглумни, лек
Гар тўкулмас, хуштур ул гулким очилмиш оташин.

Ўйла маҳзундур Навоий ёр ҳижронидаким,
Гар чекар ишрат суруди халқни айлар ҳазин.

445

Доғи кўп танники хирқам ёпмиш, эй сийминбадан,
Англа ҳар теврук юрун остида бир теврук туган.

Эй қуёш, онча шаҳидинг бордурурким, етмагай
Пардаи афлоктин гар қилсалар йиртиб кафан.

Буки Руҳуллоҳ қуёш чархиға, руҳум — кўйига
Бўлдилар мойил, не тонг, ҳар ким қилур майли ватан.

Юзу зулфунғ ҳажридин ҳар тун сиришким кавкаби
Чарх янглиғ кўргузур сунбул уза барги суман.

Ашк ила кирпикни кўп юрменки, бўлгай нисбати,
Тутса бир кун ногаҳон ул пок этакни бу тикан.

Хонақаҳ ичра риёий зуҳддин бўлсанг малул,
Эй кўнгул, шод ўлки, йўқлуғдур фано дайрида фан.

Ҳар қаён азм айласанг, қолмас Навоий, негаким
Тори зулфунгдин анинг бўйниға боғлиқдур расан.

446

Лабингда нилгун холингдур, эй жон,
Начукким шарбат ичра тухми райҳон.

Қизил раглар кўзумда ҳажр ўтидин
Бало баҳрида буткан шохи маржон.

Юзунгким, майдин ўлмиш гул уза гул,
Кўнгул богланмиш андин қон уза қон.

Сени бармог била кўрсатмас элким,
Билиб ўлмакни арз айларлар имон.

Кўнгул сайди кўзунгдин чун қутулмас,
Не мунду туздилар ул хайли мужгон.

Вафо аҳли эсанг, ич давр аёғи,
Ким асру бевафодур аҳли даврон.

Сену гулбонг, эй булбулки, тортар
Навоий гулрухидин айру афгон.

447

Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен,
Юз Скандарни суға элтиб, сусиз келтургасен.

Ўртанурмен, ғайр ила ҳар кеча ичсанг, ваҳ, неча
Шамъи базмингни ёрутмаққа мени куйдургасен.

Бўйнума еткурдинг илгин тиғ урарға, эй сипеҳр,
Мен худ ул эрманки, илгим бўйниға еткургасен.

Йўққи кўрмайдур, кўруб амдан назар солмас парий,
Бир боқиш уммидидин, эй кўз, неча телмургасен?

Ул — жамол авжида, сен — мунглуғ, не мумкин, эй кўнгул,
Ким фусун бирла қуёшни чархдин индургасен?!

Ашк ила кўнглум ўти ўчмас, қадаҳ тут, соқиё,
Ким бу су бирла магар ул шуълани сўндургасен.

Телбалик айлар Навоий, эй сабо, ҳолин магар
Ул парийга ҳазл тақриби била билдургасен.

448

Ваҳ, неча тортай ул ой дарду гамин,
Ё ғаму дарди йўқ элнинг ситамин.

Манга ортуқсидур ағёр алами,
Торта олсам бас эрур ёр аламин.

Халқ кўнглини паришон қилди,
Тонг ели тарқатиб ул турра хамин.

Ишқ ёрутти тамуғ ҳиймасини,
Еткуруб оҳим ўтининг аламин.

Эй фалак, бу кеча ул ой биламен,
Субҳнинг бир нафасе асра дамин.

Адам истар чу вужудумни сипеҳр,
Тенг кўрай эмди вужуду адамин.

Пири дайр оллида камхидмат эсам,
Тенгри бор айласун онинг карамин.

Истаган Каъбаи мақсад васли,
Олмасун фақр йўлидин қадамин.

Қил Навоий киби тинмоғни ҳаром,
Истасанг ёр ҳарими ҳарамин.

449

Ғамингда бузди кўнгул хонумонини ҳижрон,
Тараҳҳум айламадинг, хонумонинг ободон.

Кўнгул шикофи эмаским, яқосин айлади чок,
Яқода тугмалар ўрнида ҳар тараф пайкон.

Не айб, оҳим ўти кўнглунг ичра қилса асар,
Ки барқ тошқа ҳам тегса, қолур анда нишон.

Қиличинг элга тегиб, рашкдин мен ўртандим,
Не лаъб эрурки, су ичра қилибсен ўт пинҳон.

Фироқ заъфида сиҳҳат манга не мумкинким,
Ғизо ерида бағир бўлди, шарбат ўрнида қон.

Май ички, муғбачалар суҳбати ганиматдур,
Бир-икки кунки бу дайри фанода сен меҳмон.

Навоиё, неки олам ишида мушкилдур,
Десангки қилғасен осон, ўзунгга тут осон.

450

Қани улқим, кўзум кўргай жамоли оламоройин,
Кўзумни суртмак қилсам ҳавас, сунғай кафи поийин.

Мени мундоқки заҳри ҳажри анинг талхком этмиш,
Эмас инсоф, ўпмак истасам лаъли шакархойин.

Менинғ васлим кунин чун ҳажри шоми айлади тийра,
Не суд ар ёр ораздин олур зулфи сумансойин.

Тараб шамъи, ажабким, нур зоҳир айлагай бу навъ,
Ки мен кўрдум қаронғу ҳажр шоми меҳнатафзойин.

Келур чун зарқ иси, рози эмастурмен, агар зоҳид
Ридо бирла олишса дайр пири бодаполойин.

Буким андишаву ғам ёмғури майхонадин ўтмас,
Сувар гўёки пири дайр томи узра куп лойин.

Навоийға дединг ҳижронда бир ўқ ёдгор отқум,
Тирик қолсам, алифдек они жоним ичра асройин.

451

Қизил ёхуд қаро ё кўк тўнунг ҳар бир эрур мавзун,
Нечукким ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун.

Чу мен кўргач сени беҳуш ўлуб, шафқат била элтиб,
Кириб икки қўлумға йиглаю Фарҳод ила Мажнун.

Ғамим хайли туз этти тоғни, тоғ этти саҳрони,
Бу ҳомун бирла тоғ эрдики, бўлмиш тоғ ила ҳомун.

Юзунг шавқида оҳимдин булутларга туташмиш ўт,
Саҳоб эрмас, қуёшнинг партавидин ҳар тараф гулгун.

Гар эрмас насси қотиъ қатл учун ҳар кўз била қошинг,
Начук бас зоҳир этмиш ҳар бири сод устида бир нун.

Тўлуб, лаълинг хаёли оқизур кўз шишасидин қон
Анингдекким, тўкулгай бода бўлса зарфдин афзун.

Эшит майхона ичра дайр пиридин Ҳақ асрори,
Ки воиз хонақаҳда гоҳ дер афсона, гаҳ афсун.

Соғинма бодага машъуфмен, эй муғбача, биллаҳ,
Ки усрук кўзларингнинг фитнаси қилмиш мени мафтун.

Навоий, олам аҳли гар вафосиз келди, май ичгил,
Анга чун чора йўқ, боре ўзунгни тутмагил маҳзун.

452

Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён,
Тўн эткандек қуюндин жисмиға Мажнуни саргардон.

Ёланг жисмим кўруб онча бало тиғини ёгдурдунг,
Ки захмим богламоқтин эмди эрмастур таним урён.

Жунунум ҳайратига ваҳш даврумга уруб ҳалқа,
Мушаъбид лаъбиға ҳангома аҳлидек бўлуб ҳайрон.

Менингдек тоза доғи захмидин қон ғарқидур лола,
Магарким доғини бағриға қўйди шуълаи ҳижрон.

Бузулди Нуҳнинг тўфонидин сўнг даҳр ашкимдин
Қиёмат ошкоро бўлди: ул тўфону бу тўфон.

Ичиб гардунча соғар, кош андоқ бехуд ўлсамким,
Икинчи сурдин ҳам бўлмагай уйгонмағим имкон.

Жаҳон осойишин оллингда мушкил қилмаким, бордур
Тутай мушкил десанг — мушкил ва гар осон десанг — осон.

Кўп, эй гул, урма булбул жонига бедод хоринким,
Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.

Навоий, қилма айб афғону фарёдимки, даврондин
Не бир фарёду ўн афғонки, юз фарёду минг афғон,

Ишқинг ўтиға қуруқ жисмим ўтун,
Кўнгул ахгардур анга, оҳ — тутун.

Тиғ ила ёрдиму кўксунгни, деманг,
Айламас тиғ ила худ они бутун.

Рўзгорим қарориб зулфунгдин,
Тори умрумға тугун узра тугун.

Васл аро дебсен олурмен жонин,
Ҳажринг олмаймудурур, англа бурун.

Ваъдаи васлин этар тонгла нетай,
Интизори мени ўлтурса букун.

Бода зарфи бошига тиқмақ учун,
Соқиё, қолмади хирқамда юрун.

Ўйнаб ўлтурди Навоийни, кўринг,
Чини не эркин, агар будур ўюн?

Кўйида итлар мени гаҳ тирмабон, гаҳ тишлабон,
Заъфдин ўлганда бир-бирдин узарлар судрабон.

Мен киму қилмақ ҳавас онинг қўлидин муттако?!
Кўйида бас ётсам илгимни бошимга ёстабон.

Не жунундур, ваҳ, буким йиртуқ яқони чок этиб,
Ашким оққанда кулуб, турған замони йиглабон.

Элни ғофил айлабон ўзни солурмен кўйига,
Ҳар тарафдин урсалар тош, ит масаллик қавлабон.

Тифли мактабдек қочиб борур яна ул ой сари,
Телба кўнглумни неча топиб кетурсам алдабон.

Умр ўтуб бир учрабон ҳолимни сўрса, войким,
Айта олмасмен жавоб, ошуфта кўнглум тўхтабон.

Ҳазл этар кўнглум била ул шўху кўнглум тортар оҳ,
Тифлдекким, дуд этар ўт бирла ҳар дам ўйнабон.

Ақл учуб бехудлуғ айлармен, йўлуқсанг ногаҳон,
Кимсадекким телбалик қилгай парийга учрабон.

Соқиё, муҳлик хуморим узриға солма қулоқ,
Бир қадаҳни оғзима қуйғил қулоғим тўлгабон.

Умр торин чун кесар даврон жафо тиғи била,
Жазм билгилким, анга бўлмас кўнгулни боглабон.

Эй Навоий, чун замон аҳлиға асло йўқ вафо,
Топмағунг ҳаргиз вафо аҳли, аларни танлабон.

455

Жилваи қаддинг кўруб, сарви равондин ким десун?
Жавқари лаълинг боринда нақди жондин ким десун?

Дўст кўюнда ватан чун туттилар аҳли висол,
Мен киби овораи бехонумондин ким десун?

Кўп дема воизки, ул қадду лабу юз оллида,
Тўбию кавсар била ҳури жинондин ким десун?

Оғзи васфида дейилгай хурдадонлар, эй кўнгул,
Сен киби маъдуму, беному нишондин ким десун?

Бордурур оне юзунгдаким, қуёшта онча йўқ,
Сен боринда худ қуёш ким бўлгай, ондин ким десун?

Ёрға ҳолин демакка онча яхши ёри бор,
Эй кўнгулким, яхши боқсанг, мен ёмондин ким десун?

Шайх сўз мақсуди аслий касбида кўп сўрди, лек
Чора анда жуз фано йўқ, ҳар қаёндин ким десун?

Гаҳ замондин шиква, гаҳ аҳли замон жаврин дема,
Бода ич, аҳли замон бирла замондин ким десун?

Гар Навоий деса ул юз гулшанидин қилма айб,
Демайин булбул ҳикоят гулситондин ким десун?

456

Буки зулфунг домиға кўнглум қуши урмиш ўзин,
Кўрмакинг эрди муроди, тикмагил боре кўзин.

То сени кўрдум, кўзумдин ўзлугум бўлди ниҳон,
Ким сени кўрса, яна кўрмас эмиш ҳаргиз ўзин.

Йўққи ошиқлик, сўзумдин фаҳм ўлур маъшуқлуқ,
Баски, дермен ўз-ўзум бирла анинг бир-бир сўзин.

Субҳи давлат талъати бошида дурри шабчароғ,
Тонг бошида кўр тулуъ эткан саодат юлдузин.

Хони ҳусни ичра сабзи хатти сабзу туз лаби,
Сен не огаҳ ул наими Равзадин, тотмай тузин.

Баҳра хўрду хобдин ул топти, бу давронда ким,
Қилди эҳё кечасин, сойим кечурди кундузин.

Кўнглини истай Навоий бу сабабдин иттиким,
Ўз била қилғай икавлон ул гариби ёлғузин.

457

Манга ҳар нечаким йўқ заҳра дам урмоқ висолингдин,
Ва лекин ком олурмен улча мумкиндур хаёлингдин.

Вафо боғида туфрог ўлдум, аммо, войким, тушмас
Гаҳе бир гул бу туфрог устига саркаш ниҳолингдин.

Висолингдин кўнгул навмид эса, дардинг чекар невчун,
Ки андин доғи кўп навмидроқдур чун мисолингдин.

Ики зулфунг кўнгул доми, не янглиг асрай ул қушни,
Ани тутмоққа жидд маълум ўлур чун «жим»у«дол»ингдин.

Начукким бўлса дил лафзига нуқта, «зул» бўлур ҳосил
Мазаллат икки айрилғон кўнгулга етти холингдин.

Латофат суйи ул юз, «жим» ила «лом» икки ёндин зулф,
Бу сўзни фаҳм айлар баҳравар бўлғон жамолингдин.

Тамаъ элдин вафо қилғон, судин ўт истадинг чиқмоқ,
Агар топсанг, доғи куйгунг бу савдои маҳолингдин.

Дурустдур меҳр зарфида тўла ҳайвон суйи ичмак
Эмас ичканча дурд, эй муғбача, синган сафолингдин.

Навоий, гар бошинг гўй этса ул чобук, ёмон эрмас,
Ёмон будурки, эрмас воқиф ул саргашта ҳолингдин.

458

Кўнгулки, ҳар сари чок ўлди тиғи ҳижрондин,
Бир уйдурурки, топибдур шикаст ҳар ёндин.

Сиришким айлади афлок жавфини мамлу,
Киши не сўз дегай анинг қошида тўфондин?

Яқоси чокини Мажнуннинг асру кўп ўкма,
Уял бу кўкси уза чок жисми урёндин.

Хаёли кўнглум аро сокину паришонмен,
Ки ғайри гарди фано ёғмас ушбу вайрондин.

Бало ўқи кўзи ёғдурди, эй мусулмонлар,
Нелар келур манга ул икки номусулмондин.

Етур кўнгулга неча давр аёғи бирла нишот,
Неча малол санга етса аҳли даврондин.

Навоий, айтма, гар жон керактур, андин ўт,
Нединки ўтсам юз жондин, ўтмагум ондин.

Ҳажр шоми баски сели ашк оқиздим қайғудин,
Кўздин ўлдум ноумид ул навъким, кўз уйқудин.

Ўз кўзунг бирла ўзунгни гарчи кўрдунг кўзгуда,
Кўзгу аксидек ва лекин музтарибмен кўзгудин.

Чок этиб ёнимки, кўргуздунг сўнгак дандонасин,
Бул – ажаб ҳолимға қилди заъф жисмим кулгудин.

Кўюнга борурда гаҳи ваҳм, гаҳ рашк ўлтурур,
Соя тебранса кейиндин, меҳр чиқса ўтрудин.

Қон ёшим селики тутмиш дашт бирла тоғни,
Арғувону лоладин ўзга не буткай ул судин.

Чарх мино соғаридин истама нўши ҳаёт,
Не учунким, бодаси мамзуж ўлубтур оғудин.

Масти ишқ ўлмиш Навоий, бермагил панд, эй ҳаким,
Ким магар соқий айилдургай бу майнинг бехудин.

Чарҳдин жонимғадур юз тиғи қотил ҳар замон,
Даврдин жомимда минг заҳри ҳалоҳил ҳар замон.

Асру мушкилдурки, юз мушкил ғамимдин бирни чарх
Қилмайин ҳал, еткурур юз онча мушкил ҳар замон.

Умрида Фарҳоду Мажнун ҳосил этканча бало,
Ишқдин бордур мени маҳзунга ҳосил ҳар замон.

Ҳар замон кўнглумга ишқ афсонасин ёзмоқ не суд,
Чайқалиб дарёйи ғам айлар чу зойил ҳар замон.

Жаннати васл истаманг, аҳбобким, саҳросида
Бир томуғ эрмиш сафар аҳлиға манзил ҳар замон.

Сиҳҳатим тутмоқ вужуд имкони йўқтур, эй табиб,
Ким эрур жоним адам кўйига восил ҳар замон.

Деманг осойиш ҳадисинким, бўлур афлокдин
Юз балийят ояти шаънимга нозил ҳар замон.

Даҳр аро йўқ нўшу юз минг ниш ҳар дам, эй рафиқ,
Емагай йўқ нўш учун юз ниш оқил ҳар замон.

Бўлса юз жоним бериб ўлмакни олсам, муфт эрур,
Жонга мундоққим етар юз тиғи қотил ҳар замон.

То абад бўлсун жаҳон мулки анинг фармонида,
Юз жаҳонча мулк бу мулкга дохил ҳар замон.

Эй Навоий, назм мулки чун сенингдур айлагил,
Шоҳ Ғозий васфи ичра тилни қойил ҳар замон.

461

Дема гулгундур либосим ашкнинг хунобидин,
Шуъладурким, ўртанурмен ҳажр ўтининг тобидин.

Кўзларин кофир десам йўқ, эй мусулмонлар, ажаб,
Ким иковлон юз эвурмишлар қоши меҳробидин.

Ғунчаи сероби ҳайвон чашмасидур гўйиё,
Анда су инмиш оқиб ҳар ён гули серобидин.

Қуш солиб сайд этмагилким, махласи йўқ беркишиб,
Жон қуши бошингға санчилган гажак қуллобидин.

Хўблар ошиқлариға меҳрин эткан чогда арз,
Лофдур, ҳар неки сен дерсен муҳаббат бобидин.

Бодаи софу, ҳарифи содаю мушфиқ рафиқ,
Гар муяссар бўлса бас, оламда айш асбобидин.

Уйқудин кўз очмадинг, гўё ани бахтим киби
Айладинг яғмо Навоий дидайи бехобидин.

462

Ҳар қатра қонки томди кўнгул тоза доғидин,
Бир тоза лола очти ғаминг ҳажр тоғидин.

Демон, ичинда хурда ниҳон қилди ғунчаким,
Лаълинг ғамида ўт чиқар анинг димоғидин.

Тенгдур шаҳу гадо хатиким, дуда бирдурур
Шаҳ базми шамъидин, доғи гулхан чароғидин.

Эрмас учуқ, шакарга ёпишти чибин пари,
Икки лабим била ани олсам дудоғидин.

Маст уйқу ичра топсаму бир кеча олмасам
Икки кўзумни тонгғача анинг аёғидин.

Гулда вафо йўқин қаю бир қушки англади,
Ҳаргиз вафо гули тиламас даҳр боғидин.

Доим юзунг хаёли Навоий кўзиндадур,
Ғойиб эмастурур парий онинг булоғидин.

463

Сиришким лаъли оташнок хатти мушкборидин,
Чиқарди дуд жоннинг ўт туташқан рўзгоридин.

Ел элтур хорнию сел хорони бил, эй булбул,
Ки ғам йўқ дашту тоғ аҳлиға Мажнун раҳгузоридин.

Сариғ коғазда жадвал машқидур шингарф ила ёхуд
Юзумда чекти хатлар ишқ гулгун ашки торидин.

Танимда доғ ила қонму экин ёхуд бу Мажнунни
Вуҳуш ўткарди судраб ишқ дашти лолазоридин.

Дема, кун тушкача уйқуға қолмишким, оча олмас
Кўзин ё ноздин ёхуд сабуҳи май хуморидин.

Малойик ишқсиз гар эрди сен бор улки ҳажрингда,
Туташти барчага ўт шуълаи ишқим шароридин.

Аёқ иззат била бос ергаким, ҳар сабзаву лола
Нишон бир юз гулидин айтуру бир хат ғуборидин.

Ажаб йўқ, дашт аро Мажнун қуюндек садқаси бўлмоқ,
Қаён бир ноқа кўрса соғиииб Лайли қаторидин.

Навоий истаган ёр ихтиёри бирла мақсудин,
Магарким кечкай ўз мақсуди бирла ихтиёридин.

464

Вафо йўлинда, эйким, топмадинг истаб асар мендин,
Дегайсен билганинг ул бевафо сўрса хабар мендин.

Танимда қаддингу лаълинг фироқи тийрборонин
Киши кўрса, гумон қилгайки, бутмиш найшакар мендин.

Жигаргун бўлди қасринг тоши лаълинг ҳажрида баским,
Сиришк ўрииға ҳажр оқизди қон бўлган жигар мендин.

Анингдек солди ишқинг шуъла жоним ичраким, шаксиз,
Малойик барча куйгай, кўкка тушса бир шарар мендин.

Бўлубмен ул париваш фурқатидин телба ит янглиг,
Қаён юзлансам, эй аҳли салоҳ, айланг ҳазар мендин.

Қилиб Фарҳоду Мажнун ишқи ўтин шарҳ, эй ровий,
Бўлуб гарми такаллум фориг ўлмишсен магар мендин.

Не тонг, сиймоб янглиг оқса кўздин сиймгун ашким,
Ки сиймоб айламиш ҳушу хирад бир сиймбар мендин.

Амал сарриштасин қилма мутаввал, келганин хуш кўр,
Тутунг, аҳбоб, ёд ушбу каломи мухтасар мендин.

Жаҳону жонни тарк айлаб, анинг кўйига азм эттим,
Навоий, бас муносиб эрди бу янглиг сафар мендин.

465

Йўқтурур мажлисда айше фурқатинг бедодидин,
Юз фиғон, гар бўлмасам хурсанд васлинг ёдидин.

Нечаким тушсам йироқ бу маслаҳатқа, яхшиким,
Тингасен ҳар кеча кўнглум нолаву фарёдидин.

Зулфу қаддинг фурқатидин неча қилсам гашти боғ,
Овуна олмон чаманнинг сунбулу шамшодидин.

Панд ила сабрим уйин, эй ақл, маъмур истама,
Ким қўнгармиш кўз ёшим сели ани бунёдидин.

Деб эдинг жононсиз ўлсанг, жонинг олғум, эй ажал,
Жон фидонг, ар ваъдани ўткармасанг миъодидин.

Савмдин кўнглум қуши майл этти сую донага,
Лекин оғзии боғладим, қўрқиб ажал сайёдидин.

Эй Навоий, кимдурур бу дайр аро аҳли нажот,
Улки чиқмас дайр пири амрию иршодидин.

466

Кўзгу ҳар дам судур ул рухсори оламсўздин,
Муз анингдекким эрир меҳри жаҳонафрўздин.

Юз очиб, билдирди қад бирла сочи тенг эрканин,
Зоҳир ўлғондек туну кун тенглиги наврўздин.

Истасангким, тиккасен юз пора кўнглум чокини,
Яхшироқ ҳеч игна йўқ ул новаки дилдўздин.

Ишқ гард эткан танимдин ҳажр ўти учқунлари,
Тиғ ҳар ён ламъа кўргузган кибидур тўздин.

Овладинг кўнглум, чу соид кўргузуб қовмақ недур,
Жавр ила кетмак чу келмас сайди дастомўздин.

Соқиё, даврон гамидин ранжамен, кўнглум аро
Паст қил андуҳ ўтин жоми нишотандўздин.

Кеч, Навоий, жону кўнглунгдинки, йўқтур ишқ аро
Чора оҳи жонгудозу нолаи дилсўздин.

467

Эй мусулмонлар, фиғон ул кофири худкомдин,
Ким чиқарди кўкка афғон лашкари исломдин.

Лаъли руҳафзосидин бир бўса пайғом айлади,
Гарчи ёлғон эрди, мен жон топтим ул пайғомдин.

Зулфу рухсорингдин айру гарчи йўқ шомимга субҳ,
Шамъдек ҳар кеча то субҳ ўртанурмен шомдин.

Зулфидин кўнглумки махлас топти, бор ул телбаким,
Банддин қочмиш ваё қушким қутулмиш домдин.

Фурқат айёмидаким ёд этмас ул маҳваш мени,
Васл топсам, мен доғи ёд этмай ул айёмдин.

Жоми майда бўлди чун ул бут жамоли жилвагар,
Кофири ишқ ўлгамен, гар бош кўтарсам жомдин.

Дайр аро, эйким, Навоийдин тиларсен ному нанг,
Билким, ул бу ерга қочиб келди нангу номдин.

468

Васл этти ёр ваъда лаби жонфизосидин,
Гўё бу сўзни айтти жоним аросидин.

Гар кўрмадинг шафақ уза хуршид, эй кўнгул,
Эҳсос қил ани юзу гулгун қабосидин.

Мунглуғ кўнгулнинг оҳидин этмас рақиб ваҳм,
Йўқ итка бок ишқ гадойи асосидин.

Ишқ ичра ўлдум, оҳки, қутқармади мени,
Давр офати ул офати даврон жафосидин.

Оламни ҳажр зулмати тутқай, совурса ел
Куйган фатилани янги доғим қаросидин.

Чархи данида бодаи гам тўлмиш, эй рафиқ,
Жуз ҳажр заҳри қилма тамаъ давр косидин.

Сабт ўлмаса, Навоий, ани назми зайлида,
Фаҳм айлар аҳли дард каломи адосидин.

469

Яна не чеҳраға ўт солди майки, ҳайронмен,
Яна не туррани ел очтиким, паришонмен.

Учурки, эй қуюн, ул ой бошига эврулайин,
Бу дамки йўлида туфроқ бирла яксонмен.

Бири фусуну бири симёға ҳамл этарлар эл,
Чу заъфдин келибон кўзларига пинҳонмен.

Вуҳуш аро мени дашт ичра кўрди чун Мажнун,
Тасаввур эттиким, ул хайлға нигаҳбонмен.

Чу халқдин қочибон дайр сари юзландим,
Рафиқлар, билингиз, ваҳшийи биёбонмен.

Чу билмай элга вафо айладим — жафо кўрдум,
Не суд эмди, агар нечаким пушаймонмен.

Навоий эмди қилурмен Ҳижоз оҳанги,
Соғинмағил янаким озими Хуросонмен.

470

Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечкамен,
Хонумондин ким десун, икки жаҳондин кечкамен.

Ҳар замон бошимға юз тиғи бало айлаб қабул,
Умрдин тортиб этак, биллаҳки, жондин кечкамен.

Шаҳру кишвар, хонумон, икки жаҳону, умру жон,
Худ не бўлғай, мунча юз ком ўлса, ондин кечкамен.

Гар Скандар мулки бирла Хизр умри берсалар,
Ўйла мулку бўйла умри жовидондин кечкамен.

Мумкин эрмастур валек, эй меҳрибонларким, даме
Қилса юз бедод, ул номеҳрибондин кечкамен.

Воизо, айлаб енгиллик, нечаким Кавсар майин
Мақтасанг, ҳошоки, мен ратли гарондин кечкамен.

Эй Навоий, қон ёшим баҳр ўлди бу дам истасам,
Ким етай ул қотилимга, эмди қондин кечкамен.

471

Ҳар тарафким борур агёр ила жонон, талашурмен,
Чун ажал қасд қилур ўлмакима, жон талашурмен.

Ҳажр тиғ урса, талошимни ўлум хавфи соғинма,
Ким шаҳидинг бўлайин деб мени ҳайрон талашурмен.

Бошоқ устида талашқон киби мазраъда гадолар,
Дашти ишқинг аро ушшоқ ила пайкон талашурмен.

Эй пари, чун кийик ўхшар ики кўзунга биайниҳ,
Бу жиҳатдин мени девона биёбон талашурмен.

Гарчи агёрдин олмоғлиғ эмастур сени мумкин,
Турмағумдур боқибон, ончаки имкон, талашурмен.

Аччиғим келгали Кавсарни ачиғ бодага таржиҳ,
Хирад аҳли чу қилурлар, мени нодон талашурмен.

Қўл солиб ҳажр ўтида ул киши янглигки су ургай,
Эй Навоий, чу ошар шуълаи ҳижрон, талашурмен.

472

Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир эткамен,
Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир эткамен?!

Эй қаро кўз, бўлмас ул юз шавқидин юздин бири,
Кўз қаросидин агар юз нома таҳрир эткамен.

Ёшурун қолғайму ишким, бўйлаким ул шўҳдин
Чиқса бир сўз бехабар, юз қатла тақрир эткамен.

Не жунундур буки, ҳар тун ул париваш васлига,
Юз хаёл айлаб, яна бориға тағйир эткамен.

Эйки, дерсен васл коминг бўлса, жон қилғил фидо,
Ул муяссар гар бўлур,мен худ не тақсир эткамен?!

Ишқ азалдиндур насибим, носиҳо, манъ этмагил,
Манъ қилсанг ҳам, нетиб мен манъи тақдир эткамен.

Эй Навоий, нақди жон бергил дединг савдосига,
Бўйла савдо гар муяссар бўлса, тавфир эткамен.

473

Базм ичинда андоқ ул маҳваш хаёли бирламен,
Ким хаёл андоқ қилурменким, висоли бирламен.

Сўзлашурда ўз-ўзум бирла жунун аҳли киби,
Ул париваш белу огзи қилу қоли бирламен.

Гаҳ кулуб, гоҳики йиглармен хаёл айлаб ани,
Васли уммидию ҳижрони малоли бирламен.

Демагил, майдин юзум рангин, қулоғимдур қизиқ,
Ким бу янглиғ ҳажр кожу гўшмоли бирламен.

Оғзию зулфи ғамидинким эрур ноламда мад,
Бўйла мад тортарда онинг «мим»у «доли» бирламен.

Соқиё, бир жоми май бирла мени девона қил,
Ким мушавваш ақл савдойи муҳоли бирламен.

Эй Навоий, ақл сори эмди бўлма раҳнамун,
Ким бўлуб девона, ишқи лоуболи бирламен.

474

Бир юзи ўтлуқ шарори ишқидин маҳрурмен,
Дўстлар, ўртансам, этманг айбким, маъзурмен.

Ишқини не суд пинҳон тут демактин, эй рафиқ,
Эмдиким ишқ ичра расволиқ била машҳурмен.

Мен киму уйқуға кўз юммоқ? Чу йўқтур тоқатим,
Оразидин кўз юмуб очқунча гар маҳжурмен.

Не ажаб Фарҳоду Мажнун зикриким, бўлмиш унут,
Ким мен эл ичра жунуну ишқ ила мазкурмен.

Оби ҳайвон ичмагаймен истабон дафъи хумор,
Менким ул майгун лаби жонбахшдин махмурмен.

Кимсага чун йўқтурур бу коргаҳда ихтиёр,
Йўқ манга айбу ҳунар, гар маст, агар мастурмен.

Эй Навоий, васл умидин ёқмоғил туҳмат манга,
Ким мен ул маҳвашни бир кўрмак била масрурмен.

475

Азимат айлама, эй шўхи бехабар, ҳар ён,
Мени фироқинг аро қилма дарбадар ҳар ён.

Фироқ шомида анжум эмаски, оҳимнинг
Ўти шафақ бўлуб, ўлди жудо шарар ҳар ён.

Дема танимда янги доғларки, ишқинг ўти
Чу тушти кўнглум аро, айлади асар ҳар ён.

Юзунгда холлар эрмас, кўзунг ғизолидур,
Ки тушти нофасидин қатра мушки тар ҳар ён.

Кўрунг заиф таним теграсида жаври тошин,
Яғоч тубида сочилғон киби самар ҳар ён.

Қадамни фақр тариқида ҳар тараф урма,
Туз айла қатъки, бордур басе хатар ҳар ён.

Навоий учқали шавқунгда, тиғи ҳажрингдин
Алифлар англама жисмида, чиқти пар ҳар ён.

476

Соқиё, очтинг чу май тутмаққа жоми Жам юзин,
Юз гамим дафъ айладингким, кўрмагайсен ғам юзин.

Ўйла руҳафзо лабинг анфосидин топтим ҳаёт,
Ким гар ўлсам кўрмагаймен Исои Марям юзин?

Ёр меҳмон бўлмоқ эрмиш, боринг, эй жону кўнгул,
Истарамким кўрмагай, албатта, номаҳрам юзин.

Гар вафо аҳлиға олам зулм қилмас, бас недур,
Дуди оҳимким қаро айлабтурур олам юзин.

Тун эмас, баским, фалак жонимга қўймиш доғи зулм,
Ул туганлар дуди тутмиш нилгун торам юзин.

Эйки, кўнглунг чоки бутти васлдин, шукр айлагил,
Ким менинг захмимдур улким кўрмамиш марҳам юзин.

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст,
Истарамким, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Баски, кўрмишмен қуёш юзлук улустин тийралик,
Дермен, оҳим тийра қилса наййири аъзам юзин.

Эй Навоий, тушса мает илгингга бир кун, ўпкасен
Ҳам қабоғин, ҳам сақоғин, ҳам дудоғин, ҳам юзин.

477

Минг ўтум бор, айлай олмасмен аён мингдин бирин,
Даҳр куйгай, зоҳир этсам ногаҳон мингдин бирин.

Минг туган жисмимда кўрсанг, кўп таажжуб қилмаким,
Ичдагидин зоҳир айлабмен аён мингдин бирин.

Дема, дардингни ниҳон тутқилки, юз минг дардни
Махфий этсам, қилмиш ўлгаймен ниҳон мингдин бирин.

Ўйла юз минг пора кўнглумни паришон этти ҳажр,
Ким топа олмон тилаб мен нотавон мингдин бирин.

Гарчи қилди ҳажр ўти ўртанмакимни бирга минг,
Олам ўртангай, агар қилсам баён мингдин бирин.

Оҳким, аҳбобдин ҳар кимга айлаб минг вафо,
Топмадим яхши ўзумга мен ёмон мингдин бирин.

Эй Навоий, даҳр эли гар мингу гар бир тонима,
Ким вафолиг айлай олмасмен гумон мингдин бирин.

478

Лабинғ майи ҳавасидин мудом йиғлармен,
Пиёладек бўлубон талхком йиғлармен.

Ғаминг тунида куюб шамъдек саҳарға дегин,
Ўзумға уйқуни айлаб ҳаром, йиғлармен.

Ўзумни ҳар нимага кундуз айларам машғул,
Ғариб ҳолима, чун бўлди шом, йиғлармен.

Ториқти чарх йиғимдин, мағарки билмас эди,
Ки дарди ҳажр замонин тамом йиғлармен.

Хаёл ила анга деб, дам-бадам саломимни
Бериб ўз-ўзума андин паём йиғлармен.

Бўлуб ичим тўла қон давр эли нифоқидин,
Сариғ узор ила андоқки жом йиғлармен.

Навоиё, яна бир лоларух фироқинда,
Кўзум ёшин қилибон лолафом, йиғлармен.

479

Гар деса кўз бирла рухсорин тамошо қилмайин,
Васлини найлаб кўнгул бирла таманно қилмайин.

Гавҳари ишқиға кўнглумни нетиб қилмай садаф,
Мунча баским кўзни ифшосига дарё қилмайин.

Оҳ ўтию ашк селидин бўлур ер-кўк тўла,
Неча дермен ишқ асрорин ҳувайдо қилмайин.

Ўт тушуб кўнглумдаву кўксумда равзан захмидин,
Дудини онинг не янглиг ошкоро қилмайин.

Ул парий ҳар жилвасида ақли кул шайдо бўлур,
Телбаликдиндур, десам кўнглумни шайдо қилмайин.

Қилмағил, эй шайх, усруклар унидин шикваким,
Маст ўлуб майхонада бўлмас алоло қилмайин.

Соқиё, андоқ тўла тут бодаким, бехуд бўлай,
Токи давр ошубиға бир лаҳза парво қилмайин.

Қилди ул кўз ёдидин кўнглум кийиклар сори майл,
Неча мен Мажнун дедимким, азми саҳро қилмайин.

Эй Навоий, оламоро ҳусн невчун очти ёр,
Бўлмас эмди ўзни олам ичра расво қилмайин.

480

Қил бу ён жавлонки, жонни хоксоринг айлайин,
Бошинга эврулгали қўпқон ғуборинг айлайин.

Бу баҳона бирла чунким жонни садқанг айладим,
Ақлу ҳушу сабр нақдин ҳам нисоринг айлайин.

Юз агар очсанг, назарнинг қушларин сайдинг қилай,
Ўқ агар отсанг, кўнгул сайдин шикоринг айлайин.

Қочиб эл наззорасидин гар кирарсен аксдек,
Кўзгудек кўнглумни темурдин ҳисоринг айлайин.

Сен лабингдин жон бериб, васлингдин элнинг кўнглин ол,
Мен ҳазин жону кўнгулни хору зоринг айлайин.

Хонақаҳда, эйки, ўзлук жомидин махмурсен.
Кир фано дайригаким, дафъи хуморинг айлайин.

Тўлса паймонанг, Навоий, дайр аро май бирла юб,
Бошининг хум кирпичин хишти мазоринг айлайин.

481

Оҳу вовайлоки, олам аҳлининг бадҳолимен,
Ҳар нафас бир дарду меҳнат хайлининг помолимен.

Кўздин оққон тийра қоним зор жисмимни бўяб,
Ким қурубтур хома янглиғдур, мен онинг нолимен.

Токи кўнглум иттию фориғ бўлубмен дардидин,
Ишқ аро кўнглин итурган хайл фориғболимен.

Баски бедодинг юкин тортиб қадим бўлмиш нигун,
Гўйи ул бедоднинг остида қолғон долимен.

Руҳи Мажнуннинг магар жисмим аро қилмиш ҳулул
Бўйлаким, заъфу жунун бирла анинг тимсолимен.

Ишқ аро васл истамон, қонимни то қилдим ҳалол,
Ҳар неким ишқ аҳлига мушкулдурур, ҳаллолимен.

Ёр ила ушшоқу, мен — маҳжур, ҳолим сўрмаким,
Эй Навоий, бу жамоатнинг хароб аҳволимен.

482

Жонға ҳар дам ишқидин юз минг бало кам истамон,
Ўзгага минг йил ўтуб, юздин бирин ҳам истамон.

Ёр чун истарки, гамнок ўлғамен ҳижронидин,
Не ажаб гар васлидин кўнглумни хуррам истамон.

Тиғи ишқинг захмидин жоним бир осойишдадур,
Ким агар юз қатла ўлсам, доғи марҳам истамон.

Девсийратлар била кўрсам не ҳол ўлғай манга,
Ул парийга чун малак хайлини ҳамдам истамон.

Не таҳаммул, гар юзига тушса номаҳрам кўзи.
Ўз кўзумни айни гайратдин чу маҳрам истамон.

Онча эл жаврин кўруб менким тилармен фардлиқ,
Бўлса ёре ҳам вафолиқ, жинси одам истамон.

Эй Навоий, ишқ агар оламга расво қилмаса,
Мен худ ўзни куч била расвойи олам истамон.

483

Ўлтурур кўйида ишқ аҳлин алолоси учун,
Шоҳ қатл эткан киби итларни ғавғоси учун.

Тийра зулфидин кўнгул рухсорин айлар орзу,
Гўйиё равшан су истар дафъи савдоси учун.

Чун бўлур ҳар тун шабистон ичра шамъи анжуман,
Хайли анжум эврулур ул ой тамошоси учун.

Қаддида гулгун либос эрмаски, устоди азал
Барги гулдин ҳулла қилмиш сарви раъноси учун.

Зулфи занжириға ҳаддим йўқ, ити занжири ҳам
Яхшидур, қайд этса бу мажнуни шайдоси учун.

То тирикдурсен, қадаҳ даврин ғанимат тутки, чарх,
Эврулур тегрангга нақди умр яғмоси учун.

Эй Навоий, тарки дунё айла, иззат истасанғ,
Ким мазаллат келди саъй онинғ таманноси учун.

484

Масканим ҳижронда бўлса эрди Марви Шоҳжаҳон,
Бергай эрди ҳажрдин ўлсам, танимга шоҳ-жон.

Рашкдин жону кўнгул бир-бирга душман бўлдиким,
Гоҳ васлингни кўнгул айлар таманно, гоҳ жон.

Нома сабт айларда чиқти жон, вале куйди кўнгул,
Ким қошингга нома бирла бормагай ҳамроҳ жон.

Жон била кўнглумни асрармен фидо айлай дебон,
Йўқса эрмас ҳам кўнгул матлубу ҳам дилхоҳ жон.

Райрдин холи висолингни тилармен, оҳким,
Кўрмагай кўз, бўлмагай воқиф кўнгул, огоҳ жон.

Фурқатингда бода қўймас ўлгаликим, қайтарур,
Чиққали огзим сари майл айласа ногоҳ жон.

Эй Навоий, ўйла жон огзимга етмишким, чиқар,
Фурқатида ҳар неча оҳиста чексам оҳ, жон.

485

Йўқ дамеким, ул қуёш ёдида фарёд айламон,
Айламон фарёдким, гардунни барбод айламон.

Нола қилмонким, халойиқ кўнглини қилмон ҳазин,
Навҳа чекмон эл ароким, элни ношод айламон.

Оразу қадди хаёли бас менга, эй боғбон,
Гул сари қилмон тамошо, майли шамшод айламон.

Кўйма юз ҳуру парий васфиға, эй ровийки, мен,
Қиблаи жон ғайри ул ҳури паризод айламон.

Айламон маъмур ақлу сабр ила кўнглум уйин,
Чун мени бузди, мен ул вайронни обод айламон.

Ҳар неча қилдим вафо, кўргуздилар жавр, эй кўнгул,
Айб қилма, гар замон абносидин ёд айламон.

Эй Навоий, тарки ишқ этким, қутулсам мен доғи,
Кимсага кўнглумни мундин нори муътод айламон.

486

Кўз била қошинг аро ул холи мушки нобдин,
Нуқта «кофур» узра тушмиш ё қуйи меҳробдин.

Ул оғиз оллидаким ҳар лаълидур оби ҳаёт,
Номуносибдур демак сўз ғунчаи серобдин.

Ўйлаким, зулфунг ғамин оламга тарқатмиш насим,
Не ажаб, судралса юз жон бўйни ҳар қуллобдин.

Нуқтаи мавҳум эрур оғзинг, нетиб ком истайин,
Ким таматтуъ касб қилди жавҳари ноёбдин?

Ҳажр тобу печидин қисқарди умрум риштаси
Тор ул янглиғки бўлгай қисқа печу тобдин.

Олам асбобидин ўт, гар истасанг кўнглунгни жамъ,
Ким паришонлигдин ўзга етмас ул асбобдин.

Эй Навоий, ёр кўйида қаро туфроқ аро
Қолибон ортуқ кўрармен бистари синжобдин.

487

Неча ғамим ўтин аҳли замонға еткурайин,
Шарору дудидин анинғ осмонға еткурайин.

Қадам бошимдин этиб кўйи азми қилдимким,
Бу макр ила ани ул остонға еткурайин.

Лабингға май била нўши ҳаёт еткандек,
Анинғ хаёлини мен доғи жонға еткурайин.

Кўнгул чу кўйида гум бўлди, не кўнгул бирла
Ўзумни ком тилай гулситонға еткурайин.

Кўнгулни истаю вайрон баданға элтурмен,
Ки хонумонини бехонумонға еткурайин.

Жаҳонда фитнадур, айлаб сўроғи майхона,
Ўзумни саъй ила дорул-амонға еткурайин.

Навоий оҳи санға заъфдин чу етмас, кел,
Ки васлдин мадад ул нотавонға еткурайин.

488

Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлған,
Ҳар кимки йўқ андин батар, андин батар ўлған,

Чун дилбари кирпиклар ўқи ҳар сари отқан,
Аъзоси аро ҳар сари мў ништар ўлган.

Менмен лаби жонбахшинғ учун лаъл масаллик,
Бағри тешилиб, ғарқаи хуни жигар ўлған.

Деҳқон, деки, мендек яна даврон чаманида,
Ким кўрди вафо нахлиға ҳижрон самар ўлған?

Жисми шарар айрилмоқ ила билки туганди,
Кўнғлида муҳаббат шараридин асар ўлған.

Мает ўлки, жаҳон меҳнатидин топти фароғат,
Давронға келиб кетканидин бехабар ўлған.

Фақр ичра, не тонғ, ўзлукидин кечса Навоий,
Фард ўлди фано шевасидин баҳравар ўлған.

489

Ой ботти мунфаил бўлубон ул жамолдин,
Шоядки, чиқмағай яна бу инфиолдин.

Зулфунг хаёли кўнглум уйи ичра тўлғали
Холи эмастурур нафасе ул хаёлдин.

Ким кўрди ҳусн боғида сарве қадинг киби
Ҳаргиз тажовуз айламаған эътидолдин.

Сабрим уйини йиқса қадинг нахли, тонг эмас,
Ҳаргиз сутун ким айлади наврас ниҳолдин?

Дардоки, ўлдуму анга дардимни демадим,
Кўнглин мукаддар айламайин деб малолдин.

Юз жон бериб, вафо бани одамда топмадинг,
Кеч эмди, эй кўнгул, бу хаёли маҳолдин.

Хурсандлиқ Навоийғадур бу умид ила,
Ким васли тошқори худ эмас эҳтимолдин.

490

Рахшингки, хиром ичра ўтар кабки даридин,
Истармен анинг наълини товус паридин.

Ўтган йўлида наълидин ўт жонима тушти,
Жонимга нелар келди анинг раҳгузаридин.

Гулгунмудурур ё жулини айлади ул навъ,
Хайёти фалак санъати гулбарги таридин.

Гулрухлар аро чунки сўрарсен, хабар айтур
Эскан гулу сарв узра насими саҳаридин.

Отинки, парий чеҳра дединг, сендадур ул от,
Англар кишиким, ори эмас табъ асаридин.

Не ҳожат эди суръат анга, мунчаки ошиқ
Кўзни юмубон очқуча ўткай назаридин.

Мужгон била истар қашигай суртуб анга кўз,
Фаҳм ўлса Навоийға ризо сиймбаридин.

491

Куйдум ғами ишқимни аён айламакимдин,
Чеккай эдилар кош тилимни кўмакимдин.

Бир лоладурурким, ичида доғи ниҳондур,
Ҳар қонки томар доғи ниҳони юракимдин.

Дашт ичра жунун аҳлиға бўлди алами ишқ,
Ҳар хор уза парголаки қолди этакимдин.

Ишқ ичра тирикликда паришонлиғим англар,
Кўрган киши саҳрода ёйилгон сўнгакимдин.

Мажнундек элармен этаким бирла чу туфроқ,
Гўёки фано гарди ёғар ул элакимдин.

Ҳасрат иликин тишлаб ичармен гамидин қон,
Айшимни хаёл эт: бу — маю ул — газагимдин.

Ҳажрида Навоий киби матлубум эмас умр,
Ҳар кимни тилармен чу йироқмен миракимдин.

492

Киши ойирса бир бедилни ёри дилпазиридин,
Умид улким, айиргай Тенгри они ногузиридин.

Агарчи мен асири бўлдум ул бадмеҳрнинг, ё Раб,
Жудо қилма асирин ондину они асиридин.

Деб эрмишким, замиримда анга зулм айламак йўқтур,
Чиқарғил, ё Раб, ушбу зулмни онинг замиридин.

Димоғим топмасун мақсуд иси, гар кўйи туфроғин
Топиб, они муаттар истасам жаннат абиридин.

Мену — қон ютмоғу майхона туфроғи, деманг зинҳор
Манга Жамшид жоми бирла Афридун сариридин.

Очилди чун эшиклар дайрга, май ичмай ўлдум маст,
Нечукким аҳли раҳмат жаннат абвоби сариридин.

Навоий шодмондур барча, гар ўлтургали ул шаҳ
Қилибтур ёд аҳли ишқ аро ушбу фақиридин.

493

Келса бир кун, неча кун келмаслигидин лолмен,
Бир кун ўз ҳолимда бўлсам, неча кун беҳолмен.

Неча кунким келмаса, айлар ўлум ҳоли мени,
Келса бир кун ўлтурур, бу ишвалардин лолмен.

Йўлида туфроғ агар бўлдум, гараз побўсидур,
Бўлса бу комим раво, ғам йўқ агар помолмен.

Дилбарим Ширин била Лайлига гар ақрон эса,
Мен доғи Мажнун бирла Фарҳодга амсолмен.

Ҳинду ўлдум, ҳажр эткач рўзгоримни қаро,
Ё балоға нуқта, ё андуҳ юзига холмен.

Соқиё, ҳижрон ғами туғёндадур, лутф айлаким,
Дам-бадам ошуфтаи бир жоми моломолмен.

Эй Навоий, бошима кўрким нелар келтурди ишқ,
Пири ақл эрдим, бу дам бозичаи атфолмен.

494

Ул парий маҳжуб бўлгай деб мени девонадин,
Чуғздек чиқмон туну кун гўшаи вайронадин.

Ошнолар таъни ишқида ҳалок айлар мени,
Мунча шиддатлиқ эмас, неким келур бегонадин.

Айтсамким: «Садқанг ўлдум, нега куйдурдинг мени?»
Дерки: «Бу мушкулни фаҳм эт шамъ ила парвонадин».

Ёр меҳмон бўлса, бермасмен ризо, чун бир нафас
Меҳнату ғам хайли чиқмаслар бизинг кошонадин.

Чунки ёйилди ҳаводис фитнаси ҳар гўшада,
Маслаҳат эрмаски чиқсам гўшаи майхонадин.

Мен ичиб майхонада май, жаннату кавсар сўзин
Воиз айтиб, бўлмади кўнгли малул афсонадин.

Бир парийдин гар санга банди жунун тушти, не тонг,
Эй Навоий, қочмагай девоналар завлонадин.

495

Неча кўрган сойи ажзим жавр оғоз эткасен,
Англаган сойи ниёзим шиддатин ноз эткасен.

Мумкин эрмас чун қуёш васли кеча хуффошқа,
Эй кўнгул, ул ён неча ҳижронда парвоз эткасен.

Бўлса ҳаддим, дер эдим оллингда кўнглум розини,
Ғайрни рағмимга гарчи маҳрами роз эткасен.

Лаъли ул кофирнинг элга жон бағишлар, эй Масиҳ,
Неча анфосинг била даъвои эъжоз эткасен.

Дам-бадам шавқум санга кўпракдур, аммо сабрим оз,
Гарчи сен бедодни кўп, меҳрни оз эткасен.

Эй фалак, зулму ситам ичра ўз овозинг учун,
Неча бизга ҳар замон бир иш саровоз эткасен.

Эй муғанний, баски йиглатгайсен элни базм аро,
Гар Навоий оҳи бирла нагмани соз эткасен.

Қариған чоғда бир маҳваш йигит шайдоси бўлмишмен,
Ки ишқидин қари бирла йигит расвоси бўлмишмен.

Қуюндек пўяда майдон манга гаҳ тоғ эрур, гаҳ дашт,
Магар Мажнун била Фарҳоднинг ҳампоси бўлмишмен.

Бағирдин итларига тўъма, қон ёшимни май қилдим,
Жунун базми аро ул хайли базмороси бўлмишмен.

Мени кўргач бўлур ишқ аҳли мажнун, берма панд, эй ақл,
Чу мен девоналарнинг мояйи савдоси бўлмишмен.

Бўлур ишқ аҳли таълим олсалар девоналиг мендин,
Нединким, мен бу нодон хайлнинг доноси бўлмишмен.

Деманг, аҳли хирад ишқу жунун савдосидин чиқким,
Мени бехонумон бу даштнинг насноси бўлмишмен.

Навоийдек қариғанда йигит бўлсам тонг эрмаским,
Қариган чогда бир маҳваш йигит шайдоси бўлмишмен.

497

Кеча асру музтар эрдим, ваҳки, шайдомен букун,
Тун худ ўтти, лек онсиз ношикибомен букун.

Не сўзумни фаҳм этарлар эл, не мен элнинг сўзин,
Билмон элнию ўзумни — асру расвомен букун.

Рўзгорим зулфу, холу хаттидин бўлмиш қаро,
Эй хирад аҳли, билингким, маҳз савдомен букун.

Элга жон бермакка чиқти, гўйиёким рашкдин,
Ўлмагай оллида онинг кимса илло мен букун.

Мултафитдур элга, мен маҳрум, бу дамким чекиб
Тиғ, истар бир киши қатлин, мен авломен букун.

Эй кўнгул, сен онсиз эрмассен даме, бу дамки мен
Васлиға еттим, сен ўлғунг оллида ё мен букун.

Йўқтурур Фарҳод ила Мажнун, магарким билдилар,
Тоғча андуҳи бирла даштпаймо мен букун.

Ул парий ишқида ўзлук тарки туттим, соқиё,
Бодаким, девона бўлмоққа муҳайёмен букун.

Дўстлар, қочинг Навоийдинки, зулми ҳажр аро,
Дарди дил айтурдин элга меҳнатафзомен букун.

498

Тугун бир-бир демон, юз-юз мусалсал зулфи торидин,
Нишондурлар саросар мўр хайлининг қаторидин.

Юзи гул, зулфи сунбул, оғзи ғунча, қомати савсан,
Назоҳатда уятлиғдур Беҳишт онинг баҳоридин.

Ҳаводис шоми солса рўзгор ичра паришонлиг,
Нишон бил зулфида кўнглум паришон рўзгоридин.

Ани кўргач неча ишқим ёшурсам, халқ англарлар
Кўнгулнинг изтиробидин, баданнинг изтироридин.

Мен онсиз туфроғ ўлдум, эй сабо, сен раҳм этиб боре,
Қотиштур кўйининг туфроғига жисмим ғуборидин.

Мени ишқ ўйла расво қилдиким, эсмас менинг сори,
Насиме келса ногаҳ офият мулку диёридин.

Бу дайр ичра фано расмин биравким ихтиёр эткай,
Кушод имкони йўқтур кечмайин ул ихтиёридин.

Майи васл, эйки, нўш айлаб, ўзунгни айладинг сархуш,
Гуворо бўлсун, ар бийм ўлмаса бу май хуморидин.

Навоий сабру ишқидин ул ой форигдурур, яъни
Хабар йўқтур анга бу бенавонинг йўқу боридин.

499

Кўрса не фикри таним захмию кўнглум куйганин,
Улки наълу доғдин ҳайф этмиш ўз нозук танин.

Қайда кўрсун, кўрса не қилсун ёқам чоки асар,
Мастлиғдин улки ҳар дам чок этар пироҳанин.

Хирмани сабрим куярдин не ғам ул кофирғаким,
Ўт солибтур бодадин, кўргил жамоли хирманин.

Гарчи ранжим саъб эрур, ваҳ, қайда парво айласун,
Қотилеким, кўрди тиргузмакча ўлтурмак фанин.

Анғлағач қатл айлар эрди, шукрким, билмас киши
Базми ғавғоси аро аҳли мусибат шеванин.

Неча тавсанлиқ, сукун андин бурунроқ кўзлаким,
Олмағай ғоме, неча сурсанғ йиғитлик тавсанин.

Гулшани ишратқа сиз азм айланғиз, эй аҳли айш,
Ким Навоий бас оғир олмиш мазаллат гулханин.

500

Кирпикимдур ашк қони бирла шохи арғувон,
Раҳм қил, эй арғувони ранг тўнлуқ навжувон.

Ул ики кўздурму ё ишқингда айни заъфдин
Гўшаи гулзор аро ётмишлар икки нотавон.

Дуди оҳимни шарарлар бирла кўрган соғинур,
Ким етишти дард мулкидин юз ўйлуғ корвон.

То лабинг нақши кўзумда лаългун ашким киби
Тутти ер, ҳайвон зулоли юз сари қилдим равон.

Шод эдим ҳусн аҳли онидин, қани ул аҳли ҳусн,
Эй кўнгул, мен ғофилу эрмиш ғанимат ул авон.

Эй висол аҳли, сизу иззат бисоти узра айш,
Ким етибдур бизга қисмат ишқдин ҳажру ҳавон.

Эй Навоий, ёр агар зулм этса, шаҳға қил дуо,
Ким анга тобиъдурур адл ичра юз Нўширавон.

501

Ёзарда ишқинг ўтин секрир оҳимдин шарар ҳар ён,
Варақда нуқталар ийнак шарарлардин асар ҳар ён.

Рақиб илги жафо тоши кўп отса, бонс оҳимдур,
Анингдекким, итик ел шохдин сочқай самар ҳар ён.

Дам урмассен, лабинг ширинлиғин васф айласам, гўё
Ики лаълингни бир-бирга ёпиштурди шакар ҳар ён.

Кўкарган доғидур ғам тошларининг хаста жисмимда,
Қуруғ шох узра чирмошиб очилғай нилуфар ҳар ён.

Суда гулбарглар оққон масаллик лаъли ҳажринда,
Оқар ашким аро ҳар қатра қон бўлган жигар ҳар ён.

Кўнгулда ўқларингдин бар есам бир кун, ажаб эрмас,
Мунунгдекким бу боғ атрофида эктинг шажар ҳар ён.

Белинг сарриштасига мубтало бўлгон кўнгул сайди,
Кийикдекдурки, маҳкам айламиш йўлин камар ҳар ён.

Не муҳлик водий эрмиш Каъбаи мақсад биёбони,
Ки адно мўрдин бор аждаҳоларга хатар ҳар ён.

Навоий риштаи зуҳди узулса, қилмангиз ҳайрат.
Мунунгдекким ани усрук чекар бир сиймбар ҳар ён.

502

Ичимдаги ёшурун ғамки, айта олмасмен,
Бир ўт солур манга ҳар дамки, айта олмасмен.

Ғамики, ўлсам эмас айта олмағи мумкин.
Агарчи ўлтурур ул ҳамки, айта олмасмен.

Десамки, дардини дей, ишқи илги бўғзумии
Тутар анинг киби маҳкамки, айта олмасмен.

Не нукта ишқдин айтай десам, мени ул шўх
Қилур анинг киби мулзамки, айта олмасмен.

Ғаминг ниҳон мени ўлтурди зулм тиғи била,
Эрур букун манга мотамки, айта олмасмен.

Кетур пиёлаки, иш сиррини ҳакими азал
Анингдек айлади мубҳамки, айта олмасмен.

Навоий айтсун ўз дардиники, дард мени
Қилибтур ул сифат абкамки, айта олмасмен.

503

Кўнгул тошлар қаросин догларким, қўйди ғам ҳар ён,
Жунун ифротидин девона сочқондек дирам ҳар ён.

Мен ашк ичра чўмуб, ҳар тун қилиб ҳамсоялар ошуб,
Менинг ҳолимға йўқ, ўткан учун уйларга нам ҳар ён.

Эрур ҳар сори ушшоқ оҳидин, мендин эмас буким,
Бўлур нахли қадига жилва айлар чогда хам ҳар ён.

Булутқа ҳумрат эрмас меҳрдин, балким тутошибдур,
Момуқдек баски чиқти оҳим ўтидин алам ҳар ён.

Бўлур қон мушки, ишқинг мушкини қон эттиким, бўлмиш
Қаро шинжарф, ҳолим ёзгали қўйсам қалам ҳар ён.

Итибтур телба кўнглум ҳар тараф, эй ишқу дард, истанг,
Сўройин ул париваш қўйида мен хаста ҳам ҳар ён.

Не водий қатъ қилмоқдур, фано дайрида сокин бўл,
Ки қай равзанға қўйсанг кўз, бўлур маръий ҳарам ҳар ён.

Даме ўксутмагил, ё Раб, харобот аҳли ғавғосии,
Ки ул ундин кудурат қушлариға бўлди рам ҳар ён.

Навоийдек қадам майхонада беркит сутун янглиғ,
Десанг оллингға юз ғам келмагай, қўйсанг қадам ҳар ён.

504

Аҳд қилдим, ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,
Тил неким, хомам тилидин доғи мастур этмайин.

Барча элга фитна бўлған кўзга мафтун бўлмайин,
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Ишқ куфри бирла тақво хонақоҳин бузмайин,
Бут хаёлидин кўнгул дайрини маъмур этмайин.

Ҳар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,
Ҳар кун онинг ҳажрида кўнглумни махмур этмайин.

Гар чидай олмай кўнгул берсам бировга ногаҳон,
Бори эл ичра чидай олганча машҳур этмайин.

Ишқу май анжоми чун ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,
Ўзни бу иқболдин куч бирла маҳжур этмайин.

Зулм ила эл жониға ўт ёқма, эйким, шоҳсен,
Гар десанг дўзах ўтиға жонни маҳрур этмайин.

Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий, ўзни мен
Дўст маъмур айлаган хидматда маъзур этмайин.

505

Музайян қилма мармар тоши бирла туфроғим бошин,
Ки кўнглум дуди Машҳад тоши айлар машҳадим тошин.

Булут бирла ёғин эрмаски, ул ой ҳажрида ҳар дам
Тия олмон дамим дудин, йиға олмон кўзум ёшин.

Азал наққошиким чекти янги ой нақшини, гўё
Қалам соф айлар эрди сизгали ул дилрабо қошин.

Қувонди шайх зикри ҳалқасидин, найласун мискин,
Алоло ичра кўрмайдур маломат кўйи авбошин.

Халойиқ ўлганимни бахтим уйқуси соғинмишлар,
Нечукким тонимаслар тавъамоннинг кўрса қардошин.

Сочинг фикрига то туштум, мусалсал бўлди ул савдо,
Қачон билдим мен ул сарриштанинг бу навъ чирмошин.

Жаҳонни куйдурур, эй муғбача, паймонаи лаълинг,
Магар кўнглум ўти бирла қизитмишлар анинг дошин.

Ажаб меҳру шафақ эрмасмудурким, топмади ҳаргиз
Хирад бу тоқ меъморин, назар ул шамса наққошин.

Навоий, хонақаҳда хирқаву сажжоданг ўлмиш қайд,
Булардин махлас истарсен, фано дайри сари ёшин.

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОЯТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЙИ «БАДОЕЪ»ДИН

506

Сужуд этар қуёш оллингда ўйлаким ҳинду,
Юзунг қошинда қуёш «ло илоҳа иллоҳу».

Қуёш юзига боқардин назар эрур ожиз,
Юзунгдин этти магар акс зоҳир ул кўзгу.

Юзунг нишоиига ҳар зарра гар эмас толиб,
Қуёш жамолиға заррот невчун этти ғулу?

Магар тажаллийи ҳуснунгға мазҳар ўлди қуёш,
Ки зоҳир айлади онча жило била ёғду.

Юзунг хижолатидин меҳр ўйла сарғормиш,
Ки субҳ айлар онинг заъфаронидин кулгу.

Юзунгни тушта кўрар мумкин ўлса, истармен
Анингдек уйқуки, андин сўнг ўлмағай уйқу.

Навоий, иста висолин, Биҳишт истамагил,
Киши Биҳишт боринда тамуғни истарму?

507

Не ажаб, гар қилмасам гул рангу бўйин орзу,
Ким эрур андин димоғим ичра ўт, кўзумда — су.

Сарвни ҳам истамонким, кўзга андин ўқдурур,
Кимса бир ўқни кўзига қайда қилгай орзу?!

Гулжабинлик сарвқад моҳим керак, йўқ сарву гул,
Ул юзу қадсиз манга не ул керакликдур, не бу.

Қомату рухсори комимдур, йўқ эрса боғ аро
Ҳар тараф кўп саф тузатгай сарву гул қилғай ғулу.

Сарвқадлар бирла гул рухсорини кўп истадим,
Ул қаду юздин йироқ кўнглумга таскин бўлдиму?

Азми дайр этсанг, қилиб ғусли тариқат, гом қўй,
Лекин аввал дин ила исломдин илгингни ю.

Эй Навоий, даҳр бўстонида кўптур лавну атр,
Лек йўқ меҳру вафодин анда мутлақ рангу бў.

508

Юзунга ошуфта қошлар бўлмаса ошиқ иағу,
Бўлдилар ҳар қайси бир девонаи жўлидамў.

Бўлмаса девона, бас, не важҳдин занжир этиб,
Келтурубтурсен аёғи сори зулфи мушкбў.

Ул арақнок оташин рухсоринга майл эттилар,
Телбалар мойил бўлурлар, кўрсалар ўт бирла су,

Телба эрмас, балки икки ҳиндуи соҳирдурур,
Бош қўшиб афсун учун гўё қилурлар гуфтугў.

Ё тамошо қилгали, ё сеҳр таълим олгали,
Зулфининг ҳиндулари ҳар соридин қилмиш ғулу.

Шўхларнинг қошларига, эй кўнгул, майл этмаким,
Офият кўйига ҳожиблардур икки рўбарў.

Қошиға тушкан гириҳлар бирла кўнглунг богламиш,
Эй Навоий, ишқини тарк айладим деб бўлдиму?

509

Рўзада лабташналиғдин қилди заъф ул моҳрў,
Жон берурмен лаълига то бўлғуси жонимда су.

Лаълиға су орзу бўлмиш сусизлиғ тобидин,
Ким кўрубтур чашмайи ҳайвон су қилмоқ орзу.

Истарам ул гулни серобу буким беоб эрур,
Хаста кўнглум ғунчадек қон боғланибдур тўбатў.

Мен солай оҳим била оламга зулмат, эй Хизр,
Сен су кейнича югур, чашманг сари олиб сабу.

Заъфдин ҳар дам қуёшим ҳушидин ғойиб бўлур,
Кўз солинг Тенгри учун хуршид ғойиб бўлдиму?!

Риндлиғдин зоҳиди хушк ўлди, ул ой рўзада,
Гарчи зуҳд аҳлин харобот ичра қилди кўбакў.

Эй Навоий, ҳар дам ул ой заъфдин беҳол эрур,
Ҳеч билмонким, не қилгаймен, ажаб ҳол ўлди бу.

510

Хатинг эрмас, гул узра сабзаи боғи Эрамдур бу,
Не сабза, кун юзида тун саводидин рақамдур бу.

Гар оҳим шуъласи ўтти қуёштин, тонг йўқ, эй маҳваш,
Сен аҳли ҳусн аро шаҳлиғ учун чеккан аламдур бу.

Латофат суйидин тўлмиш занахдонинг чаҳи гўё,
Тарашшуҳ айлаган кун чашмасидин барча намдур бу.

Жафо доғин қўйибким жоним олдинг, асрасам,тонг йўқ,
Ниҳон кўксум ароким, жон бериб топқан дирамдур бу.

Иложимдин бўлуб ожиз, дедилар ҳикмат аҳликим:
Ғарибу хаста йўққим, ошиқу девона ҳамдур бу.

Бутеким куч била чекти бошимни саждага эмди,
Вафодин бош чекар, кўргилки, не саркаш санамдур бу.

Олиб дин нақди пири дайрким, қилди мени сархуш,
Кўрунг, охир не камлик ўтрусида не карамдур бу.

Қадаҳ даврини хуш тут, чарх жаврин боқма, эй соқий,
Ки ул тутқоч вужуд, албатта, билким кал-адамдур бу.

Навоий, ғофил ўлма, ул санамнинг қасрин айлансанг,
Самад зикрини мазкур айлаким, тавфи Ҳарамдур бу.

Кўп қочар ёр, ани кўп қилсам мени зор орзу,
Анда бисёр ижтинобу менда бисёр орзу.

Куфри зулфи орзусидин берурмен нақди дин,
Ким кўрубтур, эй мусулмонлар, бу миқдор орзу.

То кўзунг айни таносубдин манга қилгай назар,
Кечаю кундуз қилурмен ўзни бемор орзу.

Чун эрур ҳар тори зулфунг риштаи жон, бас не тонг,
Жон қушин ул дом аро қилсам гирифтор орзу.

Жаннат ўлса масканим кўюнг тилармен ўйлаким,
Дўзах аҳли айлагай жаннатқа изҳор орзу.

Боғ тавфидин ғараз андоққи бўлгай сарву гул,
Бизга кўюнг ичра бор ул қадду рухсор орзу.

Соқиё, айлар хуморим қасди жон, қилсам не айб,
Хаста жонимни муқими кўйи хаммор орзу.

Кундаи дўзахдурур бу равзада ҳар барги шох,
Айларам савсан киби ўзни сабукбор орзу.

Андин ўлдум озими дайри фано, эй муғбача,
Ким қилибмен ҳалқаи зулфунгни зуннор орзу.

Зоҳидо, бошдин аёгинг зарқ эрур, қўй пандким,
Бесаруполарга бўлмас кафшу дастор орзу.

Орзу айлар Навоий кўюнг ичра оразинг,
Зор булбул айлагандек боғу гулзор орзу.

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму?
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

Бехуд эрдим айткали кўнглум, чу келдим ҳолима,
Айтинг: ул овораи бехонумоним келдиму?

Қолмиш эрди хаста жон, кирганда мен майхонага,
Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демангизким, келди маҳвашлар сени ўлтургали,
Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум демангким, бошима келмиш Масиҳ,
Айтинг, ул осойиши руҳу равоним келдиму?

Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттунг валек
Демадинг ул зори беному нишоним келдиму?

Зуҳд кўйига кўнгул бирла дедингким, келмадинг
Эй Навоий, неча айтиб ул ёмоним келдиму?

513

Ваҳ, бу не ҳусну, жамолу не латофатдур бу,
Дема ишқ аҳлики, дин аҳлиға офатдур бу.

Шиша яиглиғ кўрунуб бода ўтар бўғзингдин,
Хилқатинг жавҳарида, ваҳ, не латофатдур бу.

Меҳрнинг оразини буки кусуф этти қаро,
Қуллуғунг айламаса, айни касофатдур бу.

Манга тиғ урса ризо бердиму агёрга, йўқ
Мен туруб ўлтурур они, не зарофатдур бу.

Ул парий ҳозиру кўзлардин эрур гойиб ҳур,
Шайх ани васф қилур, кўр, не хурофатдур бу.

Ёрнинг манзили жон ичраю сен ани тилаб,
Озими Каъба, ажаб қатъи масофатдур бу.

Демаким, бўлди жунун даштида жўлида сочинг
Ул қуёштин бошима сояи рофатдур бу.

514

То тушта юзин кўрдуму бўлмиш манга ком уйқу,
Лекин ғамидин бўлмиш кўзумга ҳаром уйқу.

Кўнглум не учун еткач зулфунгға бўлур беҳуд,
Маъҳуд эмас элга чун аввали шом уйқу.

Эл кўзларидин ул кўз уйқуни тамом олмиш,
Бу иштин экин охирким, бўлди тамом уйқу.

Ё тушта кўрай они, ё гайрни кўрмай деб,
Кўз очмайин истармен ҳажринда мудом уйқу.

Бу марҳалада солик кўз юмса, қолур йўлдин,
Йўл аҳли қачон айлар айларда хиром уйқу.

Чун сели сиришкимдин кўзнинг қораси бормиш,
Не навъ тута олгай ул ерда мақом уйқу?

Уйқуси Навоийнинг гар ўчти, ажаб эрмас,
То дона сиришк ўлмас, бўлмас анга ром уйқу.

515

Тиғ тортиб чу келур қатлима жонон ўтру,
Ҳар дам оғзимға етар чиқмоғ учун жон ўтру.

Кўнглума келса хаёлинг, чиқар ўтрусиға жон,
Эл чиқар, уйга кирар вақтда меҳмон ўтру.

Истабон васл қачон кўйига озим бўлсам,
Келмас оллимга бажуз новаки ҳижрон ўтру.

Ул қуёш ҳажрида отсам кечалар новаки оҳ,
Ҳоладин чарх тутар дафъига қалқон ўтру.

Дашт девонасига мен қилурам истиқбол,
Чиқса Мажнунга, не тонг, ғули биёбон ўтру.

Майда соқий юзи чун жилвагар ўлмиш, не ажаб,
Тутсам ул кўзгуни оллимга фаровон ўтру.

Келадур эрди ҳабибим, мени кўргач ёнди,
Эй Навоий, нега чиқтим мени нодон ўтру.

516

Сочинг ранги анбармудур, мушки Чинму?
Лабинг таъми шаккармудур, ангабинму?

Сочинг бўлмади куфр элигаму зуннор,
Бўюн тавқига қўймади аҳли динму?

Куярга кўнгул лаълинг эрмасму ўтлуқ,
Гулунгни қадаҳ қилмамиш оташинму?

Кўнгул ганжиға қуфл эмасму бошоғинг,
Янги доғ эмас анда нақши нигинму?

Дединг, масту ошиқни қатл айламишмен,
Дегил, қолди бир шайхи хилватнишинму?

Мени боғ гулгаштига чекма, деҳқон,
Вафолиғ, дегил, гулмудур, ёсаминму?

Навоий, анинг кўнглига кор қилмас,
Фигон тортмон, йўқса оҳи ҳазинму.

517

Не билгай улки қилур худи узра жилва ялов,
Менинг ўтумники, бошим уза ёнар лов-лов.

Бало аро чу мен ўлдум, бало қиличларини,
Не тонг ититкали лавҳи мазорим ўлса билов.

Қўлумда банди жунун тасмаси, не фикр эткай
Паривашеки, миниб дев, қўлга олса жилов.

Фироқ ўтида қарордим, магарки бу ўтни
Ёрутғали мени даврон илиги қилди кўсов.

Соқоли шайхи риёйга гарчи келди ҳаром,
Вале куларга эшак бўйнига керак ғужғов.

Юз узра хай, гул уза шабнамин ҳавас қилма,
Баёзи шайб ила чун ёгди бошинг узра қиров.

Навоий айлаб эди гарчи раз қизини талоқ,
Ҳалола бўлса ҳам ул қизни олғуси бу куёв.

518

Жонона тушубтур мени бемордин айру,
Жон ўйлаки тушкай бадани зордин айру.

Кўз олма кўзумдинки, ўлармен, агар ўлсанг
Бир кўз юмуб очқунча бу бемордин айру.

Ул рашки парий кўйида бошимга ёғар тош,
Атфолдин айрудурур девордин айру.

Жон кимсада қолғайму бу янглиғки олурсен,
Гуфтордин айру, қаду рафтордин айру.

Зулмунгни кам эткилки, вафо аҳли топилмас,
Ул зулфи хамида бу гирифтордин айру.

Матлубдин айру гила қилма талабингдин,
Матлубни ким кўрди талабгордин айру.

Ранжурдур ул кўйи фироқида Навоий,
Булбул не ажаб гамзада гулзордин айру.

519

Пок ишқ аҳли нечук васл айлагайлар орзу,
Номуносибдур балокашларга бўлмоқ комжў.

Лолагун рухсору мушкин зулфидин ком истаган
Ишқ ойинида гўё билмади жуз рангу бў.

Кўнгли пок эл гар маломат рангида қилса сулук,
Бок эмастур, бода бўлмас ранг қилғон бирла су.

Пок ошиқ ўртаниб парвонадек дам урмаган
Бўлғанидин, яхшироқ булбул киби бисёргў.

Ишқ таврида кўнгул бирла тилин забт айлаган,
Ўту суни жамъ этар, кимга муяссар бўлди бу?!

Рутба лекин бўлса пок элга булут янглиг бийик,
Барқ ўтин ёмғир аро асрар, зиҳи покизахў.

Эй Навоий, ишқ даъвосинда кўп лоф урмаким,
Фаннида соҳибкамол эл ҳар тараф қилмас ғулу.

520

Дема юзким, Хўтан гулзоридур бу,
Дема хат — нофаи тоторидур бу.

Кўзи ўлтурса, лаъли жон бағишлар,
Ажойиб муддао изҳоридур бу.

Десам зулфунгму кўнглум айлади банд,
Дер, эй мискин, анинг бир торидур бу.

Сўзи гар асру ширинлур, тонг эрмас,
Ҳадиси лаъли шаккарборидур бу.

Ўғурлар жон занахдонинг аро хол,
Ки Бобил чоҳининг айёридур бу.

Кўнгул ўзлукни бир соғарға сотти,
Магар дайри фано хамморидур бу.

Навоийга, — десам, — қил, эй йигит, раҳм,
Кулуб дер, не ҳаёсиз қоридур бу.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГЕЗЛИҒЛАРИ «БАДОЕЪ»ДИН

521

Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин огаҳ,
Ки фиҳрастида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ.

Жамолинг буки мусҳафдур, ҳадисинг Ҳақ каломи ҳам,
Дей олур мусҳафи нотиқ сени ҳар ким эрур огаҳ.

Ҳадиси поку нутқи жонфизоингдин топиб Исо,
Ки анфоси қилиб ибро, ағар абрас, гар акмаҳ.

Гар ўлса тахти жоҳинг Аршу фарш узра русул хайли,
Тонг эрмаским, алар бори мулозим келдилар, сен — шаҳ.

Ҳазизи арз агар бўлди маконинг, фақр эди боис,
Агарчи ломакон авжи эди рахшингға жавлонгаҳ.

Русулдин ҳеч раҳрав ҳамраҳинг бўлмоқ эмас мумкин,
Малойиктин чу сайрингда не раҳрав келди, не ҳамраҳ.

Қошингға «қоба қавсайн» оятидин йўқ нима аляқ,
Сочингга йўқ саводи лайлатул меърождин ашбаҳ.

Занахдон чоҳию гесу каманди гар бу янглигдур,
Эрур васфига берсам тул Юсуф қиссаси кўтаҳ.

Сенинг ишқинг Навоийга ики олам аро бастур,
Ҳабибуллоҳға ошиқлиқ анга гарчи ҳад эрмас, ваҳ.

522

Юзун кўр, қилмағил мужгону хатту холидин нола,
Ки бўлмас хорсиз гул, дудсиз ўт, доғсиз лола.

Чу мен дур тишларинг ҳажридин ўлдум, не осиғ гар чарх
Нужум ашкини ёгдурса бошимга ўйлаким жола.

Эмас бир-бир сиришким қониким, кўз мардуми солур
Итинг оллида багримни узуб паргола-паргола.

Лабинг оби ҳаётин Хизри хаттинг нўш этар соат,
Ҳубоб ўлмиш ушоқ бир-икки, они дема табхола.

Юзунгдур ўйла даври чатр аро, эй хўблар шоҳи,
Ки бўлмайдур қамар даврида ҳаргиз ўйла бир ҳола.

Юзига, эй фалак, не зеб бер, не ҳусн сотқилким,
Қуёш ҳуснига не машшота ҳожатдур, не даллола.

Пиёла бирла май оғзимга куптин қуйма, эй соқий,
Ки ул жавҳарга гўёким муносиб кайл эрур кола.

Басе муштоқинг эрдук дайр аро, кеч келдинг, эй мутриб,
Ки созинг таркидин бизга янги ой бўлди ҳар тола.

Бу базм аҳлиға, билким, офият жуз бевафолиғ йўқ,
Навоий хоҳ лаҳни айш туз, хоҳ айлагил нола.

523

Яна шуълалиқ кўнгулни гаминг этти пора-пора,
Буки бутрашур, эрур поралари, эмас шарора.

Улус ичра оразингдин назар онча асрадимким,
Ола олмоғум кўз, ўлгунча гар айласам назора.

Бадалу сафар эрур чораси ишқнинг демишлар,
Бадалинг йўқу сафардин гамим ортадур, не чора?

Мени телба бирла Фарҳод орасида фарқ кўптур,
Анга хора қазмоқ иш, ваҳки, ёғиб бошимга хора.

Дема, бўлғай ўқларимдин танинг ичра неча пайкон,
Қатаротини ёғиннинг ким этибдурур шумора.

Бу чаман аро гаҳи овла ҳазор кўнглин, эй гул,
Ки тушкуси хазон чопқуни ўйлаким ҳазора.

Буки дайрдин Навоийни ҳарамға шайх истар,
Нетайинки, йўл кўрунмас, неча қилсам истихора.

524

Кўнглаким қон ила ҳар доғки бўлмиш тоза,
Тоза доғим била қонидин эрур андоза.

Ҳажрдин куймиш эдим, яна дединг ҳажр сўзин,
Эски доғимни янги доғ ила қилдинг тоза.

Дерки, ишқимни ёшур, ваҳ, нетибон ёшурайин,
Эмдиким тутти бари даҳрни бу овоза.

Лаъли авсофини гул барглари узра ёзай,
Айлайин ҳифзиға жон риштасидин шероза.

Зеб учун юзунга гул барги эмастур ҳожат,
Ҳожат ул навъики, гул баргига эрмас ғоза.

Оқибат қабр эшиксиз уйига чун киргунг,
Эмди кирёс сенга не суд, очуқ дарвоза.

Ул парий суратини чекса Навоий, не ажаб,
Қалами топса малойик юнгидин парғоза.

525

Оразинг холи недин қилди мени девона,
Қушни сайд этмади чун суда кўрунган дона.

Кирибон оқ уй аро жон қушини куйдурдунг,
Гарчи фонусда шамъ ўртамади парвона.

Тийрборони гаминг бузди кўнгул масканини,
Бизинг уй бўлди ёғин касратидин вайрона.

Ҳажр заъфидин ўлубмен танимасдек, не ажаб,
Ошнолар манга бўлдилар эса бегона.

Бузди ул шўхи қадаҳнўш салоҳим уйини,
Манга мундин нари манзил бас эрур майхона.

Соқиё, тўлғуча паймона ерим майкададур,
Мени мает эткали кўп яхшидурур паймона.

Журм эса ёр бошим узра етиб ўлмаганим,
Эй Навоий, мени ўлтурмак эрур журмона.

526

Бут оллида чу сужуд айлагум ичиб бода,
Дирам йўқ эрса, гарав хирқа бирла сажжода.

Ўчурди ақлим ўтин, балки йиқти диним уйин,
Не англадимки, не сели бало эмиш бода.

Агарчи дайрда усрук йиқилдим, аммо шукр,
Ки боре муғбача қўйида бўлдум афтода.

Етишмагай майи ваҳдат фуруғи бўлмағуча,
Замир шишаси соқий узоридек сода.

Чу зуҳд келди риёю йўқ одамида вафо,
Не бўлди тутса манга бода бир паризода.

Қилур муболаға кўп ишқу бода таркида шайх,
Мени ҳам истар ўзи янглиғ айлагай лода.

Навоий, ўлғил икки кавн майлидин озод,
Ки дўст ғайриға бўлмас муқайяд озода.

527

Баски қон борди аламлар юзланиб ҳар доғима,
Заъф ифроти яқинлаштурди борур чоғима.

Базм аро ёдим била туфроққа гоҳи май тўкунг,
Ким эрур ул ҳам яқинким, тўккасиз туфроғима.

Бу мараз ҳижрондин ўлмиш берма шарбат, эй табиб,
Ким зулоли Хизр етса, заҳр ўлур қурсоғима.

Жисм заъфидин тери қолмиш сўнгак узра яна,
Ҳажр ўқи паррон ўтар, чун етса бу ярғоғима.

Белга мен зуннор боглабмен, вале хайли ажал,
Ваҳки, судрарлар, иликлар беркитиб белбоғима.

Маърифат боғида ул қушменки, ҳайрат айлагай,
Тоири қудс айласа бир дам нишиман боғима.

Эй Навоий, дард тоғинда соғинғай лолазор,
Боққан эл ҳам тоза қонлиқ, ҳам қаролиг доғима.

528

Хатинг саводиға сунъ илги йўнди чун хома,
Ҳамул рақам била қилди мени сияҳнома.

Йиғилди, ваҳки, хатинг хайли даврасиғаю бас,
Неча қизитти жамолинг қуёши ҳангома.

Кўзунг хаёли кўнгул махзанин тасарруф этиб,
Магарки ҳифзи учун бости муҳри бодома.

Кўнгул харобасида солди тарҳи меҳринг ишқ,
Ки уй ҳаволиғ ўлур бўлди чун дуошома.

Менинг киби кечар эл кўнгли комидин ноком,
Биравки, сендек эрур ёри масту худкома.

Маоли илмида мендин ҳам эрди жоҳилроқ,
Қаюки тутти ўзин олам ичра аллома.

Навоий ўлса керак пири дайр базмида хос,
Не деса десун ани ваъз ичиндаги ома.

529

Кўнгулни қилди минг қотилча ёра,
Жафо тиғидин ул шўхи ҳазора.

Саманди ўт чақилгондек чу секрир,
Ул ўттин секретур наъли шарора.

Итингга туъмаликка бўлди осон,
Буким бағримни қилдинг пора-пора.

Кўрунгач кўзга ул юз, хаста бўлдум,
Ўлармен, яхши гар қилсам назора.

Не истар чора дарди ишқ учун эл,
Чу йўқ бечоралигдин ўзга чора.

Кўнгул олам уйига боғлама кўп,
Ки байтидур санга ул истиора.

Фано йўли, Навоий, бас қотиқдур,
Магар осонроқ ўлгай бора-бора.

530

Чоклик кўнглум нишони ғунчаи хандонида,
Мунда тоза доғ янглиг холи онинг ёнида.

Йўқтурур итларга сон кўйидаю кўргил мени,
Ким ул ой кўйида мен ҳам йўқмен итлар сонида.

Қон бўлуб бағрим оқар кўздин, тиласанг, топилур
Лола ичра сабзадек пайкон сиришким қонида.

Ўйладур раъно ғизолим ложувардий тоқ аро,
Ким эмас андоқ ғизоли зар сипеҳр айвонида.

Асру нофармондур ул гулким, либосидур бинафш,
Гарчи гулрухлар эрур бори анинг фармонида.

Ҳажрида барча азоб оятлари шаънимдадур,
Барча раҳмат оятидек нозил онинг шонида.

Давр аёғидин вафо аҳлин унутма, соқиё,
Ким вафо йўқ жуз унутмоғлиқ фалак давронида.

Дониш аҳли каффасида келтурур нодонни чарх,
Фикри йўққим, рост келмас бу хирад мезонида.

Гар Навоий булбуле эрди, хуш илҳон, кўрки, ҳажр
Навҳа ранги кўргузур ҳар дам онинг илҳонида.

531

Сен қаро пар бошинг узра, кўргузуб мен дуди оҳ,
Бу менинг ўтумдин, ул саркашлигингдиндур гувоҳ.

Хўблар анжум, сен ул хайл ичра меҳри анжуман,
Меҳрни султон десам йўқ айбу анжумни — сипоҳ.

Эгма қад бирла тутуб кўксум шикофин келмишам,
Ханжари ишқинг била дарднинг юкига узрхоҳ.

Ўлгум эрди гаҳ-гаҳи ёдингдин ўлсам эрди маҳв,
Эмди жон айлаб фидо, ёдингга кирмон гоҳ-гоҳ.

Баски бошимга ёгар атфол тоши, эй парий,
Қилғали қасдим жунун хайли ул-ўқдур шоҳроҳ.

Хонақаҳда ўзлук аҳволи етибдур жонима,
Йўқ ажаб, гар истасам дайри фано сори паноҳ.

Дайр пири соқию май бирла тиргузди мени,
Ҳуру кавсар ҳасратидин ўлди шайхи хонақоҳ.

Бўйнума зуннор боглаб келмишам, эй муғбача,
Гар риёйи субҳадин бўйнумда бор эрди гуноҳ.

Эй Навоий, ҳасрат оҳи бирла ўлгум ҳажр аро,
Ёр васли етмаса фарёдима, во ҳасратоҳ.

532

Тиғидин захм едим, еткач ул ой қошинда,
Ҳар не бошимда эди, бордим анинг бошинда.

Лаъли серобинга то кўз ўзини олдурмиш,
Лаъл рангидин асарлардур анинг ёшинда.

Ўйла қонлиғ кўнгул ичра туган ўртабсенким,
Лоланинг ғунчасидек билгурадур тошинда.

Чарх тоқи гириҳидин кўп етар жавр, басе,
Улки бедодим учун солди гириҳ қошинда.

Нақши ул ойнинг улус оллида беҳол айлар,
Ваҳ, не ҳол эрди экан хомаи наққошинда.

Не тажарруд уйидур дайрки, ўзлук ҳам йўқ,
Қилғали майға гарав зумраи авбошинда.

Гар Навоий тани чирмашсаю тўлғонса, не тонг,
Қолди чун сунбулининг чирмашу тўлгошинда.

533

Рангсиз холинг эрур ул орази дилжў уза,
Занг ул янглиғки кўргузгай асар кўзгу уза,

Нашъа ёқути муфарриҳдин гар эрмас дам-бадам,
Дуржи лаълингда недин кулгудурур кулгу уза.

Хозини ҳикмат магарким хол бирла қилди муҳр,
Лаълдин чун солди қуфл ул ҳуққалиқ инжу уза.

Қоши ёсин қургали эл қасдиға бўлмиш кериш,
Фитналиг чинким тушар ул наргиси жоду уза.

Анбарин зулфунг малойик шаҳпаридин соядур,
Ким аён бўлди тажалли ақшоми ёгду уза.

Соқиё, ишрат майин бунёд ила соғарға қуй,
Не учунким, даҳр бунёдин кўрармен су уза.

Кўйи туфроғида қон ютса Навоий, яхшироқ
Бодаи Кавсар чекардин Равзаи мину уза.

534

Ўзгалар богиндадур наврас ниҳолим бу кеча,
Тонгға тегру ўзгадур ҳар лаҳза ҳолим бу кеча,

Ҳажр даштида юз ўтлуқ водию ҳар дам мени
Ўзга водийга солур, ваҳким, хаёлим бу кеча.

Сўрма кўнглум ҳолини, бедод ила ўлтургуси,
Ўзин ул девонаи беэътидолим бу кеча.

Барча бир-бирдин совурмоқ биймидур, неким ўтар,
Анжуму афлок бирла қийлу қолим бу кеча.

Юз қуёш қилса тулуъ, эрмас ёруғлуқ еткудек,
Андоқ этмиш тийра оламни малолим бу кеча.

Бўйлаким, ҳар дам урармен жонга юз тиғи ҳалок,
Тонгғача, ваҳ, то қаён еткай маолим бу кеча.

Эй ажал, жоним фидонг ўлсунки, ботроқ эт халос,
Чун кўрунмайдур тирилмак эҳтимолим бу кеча.

То қиёмат субҳ толиъ бўлмасун эмдики, бор
Ҳашр субҳи сори майли интиқолим бу кеча.

Эй Навоий, ҳар не зулмиким қилиб эрди хаёл,
Барчани жонимга қилди чархи золим бу кеча.

535

Яқодек қурб агар топмон сенинг сиймин сақоқингға,
Этакдек ҳам ёмон эрмас туша олсам аёқингға.

Чучуклуктинму ё куйдурганидинму қабармиштур,
Лабим то етти лаъли оташин янглиг дудоқингга.

Кўнгул мужгонинг узра кирпигимда қатра қондектур,
Бу янглиг дашна ебтур то асир ўлмиш фироқингга.

Баногўшингни ўпмак кому, ваҳким, халқ биймидин,
Дей олмон ошкоро, гар десанг айтай қулоқингға.

Лабинг ўпмакка ҳаддим йўқ, вале лутф айласанг онча,
Ки мунглуғ кўзларимни суртсам қошу қабоқингға.

Санга ёндошмоқ истаб қоматим ё, оҳим ўқ бўлди,
Ҳасаддин бир тараф қурбонинга, бир ён садоқингга.

Ажаб эрмас агар, эй муғбача, майдин кўтарман бош,
Ўлубмен, ташна лабнинг боши бир етмиш аёқингға.

Жунундин тоғу саҳро ичра айб этма фигонимни,
Будур иш, эй парий, токим тушубтурмен сўроқингға.

Навоий кўнгли қонин тўккали асрабсен, эй қотил,
Умидим йўқ эди кўнглумни мунча асрамоқингга.

536

Тушда еткандек дурурмен сарви ҳуризодима,
Кўр, ёмон толеъки, ул ҳам яхши келмас ёдима.

Соғинурменким, топилмас бир кўнгул оламда шод,
Шодлиғ ҳаргиз чу етмас хотири ношодима.

Йўққи, заъфимдин унум чиқмасда раҳм этмас ул ой,
Кўкка ҳам етканда нолам, етмади фарёдима.

Айтсам: Хуштур кўнгул боғи гиёҳи меҳр ила.
Дерки: Бу жавҳарни Тенгри бермамиш пўлодима.

Дод султондин топарлар, ваҳки, ул султони ҳусн
Азм этар ҳар лаҳза тиғи кин чекиб бедодима.

Одат айлар ёр ҳижрон шевасин, эй дўстлар,
Бойким, неткаймен онсиз хотири муътодима.

Мен чу бўлдум дайр пирининг муриди, не осиғ,
Эмди шайхи хонақаҳ қўймоқ кўнгул иршодима.

Бир хароб ўлғайки, ҳаргиз топмагай ободлиқ,
Кимки қилса бир гузар кунжи харобободима.

Эй Навоий, телба кўнглум дарду гам тоғин қозар,
Кўрсанг, аҳволим дегил Мажнунсифат Фарҳодима.

537

Халқ меҳрига яна, ё Раб, мени зор айлама,
Айласанг ҳам, меҳри йўқларға гирифтор айлама.

Меҳрибонларга доғи учратсанг, элнинг меҳрини
Ногаҳон хотирлари ичра падидор айлама.

Эй парий, қатлимга майл этсанг, фидо жоним валек
Ўзга сори хотиринғиинг майлин изҳор айлама.

Лаълидин ким қилса бир жонбахш сўз нақл, эй кўнгул,
Оллида жон жавҳаридин ўзга исор айлама.

Тушда васли бўлса гар худ барча сўнгғи уйқудур,
Эй Хизр, ҳайвон суйи ичмакка бедор айлама.

Ҳалқаи куфр ичра чун қўйдум қадам, эй пири дайр,
Муғбача зулфи хамидин ўзга зуннор айлама.

Эй Навоий, дам-бадам афгор кўнглунг соғиниб,
Иттик-иттик ун била эл кўнглин афгор айлама.

538

Томида эрмас кабутар хайли бу журъат била,
Ким парилар келди ошиқлиққа ул сурат била.

Ё малойик хайлидур томида парвоз айлабон,
Эврулур бошиға ҳар кун юз туман ҳайрат била.

Ё кўнгуллар қушларидур кўйини қилған ватан,
Ким қўнарлар саъй этиб, қовған сойи шиддат била.

Ё кабутарлар кетурмиш номалар ушшоқидин,
Они кўргач кўйини айлаб ватан улфат била.

Соқиё, тортай кабутардам, кетур бир бодаким,
Бир кабутарбоз учун ўлдум ғаму меҳнат била.

Эй кабутар, нетти бир пардек қанотингда ниҳон
Элтсанг номам ангаким, ёзмишам ҳасрат била.

Гар кабутардек Навоий ўлса ул ой кўйида,
Юз муаллақ урғай ул хуррамлиқу ишрат била.

539

Иситқон, нозанин жисмингки, тердин тушти тоб ичра,
Эрур бир оташин гул баргиким, ётқай гулоб ичра.

Иситма ранжидин, эй гул, бўлубсен ғунча андоқким,
Ҳариру ҳуллалиқ жисминг тушубтур печу тоб ичра.

Исиғлиғдин танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча толпинса,
Ҳароратдин қолибтур шуъла дойим изтироб ичра.

Қизил чодиршабу мовий тўшаклар ичра титрарсен,
Анингдекким қуёш кўклар била гулгун саҳоб ичра.

Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термудур, ёхуд
Тушубтур дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Дедиларким, хароб ўлмиш иситмоқ бирла жононинг,
Не ўтларким бу сўздин тушмади жони хароб ичра.

Не кун бўлғай янги ойдек танинг бўлгай тўлун ойким,
Тўла соғар чекарга базм тузсанг моҳтоб ичра.

Ўзумни, соқиё, соғ истамон, тутқил тўла соғар,
Ки чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра.

Навоий, ёрни топсанг саломат, хайрбод этким,
Яна заъф этса ногаҳ, қолмағай жонинг азоб ичра.

540

Узди мендин дўстлуқ ул шўхи сийминтан яна,
Ончаким мумкиндур, этгил айш, эй душман, яна.

Мазраъи жисмимда эрмастур қарорған тоза доғ,
Токи, куймиш барқи ишқингдин қаю хирман яна.

Ишқим эрди ёшурун, фош этти гирён кўзларим,
Қилдилар ғаммозлиқ бу икки тардоман яна.

Шамъ янғлиғ ўт тутошиб бошима ҳижрон туни,
Ёшурун ҳолимни элга айлади равшан яна.

Қочтилар аҳли жунун ҳар ёндин андоқким шарар,
Баски тўлди ўтлуқ оҳим дудидин гулхан яна.

Даҳр раъноси фану макри била топсанг фириб,
То не макр эткай аён бу даллаи пурфан яна.

Эй Навоий, чун замон зулмиға суд этмас жазаъ,
Касб қил бу шеванию қилма кўп шеван яна.

541

Менки ғам даштида иттим оҳи дардолуд ила,
Истаган топқай кеча ўт бирла, кундуз дуд ила.

Инфиолингдин қуёш кирди қаро туфроғ аро,
Қилганингда жилва ул рухсори гардолуд ила.

Ул оғиз маъдуму менда ўпмаки савдосидур,
Суд ким истабдурур сармояи нобуд ила.

Не итинг бўлмоққа толеъ, не итингга туъмамен,
Тушкали кўйинг аро бу жисми гамфарсуд ила.

Ғам туни қилмиш қаро босқан киби музтар мени,
Бўйлаким, нокормен бу бахти қирандуд ила.

Ўйла маҳвунгменки, келмас хотиримга ҳажру васл,
Сен муродимсен, ишим йўқтур зиёну суд ила.

Эй Навоий, асру мақбул эл била хўй этти ёр,
Хушлуғи гар йўқтурур, не айб, сен мардуд ила.

Fунча гул ичра гаҳе пайдо бўлур гулзорда,
Бўлмади ҳаргиз аён оғзинг сенинг рухсорда.

Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам, айлар мадад,
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворда.

Ким жунунумга ёзар таъвиз ийнак ашку юз,
Гар керак шингарф бирла заъфарон туморда.

Сели ашкимдин демаким мулк эмас мардумнишин,
Балки мардум қолмади бу дийдаи хунборда.

Дайр туфрогида бутмиш сабза дер кўрган киши,
Занглик юз нўги пайкон бу тани нокорда.

Ҳар бирисин англа бир кофир жафосидин ҳисоб,
Бу гириҳларким, тугубмен риштаи зуннорда.

Синса ибриқи вузу, андин манга бас бир сафол,
Май гадолиқ айламакка кулбаи хамморда.

Чарх айвони мунаққашдур, вале наққоши сунъ
Чекмади нақши вафо бу тоқи минокорда.

Эй Навоий, ер юзин ағёр тутса, ғам ема,
Бир сари мў гар сенинг фикринг бор эрса ёрда.

543

Заъфдин ингронғоним элнинг фиғони зорича,
Ҳар дамим ишқ аҳлининг бир оҳи оташборича.

Меҳр рухсорида не қошдур, не кўз, не хат, не хол,
Ваҳ, деса бўлгайму они маҳвашим рухсорича.

Нуқтаи мавҳумни юз қисм фарз этсанг бирин,
Деса бўлмас бор анинг йўқ огзининг миқдорича.

Гул юзунгдин қатра тер ҳар ерда томса, ул судин
Чарх ул ерни ясай олур Эрам гулзорича.

Дайр кўйи сокинименким, бу зангори сипеҳр
Рифъат ичра эрмас онинг кулбаи хамморича.

Бўлди муғ дайрида хирқамнинг чубулғон иплари
Ҳар бири куфр аҳлиға бир барҳаман зуннорича.

Дайр пири не ажаб, гардунни соғар айламак,
Ваъда чун қилмишки, бергай бода майлим борича.

Фақр атворида ё чиқмақ керак офоқдин,
Ё керак тузланмак офоқ аҳлининг атворича.

Эй Навоий, айладим ҳар кўй аро сайру сулук,
Келмади оллимга ишқ ойинининг душворича.

544

Сарв қад гулрухлар ўтмас хотири ношодима,
Сарву гул кўрсам, алар киргай магарким ёдима.

Ўйла гардун зулми этмиш рўзгорим тийраким,
Ёрута олмас қуёш кирса харобободима.

Нега фарёд этмайин, ёхуд нетай фарёд этиб,
Бўйлаким, фарёд этиб, етмас киши фарёдима.

Қазмаса кўнглум яна гам Бестунин яхшироқ,
Ҳеч ширинлаб чу қилмас раҳм бу Фарҳодима.

Шўхлар мужгонидин зуҳдум қутулсин, ваҳ, неча
Игна бирла нақб тешмак қалъаи пўлодима.

Май қуёшин дайр аро ҳар дам чекар бўлсам, не ғам
Гар қуёш тиғин фалак ҳар дам чекар бедодима.

Эй Навоий, офият кўйи ганиматдур, валек
Найлайин, гар кирмаса шайдо кўнгул иршодима.

Бас ёмон ҳоле тушубтур, ёрлар, мен зорға,
Ким ёмон ҳолимни зоҳир айлайолмон ёрға.

Эйки, дебсен ер юзини лолазор этмиш баҳор,
Гўйиё кўз солмадинғ бу дийдаи хунборға.

Тошларинғдин яхшироқ бўлмоқ танимда доғлар,
Сикkаи беҳбуд урғондек дурур динорға.

Субҳи васлим, демасанғ, қилғай ниҳон шоми фироқ,.
Неға ёптинғ зулфи шабгун меҳрдек рухсорға.

Жонфизо қилмиш юзунғ бўстонини ҳар сори хай,
Бу гул очғай берсалар ҳайвон суйи гулзорға.

Қатл майли қилмасанғ, невчун яна миндинғ саманд,
Белға руст айлаб этак, гул санчибон дасторға.

Эй насиҳатгў, кўзумни тийра айлабтур хумор,
Раҳм этиб қил раҳнамунлуқ кулбаи хамморға.

Жоми май тутқилки, тарихи биносин топмадим,
Нечаким солдим назар бу тоқи минокорға.

Дайрдин гар бўлмасун ғойиб дер эрсанғ муғбача,
Эй Навоий, боғла зуннори учин зуннорға.

546

Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,
Гулларму экин суда, гул аксиму кўзгуда?

Кўзгуда юзунг акси, гар яхши назар қилсанг,
Бор ўйла биайниҳким кун акси тушар суда.

Ноз уйқусида ул кўз ошуби жаҳон ичра,
Уйғонса кўзунг неткай олам бузуб уйқуда.

Оллимга юзунг келгач, ҳусн аҳлини кўрмасмен,
Кўз англамас ашёни, бўлғач қуёш ўтруда.

Гар шаҳрни тарк айлаб, саҳроға қўюбмен юз,
Маъзур эрурменким, моҳим эрур ўрдуда.

Олам иши сар-тосар гам ерга гари қилмас,
Соқий, тутубон жоме қўйма мени қайғуда.

Васл истасанг, ўл фоний андоққи Навоийким
Ҳар ишки мунунг ғайри бордур бори беҳуда.

547

Тийралик хаттинг саводидин лаби хандон уза
Хизр солди соя гўё чашмаи ҳайвон уза.

То ҳазин кўнглумни лаълинг ҳасрати қон айламиш,
Анда холинг нақш ўлтурган чибиндур қон уза.

Жону кўнглум ноласидин икки ҳақгў қуш киби,
Кеча ул ой кўйида афгон эрур афғон уза.

Тоири меҳнат бузуқ кўнглумда тутмиш ошён,
Чуғз андоққим нишиман айлагай вайрон уза.

Эй мусулмонлар, етинг фарёдимаким, кофире
Жону кўнглум олди, эмди сўз борур имон уза.

Чарх тоқидин топар кун чашмаси ҳар кун завол,
Зарварақтин шамса чеккан не осиғ айвон уза?!

Эй Навоий, то деди дардим юкин кўнглунгга қўй,
Кўнглум узра қўйдум ул юкнию миннат жон уза.

548

Не ажаб, ушшоқ аро бўлсам мени зор ўзгача,
Ким эрур маъшуқлардин ул ситамкор ўзгача.

Бошима аҳбоб бўлмиш жамъ, яъни итларинг,
Гўйиёким заъфдин бўлмиш бу бемор ўзгача.

Даҳр аро ошубдурким, чиқмиш ул бебок мает,
Эгнида тўн ўзгача, бошида дастор ўзгача.

Ўзгача бўлди ўтум пайконларингдин, ўйлаким,
Қатра терлардиндур ул гулранг рухсор ўзгача.

Ҳолим ўлмиш ўзгача ҳар дамким, ул ой кўргузур
Лабда гуфтор ўзгача, қоматда рафтор ўзгача.

Қил риоят, соқиёким, базмида бир дам бўлай,
Ким манга ҳар дам бўлур ҳоле падидор ўзгача.

Жондин ойирмоқ эмас мумкин анинг зулфиниким,
Чирмашибдур риштаи жонимга ҳар тор ўзгача.

Олам аҳли ичра одам демак ўлмас ониким,
Жоҳ ила бўлғай анга қонуни атвор ўзгача.

Эй Навоий, даҳр гулзоридин ўтким, ҳар гули
Кўргузур юз хору ҳар хорида озор ўзгача.

549

Танимдур ҳалқаи зулфида не янглиг дард қофинда,
Йилондек тўлғаниб ҳар лаҳза бир хоро шикофинда.

Чиқориб қони бирла лаълдек бошимға тиккаймен,
Аёғимга итинг тош урса кўйининг тавофинда.

Нетай ой-кунни онсизким, эмас бир сабзаю гулча,
Ҳам ой қалқони, ҳам кун найзаси ҳижрон масофинда.

Кўруб-кўрмай қошин ушшоқ аро кўп баҳс воқеъдур,
Хирад аҳли аро андоққи руъят ихтилофинда.

Салоҳ аҳлида ғарчи қўймадинг сатру ифоф, аммо
Сени Ҳақ асрасин ўз пардаи сатру ифофинда.

Сабуҳи вақти гул очилганин найлайки, ул ётмиш
Ўзини ғунча янглиғ чирмабон гулгун лиҳофинда.

Не майким тутса пири дайр, олиб риндона сипқорким,
Эмастур ринд улким, сўз дер онинг дурду софинда.

Дер эрдиларки, воиз ҳарза кўп дер, эмдиким кўрдум,
Жунуну савт мункир ҳам музоф эрмиш газофинда.

Навоий муътарифдур журмиға, ё Раб, сен ўткарким,
Карам аҳлига лозим афвдур журм эътирофинда.

550

Кўйида тоше тилармен қўйғали бош остиға,
Токи ўлсам, қўйсалар бошимни ул тош остиға.

Кундузи хуршид олтун хиштидин ўткай бошим,
Остонинг хиштини қўйған кеча бош остиға.

Гўшадин тушмиш пулак чекканда мушкин ёй аро,
Анбарин холи саводи ул қора қош остиға.

Су кишисидур биайниҳ кўзларимнинг мардуми,
Йиғларимдин қолғали дарё киби ёш остиға.

Ҳажр аро байтулҳазанда қилмангиз ашкимни манъ,
Емрулуб вайрона кулбам, қолғамен кош остиға.

Соф этинг май дурди сажжодамдаким, бордур ҳақир,
Олиб эгним устидин солмоққа авбош остиға.

Эй Навоий, кўк қизиб бўлмиш қизил, эрмас шафақ,
Шуъла ўтлардинки, оҳинг айлади фош остиға.

551

Ёр агар базми аро гамгинларин шод айласа,
Рози ўлдум, кош, мен гамгинни ҳам ёд айласа.

Нахли қаддиға сабодин етса осеб ўзни бор,
Садқаси юз сарв янглиг банда озод айласа.

Боғбон қадду юзунгни кўрса боғ ичра, не тонг,
Сарвини гар ўтға ёқса, гулни барбод айласа.

Кўнглум афғони анга эрмас ажаб, гар етмаса,
Ўт уни етмас қуёшқа, гарчи фарёд айласа.

Эй кўнгул, чун олам аҳлига вафо йўқтур, киши
Авло улким, ўзни бекасликка муътод айласа.

Шайх ила зуҳди риёйидин малул ўлсам, қани
Дайр пириким, фано ойинин иршод айласа.

Эй Навоий, одамилиғдин йироқдур сен киби
Ёрлиққа кимки майли одамизод айласа.

552

Киши висол туни ёри бирла ётқунча,
Жамоли шамъиға қилсун назар тонғ отқунча.

Муяссар ўлмади жон бермаку лабин ўпмак,
Нединки қолмади жоним ани унотқунча.

Мени йўқ эткан эрур ҳажри сангборони,
Нединки ёғди таним тош ичига ботқунча.

Малолдин мени бир журъа бирла сотқун ол,
Хурушу арбада бирла жаҳонға сотқунча.

Кўнгул жароҳатиға ёқ висол марҳамини,
Фироқ хораси бирла бошим ушотқунча.

Салоҳ тўнини чок этса яхшироқ, эй шайх,
Риё юруни била хирқани ямотқунча.

Навоий, аҳли фано дайри ҳалқасин хуш тут,
Ўзунгни зуҳду риё мажмаъиға қотқунча.

553

Манга бўлмагай ёр бегона ногаҳ,
Мени қилмагай зору девона ногаҳ.

Басе ашк оқиздинг, эй кўз, бас этким,
Йиқилмасун устунга вайрона ногаҳ.

Дединг, чекма оҳу фиғон, вой найлай,
Чиқиб келса ул шўхи мастона ногаҳ.

Мусалло юкин раҳн этарга чекармен,
Агар масканим бўлса майхона ногаҳ.

Кўп усрукмен, эй дайр пири, уятдур,
Қўлумдин тушуб синса паймона ногаҳ.

Замон аҳлидин, эй кўнгул, гар қутулсанг,
Алар сари майл этмагил ёна ногаҳ.

Қиёматқача ётса усрук, ажаб йўқ,
Навоийга май тутса жонона ногаҳ.

554

Не суд гулшан аро ичмакинг ниҳон бода,
Ки юзда гуллар очардин бўлур аён бода.

Кўзунг хаёли келиб қоним ичса хушдилмен,
Биайниҳ ўйлаки дилхоҳи меҳмон бода.

Лабиға бода олиб қилди нўшу жон топтим,
Ул ичти, лек манга бўлди нўши жон бода.

Не мункир ўлмоқ эрур кеча бода ичкандин,
Чу қўйди ҳулланг уза қатрадин нишон бода?

Агарчи тавба буюрдинг манга, бил, эй зоҳид,
Ки синғуси, ёна чун тутса дилситон бода.

Кўзунгки қоним ичар майли қилди, мает ўлди,
Ки ботроқ усрук ўлур, ичса нотавон бода.

Замона меҳнатидин бир замон десанг қутилай,
Тўла-тўла қуюбон, ич замон-замон бода.

Биравки яхши-ёмон ранжидин фарог истар,
Ичарда толгамадик яхши, гар ямон бода.

Навоий айлади доруламоне майкадани,
Ки берди даҳр гамидин анга амон бода.

555

Тонгға солма ваъдаи васлингни бори бу кеча,
Ким мени ўлтургуси тонг интизори бу кеча.

Чун ёшурди ул қуёш ўтлуқ жамолин, ваҳ, кўрунг,
Ким ўтар гардундин оҳимнинг шарори бу кеча.

Чарх уза ҳар ён шиҳоб эрмаски, кўкнинг ҳолима
Ёш тўкар ҳар лаҳза чашми ашкбори бу кеча.

Субҳ агар урмас нафас, ўлгумдурур ё ул Масиҳ
Бир нафас келмас мени дилхаста сори бу кеча.

Англатинг базмида, эй шамъу қадаҳ, йиғлаб, куюб,
Буки ўлтурди мени ҳажр изтирори бу кеча.

Соқиё, васлинг шафақгун жомидин тиргуз мени,
Ким қилибтур қасди жон ҳажринг хумори бу кеча.

Эй Навоий, сен агар кундузга етсанг, бегам ўл,
Ким ғамидин қолмади жон бизга боре бу кеча.

556

Сунбули шомида юз айлади гулрез яна,
Бўлди ҳар учқунидин кўнглум ўти тез яна.

Гулнинг атрофида юз ғунча дегил зоҳир этар,
Оразинг даврида ул зулфи диловез яна.

Оташин лаълу юзи шамъин очар, тонг йўқ, агар
Куйса хошоку хасу тавбаю парҳез яна.

Не тароватдурур ул юздаки, хайдин қилмиш
Гулни шабнамзада, шабнамни гуломез яна.

Мени ҳижронда ўкар халқ ва лекин онсиз
Зор кўнглумга эрур бода гамангез яна.

Англаган ишқ аро Фарҳод иши ширинлиғин,
Ўлса ҳам айламагай ҳашмати Парвез яна.

Эй Навоий, келур ул ҳусн баҳори бу тараф,
Барқи оҳингни бу кун қилма сабукхез яна.

557

Бода тобидин қизил раглар узоринг боғида,
Обкашларнинг мисоли келди гул яфроғида.

Фурқатингда доғ ила қоним эмастур лоладек,
Ким йўқ ўлтурмак анинг қонида, қуймак доғида.

Лутф кўрким, бир суроҳидекким ул бўлгай булур,
Бодаким нўш этти, зоҳирдур анинг қурсоғида.

Кўр менинг ҳолимниким, ул тогнинг остидамен,
Ишқ аро Фарҳод агар қолмиш балийят тогида.

Топти жон ишқ аҳликим, ул кўй аро дафн эттилар,
Гўйиё ҳайвон суйидур кўйининг туфроғида.

Қоридим исён аро, эмди пушаймонлиг не суд,
Кошки қилсам эди тақво йигитлик чоғида.

Борди тишлаб бормоғин, кўргоч Навоий ҳолини,
Ҳам ҳаёту ҳам ўлум кўрдум анинг бормоғида.

558

Дардлар кўнглумга юзлансун, балолар жонима,
Гар иккисин истамас бўлсам фидо жононима.

Ҳар жиҳатдин ўртанурменким, бағир бирла юрак
Икки ўтдурларки, тушмишдурлар икки ёнима.

Аксини кўргай қизил кисват аро жаллоддек,
Қатл вақти ногаҳон наззора қилса қонима.

Кўрмагайлар бир-бирин ёғқон мазаллат гардидин,
Кирсалар Фарҳод ила Мажнун даме вайронима.

Топқасен чархи нужуми муҳтариқ, қилсанг назар
Тоза юз минг доғ бирла жисми саргардонима.

Сифлаға жон ўйнасанг меҳнат замони тонимас,
Даҳр эли бу навъ эрур, сен ҳам аларни тонима.

Тийрборони балодин чун таним бўлмиш зириҳ,
Йўқ, Навоий, эмди ондин ғам, тани урёнима.

559

Хаста кўнглум қушини бошинг учун шод айла,
Ё бошингдин эвуруб ташлабон озод айла.

Лутф ё зулмки гайримға қилурсен, чидамон,
Айлайолганча менинг жонима бедод айла.

Ёр ўлтургали ншқ аҳлига юз минг туҳмат,
Эй рақиб, айлама, борин манга иснод айла.

Эй кўнгул, халқ жафосин еткурурдин ўлгунг,
Эмди темон сени афғон чеку фарёд айла.

Бу чаман гулларида йўқ чу вафо, эй булбул,
Зор кўнглунгни жафо хориға муътод айла.

Эй кўнгул, сайли сиришк они тубидин қўнгарур,
Нечаким сабр уйининг тарҳини бунёд айла.

Ҳажр кўп шиддат ила ўлтурадур, бир дам анга,
Эй ажал, жонинг учун сен доги имдод айла.

Тарки ишқ айла дединг, кеч бу сўзунгдин, эй шайх,
Тенгри ишқи манга, ўзга нима иршод айла.

Соқиё, меҳнату ғам бузди Навоий кўнглин,
Май суйи бирла бу вайронани обод айла.

560

Кўнглум итти зор ҳусни онининг туғёнида,
Айлади ошиқ мени ҳусну малоҳат онида.

Юз туман тақво сипоҳин рахши айлар поймол,
Маст айлар чоғда жавлон хўблуқ майдонида.

Қасри давлат ичра элдин жон олурнинг не ғами,
Хастадинким жон талашқай заъфдин вайронида.

Неча ул ой итлари бор эрса сондин ташқари,
Мен киму бўлмоқ анинг кўйида итлар сонида.

Ваҳ, не кофир эркин улким, зулфининг зуннoридин
Солди юз минг уқда тақво аҳлининг имонида.

Эй хуш улким, гарчи тунлар ёни ерга етмади,
Кўрди ўз шамъи шабистонини бир тун ёнида.

То Навоий телбарабтур сенсиз, эй гулрух пари,
Бир тикан ҳар тук сою кўргил тани урёнида.

561

Не ҳаддим ёзмоқ битик ул меҳри оламтобға,
Чун ёза олмон жафосин заррае аҳбобға.

Номасиға ришта чирмабким юбордим рашкдин,
Тори жисмим ришта янғлиғ тушти печу тобға.

Борди қосид, бўлди шому келмади андин жавоб,
Тонғача то нелар ўткай дийдаи бехобға.

Ким ўқуғай нома доғи келса чун кўз баҳридин,
Мен тушубмен номанинг печи киби гирдобға.

Кимки истар номаи сабру саломат, боқмасун
Хўблар холу хатидин нуқтау эъробға.

Бода мавжининг хутутидин кўзум топти жило,
Соқиё, жон ҳам эрур мойил бу лаъли нобға.

Жонда ёшурғум алифдек, эй Навоий, номасин,
Шояд андин заъф дафъ ўлғай тани бетобға.

562

Ҳалокингмен, чекиб тиғи жафо ўлганни ўлтурма
Чу ишқинг ўртади, ҳажр ўтидин куйганни куйдурма.

Мени девона чун туфроғинг ўлдум, эй парипайкар,
Жафо тошини мажнун деб, бу туфроғ узра ёгдурма.

Ичиб қонин тилар кўнглум шикастин кўзларинг, дейким,
Чу майни нўш қилдинг, шишасин, эй шўх, синдурма.

Сени кўргачки, фарёд айладим, беихтиёр эрдим,
Ёзуқдин эҳтироз айлаб мени бу ишда ёзғурма.

Мен ар зулмунгдин ўлдум, лутф этарга ошиқинг кўптур,
Алар бирла ўзунгни шод тут, ҳолимға қайғурма.

Чу мен туфроғ бўлдум кўйида, эй сарсари ҳижрон,
Эсиб ул ён дамо-дам туфроғимни бори совурма.

Қотиқдур ишқ, ул шўх этса жилва, боқма, эй оқил,
Кўнгулни гар десанг олдурмай, аввал кўзни олдурма.

Майи лаълингдин аҳли базм усрукдурлар, эй соқий,
Чу ичсанг бода, мендин ўзгага согарни топшурма.

Наво гар еткурурсен, сен билурсен тиндуруб элни,
Навоийни жафою жавр ўтидин бори тиндурма.

563

Кеча эл осудадур, кўнглум бирав қайғусида,
Улки, мен қайғусида, осуда ноз уйқусида.

Ўлтуруб тун, субҳ тиргузмак мени зоҳирдурур,
Шомнинг гирёнлиғию субҳнинг кулгусида.

Оҳким, бу шоми ҳижронимға йўқ субҳи висол,
Гарчи йўқ шомеки, йўқ субҳи анинг ўтрусида.

Уйқуда ором йўқ тун-кунки, аксин топмадим,
Тун қамар миръотида, кундуз қуёш кўзгусида.

Меҳр ёгдусида зарра бўлмагандек ошкор,
Юз туман минг меҳр пинҳондур юзунг ёгдусида.

Кимса чун ўтканга етмас, ҳолни тут муғтанам,
Умрни ўткарма, ўткан ҳайф ила афсусида.

Наъл кесмайдур Навоий, қуллуғидиндур нишон,
Ишқ айнидур аломат ёрнинг белгусида.

564

Эй хуш улким, гоҳи-гоҳи етса ёри қошиға,
Ул муяссар бўлмаса, эврулса кўйи бошига.

Ишқ бемориға ҳам шарбат ясабтур, ҳам ғизо,
Ҳажр аро қўшқан бағир парголасин қон ёшиға.

Бир саримў анда қолмайдур саломатдин нишон,
То синуқ бошим нишон бўлмиш маломат тошиға.

Бас ажаб суратдурур, қайсиға жон айлай фидо,
Суратинг нақшиға ё ул нақшнинг наққошиға.

Мен аёғ кўйида беркиттим жафодин қочмайин,
Гарчи бошимға бало ёғди мунунг подошиға.

Пардадар келди нужумунг, эй фалак, йўқ пардадор,
Йўқ анга ул ҳолким, дайри фано хуффошига.

Қўлдар эрди соқий ул дамким Навоий бўлса мает,
Лутф этиб, давр аҳли, они еткурунг қўлдошиға.

565

Ёр ҳажридин агар заъф эрди жисму жонима,
Заъфидин ҳажр ўлди жисму жони саргардонима.

Заъфи то қувват тутубтур, қувватимда заъфдур,
Кўр нелардур ранждин ҳам жону ҳам жононима.

Гар кўзи бемордур, аммо басе қонлар қилур,
Кўзидек ул ҳам биайниҳ киргудекдур қонима.

Хасталиғдин, ваҳки, бўлмиштур тўлун ойим ҳилол,
То қачон бўлғай янги ойлиг маҳи тобонима.

Нола пинҳон айларамким, синмағай кўнгли анинг,
Ё Раб, эткил раҳм анга ё нолаи пинҳонима.

Чун иситти тушти ул дам нотавон жонимга ўт,
Нотавон жон ҳирқати ўт солди хонумонима.

Ул парий чун заъфдин эмди кишини тонимас,
Эй Навоий, телба бўл, сен ҳам кишини тонима.

566

Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.

Ҳар маеким онсиз ичтим топғали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга еткайменму, ваҳ, бу субҳи йўқ шомим била.

Қайда бўлсин музтариб кўнглумга ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.

Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайгомин эт,
Балки жон нақдин анга еткур бу пайғомим била.

Кўнглум ичра бут ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин оллинда борғунча бу исломим била.

Эй Навоий, ўлсам армон элткумдур, ичмайин
Бир сабуҳи гулузори бодаошомим била.

567

Кўнгулни хайли гаминг қилди йўл убур била,
Нечукки мўр сафи йўл ясар мурур била.

Гар учмақ итти сенинг кўюнг оллида, эй ҳур,
Анга не навъ кўрунгай ўкуш қусур била.

Қуёш қошида эрур заррадек басе махфий,
Юзунг қошида қуёш ғояти зуҳур била.

Ҳузури тоат этар шайх васф, ваҳ, нетайин,
Хаёли қўймаса тоат аро ҳузур била.

Шабобу ишқу баҳору фироқдур, эй шайх,
Бўлурму зуҳд ила тавба бу навъ умур била?

Йўлида мен киби юз хаста ўлса, қайда гами,
Саманди ҳуснки жавлон берур ғурур била.

Бўлай рафиқ жунун даштида вуҳуш илаким,
Вафосиз элдин ўлубмен, басе нуфур била.

Ўзунгни асрама бир лаҳза мутрибу майсиз,
Десанг бу гамкада ичра бўлай сурур била.

Навоий, истама назмингда рабту жамъият,
Ки кўнглунг ўлди замондин ўкуш футур била.

568

Биравким, рашк элтурмен кечурмакка хаёл ичра,
Не кечкай кўнглума, гар эл била кўрсам висол ичра.

Бағирда юз бало ниши, кўнгулда минг фироқ ўти,
Кишини солмағил ишқ аҳлидин, ё Раб, бу ҳол ичра.

Кўнгул ҳар лаҳза эл бедод этардин юз суубатда,
Замоне ёр бепарволиғидин минг малол ичра.

Танимда касрати пайкони то тиғини ёндурди,
Ҳамул дамдин эрур тиғи юзидин инфиол ичра.

Топилмас ком ила кўнглум лабингдин ўлди андоқким,
Скандар оби ҳайвондин таманнои муҳол ичра.

Тун ақшом ўйлаким бўлгай шафақ ичра қуёш пинҳон,
Кирар ҳар шом ул гулчеҳра шодурвони ол ичра.

Белу оғзинг хаёлидин агарчи лолмен, лекин
Жадал аҳли масаллик ўтти умрум қийлу қол ичра.

Халал йўл берма ишрат васфигаю тут ғаниматким,
Дамо-дам даҳр авзоин кўрармен ихтилол ичра.

Навоий топти муҳлик ноладин ул заъфким, сиққай,
Қаламда нол андоқким, сиғар ул доғи нол ичра.

569

Не бир ёреки, васлим саъйига помардлиғ қилса,
Не бир зореки, ҳажрим ранжида ҳамдардлиқ қилса.

Қизигроқдурмен ул ой ишқида, ҳар нечаким носиҳ
Бу иш таркида ўзни гарм этиб дамсардлиқ қилса.

Ғами бирла анингдек жуфтменким, ўлгум айрилсам,
Нечаким сарви озодим қулидин фардлиқ қилса.

Менингдек ақлу динин елга берган топмагай ҳаргиз,
Сабо ҳар нечаким сайр ичра оламгардлиқ қилса.

Фалак ул ойниким мендин йироқ солған била ўлдум,
Тирилмак мушкил эрмас эмди бозовардлиқ қилса.

Ғамидин топмағай мингдин бирин, гар ишқ юз минг йил
Бало аҳлиға чоҳи гамда ғампарвардлиқ қилса.

Агар кўюнгда ўлтурмоқ топар жонига юз миннат,
Агар йиллар Навоий бу ҳавода гардлиқ қилса.

570

Бас тийра эрди субҳидамим шоми ғамғача,
То шоми ғамда найлағамен субҳидамғача.

Оғзи хаёли бўйлаки йўқлуғ сари чекар,
Турмақ бўлурму кимсага мулки адамғача.

Эл рашкидин неким қилур ул, қилмишам қабул,
Меҳру вафову лутфини зулму ситамғача.

Кўйини кўрсанг эрди, йўлунғ қисқарур эрди,
Бир умр, эйки, пўя кўтардинғ Ҳарамғача.

Бот ўлғай, улки васл тилаб, минг йил урса ғом,
Айлаб жаҳонни қатъ қадамдин қадамғача.

Бир сарв қоматинг киби, бир гул юзунғ киби
Йўқ, кезса Хулду равзаи боғи Эрамғача.

Бўлмиш итинғ сафоли Навоийға жому бор
Кўп фарқ ушбу зарф била жоми Жамғача.

571

Бошимға шуълаи ҳижрон туташқандин эмас огаҳ,
Висол авжи уза бошиға олтун тож қўйған шаҳ.

Биравким, юз парий девонавор эткай анга қуллуқ,
Не билгай ҳолин анингким, парпарий девона этмиш, ваҳ.

Бало чоҳи гирифтори ҳалокин, ваҳ, қачон билсун,
Сиёсатгоҳида тутқунлариға улки қозғай чаҳ.

Не огаҳ улки, ҳашматдин қуёшни заррача кўрмас,
Қуёш ҳижронидин саргашта бўлса заррае ногаҳ.

Не воқиф васл Мисри ичра манзил айлаган шоҳе
Гадодинким, анга вайронаи ҳажр ўлди манзилгаҳ.

Мениким қатл учун хос этти фурқат қайда мустанкар,
Биравким, қатли ом этса, эмас кўнглига мустакраҳ.

Мангадур бир парий матлубу зоҳид ҳурға толиб,
Қачон суҳбат чиқишқай, чунки менмен телба, ул — аблаҳ.

Тут, эй соқий, фано жомики, ишқ оллинда яксондур,
Агар фосиқ, вагар зоҳид, вагар бўлсун гадо, гар шаҳ.

Навоийни ул ойким, руҳи қудси келди анфоси,
Деса бисмил қилурмен, не дегай ул ғайри бисмиллаҳ.

572

Йўл эрур юз манзил ортиқ мендин ул қотилғача,
Юз ўлум ваҳми бу манзилдин яна манзилғача.

Ваққи, ҳар маҳфилда ишқим қиссасидур, йўлда ҳам,
Гар киши азм этса бу маҳфилдин ул маҳфилғача.

Гар мени мажнунға ташбиҳ этсангиз, эй аҳли ҳуш,
Не тафовут бўлди, бас, девонадин оқилғача.

Ваҳ, не кофирдурки, ногаҳ тиғ тортиб чиқса маст,
Қатлининг муҳтожи бўлғай шоҳдин сойилғача.

Улки ашким баҳри тўфонида қолди, етмағай,
Нуҳ умри сурса жисми заврақин соҳилғача.

Тош отиб атфолким, ҳар ён сурар мен телбани,
Кош боре қовеалар ул шўхи сангиндилғача.

Хўблар зулми кўнгул мулкин хароб айлар, бале,
Кўп тафовут келди золим шоҳдин одилғача.

Ҳажр дарди бўйлаким жондин малул этмиш мени,
Фарқ ўлумдин йўқтурур бу умри беҳосилғача.

Эй Навоий, ишқ такмилинким айлар пири дайр,
Гар камол истарсен, ўзни тортқил комилғача.

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

573

Кўнғлум олғач ул парий мажнуну шайдо қилдило,
Ақлу ҳушумни жунун даштида яғмо қилдило.

Ўзғача зулму тааддилар била қоним тўкар,
Турфа эрди, турфа ишлар доғи пайдо қилдило.

Ҳурмати тақво тутар эрди, вале мает отланиб,
Бошима чопмоқ била оламға расво қилдило.

Оҳким чектим, кўруб жавлонини беихтиёр,
Ёшурун ишқим улусқа ошкоро қилдило.

Бир қадаҳ қуймоқ била оғзимғаю хирқамға ҳам,
Хирқа майға раҳн, ўзумни бодапаймо қилдило.

Дайр аро жоми лаболабким ичурди, ҳолима
Хонақаҳ аҳли келиб бир-бир тамошо қилдило.

Бехуд ўлғач, зулфи зуннориға дин нақдин бериб,
Ишқ бозорида кўнғлум турфа савдо қилдило.

Менмен эмдию фано дайрида бўлмоқ майпараст,
Муғбача ишқи улусқа сиррим ифшо қилдило.

Гар ватан дайр ичра топтим, кимсаға йўқ ҳеч айб,
Дайр пиридин Навоий бу таманно қилдило.

574

Муниси жон деганим офати жон бўлдило,
Жонима бедодидин шева фиғон бўлдило.

Деди, кўзунг қонини васлим ила турғузай,
Войки, бағрим доғи ҳажрида қон бўлдило.

Гар юзи май тобидин гул-гул эрур қон ёшим,
Юз уза тим-тим томиб, лоласитон бўлдило.

Кўзу кўнгул қонини ёшурай элдин дедим,
Ҳар биридин юз сари юзда нишон бўлдило.

Зуҳд аро ҳар мушкилимким бор эди, эй фақиҳ,
Жомга май қуйғоч-ўқ, барча аён бўлдило.

Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.

Яхшилар ичра ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило.

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «БАДОЕЪ»ДИН

575

Зулму бедод айлаб андоқ бузмамиш даврон мени,
Ким топа олғай ўзи тузмакка ҳам имкон мени.

Тузмакимдин чарх ожиздур, нединким қилмамиш,
Лутфи тутқан чоғда обод этгудек вайрон мени.

Кофири ишқ ўлмишам, тонг йўқ, сиёсатгоҳ сари,
Бўйнума зуннор боғлаб, чексалар урён мени.

Ашк мавжида ушалса пайкарим, ваҳ, не ажаб,
Ким урар бир тог уза ҳар лаҳза ул тўфон мени.

Истадим кўнглумга тиғин, ғарқа бўлдум қониға,
Чун мен онинг қониға кирдим, тутубтур қон мени.

Ашк баҳри игримига тушмамишмен чиққудек,
Ишқ ул дарёда қилмиш асру саргардон мени.

Кўп суубат бирла олма халқ жонин, эй ажал,
Чунки мен муштоқмен, ўлтур келиб осон мени.

Толиъимнинг қувватин кўрким, балийят тошлари
Кимга кўктин инса, айлар ер била яксон мени.

Минг бало захми била ўлди Навоий, қилса халқ
Ишқ сари майл, судраб кўргузур ҳар ён мени.

576

Не май хуштур манга, не гул керакликтур, не гулзоре,
Керак майдин гул очқон ёрнинг гулзори рухсори.

Не май хуштур манга, не гул керакликтур, не гулзоре,
Керак чун ул ҳаётим гулшанининг сарв рафтори.

Жунун туморида зангору шингарф айлама зоеъ,
Ки дафъ айлар ани ул лаълу хат шингарфу зангори.

Менинг худ рўзгорим тийра бўлди шоми ҳижрондин,
Қилинг субҳи висоли шукрин, эй айш аҳли, сиз боре.

Не суд эмди аёғимдин тикон чекмаклик, эй мушфиқ,
Ки тошлар бирла кўксумга қоқилмиш ҳажр мисмори.

Ниҳони юз ярам бор ҳажр тиғидинки, шарҳ этсам,
Қилур озурда бир олам элин ҳар бирнинг озори.

Анингдек мастлиғ уйқусидин очқай Навоий кўз,
Сабоҳи ҳашр, ул ҳам ёвар ўлса бахти бедори.

577

Неча кўйидин чиқарга йўл сари боқиб турай,
Чиқса эл ёқин талошиб, мен йироқтин телмурай.

Неча ул шўхи бало юз ишва айлаб ҳар тараф,
Мен фиғондин бошима ҳар дам балолар келтурай.

Неча эл рахши совурган гард ила кўз ёрутуб,
Мен йироқтин бошима туфроғларни совурай.

Неча ул юз ўтидин эл равшан айлаб шамъи васл,
Жон қушин ул ўтқа мен парвона янглиг куйдурай.

Неча базми айш аро ҳар ким бўлуб ҳамдам анга,
Мен ютуб қон кулбаи ҳижронда ҳар дам оҳ урай.

Васли жомидин хумори ҳажр чун дафъ ўлмади,
Ўзни ўлмастин бурун майхона сори еткурай.

Эй Навоий, гар манга топшурса шўхи майфуруш
Лаъли май, тутқоч майи лаълин, эваз жон топшурай.

578

Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гўёси,
Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси.

Қади нахли ҳаётимдур, магар топмиш ҳавову су,
Дами Исо била ҳайвон суйидин сарви раъноси.

Тилар мунглуғ кўнгул ҳар лаҳза ишқинг бир янги доғин,
Гадо янглигки, бир эски дирам бўлгай таманноси.

Эрур аҳбоб базмингда, мени мардуд неттимким,
Йироқтин ҳам муяссар бўлмағай ҳаргиз тамошоси.

Деманг жисмингда печу рўзгоринг тийра невчундур,
Бу ҳолим бор то тушмиш бошимға зулфи савдоси.

Хумори ҳажр ичинда саъб аҳволимни ул билгай,
Ки ичкай андин айру майни шўхи бодапаймоси.

Тиконлар ҳажр нишидин, чечаклар ашк қонидин,
Ажойиб дашт эмасму, Аллоҳ-Аллоҳ, ишқ саҳроси.

Сари мўе эмас огаҳ фано ойинидин улким,
Жаҳон бору йўқидин бир саримў бўлса парвоси.

Кўнгул мулки аро солик не жамъият топа олгай,
Агар ҳар дам анга етса хавотир хайли яғмоси.

Мену — муғ дайрию жоми фано, зоҳидға манъим йўқ,
Ичиб Кавсар суйидин, боғи Жаннат бўлса маъвоси.

Навоий заъфи голиб эрди бу кўй ичра ул ақшом,
Агар ўлмайдурур, не эрди итлар шўру ғавғоси.

579

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,
Тортмай найлагай ниёз аҳли.

Оғзи рамзию нутқи вақтида
Ажзга қойил ўлди роз аҳли.

Кўйи даврида бенаво ушшоқ,
Тавф аро ўйлаким Ҳижоз аҳли.

Бузди ҳусн аҳли кўнглум андоққим,
Ёғи мулкини туртоз аҳли.

Риштаи жоним узди мутриби базм,
Ўзса торин начукки соз аҳли.

Мену ишқи мажозий, элтур эса
Йўл ҳақиқат сари мажоз аҳли.

Шамъ янглиг Навоий ўртанса,
Тонг эмас, бўйладур гудоз аҳли.

580

Боғдин келди насиму гул исин келтурмади,
Не тиконларким бу ғам кўнглум аро синдурмади.

Лаъли ёдидинки юттум дам-бадам ҳасрат суйин,
Аллоҳ-Аллоҳ, қайси қонларким бу ғам юттурмади!

Шоми ҳажрим тийрадур андоққи, кундуз ҳам бўлуб
Ҳар нечаким эҳтиёт эттим, қуёш билгурмади.

Ҳажр зулмидин, дедим, айлай ажалға дарди дил,
Оқибат жонимға раҳм айлаб, анға еткурмади.

Васл аро кўп истади жонимки бир дам тинмайин,
Ҳажр то жонимни тандин олмади, тиндурмади.

Қайси гул бедоди бир булбул парин совурдиким,
Чарх зулми ҳам анинғ яфроғларин совурмади?!

Эй Навоий, бевафодур хўблар, бўлди халос,
Улки баъзиға кўнгул, баъзиға кўз олдурмади.

581

Демаки, қатлима ушшоқи нотавон яхши,
Ки бўйла жаврунга бир мен киби ямон яхши.

Хуш улки, қатлға ушшоқ аро ёмонлардин
Ул ой мени соғиниб дедиким, фалон яхши.

Кишики васл тилар, ғурбат ихтиёр этсун,
Ул орзуға бурун тарки хонумон яхши.

Анинг висолида жону кўнгул эмас маҳрам,
Гар ул муяссар ўлур, гайрдин ниҳон яхши.

Қадаҳни ташлаки, бас ташналабмен, эй соқий,
Менинг сумурмакима баҳри бегарон яхши.

Не айб, муғбачага дайр томи узра хиром,
Ереки қилса қуёш жилва, осмон яхши.

Ажаб малоҳат эмасму юзунгаким, кўрунур
Сенга-сенга чу боқармен замон-замон яхши.

Агарчи келмади бемеҳр ёр жаври ёмон,
Чу яхши боқсанг, эрур ёри меҳрибон яхши.

Навоиё, ёмон элтур чу ноладин ул гул,
Не суд, булбул агар айласа фиғои яхши.

582

Яна ҳижрон ўти жонимға тушти,
Ки онинг тобидин қоним қурушти.

Хумори ҳажрдин, эй соқийи базм,
Қадаҳким, чиққали жоним ёвушти.

Илик бер, кўзга суртай бушмас, эй шўх,
Кафи пойингниким ўптум, не бушти.

Менинг ҳолимға афғон чекти аҳбоб,
Кеча кўюнгдаким итлар улушти.

Азалда ринд хушҳол ўлди майдин,
Вале хилват аро зоҳид тумушти.

Сафар ранжи кўнгулдин чиқтиким, ёр
Мени кўргач, равон истаб кўрушти.

Навоий ҳажр ўти урғанда туғён,
Чу урдум бодадин су, ўлтурушти.

583

Қирқиб эрди қошин ул бодапараст худрой,
Тоза чиқмиш, не ажаб, гар десам они янги ой.

Қирққандин ики-уч кун ўтубон бўлмиш эди,
Ўйлаким хингпай эткайлар ики дилкаш ёй.

Ёпти қаввоси қазо ҳар бирига мушкин қавс,
Отқали кирпик ўқин жон била кўнглум сари, вой.

Кошки хаттиға еткурмагай эрди поки,
Ким бу тўти бўлур ул кўзгу била болкушой.

Лўли ўлмоқ тонг эмас, бор эса шаҳларға ҳавас,
Гар бу юз кўзгусига илги бўлур ойинасой.

Не ажаб, бўлса ерим кунжи қаландархона,
Ким қаландарваш эрур ул санами бепарвой.

Эй Навоий, етилиб қоши анинг, шукр дейким,
Ҳусни қасриға аён бўлди яна тоқинамой.

584

Муддаилар бетараҳҳум, ёр бепарво басе,
Ҳам алар кўп зулм этарлар, ҳам бу истиғно басе.

Зулфи занжири мағар бўлғай иложим, эй ҳаким,
Ким димоғимни паришон айламиш савдо басе.

Мен ўлар ҳолатдаю мотам эди аҳбоб аро,
Буки ақшом қилди кўюнғ итлари ғавғо басе.

Турфа менмен ишқ дашти ичра, йўқса анда бор
Вомиқу Фарҳод ила Мажнун киби шайдо басе.

Мен киши эрмон жунун ичра, йўқ эрса кўргузур
Одамилиқ ул парий пайкар, малаксиймо басе.

Эй сабо, кўйида итти кўнғлумниким, айлар эмиш
Бул – ажабвашлиқлар ул ошуфтаи расво басе.

Хастамен даврон жафосидин, кетургил бодаким,
Нофиъ эрмиш ул маразға соғари саҳбо басе.

Бода ичким, чарх рифъат аҳлини кўп қилди паст,
Пастларни кўмди туфроғ остиға дунё басе.

Эй Навоий, гар десанғ кўп инжимай давр аҳлидин,
Ҳар не дерлар ё қилурлар, қилмағил парво басе.

585

Эмас фироқ туни, эй кўнгул, нақора уни,
Эрур замона уни ҳолима фироқ туни.

Бу тийра шомим ила наҳси анжумин ҳар ён
Фироқ дўзахининг бил шароралиқ тугуни.

Не навъ этай мени саргашга васл йўлин қатъ,
Ки ҳар замон совурур ҳажр даштининг қуюни.

Танимни заъф қилиб субҳа торидек ҳалқа,
Бирин-бирин кўрунуб муҳрадек бўғун-бўғуни.

Фироқнинг ўти гар бот туташса, тонг эрмас,
Ки аҳли дард қуруқ жисмидур анинг ўтуни.

Ҳисоб асради дин аҳли қатлин ул кофир,
Ки беҳисобдурур зулфи торининг тугуни.

Агарчи сарвға гул қилди боғбон пайванд
Ва лек сарв қади гулрухумча йўқ йўсуни.

Кўнгулни бузсаю синдурса ишқ, бок эрмас,
Ки хўб эмастурур анинг тузуклугу бутуни.

Чу хирқам ўлди гарав майга, кийма бодафуруш,
Ки доғи ҳажр қўяр ҳар дирам киби юруни.

Замона аҳлиға гарчи ўюнчилиқдур иш,
Енгар ҳам охир аларни замонанинг ўюни.

Навоий олмади кўз анбарин ҳилолингдин,
Нединким ул тилабон кўкта, ерда топти муни.

586

Олача ҳошиялиқ тўн кийиб ул рашки пари,
Ол этук бирла хиром этса, эрур кабки дари.

Барча гар умр чароғин ўчурур, хушдилмен,
Ғам тунидин мени қутқарса насими саҳари.

Англа ҳар қайсини ишқ аҳлиға бир ҳажр ўқича,
Чиқса ҳажрим ўтининг ҳар сари юз минг шарари.

Рутаб лаъликим эрур қомати нахлига самар,
Не чучук мева эмиш нахли малоҳат самари.

Гул рухсорики май суйи била топти фуруғ,
Суда гул аксимудур ё юзида май асари.

Дўстлар, кўкси шигофини тикардин не осиғ,
Ўйла мажруҳки, юз порадур анинг жигари.

Йўл хатарлиқдур, илик чекма таваккулдинким,
Йўқ бу йўл соликининг мундин улуғроқ ҳунари.

Эй хуш ул риндки, то келгаю кетгай бир дам,
Бўлмагай дайри фано ичра ўзидин хабари.

587

Онча кўнглумдадурур гулшани ҳижрон тикани,
Ки назар солмас анга гамзаи новакфикани.

Кўзга сарриштаи тавфиқ хати улдурким,
Судралиб ерга нишон келди итингнинг расани.

Кўз қаросин ўюбон ташлағаним саъб эрмас,
Ончаким солса қаросин ғами ишқинг тугани.

Ғарқи май кўнглак эрур ҳушида йўқ мастингда,
Ё шаҳидингнинг эрур қонға бўялған кафани.

Лолазореки тўкар жола, эрур зорингнинг
Дам-бадам тиш била парголалар эткан бадани.

Гарммеҳр ўлган ила золи фалак, топма фириб,
Ким бу айёранинг асру кўп эрур макру фани.

Эй Навоий, қаддинга солди шикаст узра шикаст,
Чун санга бўлди ватан зулфи шикан-баршикани.

588

Кош бўлса ҳар туган жисмимда жавшан яфроғи,
Ким ўқи кўнглумга еткач, ўтмаса тандин доғи.

Ишқ абвобин чекар дафтарларинда аҳли дард,
Бўйлаким, шингарфгун бўлди шаҳиднинг туфроғи.

Сунбулунгға бир хитойи бандадур мушки Хўтан,
Гар далил истар эсанг, бордур либоси ёргоғи.

Гўиё ул шўхнинг кўнглин олибтур ўзга шўх,
Гар эмас бедил, недур элдин кўнгул олдурмоғи.

Ваъда қилдинг ҳам вафо, ҳам қатл, парво қилмадинг,
Қил вафо ваъдангға, ёхуд бурнағи, ё сўнгроғи.

Эйки гул фасли йигитсен, бир нигоринг доғи бор,
Келса илгингдин май ичкилким, будур ишрат чоғи.

Зулфи савдосида билмаслар Навоий нуктасин,
Ким жунун гуфторидур ёхуд йилоннинг арбоғи.

589

Кўз била кўнглумга бўлмиш гўйиё васлинг чоғи,
Ким кўзумнинг учмоғи тез ўлди, кўнглум солмоғи.

Дема, кўнглунг мулки қай чогдин бу навъ ўлмиш хароб?
То бу кишвар аҳлиға тушти фироқинг булғоғи.

Эй кўнгул, қилма аёғи туфроғи ҳаққин қасам,
Ким кўзумнинг ҳаққидур онинг оёғи туфроғи.

Ғам туни кўнглум харошиға гар истарсен далил,
Ийнак-ийнак чарх таҳрикию анжум тирноғи.

Қатл ҳангоми шаҳидингким кўтарди бармогин,
Гўйи онинг оти мундиндур шаҳодат бармоги.

Даҳр гулзориға, эй кўнглум қуши, майл этмаким,
Анда булбул қонидин рангин эрур гул яфроғи.

Ҳажр аро қўйдум дирамдек доглар кўксим ёриб,
Васл эрур мумкин, Навоийнинг чу кўптур ёрмоғи.

590

Уйқу ҳамсояларимдин кетарур ҳажр туни,
Гаҳ бошим ерга уруб, гаҳ юраким солмоқ уни.

Ғам туни тийра доғи анжуми рахшон демаким,
Ер юзин тутти шарарлар била оҳим тутуни.

Мени саргашта эмон водийи ҳижрондаки, бор
Ғусса туфроғию андуҳ елининг қуюни.

Риштаи жонима ҳар ён тугун андоқдурким,
Тори жисмим аро фарсуда сўнгаклар бўғуни.

Ишқ расвоси деб ўзни тикар эгнига тироз,
Дайр аро тушса фалак эгнига хирқам юруни.

Даҳр боғида нечук васл гули бутсунким,
Ҳажр ўқидур ёғини, ашк суйидур жувуни.

Гар Навоий сўнгакига туташур кўнглидин ўт,
Не ажаб, ишқ ўтидур улу бу онинг ўтуни.

591

Ул қуёш оқ уйдаю мен музтарибмен ҳар сари,
Ўйлаким, фонусдин парвона қолгай ташқари.

Садқаси бўлмок эрур мақсуд мен саргаштаға,
Оқ уйи даврига буким айланурмен ҳар сари.

Ичкари ул гул, тувурлуғни кўтармаслар, нетай,
Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.

Парда кетгач, мен заифи зорга осон эрур,
Йўлларидин чиғнинг солмоқ ўзумни ичкари.

Оқ уй ичра ҳар недур, зоҳирдур ул юз тобидин,
Шамъ бўлса уйда, ташқардин бўлур зоҳир бари.

Гар фалак хиргоҳи бўлса пешхонанг, не асиғ,
Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.

Эй Навоий, ул маҳи хиргаҳнишин ҳифзи учун
Кўзанак эрмаски, ҳар сори тикилмиш кўзлари.

592

Хаста жоним риштаси кўрганда ҳажр озорини
Гар узулди, қил анга пайванд зулфунг торини.

Дема, огзин ғунча, қаддин сарвким, эл кўрмамиш,
Сарвнинг рафторини ё ғунчанинг гуфторини.

Гулда холу меҳрда хат йўқ, не янглиг ўхшатай,
Меҳру гулга хол ила хатлиғ ики рухсорини.

Ёғмади ҳаргиз чу шабнам инжуси гул баргидин,
Анга ташбиҳ этса бўлмас лаъли гавҳарборини.

Не қилурдин қасди сунбул, не этар жон сайди дом,
Айламон монанд аларга зулфининг зуннорини.

Чарх қасринда қуёш узра кўнгул майл айламас,
Ким ганимат тутмиш онинг сояи деворини.

Сайридин пайконларинг кўнглумда топмишдур сабот,
Кўзга илмасмен фалакнинг собиту сайёрини.

Давр сирри пардасин гар очмамишсан, соқиё,
Бода тутким, дей санга бу парданинг асрорини.

Эй Навоий, дахл қилма, гар тилар эрсанг наво,
Ҳар неча хорижнаво кўрсанг сипеҳр адворини.

593

Зиҳи нахли қаддингдин хижил сарви бўстони,
Хат ичра лабингдин мунфаил роҳи райҳони.

Тушумга юзунг кирди ҳам яхши толеъдин,
Кўз очтим, тулуъ айлаб эди субҳи нуроний.

Ғаминг доғи жонимга лабинг холи янглигдур,
Не бўлди сўрушсоқ биз муни, доғи сен они.

Фироқ ичра рухсорингғ қуёшиға бер жилва,
Ки бас тийра айлабтур мени шоми зулмони.

Дема, ёшурун доғим сенинг ичингда йўқтур,
Ичим ёру кўр улким, эрур нақди пинҳони.

Бақо чун эмас мумкин, мудом ўзни хуш тутқил,
Ки қайғургали қилмас гари олами фоний.

Навоий, беҳишт ичра фарогат йўлин сўрдунг,
Намудоридур онинг Ҳиринининг хиёбони.

594

Сиёсат этти сочинг, мушк чун хато қилди,
Ки борча жисми қарориб терига тортилди.

Қадингға қуллуғи аҳдини найшакар бузмиш,
Ки бўйла бир-биридин банд-банди айрилди.

Бошинда тожи зар ўлди, аёғи остида натъ,
Чу шамъ хидматинг айларда поясин билди.

Магарки кўз юмуб очқунча ноз ўқин оттинг,
Ки бир ажаб тикони кўнглум ичра сончилди.

Кўзи хаданги бало ёгдурурни фаҳм эттим,
Ки рахши наълидин ўтлар кўзумга чоқилди.

Қадаҳ кетургилу дам урма даҳр сирридин,
Ки мубҳам ўлди бу сўз ҳар нечаки айтилди.

Жигари кабобга майл этмаган эса ул мает,
Навоиё, нега багрингни ҳар тараф тилди.

Селларким тўкар кўзум ёши,
Сойининг тошидур ядо тоши.

Даъво этгайму эрди қошинг ила,
Бўлмаса ёйнинг икки боши.

Қаҳрдин чинки тушти манглайига,
Чиннинг остида нун эрур қоши.

Рангин этмакка солмиш оби ҳаёт,
Чеҳранг очқанда сунъ наққоши.

Қариган чогда айлади расво
Мени, гарчи кичикдурур ёши.

Не рафиъ ўлди дайр тоқики, бор
Меҳр анга шамса, кўк анга коши.

Гар Навоий қочар фано йўлидин,
Не ажаб, чун йўқ анда йўлдоши.

596

Жон мазраида бўлса, не тонг, дард хирмани,
Оҳимдин ўлди чунки фалак ел тегирмани.

Хаттинг хаёли кўнглум аро қилди юз тешук,
Бу навъ ўлур бузуғда қолин мўр маскани.

Кўнглум ёрур, чу номасини кўздин олмасам,
Уйдекки, зеб коғаз ила топса равзани.

Захмидағи фатилаға ўт тушти, эй рафиқ,
Дард уйининг магар будурур шамъи равшани.

Басдур юзу қаддинг, гулу савсан яна недурур
Гулгун елакнинг устида такбанди савсани?

Булбулға, эй гул айла вафо тоза-тозаким,
Серобу тоза доим эмас даҳр гулшани.

Ғамдин Навоий ўлгусидур, кўнглин асрағил,
Чун сенча кимса билмади дилдорлиқ фани.

597

Интизоридин ул ойнинг кўзки солдим ҳар сари,
Кўз юмуб очқунча ўтти кўз ёшим андин нари.

Ёлиниб ул кун ити бирла борурмен кўйига,
Ваҳки, ул кўй ичра бормен мен кейин, ит илгари.

Дарду ғам турмиш ясовулдек кўнгул чоки аро,
Қўймамоққа келса ҳушу сабр хайли ичкари.

Кўрмасангким ўтни су тез айлагай, бир-бир турур
Кўнглум ичра қатра-қатра су киби пайконлари.

Лаб аро оғзинг чучук тил бирла гўё англасам,
Шаҳдлиғ ниши била гул баргини тешмиш ари.

Зоҳиду ҳар лаҳза ўлмак хонақаҳ фикридаким,
То тирикмен чиқмағум дайри фанодин мен бари.

Эй Навоий, дема ҳар дамким қадаҳни қуй тўла,
Майни охир қуйса худ бўлмас қадаҳдин ташқари.

598

Не ишқ эдики, адам айлади вужудумни,
Чу урди соиқа, гардунға чекти дудумни.

Не нукта буду набудумдин айтайинким, ул
Набуд қилди фано ўти бирла будумни.

Агар шикоф эса кўксум яқо киби, не ажаб,
Ки ҳажр бир-биридин узди тору пудумни.

Бу йўлда суду зиёндин такаллум этмангким,
Тугатти ишқида савдо зиёну судумни.

Чу ишқ куфри аро белга боғладим зуннор
Бут оллида яна айб айламанг сужудумни.

Юзунг мушоҳадаси қилмиш ўйла мустағрақ,
Ки ҳажр салб қила олмас ул шуҳудумни.

Навоий ўздин асар топмон ўлғали ошиқ,
Не ишқ эдики, адам айлади вужудимни.

599

Тилармен ислаб-ислаб ғабғабингни,
Гаҳ ўпсам оразингни, гаҳ лабингни.

Эрур бу бир таманно баски топсам,
Юзум суртарга наъли маркабингни.

Юзу зулфин кўрарга борғум, эй чарх,
Жудо қилғил қамардин ақрабингни.

Фалакдин ўтти гарди анбаролуд,
Чу майдон ичра сурдунг ашҳабингни.

Юзи, эй чарх, бурқаъ очти терлаб,
Булутқа чирма ою кавкабингни.

Қади боринда Тўбидин дема сўз,
Қил, эй зоҳид, бийикрак машрабингни.

Навоий, ёр раҳм эткайму, ё Раб,
Эшитса мунча «ё Раб-ё Раб»ингни.

600

Тушта сарву гулдин ислаб бирни, қучтум бирини,
Айлагил, эй сарви гулрух, бу тушум таъбирини.

Англадик ўтлуқ юзи кўнглум не янглиғ қилди су,
Мўм аро ким кўрмамиштур шуъланинг таъсирини.

Дўстлар, дафъи жунунум гар тиларсиз, боглангиз,
Ул парий кўйида бу девонанинг занжирини.

Суратингдин ожиз эрса Моний, эрмастур ажаб,
Қайда наққош айлагай килки қазо тасвирини?!

Васл ила қилғил бузуғ кўнглум иложинким, қилур
Шоҳ адл этмак била вайроналар таъмирини.

Ишқу май, эй шайх, азалдин сарнавишт эрмиш манга,
Ваҳ, нетиб хуш кўрмагаймен Тенгрининг тақдирини?!

Эй Навоий, дерсен ул ой ишқини элдин ёшур,
Оти мазкур ўлса, найлай ҳолатим тагйирини.

601

Кўксумда наъл бўлди хадангинг нишонаси,
Кўксум уйи эрур анинг оможхонаси.

Пайконларингки, тил киби кўнглумдин урди бош,
Гўё бир ўтдур улки, булардур забонаси.

Кўп сўз ясади Лайлию Мажнун сўзида халқ,
Эрмас начукки ҳуснунгу ишқим фасонаси.

Деб эрди бир баҳона била сени ўлтурай,
Ўлтурди, ваҳки, ҳар дам анинг бир баҳонаси.

Меҳри рухунгда меҳригиях сабзаи хатинг,
Гўёки холинг ўлди ҳамул сабза донаси.

Муғ дайри пирининг қулименким, ғам этса қасд,
Айлар халос бир тўла жоми муғонаси.

Ишқинг Навоий айлар улустин ниҳон, валек
Фош айлар элга замзамаи бехудонаси.

602

Саҳар куяр ғами ҳажрингда хаста жисм хаси,
Магар ўтумни қилур тез субҳнинг нафаси?

Кўнгулга онча хадангинг тикилди ҳар ёндин,
Ки бўлди хаста кўнгул андалибнинг қафаси.

Кўнгулки толпинадур танда, кўюнг истайдур,
Қафасда секреса қуш, учмоқ ўлғуси ҳаваси.

Ул ойға етмаса қўл ўтлуқ оҳ ила, не ажаб,
Чинор куйса, бўлурму қуёшқа дастраси.

Не ринд ўлса сочинг куфрида етар зуннор,
Жаҳон юзидаги дин аҳлиға онинг мараси.

Талаб йўлидағи ованларга мужда денгиз,
Ки йўлга ҳодий эрур дўст маҳмили жараси.

Фиғонки, хасталарин ул Масиҳ тиргузубон
Вале Навоий дилхастани унутти басе.

603

Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,
Нотавон жисмимга тушкан шуъла жоним ўртади.

Қўзгабон кўнглум алохону аломон айлади,
Не алохону аломон, хонумоним ўртади.

Барқи ишқинг чунки тушти, хонумоним бўлди кул,
Турфа ўт эрдики, пайдову ниҳоним ўртади.

Дема: «Ишқим найладиким рўзгорингдур қаро?»,
Ўртади, эй қотили номеҳрибоним, ўртади!

Лаъл маҳлул айлагандин ўт ёқиб хошок ила,
Ҳажри жоним куйдуруб, жисмимда қоним ўртади.

Бўлмаса ному нишоним, айб қилмангким, фироқ
Рўзгор авроқида ному нишоним ўртади.

Шоми ҳажрида шафақ кўрсанг, Навоий, бил яқин,
Ким фалакни шуълаи оҳу фигоним ўртади.

604

Гул не бўлгайким, юзунг ҳажрида кўргаймен ани,
Солсалар кулбамга, хас янглиг супургаймен ани.

Базмидин бўлса насибим бир сўнгак, то умр бор
Ислагаймен, йўққи ит янглиг кўмургаймен ани.

Жон чиқар ҳолатда келди ёру таскин топти жон,
Эмди номаҳрам деб истармен итургаймен ани.

Кўнглум ўтидин ёрут меҳринг чароғин, эй сипеҳр,
Сарсари оҳимдин ул дамким ўчургаймен ани.

Лабларинг ҳажринда гар худ бода ҳуро лаълидур,
Мумкин эрмастурки, огзимға етургаймен ани.

Ўйла ҳижрондин тилармен бехуд ўлмоқ, эй рафиқ,
Ким фалак жомин тўла тутсанг, сумургаймен ани.

Эй Навоий, телба кўнглум итти, эмди истамон,
Неча тоғу даштдин истаб кетургаймен ани?!

605

Йўққи, ёмғурдин мени ҳолимға даврон йиғлағай,
Кўргузуб гулгун булут истар магар қон йиғлағай.

Анжум эрмаским, эрур афлок ашки донаси,
Ҳар тун аҳволимға баским чархи гардон йиғлағай.

Чок бағрим қону доғин кўз ёшим дафъ этмади,
Лола нафъидур, нечаким абри найсон йиғлағай.

Кўз қурубтур ашкдин ул ой ҳавои ишқида,
Бас қилур охир булут чун улча имкон йиғлагай.

Парда ичра йиғлаб ашким, ваҳки, пинҳон қолмади,
Шамъ фонус ичра элдин қайда пинҳон йиғлағай?

Муътабар эрмас, агар зарқ аҳли кўп тўккай сиришк,
Ким мушаъбид оз дирам истаб фаровон йиғлағай.

Ҳажр тиғидин не ғам ҳар дам Навоий йиғласа,
Кимки бўлди пора-пора бағри, осон йиғлағай.

606

Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,
Келур ул райҳон ила гулдин манга ҳижрон иси.

Менки бир гулдин жаҳон боғида бўе топмадим,
Найлайин, қилса муаттар даҳрни бўстон иси.

Лаъли ҳажринда ниҳон ашқим сўзин ағёр аро
Деса бўлмаским, келур ул навъ сўздин қон иси.

Қайдаким жонбахш лаълидин Масиҳосо калом
Сурди, ул ердин келур юз қарндин сўнг жон иси.

Жон иси тутти жаҳонни, мен борурмен кўйига,
Ким тилар эл жон иси, мен истарам жонон иси.

Эй гадо, олам элига шайалиллаҳ демаким,
Бу чамандин келмади ҳаргиз гули эҳсон иси.

Чун Навоийға келур ҳижрон иси ҳар дам, не суд,
Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси.

607

Тан қаро туфроғ ўлуб, оҳ ўти охир бўлмади,
Гарчи хас кул бўлгач, андин шуъла зоҳир бўлмади.

Ҳуснунга меҳр этти даъво, зулфдин чиққач юзунг,
Тун ҳижобиға кириб мажлисқа ҳозир бўлмади.

Дема кўксунг чокини ёпқилки, кўп ёптим валек
Чоклик кўнглак анинг чокига сотир бўлмади.

Орзу айлармен ўпсам, деб кўзумни ҳар замон,
Ким сенинг юзунгдин ўзга юзга нозир бўлмади.

Ўртамакта фурқатинг шогирдидур дўзах, валек
Пеша айлаб касб устодича моҳир бўлмади.

Ваҳ, не манзилдур фано кўйиким, анда етмайин
Кимса икки кавндин осудахотир бўлмади.

Эй Навоий, қайғу етса чархдин, ич бодаким,
Кетмади даврон гами, то жом доир бўлмади.

608

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бари қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлгаким, аввал қадам маъшуқи ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

609

Нозук ҳарир агар танингга ҳойил ўлмагай,
Кўрса жамод мумкин эмас мойил ўлмагай.

Чун тору пуди лутфда жон риштасидурур,
Тонг йўқтурур, агар танингга ҳойил ўлмагай.

Лаълинг хаёли жон аро бир нақш туттиким,
Оби ҳаёт ила ювсалар, зойил ўлмагай.

Осори ҳажр агар будурурким, кўрар кўнгул,
Дўзах аломати бу сифат ҳойил ўлмагай.

Қилдим кумуш билакларидин бўсае савол,
Мендек жаҳонда хомтамаъ сойил ўлмагай.

Исботи жузви лоятажаззо қилиб хирад,
Огзинг вужуди нуктасига қойил ўлмағай.

Йиллиқ ибодат эрмиш аёғингда саждае,
Бошин Навоий олмағуси то йил ўлмагай.

610

Чеҳра ўти бирла кўнглум хонумонин ўртади,
Оташин гул ишқи булбул ошёнин ўртади.

Ишқ кўнглум боғин асраб тоза, охир солди ўт,
Боғбони мастдекким, бўстонин ўртади.

Оташин лаълингда хол эрмаски, қўймиш тоза дог,
Ҳар баҳона айлабон ушшоқ жонин ўртади.

Ишқ ўтидин зор кўнглум ичра солдинг сўзи ҳажр,
Ким бу янглиғ бирта куйган нотавонин ўртади.

Сўзи ишқим дафтариға ҳар кишиким солди кўз,
Ўртаниб Фарҳоду Мажнун достонин ўртади.

Ишқ зуҳдум хайлига ўт солса, тонг йўқким, бу барқ
Даҳр аро кўп бўйла тақво корвонин ўртади.

Хонақаҳға солди ўт, киргач Навоий дайр аро,
Ҳирфавардек ганжким топти, дўконин ўртади.

611

Оҳким, номеҳрибоним азми бедод айлади,
Бир йўли меҳру вафо расмини барбод айлади.

Қўрқарам, аҳли вафо оҳи анға қилғай жафо,
Бу жафоларким вафо аҳлиға бунёд айлади.

Бўлмади ношод охир дам гунаҳ бўлғай дебон,
Бегунаҳ аҳбобни мундоқки ношод айлади.

Бир дам ичра тунд селе қаҳр ила қилди хароб,
Ҳар вафо қасрики, йиллар они обод айлади.

Дам урарға топмади ҳад кимса то ушшоқ учун,
Шаҳна айлаб ғамзасин, кирпикни жаллод айлади.

Тинди абнойи замоннинг ихтилофи табъидин,
Кимки ўз табъини бекасликка муътод айлади.

Кўнгли мулкин истар обод, ваҳ, бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

612

Гар яна бир қатла ўз васлингға еткурсанг мени,
Истасам ҳажринг, биҳилдурмен гар ўлтурсанг мени.

Ул эшикдин киргум уй тошини итдек айланиб,
Бу эшикдин тош ила юз қатла гар сурсанг мени.

Қолғуси бир дог кўюнгда кулумдин ёдгор,
Ёзғуриб ҳижрон гуноҳи бирла куйдурсанг мени.

Орзудур остонинг туфроғида ўлмаким,
Тоза жон топқум, гар ул туфроққа топшурсанг мени.

Гарчи журмум кўп, хушо ул журмким, таҳқиқ учун
Сўргали гаҳ-гоҳи ўз қошингға келтурсанг мени.

Тарки жон эттим, бошим бўлғусию ул остон,
Сен билурсен, лутф қилсанг, хоҳ ёзғурсанг мени.

Каъбаи кўйига юз қўйдум, бу йўлдин ёнмағум,
Эй Навоий, ҳар нечаким йўлдин озғурсанг мени.

613

Чу ул ҳури париваш жилва айлар вақти, ноз эткай,
Малак хайли кўруб андоқ балони иҳтироз эткай.

Таолаллоҳ, не истиғнодур ул ҳусн ичраким, нозин
Юз онча айлагай, ошиқ неча арзи ниёз эткай.

Ёрутқай эл кўзин барқи жамолинг ламъаси ҳар дам,
Вале мен хаста кўнглининг ишин сўзу гудоз эткай.

Кўпу озим фидосидур анинг, яъники шавқу сабр,
Агарчи ул санам кўп жавр қилғай, раҳм оз эткай.

Ўзин пок айламай ошиққи, ёр оллинда қўйгай бош,
Эрур ул навъ зоҳидким таҳоратсиз намоз эткай.

Кўп ўлмиш бул — ажаблиқ ишқ аро, ул жумладин бир бу,
Ки шоҳи Ғазнавий маҳқум бўлгай, ҳукм Аёз эткай.

Чу Ҳақ нури юзунгда зоҳир ўлди, бебасар улким,
Ҳақиқат расми бор эрканда ишқингни мажоз эткай.

Ториқтим хонақаҳдин, хуштурур майхонаким, анда
Аёқчи жоми май тутғай, муғанний нағма соз эткай.

Чу солсам эски хирқамни, харобот аҳли, тонг эрмас,
Ки ҳар бир-бир юрунни андин эгнига тироз эткай.

Эрур ҳисни ҳасин матлуб зикри бўлгали эмин,
Хавотир хайли солик кўнглига чун турктоз эткай.

Навоий ёр ила бўлса, ҳарамдур анга дайр ичра,
Агар майли Ажам қилгай, гар оҳанги Ҳижоз эткай.

614

Менинг бахтим юзи ғам кожидин ул кун қаро бўлди,
Ки кўнглум ул кўзу, қоши қароға мубтало бўлди.

Қутулмиш эрди ошиғлиқ балосидин кўнгул, кетмиш
Ул ой кўйига, билмон, ёна анга не бало бўлди.

Қошу киприкларинг кўнглум уйин қилди камонхона,
Алифлардин ўқу ҳар наъл анга бир ҳалқа ё бўлди.

Бузулған хаста кўнглумдин ўқин зинҳор чекмангким,
Ул уйга бу сутун, ул нотавонға бу асо бўлди.

Лабингга қайси тил бирла фидо дей хаста жонимни,
Анга жоним фидоким, жони лаълингға фидо бўлди.

Ажаб муҳлик эмасму ишқ дашти, эй мусулмонлар,
Ки бир мўрига ҳар кун туъма икки аждаҳо бўлди.

Фано истар эсанг, тут дайр пири илгидин жоме,
Нединким хонақаҳ шайхи иши зарқу риё бўлди.

Вужудум фоний айлаб олди дин бир муғбача, тонг йўқ,
Агар зуннор боғлаб, масканим дайри фано бўлди.

Навоий, ғуссадин махлас тиларсен, масту бехуд бўл,
Ки даврон дарду ранжиға даво бу бўлди, то бўлди.

615

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.

Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға еткач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.

Васли аро ғар ўлтурур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ошиқ бўлурда билмадим, мен нотавони хастаким,
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса ёр ўлтургуси.

Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

Лаълинг закоти май тутуб тиргузмасанг, эй муғбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар, Навоий қатлиға гулгул очибтур оразин,
Кўргунча они, войким, бу хорхор ўлтургуси.

616

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!
В-ар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!

Ранжима йўқ эса адад, хост бу эрса найлайин,
Дардима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлурига, зоҳидо,
Ҳожати истихора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ёрдин элга комлар, буки менинг сари гаҳи
Кўз учидин наззора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Машъали васл ила улус шоми мунаввару менинг,
Бахтима бир шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!

Қисми азалга шодмен, буки фалак риояти,
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим, эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди,
Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

617

Ваҳш хайлин дашт аро мен телбаи маҳзун сари,
Ом ғавғоси хаёл эт шаҳр аро мажнун сари.

Ҳам борурда, ҳам ёнарда ўткудекдур чархдин,
Чиқса ул ой ҳажрида оҳим ўти гардун сари.

Шамъга парвона майлидекдурур кўнглум қуши,
Борса ногаҳ ул қаду рухсори оташгун сари.

Турфа кўрким, носиҳим Фарҳод ила Мажнун эрур,
Булажаб ҳолимга боқиб тоғ ила ҳомун сари.

Ҳар тун афзун бўлган оҳим ўтиға жоним сипанд,
Ким газанде етмагай ул ҳусни рўзафзун сари.

Соқиё, куп кунжидин тут бизга лаъли нобким,
Бу боринда майл бўлмас ганжи Афридун сари.

Эй Навоий, мажмаъул баҳрайн бўлғай ошкор,
Майл қилса сели ашким ногаҳон Жайҳун сари.

618

Ашк хунобидин ўлмиш кўзларим Уммон киби,
Қон ёш аритмогдин илгим панжаи маржон киби.

Кўнглум ўтидин қизорған ҳар тараф пайконларинг,
Су бўлуб эмди томарлар захмлардин қон киби.

Танни гар дўзах ўти куйдурса, жонни ўртамас,
Қилмағил ҳеч ўтни, ё Раб, шуълаи ҳижрон киби.

Ишқ даштида қуюн чекмас фиғон, ваҳ, бўлмасун,
Хоксори бодпаймое бу саргардон киби.

Сабзаи хат ёпқан оғзинг ўпсам, эй гул, не ажаб,
Туфроғимдин ғунча бутса захмлиқ пайкон киби.

Даҳр боғинда неча кунким тириксен, айш қил,
Ким яна топмоқ эмас маълум бу бўстон киби.

Эй Навоий, ишқиму ҳусни эрурлар ончаким,
Мен анга ҳайронмену ул доғи мен ҳайрон киби.

619

Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини, не тонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қошинг фикри андоқким ҳилол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўткан кеча
Бода зўр айлаб, йиғи беэътидол этмиш мени.

Ёр кўйи ичраким туфроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,
Фурқатинг то заъфдин андоқки нол этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламга мен ким, зуҳд ким?
Зоҳиди афсурда оё не хаёл этмиш мени?!

Дашт ваҳшиға анис ўлсам Навоийдек, не тонг,
Ул парий савдоси чун Мажнунмисол этмиш мени.

620

Ҳижрон куни ҳар хастаки жононға йўлуқти,
Қил ўйла тасаввурки, ўлук жонға йўлуқти.

Зулфунғ қора қайғусида жононға йўлуққан,
Зулмат ичида чашмаи ҳайвонға йўлуқти.

Қочти кўнгул ашкимдину оҳим аро тушти,
Ёмғур суйидин қочтию тўфонға йўлуқти.

Мажнунға йўлуқти, манға ғам даштида иткан,
Мажнун демаким, ғули биёбонға йўлуқти.

Ҳайронлиғима ҳайрати мендин доғи ошти,
Ишқ аҳлидин улким мени ҳайронға йўлуқти.

Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки бир комили давронға йўлуқти.

Ишқ аҳли иши топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронға йўлуқти.

621

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлагай.

Неча сабр авроқи ёзгай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.

Шайхдин зуҳди риёйи касб ўлур, ё Раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй парий,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

622

Тиғи ҳижронинг кириб кўнглумни гамнок айлади,
Ичкаридин кўкрагимни сар-басар чок айлади.

Айлади мен зори маҳзунни балову жаврқаш,
Улки дилдоримни мундоқ масту бебок айлади.

Ҳусн аро улким насибинг қилмади жуз поклик,
Хотирим лавҳини гайринг нақшидин пок айлади.

Зор жисмим ламъаи ҳуснунгдин ўртанмак не тонг,
Чунки ишқ ул бирни ўт, бу бирни хошок айлади.

Дам уруб, гардимни еткур кўйига, эй субҳи васл,
Ким танимни ҳажр бепоён туни хок айлади.

Маърифат нахлидин ул ориф ҳамоно топти бар,
Ким тафаккур бирла фаҳми «мо арафнок» айлади.

Носиҳо, ул ҳуендин қилмас Навоий манъини,
Ҳар кишиким ишқ атворини идрок айлади.

623

Чун илик бермаски ўпсам, ул ситамкор илгини,
Бир киши илгин ўпайким, ўпкай ул ёр илгини.

Чун аёғи туфроғин ўпкунча топмон эътибор,
Сунса ҳам ногаҳ, ўпарга не ҳадим бор илгини.

Жон сотармен хоки пойингға, нединким, аҳли байъ
Туттурурлар сотқучи бирла харидор илгини.

Зулфидин, тонг йўқ, Калимуллоҳдек этса аждаҳо,
Ким яди байзодин айлабтур намудор илгини.

Сўргали келса Масиҳим бошима доманкашон,
Ул этакдин ким олаолғай бу бемор илгини?

Доғу қондин бордурур улким очилмиш лолазор,
Ҳажринг айёмида чексанг ошиқи зор илгини.

Эй Навоий, билки, ҳижрон даштидин бўлмас халос,
Сайр аро матлуб агар тутмас талабгор илгини.

624

Биравки ишқ била қилди муттаҳам бизни,
Не навъ йўқ дейликим, этти муҳтарам бизни.

Ғамингда бир-ики дам қолди, жонни ботроқ ол,
Ҳаёт ваҳмидин ўлтурма дам-бадам бизни.

Кўнгул, не мужда берурсенки, базм аро тунокун
Ҳарифлар аро ёд этмиш ул санам бизни.

Демангки, тиғ суруб, бошимизни солди қуйи,
Ки қилди ҳажрда шарманда ул карам бизни.

Фироқ муҳлику васл ичра шодлиғ муҳлик,
Фироқи ўлтурур эрмиш, висоли ҳам бизни.

Ичарда дурди май айлаб синуқ сафолни жом,
Бўлур бу жоҳ ила давр аҳли деса Жам бизни.

Навоий айлади ҳижронда нолаю фарёд,
Хароб қилди ул оҳанги зеру бам бизни.

625

Ваҳки, савдодур димоғимда, паришонлиғ доғи,
Телба кўнғлум ичра ўз ҳолимға ҳайронлиғ доғи.

Гар мени олам эли бедоди бузди, бок йўқ,
Оламедур бу бузуғ оламда вайронлиғ доғи.

Хонумоним ғаҳ бало тоғи, ғаҳе ғам даштидур,
Бўйла ким кўрди алохонлиғ, аломонлиғ доғи.

Қатлим айлаб қонимаким кирдилар кўзу кўнгул,
Иккиси душмандурурлар жонима қонлиғ доғи.

Ёр келгумдур дебон бордию келмас, ваҳ, яна
Бевафолиғ зоҳир этти, аҳди ёлғонлиғ доғи.

Ҳажрида ўлтурмадим ўзни ағар кўрсам юзин,
Инфиолим доғи суд этмас, пушаймонлиғ доғи.

Фурқати даштида ҳам сарғашта, ҳам оворамен,
Ким қуюнлуғдур ишим, ғули биёбонлиғ доғи.

Даҳр элининғ зулми ғар будурки етти жонима,
Қилмайин анда ватан, биллаҳки, меҳмонлиғ доғи.

Эй Навоий, сен худ иттинғ, кимса сендек итмасун,
Шоҳидин ҳирмонлиғу моҳидин армонлиғ доғи.

626

Коми лаълингнинг хаёлидин кўнгул қозғонмади,
Тушта су ичкан била лабташна ҳаргиз қонмади.

Оҳ саргардон кўнгулдинким, ул ой кўйи сари
Борғали бир ҳам бизинг сори яна айлонмади.

Кўр, не ўт бўлғайки ўртандим, қаёнким солдинг ўт,
Ёлғиз ул ўтдинки мен куйдум, кўнгул ўртонмади.

Ҳажр аро ўлмакни хўй эттимки, чун топтим висол,
Ўлмак эткач орзу оллинда жон эмгонмади.

Ҳажр ўлтургон қиёмат доғи қўпмас, кўрмадик
Уйқуким, ғавғои рустохез ила уйғонмади.

Ўлмак осондур, кўнгул узмак биравдин саъб эрур,
Эй хуш улким, кўнгли бир бадмеҳр ила ўргонмади.

Гар Навоий заъфи тебрангунча бор эрди, валек
Ҳажр ўқи кўксигаким тегди, яна тебронмади.

627

Не чоғлиғ тошким Фарҳод ушотти,
Фалак борин йиғиб бошимга отти.

Менинг афсонам эрди бул – ажаброқ,
Неча Мажнун сўзин ровий узотти.

Таҳаррук қилмади ҳажр ақшоми чарх,
Сиришкимдин магар болчиққа ботти.

Ўлум сардобаси эрдики, гардун
Манга ором учун маскан ясотти.

Фироқ оллинда эрди шаҳд янглиг,
Мазоқимким ўлум заҳрини тотти.

Кўп эрди ишқ бозорида савдо,
Мени гардун вале оламға сотти.

Навоий лаъли серобинг гамидин
Юрак қонини кўз ёшиға қотти.

628

Барча базм аҳлиға луъбатбоз ишининг ҳайрати,
Келтуруб ҳайрат манга ҳар лаҳза ул Чин луъбати.

Чун қариғон чоғда мен луъбатқа бўлдум шефта,
Ваҳ, не тонг, атфол лаъбининг бошимға меҳнати.

Шайх пандидин не осиғким, қилур луъбатни манъ,
Менки, жонимни олур бир шўх луъбат ҳасрати.

Гарчи луъбат бирла бут бир-бирдин эрмаслар йироқ,
Ваҳки, луъбатлар аро ул бут эрур жон офати.

Ҳам ани луъбат дейин, ҳам бут дейин, невчунки бор
Зотида бут ҳуснию ҳуснида луъбат зийнати.

Чарх золиким ўзин луъбатдек оройиш берур,
Қочқил андинким, эмас луъбат, эрур Ҳақ лаънати.

То Навоий бўлди луъбат сори вола, ваҳки, бор
Барча луъбатбозлар ҳангомасига улфати.

629

Эй хуш улким, бағрима бир лоларухдин доғ эди,
Ким ҳавосинда сабодек жилвагоҳим боғ эди.

Ўтқа ёғин гар берур таскин ва лекин шавқида
Кўз ёшимнинг ёғини ўтлуғ кўнгулга ёғ эди.

Майдек икки лаълу ул Мусҳаф киби юздин кўнгул
Усрук эрди икки соат, гар замоне соғ эди.

Тўтиёлардин кўзум айлаб эди қатъи назар,
Сурмаси чун чобукум майдонидин туфрог эди.

Риндлар, тавбам не тонгким, умр ўтуб исён била,
Дўсти олий даргаҳиға азм айлар чоғ эди.

Барқи раҳмат чоқилурда тоғ эмас хошокча,
Тавба вақти ғам йўқ, ар журмум нечукким тоғ эди.

Вақт чун етти, Навоий Ҳаққа қилди бозгашт,
Гарчи золи чарх иши юз лобаю минг лоғ эди.

630

Дашт аро дерменки Мажнунни ўзумга учратай,
Ҳуш андин ўрганиб, девоналиғни ўргатай.

Зуҳду тақво аҳли пандимга агар жам ўлсалар,
Ғам эмас, бир оҳ барқидин борисин бутратай.

Боғ гулгаштида беинсофлиғдур, гар десам
Сарвни қаддингға, гулни оразингға ўхшатай.

Ул гул уйғонмас қуёш чиққунча, ҳар тун неча мен
Нолаи шабгир ила тонг қушларини уйготай.

Ул париваш тифл мактабдин ториқмиш, пири дайр
Қўйки, бир дам они мажнунлуғлар айлаб ўйнатай.

Бўлсалар Фарҳоду Мажнун бул — ажаб ҳолимни деб,
Гоҳ ани кулдурай, гоҳи бу бирни йиғлатай.

Деб эмишсен, бир хаданг отқум Навоий кўнглига,
Тўқта ончаким, қарори йўқ кўнгулни тўқтатай.

631

Ўқунгким жисми урёнимға етти,
Танимдин ўтмайин жонимға етти.

Булут ғар зоҳир этти барқ ила раъд,
Қачон бу ўтлуғ афғонимға етти.

Чаманда жилва айлаб нахл, ҳошо —
Ким ул сарви хиромонимға етти.

Қочиб чиқсам, не тонғ, ғам тоғи узра,
Бало сайли чу вайронимға етти.

Дедим, невчун сабо келди паришон?
Деди, зулфи паришонимға етти.

Бир ўққим элга отти ул қоши ё,
Юз ўқ бу жони қурбонимға етти.

Навоий, бағриму кўнғлум ўтидин
Туташти, чунки бир ёнимға етти.

632

Ҳаво хушдурур, тут қадаҳ, ёр, ахи,
Қадаҳни ўзунг бурна сипқор, ахи.

Чу сипқардинг, ани ёна қил тўла,
Улуғроқ топиб жом зинҳор, ахи.

Ўзунг бирла тенг тутма соғар манга,
Сен озодасен, мен гирифтор, ахи.

Ҳилолий қадаҳ бирла сен бода ич,
Манга жом тут чархкирдор, ахи.

Ғамимдин бўлур чарх жавфи тўла,
Муни ҳам қил андин намудор, ахи.

Майи соф ҳам тутмасанг, яхшидур,
Ғамим дафъиға дурди хаммор, ахи.

Замон жаври бирла замон аҳлидин
Замоне бу бедилни қутқор, ахи.

Манга гар бу навъ айласанг ёрлиқ,
Санга доим ўлсун Худо ёр, ахи.

Навоий жаҳондин кечиб иста ёр,
Санга бўйла ғурбатда не бор, ахи.

633

Келса ёру бўлмаса ҳамраҳ рақиби тийрарой,
Қилмаса гард имтизожи оби ҳайвонимни лой.

Келса ёру ҳамраҳи бўлса рақиб, озурдамен,
Келмаса ёру рақиби келса сарвақтимга, вой.

Ёр чун ёлғуз қошимга келмаки мумкин эмас,
Чорае йўқтур, агар шабгун булутдин чиқмас ой.

Гар иковлон келсалар ҳам бок эмастур, негаким,
Бу бир этса гамфизолиқ, ул бир ўлгай гамзудой.

Даҳр боғида тикандин айру чун гул бутмади,
Гар тикан жонкоҳдур, аммо эрур гул жонфизой.

Васл софи гар йўқ, эй соқий, манга тут журъае,
То қуяй бир дам балойи ҳажринг устига лой.

Эй Навоий, юзига юз суртмак қилма ҳавас,
Қониъ ўл, бўлсанг эшики туфрогига чеҳрасой.

634

Сўра келмади ёр беморини,
Бу иш қилди беморроқ ёрини.

Кўнгулсизлик андуҳидин, ваҳ, не ғам,
Киши кўрса ёнида дилдорини.

Анингким қадин тубий этти Худой,
Биҳишт этти гулзори рухсорини.

Не ҳад кўнглакинг истамаклик, валек
Ярам тиккали бер анинг торини.

Мусаввирга жоним фидо айласа,
Эзиб лаъл ул лаб намудорини.

Юзунг даврида гўё наққоши сунъ
Қуёш бирла тенг тутти паргорини.

Кўнгулни фироқ ўйла зор эттиким,
Магар васл дафъ эткай озорини.

Хумор олди жон, эй кўнгул, ишқ де,
Чу кўрсанг фано дайри хамморини.

Навоийга жавр этма, кўр лутф ила
Тани зорини, жони афгорини.

635

Поклар кўнглидур ул орази маҳваш сари,
Ростлар майли ҳам ул қомати дилкаш сари.

Кўнглум ул ён чекадур, негаки мажнун кўнгул
Ё парий сори чекар, йўқса париваш сари.

Зулф очиб, бизни мушавваш қилиб ўтти, лекин
Илтифот этмади бир дам бу мушавваш сари.

Халқ майдон аро ҳар сори боқиб, ваҳки, кўзум
Рокиби маҳваш ила маркаби абраш сари.

Онча нақш ўйнади афлок менинг бирланким,
Боқа олмон яна бу сақфи мунаққаш сари.

Ахтари наҳсдурур муҳтасиб, ар бода тўкар,
Зузанаб дер, киши солса назар ул фаш сари.

Жонни бир дов ила гар хаста Навоий ўйнар,
Ул муқаммир сифат, албатта, эрур ғаш сари.

636

Бизга етмас эрди бир номеҳрибон дарду ғами,
Ким фузун ҳам бўлди ёри меҳрибоннинг мотами.

Икки ёр эрди манга — номеҳрибону меҳрибон,
Меҳрибон борди, қолиб номеҳрибон дарду ғами.

Борди улким бор эди ҳам маҳраму ҳам меҳрибон,
Жон бериб бўлмон бу бир номеҳрибоннинг маҳрами,

Ҳар жароҳатким урар номеҳрибоним багрима,
Меҳрибоним бу жароҳатларнинг эрди марҳами.

Ваҳки, минг захм урса жонға эмди бу номеҳрибон
Йўқ иложига кўнгулнинг меҳрибону ҳамдами.

Муғтанамдур, ул парий бор эрса ҳам номеҳрибон,
Даҳр аро чунким топилмас меҳрибонваш одами.

Меҳрибоним чиқса оламдин, Навоий, чора йўқ,
Ёрдин ҳам хуштурур номеҳрибонлиғ олами.

637

Ёр борган чоғда бормиш бедилин ўлтургали
Келдию келган эмиш ўлтурганин куйдургали.

Аллоҳ-Аллоҳ, эй ҳаётим, ул боришқа бу келиш,
Ким бири куйдургали бўлгай, бири ўлтургали.

Хоҳ ўлтур, хоҳ куйдурким санга бердим ризо,
Рози эрмасмен вале, жоно, эшикдин сургали.

Итларин онинг аяб бошимни қилмон туъма ҳам,
Ишқ юз турлук балийят бошима келтургали.

Хони васлингдин улусқа баҳра еткургилки, мен
Яхшимен сойил киби ҳасрат ебон телмургали.

Даҳр элидин иҳтироз эт, эй кўнгулким, мен доги
Муҳтариздурмен вафосизлиглари билгургали.

Эй Навоий, ишқ бизни гарчи расво айлади,
Ул не қилса, пардаи китмонга они чуркали.

638

Улус қўзгалур, гўё ёрим етишти,
Улус офати гулузорим етишти.

Яна гард кўзга эрур тўтиёранг,
Ҳамоноки чобуксуворим етишти.

Томар қатра-қатра кўзум ёши гул-гул,
Магар боиси хор — хорим етишти.

Жаҳонга агар ўзга зеб ўлса, тонг йўқ,
Жаҳон зеби бирла нигорим етишти.

Не тонг, нолада қолмаса ихтиёрим,
Ки зулм ичра беихтиёрим етишти.

Очилса нишотим гули, йўқ ажабким,
Бузуғ богима навбаҳорим етишти.

Хуш улким, Навоий етишкач, деди ёр,
Ки овораи беқарорим етишти.

639

Оҳки, ишқ айлади шайдо мени,
Солди жунун кўйига савдо мени.

Ишқ ила савдо бўлубон муттафиқ,
Айладилар даҳрда расво мени.

Дашт аро Мажнун демайинким, вуҳуш,
Келдилар айларга тамошо мени.

Кимники ишқ истади қатл эткали,
Ҳажр равон айлади пайдо мени.

Кимки мени ўлтурур, ул тиргузур,
Йўқса қочар, кўрса Масиҳо мени.

Дайр эмас эрди ерим, озғуруб,
Солди буён бир бути тарсо мени.

Войки, ўлтургали қилмас писанд,
Ишқ яна кимсани илло мени.

Соқийи гулчеҳрадин ошуфтамен,
Демаки, мает айлади саҳбо мени.

Ёр Навоийни тилаб, эй кўнгул,
Ё сени ўлтургусидур, ё мени.

640

Гулшан ичра жилваи ноз этса жонон қомати,
Туфроғ ўлғай соядек сарви хиромон қомати.

Нозанин қаддинг тириклик гулшанининг нахлидур,
Сарву Туби сендек ўлмоқнинг не имкон қомати?

Сарвдек уксуни ахзар бирла Лайли қаддидур,
Токдек юз хам била Мажнуни урён қомати.

Гарчи қомат чексалар, элга бўлур майли намоз,
Ваҳки, дин қасди қилур ул номусулмон қомати.

Васл шоми равшан ўлди партави рухсоридин,
Йўқ ажаб, десам эрур шамъи шабистон қомати.

Даҳр элидек эгридурлар шўхлар боштин аёқ,
Тик назарда туз экин ул аҳди ёлғон қомати.

Эй Навоий, хўблар қаддида йўқтур эътидол,
Нега ўхшар сарвдин ундуррак инсон қомати.

641

Ваҳки, бир ғойиб хаёлидин паришонмен басе,
Ҳуш мендин ғойиб, ўз ҳолимға ҳайронмен басе.

Ул қуёш борди бузуб кўнғлумни, сен ҳам, эй сипеҳр,
Бир йўли бузма мени, невчунки вайронмен басе.

Оллида жон бермадим васли замонин қизғоиб,
Фурқатида ул тирикликдин пушаймонмен басе.

Лаҳза-лаҳза буки йиғлармен ғамидин талх-талх,
Айб эмаским, мубталои дарди ҳижронмен басе.

Тоғ ила водийда, эй Фарҳоду Мажнун, сиз топинг
Офиятким, мен алохону аломонмен басе.

Васл комин сабру сомондин топарлар, ваҳки, мен
Ҳажр ошуби аро бесабру сомонмен басе.

Ёрдин қосид келур дерлар, фироқу васлдин
Не хабар келтурмакин билмай ҳаросонмен басе.

Дину дониш аҳлиға бер тавба, эй носиҳки, мен
Маст тун-кун дайр аро бебоку нодонмен басе.

Эй Навоий, дашт ваҳши ичра бўлсам, шод бўл,
Ким кириб ҳуш аҳлиға бу вақт инсонмен басе.

642

Не кун ўлғайки, нигорим келгай,
Боғи умрумда баҳорим келгай.

Умр боғида баҳор улдурким,
Сарв қад лола узорим келгай.

Ўлмагаймен йўлида, гар бошима
Секретиб шаҳсуворим келгай.

Ул гадо жониға ўт тушкайким,
Олғали шамъи мазорим келгай.

Кўйида итти кўнгул, ваҳ, қачон ул
Масти девонашиорим келгай.

Қани майким, чу ичиб маст ўлсам,
Кўкка туз боққали орим келгай.

Эй Навоий, тиламон ҳуру парий,
Шояд ул базмда ёрим келгай.

643

Юзи хуршидидин кўзлар қамошти
Ва лекин тобидин жонлар тутошти.

Бу хуршид узра майдин гуллар ўлғон,
Гул узра қатралар янглиг ярошти.

Сочи савдосида ошуфта қиссам
Тасалсул бирла бир-бирга улошти.

Ажални жон олурда енгди ҳажринг,
Нечаким ул мунинг бирла ўчошти.

Қўлини тўлгади ишқинг хираднинг,
Агарчи ул мунунг бирла талошти.

Фалактин нолани, тонг йўқ, ошурмоқ,
Фалак зулми чу бизга ҳаддин ошти.

Шафақдин кўк юзи гулгун эмаским,
Фироқингдин Навоий қони тошти.

644

Боғ аро гўё сабо солмиш эди жонон иси,
Ким етишкач гул иси, мен топтим андин жон иси.

Лаъли кўнглум қатлини қилмоққа бўлди нуктасанж,
Эй кўнгул, дам асраким, келди бу сўздин қон иси.

Юзу хаттининг насимидин чу топтим тоза жон,
Ваҳ, не жонимға керак эмди гулу райҳон иси.

Борди ул ён зор кўнглум, бермагай ташвиш анга,
Захми исланган кўнгулнинг етса ногаҳон иси.

Оғзию дур тишларидин руҳума айтур хабар,
Келса ноғаҳ жола тўлған ғунчаи хандон иси.

Ғунча атрин хушламасмен менки, кўнглум боғида
Дарк этарга ўрганибмен занглиғ пайкон иси.

Холи савдосин, дема, кўнглунғ нега фош айлади,
Ким ёшургон бирла бўлмас мушкнинг пинҳон иси.

Муҳтасиб гар аҳли фаҳм ўлса, йиқилғай маст ўлуб,
Куп ушатқонда, ки айлар боданинг туғён иси.

Гулдин ул гулрух исин топқач Навоий очти кўз,
Ўйлаким, Яъқуб кўнглакдин маҳи Канъон иси.

645

Бошни гар ерга қўя олмон, боқиб моҳим сари,
Бошима туфрог совурмоққа борай шоҳим сари.

Тун аро анжум тутунда учқун англар, солса кўз
Кимса, кўнглум ўтидин бўлса аён, оҳим сари.

Мен кўнгулдин рашк элтурмен, кўнгул мендин ҳасад,
Истаса кўнглумки, қилсам азм дилхоҳим сари.

Ул қуёш сори борурда соя ҳамроҳимдурур,
Рашкдин боқмон кейин бир қатла ҳамроҳим сари.

Жон лабинг шавқидин огаҳ бўлгали айлар Масиҳ,
Жон берур чогда таважжуҳ жони огоҳим сари.

Эй кўнгул, ул ҳусн ганжидин гадолигдур ишим,
Гарчи йўқ парвойи онинг шайалиллоҳим сари.

Ҳусни боғидур назаргоҳим, Навоий, зинҳор
Солмагил гоҳи назар Боғи Назаргоҳим сари.

646

Бу сабабдин ёрумиш гўё Хуросон кишвари,
Ким чиқибдур бохтардин офтоби ховари.

Бохтарга тегру ховардин ёритмоқ жуз қуёш,
Равшан эрмас барча гар худ бўлса моҳу Муштарий.

Қайси моҳу Муштарий, улким қуёш бир ламъадур,
Нуридин, ваҳ, бўйла ким кўрмиш саодат ахтари?!

Ул не юздурким, ёзарда васфини юз минг қуёш
Сафҳа гар еткурса юз йилда туганмас дафтари.

Ҳуснини онинг қуёш ташбиҳи қилмоқ ўйладур,
Ким дегайлар хўбликда девга ўхшар парий.

Бўлса ҳусни юз қуёшча, ишқим ўтидин эрур,
Бир шарар юз минг тамуғнинг шуъла бирла ахгари.

Эй Навоий, сен киби ошиқ магар лойиқ экин,
Ҳар кишиким, дилбарингдек бўлса онинг дилбари.

647

Истамон кўнглумни айларда хаёл ул моҳни,
Ким тахайюл бирла сайр айлар, нетар ҳамроҳни.

Кўнглум истарни тилармен боринг, эй ою қуёш,
Сизни кўнгли истамас, улким тилар дилхоҳни.

Ўқи захмин тан аро ул юз хаёли ёрутур,
Ўйлаким, Юсуф жамоли равшан эткай чоҳни.

Жону ақлу ҳуштин кечкил дединг, қилдим қабул,
Тарк эта олмон, нетай наззораи гаҳ-гоҳни.

Ғарқа бўлди нотавон жисмим сиришким баҳрида,
Гарчи су неча теранг бўлса, чўмурмас коҳни.

Ошиқ эрсанг кўрмагил, эй шаҳ, гадоларни ҳақир,
Ким балолиг ишқ фарқ этмас гадою шоҳни.

Эй Навоий, ёр эшиги покларга қибладур,
Қилмағил кўз қонидин оғишта ул даргоҳни.

Заъфлиқдур, дедилар, ул бути маҳсиймони,
Жон фидою тан анга садқа, кўнгул қурбони.

Улки жонимдурур, ул бўлса бу янглиг ранжур,
Қайда бўлгай мени бедилга ҳаёт имкони.

Кўр недек ҳуллаи гулранг уза ётмиш бемор,
Ё эрур даврида қатл айлаган элнинг қони.

Дўстлар, оллида отимни тута олмасангиз,
Нақди жонимни бошиға эвурунг пинҳони.

Барги гул узра дегай шаҳд ёпушмиш кўрган,
Буки тутмишдур учуқ ул лаби шаккархони.

Садақа, чунки балоларни рад айлар, ё Раб,
Жон анга садқа қилай манга бағишла они.

Эй Навоий, ёна дам урмаким, ул ой дер эмиш,
Ким кеча уйқуга қўймас мени ит афғони.

649

Не дилоромеки, сўрғай дарди ҳолимдин гаҳе,
Не дил афгореки, қайғургай малолимдин гаҳе.

Сарсари оҳимға ўт тушсин, хушо, мушкин насим,
Ким берур эрди хабар наврас ниҳолимдин гаҳе.

Эй Хўтан жайранлари, неткай бу мажнун кўнглума
Нафхае еткурсангиз мушкин газолимдин гаҳе.

Тийра наҳсият дурур кулбамда, они, эй сипеҳр,
Равшан эткил ахтари фархундафолимдин гаҳе.

Турфа кўргилким, лаби зикрин топармен жон аро,
Айласам ғойиб, маозаллоҳ, хаёлимдин гаҳе.

Телба кўнглум итти, лекин ул парига ёд бер,
Эй сабо, девонаи беэътидолимдин гаҳе.

Фикр этармен васлини гоҳи, вале кирганда ҳуш,
Асру кўп шармандамен фикри маҳолимдин гаҳе.

Ул қуёштин меҳру, мендин тийралик, ваҳ, истарам
Ер ёрилса, ерға кирсам инфиолимдин гаҳе.

Эй Навоий, зулми кўп эрса, пушаймонмен яна,
Ўзни озод истасам ул шўхи золимдин гаҳе.

650

Ёйиб оразда мушкин холларни сунбулунг доми,
Кўнгулнинг қушлари ул дому суву донанинг роми.

Чаманда сарву гул бўлгай, не сарву қайси гул, ваҳ-ваҳ,
Қачон бўлгай чаманнинг сен киби сарви гуландоми.

Не янглиг субҳи васлидин тутай уммиди равшанлиг,
Саҳардин чун эрур навмид ҳажримнинг қаро шоми.

Дема парвона, де Жибрил, агар бир ғам туни ногаҳ,
Кишига берса бир шамъи шабистон васли пайгоми.


Кўнгул заъфи кам ўлмас фурқатингда, ваҳ, ўнгалгайму
Маризеким, қилур ҳар дам балийят заҳри ошоми.

Аёғимга тикан — синжобу хоро — ҳулла, тонг эрмас
Бу дамким богламишмен Каъбаи кўйининг эҳроми.

Бу йўлда гармрўларнинг тонг эрмас гар чоқин янглиг,
Жаҳонпаймолиғ этса, ёрутуб оламни ҳар гоми.


Фано дайри дағи зуннор ила буттин уятлигдур,
Риёйи шайхнинг афсурда дини, ботил исломи.

Навоий фарду беҳуш ўлганин деманг қачондиндур,
Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий.



Мустазод

Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
не ғамзаи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой,
хуршид анга кўзгу.
Қош ёси била кирпик ўқин ҳар сари отсанг,
имкони хато йўқ,
Ҳар кимсаки, бўлгай анга бу навъ ўқу ёй,
туз бўлғуси қобу.
Масжид йўлин асраб неча дин аҳли йўлуқса,
раҳзанлиқ этарсен,
Тенгри йўлини асрамоқ, эй кофири худрой,
бу навъ бўлурму?
Гар истамади субҳи умидимни ёшурғай
меҳнат қаро шоми,
Ҳар ён сочилиб, бас, не учун бўлди сумансой
ул турраи ҳинду.
Ҳижрон тунининг тийралиғин кавкаби ашким
дафъ айласа, тонг йўқ,
Анжум сипаҳи кўпрак эрур анжуманорой,
тун бўлса қаронғу.
Ғам даштини қатъ айлабон ул кўйга етмон,
кўрмон ани туш ҳам.
Ким бўлса Ҳарам шавқи била бодияпаймой,
кўздин ўчар уйқу.
Ул шўх Навоийни, дедиким, қилайин қатл
бир кўз учи бирла,
Эй войки, бир ҳам анга кўз солмади, эй вой,
қатл ушбудур, ушбу.



Мухаммаслаф

1

Шарбати «Юҳйил изом» эрни майи нобиндадур,
Сураи «Ваш-шамс» тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи «Мо зогал-басар» наргислари хобиндадур,
«Лайлатул меърож»нинг шарҳи сочи тобиндадур,
«Қоба қавсайн» иттиҳоди қоши меҳробиндадур.

Ул қади Тўбидин ортуқ, юзи ризвондин жамил,
Ким берур жон лаъли ҳар ким бўлса кўзидин қатил,
Лаъли рашкидин фигон айлаб, қилиб ашкин сабил,
Кўп югурди равзада «Айнан тусаммо салсабил»,
Топмади ул чошниким, шаккари нобиндадур.

Жон берур эрди Хизр суйи халойиққа сариҳ,
Исо ўлук тиргузур эрди деб алфози фасиҳ,
Лаълидин токим такаллум қилди ул шўхи малиҳ,
Хизрнинг айни ёшунмиш, кўкдин инмас ҳам Масиҳ,
Нетсун ул, муъжиз бу дам ёқути серобиндадур.

Хаттидин бўлди хижил сунбул била мушки Татор,
Қоматига сарв ила шамшоддин юз қатла ор,
Фаррух эрмас орази наврўзидек ийду баҳор,
Зулфиға қадру барот ўхшар, вале юз фарқи бор,
Сўз анинг ёниндаги хуршиди маҳтобиндадур.

Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб,
Билмай асли ниятин қилмоқ галатдур шакку райб,
Эй Навоий, чун санга маълум эмастур сирри ғайб,
Лутфини майхонада ошуфта кўрсанг, қилма айб,
Ким бу мажнун ихтиёри зулфи қуллобиндадур.

2

Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени,
Бўлмагай йилларда кўрмак бир нафас имкон сени,
Жон тилар, кўнглум уйинда айлағай меҳмон сени,
Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Боргали ул шўхким, жоним сўроғини олмади,
Жисм ани истаб не саҳроким қадамни солмади,
Йўқтурур бир дамки, бу водийда бағрим толмади,
Эй ғазоли мушкбў, келким, қуюндек қолмади
Водие ахтармаган, истаб бу саргардон сени.

Фурқатингдин, эй парий, кўнглум хаёли заъфдин
Фориг эрмастур замоне қилу қоли заъфдин,
Демаким, невчун кўрунмайсен малоли заъфдин,
Сен парий пинҳон учун мен ҳам камоли заъфдин,
Ғойиб ўлдум эл кўзидин кўргали пинҳон сени.

Чиқти ул ой ҳуснига зийнат бериб, зевар тақиб
Қатл этарга жонни зор айлаб, кўнгулға ўт ёқиб.
Они кўргач, кўзни дарё қилди қон ёшим оқиб
Қон аро гар гарқасен, эй кўз, не тонгким, бир боқиб,
Зор кўнглумни чу қон эттинг, тутубтур қон сени.

Қани улким, соғари васлингни берсанг илгима,
Ҳазл этиб гоҳи гулу гаҳ нуқл терсанг илгима,
Ноумид эрмон, нечаким кирмас эрсанг илгима,
Гарчи мумкин йўқ, вале бир қатла кирсанг илгима,
Борса бош, элдин чиқармоқ ўзга не имкон сени.

Гарчи дей олмонки неткил, нетмагил, эй муғбача,
Ҳажр ила жонимга ҳар дам етмагил, эй муғбача,
Раҳм этиб ҳар дам қошимдин кетмагил, эй муғбача,
Кўз юзунгдин олмасам, айб этмагил, эй муғбача,
Айлай олмон дийдадин ғойиб мени ҳайрон сени.

Гар мени мажнуни шайдо пўя қилсам баҳру бар,
Йўқса шаҳру кўй аро ҳар ён югурсам бехабар,
Демагилким, ҳар эшикка невчун айлабсен гузар,
Эй парий, гар телбараб бўлмиш Навоий дарбадар,
Будурур мақсуд ангаким, истагай ҳар ён сени.



Mycaddac

1

Жоним ўртарга ул ўтлуқ чеҳра гулзори Халил,
Они равшан айлаган гўгурд ўти ёнида нил,
Ё Раб, ул ҳусну жамол авжида юз минг ою йил
Не жамолингға завол ўлсун, не ҳуснингга бадил,
Эй жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил,
Ой юзунгдур «аҳсани тақвим» учун равшан далил.

Турфадурким, юз уза икки лабинг гўё бўлур,
Бир қуёш икки Масиҳоға қачон маъво бўлур?!
Кўнглум ичра қошларингдин ҳайратим пайдо бўлур,
Ким қачон бу навъ бир қурбонда икки ё бўлур,
Зулфунгиз ҳайронименким, йилда бир ялдо бўлур,
Ойда ким кўрди ики ялдо туни мундоқ тавил?

Ул оғиз пайдо эмастур нуктае айтилмайин,
Бил доғи зоҳир эмас борикбинлиқ қилмайин.
Ул аён эрмас адам сори назар очилмайин,
Бу яқин бўлмас, вужуд асбобидин айрилмайин,
Огзингу белингнинг асрорин камоҳи билмайин,
Мушикофу хурдабинлар ичра тушти қолу қил.

Кўзларинг бодоми ҳажридин бўлуб жисмим сақим,
Чиқти жоним, эй қаро кўз, баски ҳажринг берди бим
Бу васият қилмишамким, мушфиқу ёру надим
Наъшима ул кўй туфрогини қилгайлар ҳарим,
Чун қаро бодом тобут узра расмидур қадим,
Кўз жанозам сори солким, сенсизин бўлдум қатил.

Боракаллоҳ, эй сабо, аҳлан ва саҳлан марҳабо,
Ким хабар кўп бердинг ул гулчеҳрадин қилмай ибо,
Васлиға чун еттиму очти жамол ул дилрабо,
Ўзлукум борди фано елига андоқким ҳабо,

Ишқ маҳв этти мени, сен чиқ ародин, эй сабо,
«Ли маъаллоҳ»нинг мақомида не ҳожат Жабраил.

Нечаким сурсун Масиҳ анфоси жонпарвар калом,
Ёки жаннат васфида Идрис қилсун эҳтимом,
Чарх боғи бирла жаннат гулшанин қилман мақом,
Ким манга ҳоло банақд, эй зод сарви хушхиром,
Сунбулунгдур уқдаи раъсу юзунг моҳи тамом,
Оразинг фирдавсу қад тўбию лаълинг Салсабил.

Ул парининг чун эрур қон тўккали моҳир кўзи,
Ул сабабдин ҳар нафас юз қатл этар зоҳир кўзи,
Эй Навоий, сеҳр бирла чун бўлур нозир кўзи,
Ҳар назарда ўлтурур мен хастани соҳир кўзи,
Жон берур Лутфию қилмас бир назар кофир кўзи,
Толеъимға, оҳким, усруқ экач бўлди бахил.

2

Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени,
Ҳар замон бир таънагар муҳлик адосидин мени,
Ҳажр худ куйдурди дарди бедавосидин мени,
Ҳам ўлум қилғай халос онинг жафосидин мени,
Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.

Ишқ боғи ҳолатин сўр ошиқи огоҳдин,
Ким қазосинда тафовут йўқ гадога шоҳдин,
Ҳам суйи пайкон юраклар ичра қозғои чоҳдин,
Ҳам ҳавоси ўтлуқ оҳи нолаи жонкоҳдин,
Заъфим ошти ҳажр боғида сиришку оҳдин,
Қутқар, эй васл, ул чаман обу ҳавосидин мени.

Неча ҳижрон ўтига онсиз мени куйдургасен,
Жонима ҳар лаҳза фурқат шуъласин еткургасен,
Нотавон кўнглумга ҳар дам юз бало келтургасен,

Зор жисмимни ажал водийси сори сургасен,
Эй ажал, қўрқутма ўлтургум дебон, ўлтургасен,
Гар тирик топсанг фироқининг жафосидин мени.

Кофири ишқ ўлмишам, ишқингға имоним фидо,
Бўлса юз имон санга, эй номусулмоним, фидо,
Ишқ аро рашк айлади бу жисми вайроним фидо,
Ҳажр худ қилди неким пайдоу пинҳоним фидо,
Ишқу рашку ҳажри муҳлик, ваҳ, анга жоним фидо,
Ким чиқарғай бу балоларнинг аросидин мени.

Муддаийким ҳар замон айлар жафо бунёду зулм,
Сабру ҳушумни берур андоқ жафо барбоду зулм,
Жон била кўнглумни айлар ул жафо ношоду зулм,
Гарчи табъига анинг бўлмиш жафо муътоду зулм,
Ҳар неча ўткарса ҳаддин муддаи бедоду зулм,
Ўткара олмас висолинг муддаосидин мени.

Дарди ҳижрон қасди жоним айлади бил, соқиё,
Ҳажрдин жонимгадур ҳар лаҳза юз йил, соқиё,
Ўйла дард ичра эрур худ сабр мушкил, соқиё,
Ушбу дардимга даво жоме карам қил, соқиё,
Дерки, сабр эткил ҳакими ақл, қилғил, соқиё,
Бир қадаҳ бирла халос онинг давосидин мени.

Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур,
Йўқ гадолиққа ажаб майхоналарда гар юрур,
Журъае дайр аҳли бергунча замоне телмурур,
Шоҳ агар мундоқ гадони салтанатқа еткурур,
Эй Ҳусайний, салтанатдин онча фахрим йўқтурур,
Ким дегайлар кўйининг хайли гадосидин мени.



Тарҷумаи ҳол

I

Эй кирпики нешу кўзи хунхор,
Жонимни неча қилурсен афгор?

Лаълинг ғамидин кўнгулда эрди,
Ҳар қонки сиришким этти изҳор.

Ҳайҳотки, ҳажринг илгидиндур
Жонимда алам, танимда озор.

Юзунгни кўруб мени рамида,
Ишқ ўтиға бўлғали гирифтор.

Сен эрдинг мажлисим ҳарифи,
Ким еди ҳасад сипеҳри гаддор.

Юз ҳасрат ила мени айирди
Васлингдин, аё, хужаста дийдор.

Эмдики фироқ аро тушубмен,
Топқунча яна ҳариф, ё ёр.

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

II

Жонимға қилур эсанг жафони,
Гаҳ-гоҳ арода кўр Худони.

Дардинг била ўйла шодменким,
Ўлсам доғи истамон давони.

Сендин дер эдимки чора бўлгай,
Ҳажр этса ҳазин бу мубталони.

Ҳар лутфки, мен тутар эдим кўз,
Юз войки, сенда кўрман они.

Васлинг била, дедим, айлайин шод,
Бу шифтаи жони бенавони.

Қасдимга вале чекибдурур халқ
Юз ханжару новаки жафони.

Мен доғи қачон зарурат ўлса,
Бир гўшада ўлтуруб ниҳони,

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

III

Гаҳ-гоҳ итим деб айлагил ёд
Девона қулунгни, эй парийзод.

Бир лаҳзада бузди сайли ашким
Ҳар тарҳки сабр қилди бунёд.

Ҳар руқъаки ёзди сабр ила ҳуш,
Совуғ нафасимдин бўлди барбод.

Кўп истама кўнглум изтиробин,
Қуш талпинурин нечукки сайёд.

Сен гарчи гамимдин этмадинг фикр
Ё телбалигимни қилмадинг ёд.

Султонсену йўқтурур санга ҳукм,
Лекин мени дардманди ношод.

Бу ғуссага топмасам чу тадбир,
Ҳар лаҳза чекиб фиғону фарёд.

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

IV

Билмонки, юзунг парийдек, эй жон,
Невчун яна кўздин ўлди пинҳон.

То бўлди юзунг ниҳон кўзумдин,
Ашк ўрниға тинмайин оқар қон.

Лутфунг била бир кун этмадинг ёд,
То тушти манга балои ҳижрон.

Ваҳ, қани бурунғи меҳру пайванд,
Гўё унутулди аҳду паймон.

Бахтим киби душман ўлдунг охир,
Бу дардға юз нафиру афғон.

Сендин манга чун ғараз сен-ўқ сен,
Бас бўлди фироқу васл яксон.

Таҳқиқ чу англадимки, эмди
Васлингға етарга йўқтур имкон.

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

V

Жисмингки эмас ҳаётдин кам,
Не жисмики, руҳ эрур мужассам.

Бир-бир соғиииб лабинг ҳадисин,
Қон йиглар ики кўзум дамо-дам.

Ғамгин тиласанг мени қутилмай,
Ғамдин тиласам ўзумни хуррам.

То бўлди бу зори хаста маҳрум
Васлингдину ғамға бўлди маҳрам.

Чекти кўнгул андоқ ўтлуғ оҳе
Ким, куйди шарори бирла олам.

Бу навъ шароралиг ўтумнинг
Таскини учун мени ҳазин ҳам.

Ранжингни тилай танимга роҳат,
Нишингни дейин ярамга марҳам.

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

VI

Ул дуржи ақиқу лаъли сероб,
Жузъимдин оқиздилар дури ноб.

То жоми муҳаббатингни тортиб
Кўнглумга етишти ишқдин тоб.

Ҳам дўстлар ўлди манга душман,
Ҳам тарки муҳаббат этти аҳбоб.

Сендин ажаб эрди бори, эй дўст,
Душманлар учун тузатмак асбоб.

Маҳрум қулунгни маҳрам этса
Васлинг ҳарамиға Ҳаййи Ваҳҳоб,

Кўюнгни қилай ўзумга қибла,
Қошингни этай кўзумга меҳроб.

Ёхуд етибон хумори ҳижрон,
Васлинг майи бўлди эрса ноёб,

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

VII

Эй кишвари ҳусн узра ҳоким,
Хўблар бори ҳазратингда ходим.

Буздунг бу кўнгулни ложарам мулк
Вайрон бўлур, ўлса шоҳ золим.

Ҳижрон мени чунки ўлтурур зор,
Сен ҳам мадад этмагинг не лозим?


Ҳар нечаки беиноят ўлуб,
Қилдинг мени бегуноҳ мужрим.

Уммид будурки, ёна Тенгри
Қилса мени мақдамингға озим.

Иқбол киби туруб қошингда,
Бўлсам яна хидматингга жозим.

Васлингда ғазал тафаккур айлаб,
Унутмағамен ушбу байтниким.

Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.



Kacnda

Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

Бас хаёли равшани эрди вале андоқ дақиқ,
Ким назар гоҳ англар эрди, гаҳ йўқ онинг диққатин.

Ўйла зоҳир бўлдиким, қилғай ани кўрган киши
Дилбарим қошиғаю менинг қадимга нисбатин.

Ё хуруси чарх қилди ошкоро шаҳпарин,
Ёки Баҳром айлади зоҳир қиличи ҳиддатин.

Ё тушуб қолди алам устидаги рахшанда наъл,
Чун нигунсор айлади хуршиди рахшон раъятин.

Ё Уторуд килкида зарҳал туганди, кўкта чун
Ёзди айни ийднинг аввалги жузви суратин.

Ё фалак қаддин хам айлаб, келтуруб бир ҳалқа ёй,
Ихтиёр айлайдурур Доройи аъзам хидматин.

Бу ажойибдинки етти раҳбанинг аввалгиси,
Зоҳир этти, солди туғёнга кўнгулнинг ҳайратин.

Мойил ўлди кўк тамошосига ҳисси босира,
Топти чун ҳар лаҳза бир аъжуба пайкар руъятин.

Бор эди иккинчи масканнинг муқими нодири,
Кўп билик аҳли дуруст эткан анга ўз ҳирфатин.

Су киби ҳар зарф аро тутқан ҳам онинг рангини,
Ўз димоғиға солиб ғарро қасида фикратин.

Айламакка таҳният арзини байрам жашнида,
Шаҳ вужуди чун мушарраф қилса тахти шавкатин.

Жилвағар учинчи гулшан ичра раъно шоҳиде,
Бутратиб бўлмоққа ақл ошуфта зулфи накҳатин.

Соз этиб чангу тузуб ул унга руҳафзо суруд,
Ким малак кўнглига солиб айш ила май рағбатин.

Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеъриға,
Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ишратин.

Йўқ эди тўртунчи манзилнинғ шабистонида шамъ,
Бориб эрди ёрутурға шаҳ ҳарими хилватин.

Не учунким рўза юбсидин димоғ айларға ратб
Айлабон майли сабуҳий, тузса базми ҳимматин.

Ҳар тараф шамъи муанбар дуди ноғаҳ қилмағай
Тийра ҳам нозук димоғин, ҳам Эрамваш суҳбатин.

Ҳукмрон бешинчи торам авжида бир қаҳрамон,
Тиғи қаҳридин томиб қон, сурса кину ваҳшатин.

Худ ила жавшан кийибу боғлабон тиғу камар,
Рустамойин соз этиб пархош ҳайжо олатин.

Ким саҳарғаҳ чун қабақ майдониға отланса шоҳ,
Оллида қилғай ясовуллуққа зоҳир журъатин.

Ўлтуруб олтинчи манзар узра бир фархунда зот,
Ким вужуди айлабон зоҳир малойик исматин.

Руҳ англаб жабҳасидин нури тақво ламъасин,
Ақл топиб зотидин илму саодат савлатин.

Айлабон иншоки минбар узра тонгла хутбада,
Зоҳир эткай шоҳ отидин сўнг дуою мидҳатин.

Мустиқан еттинчи дайр ичра муаммар ҳиндуе,
Рангу сайри кўргузуб ушшоқ шоми фурқатин.

Сабрдек коҳилхирому ҳажр янглиғ тийрарўй,
Кимса билмай жунбушу ороми тули муддатин.

Шоҳдин байрам шараф топқонни англаб, гум қилиб
Оби ҳайвондек адам сори нуҳусат зулматин.

Секкизинчи соҳат узра юз туман сиймин бадан
Зоҳир айлаб сабза узра жола ёққон ҳайъатин.

Йўққи гардун, ложуварди атласин ёпиб қазо,
Гавҳару дур бирла соз айлаб саросар зийнатин.

Ёпқали шаҳнинг фалакваш тахтиға байрам куни
Чун ёпар жинси башар хайлиға хони раъфатин.

Тўққузунчи боргаҳ андоққи луъбат чодари,
Ўйнатиб чархи мулоиб анда юз минг луъбатин.

Ким чу шаҳ байрам нишоти қилгали тузганда жашн,
Ҳар ўюнчи зоҳир эткан чоғда лаъбу санъатин.

Шоҳнинг инъому эҳсонидин ўлгай баҳравар,
Кўргузуб ўз фаннида ул ҳам камоли диққатин.

Бу таажжублуқ сафардин чун тааққул қилди авд,
Сайр аро қилган киби зоҳир Уторуд ражъатин.

Чун Уторуд чархиға еттим, табиат қилди майл,
Кўргали назминки зоҳир қилди табъи жавдатин.

Ул худ эткан эрмиш ушбу шеърима фикри жавоб,
Матлаъи бу эрди, кўрдум чунки назми риққатин:

«Эй, сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,
В-эй, юзунг шарманда айлаб ийди акбар талъатин».

Чун бу матлаъни эшиттим, рашк туғён айлади,
Фош қилмоқ истадим оллида табъим қувватин.

Шоҳ мадҳида бу матлаъни рақам қилдим равон,
Ким қулоқ тутти Уторуд зоҳир айлаб ҳайратин.

«К-эй қошингнинг рашки айлаб хам янги ой қоматин,
Ийди рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин».

Чун Уторудни хижил қилдим нишоту завқ ила,
Уйга кирдим, кўрдим анда сархуш ул жон офатин.

Келган эрмиш маҳвашим байрам ҳилолин кўргач-ўқ,
Зойил айларга кўнгулдин савму тақво меҳнатин.

Ҳам ҳаёда кўргузуб ақли мужаррад пайкарин,
Ҳам сафода англатиб руҳи мужассам суратин.

Лафзи зоҳир айлабон ҳар лаҳза Руҳуллоҳ дамин,
Нутқи айлаб ҳар дам ифшо Руҳи Қудсий ҳолатин.

Ҳам узори синдуруб хуршиди рахшон равнақин,
Ҳам дудоғи паст этиб лаъли Бадахшон қийматин.

Чун мени кўрдики, кирдим музтариб, қилди савол:
«Ким не ҳол ўлмиш санга, шарҳ эт онинг кайфиятин?»

Юз тафохур бирла арз эттим Уторуд ҳолини,
Ким бу матлаъ бирла синдурдум шукуҳу шавкатин.

Онингу ўз матлаъимни чун ўқудум оллида,
Табъидин айлаб тамаъ кўнглумда таҳсин ғоятин.

Кулдию оллинда бор эрди қалам бирла давот,
Ёзди бу матлаъни бир соатқа бермай муҳлатин:

«К-эй, юзунг зоҳир қилиб байрам сабоҳи сафватин,
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳайъатин».

Мен бўлуб беҳолу масруъ ўйлаким кўргай ҳилол,
Оби ҳайвондек кўруб жонбахш лафзи лийнатин.

Ҳайратимдин шоҳ базмига ўзумни еткуруб,
Шарҳ этиб бу сўзни ҳайратқа солурға ҳазратин.

Ҳам Уторуд, ҳам ўзум, ҳам ул париваш назмини
Бир-бир айлаб шарҳу айтиб ҳар биринг риққатин.

Айлабон даъвоки, мумкин йўқ яна матлаъ демак,
Шаҳ кулуб, зоҳир қилиб бу фанга табъи улфатин.

Филбадиҳа деб бу матлаъни ўқуб юз офарин,
Хусраву Салмону Жомий руҳи англаб нудратин.

«К-эй, ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглум тоқатин,
Жон бериб, ёд айлагач ийди висолинг жаннатин».

Шоҳ чун қилди бу матлаъни адо, мулку малак
Чекти ун, деб офарин бирла дуойи давлатин.

Қайси шоҳ улким, азалдин Ҳаққа ул эрмиш мурод,
Халқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилқатин.

Шоҳ Абулгозий саодат ахтари Султон Ҳусайн,
Ким қуёшни зарра дер кўрган сипеҳри ҳашматин.

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.

Шоҳлиғда ғояти дарвешлиғдин кўрмайин,
Бўрёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, Ҳақ
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

Эй жанобинг паст этиб гардуни воло поясин,
В-эй, замиринг синдуруб фирдавси аъло нузҳатин.

Тиғинга қозиб қазо «Инно фатаҳно» сурасин,
Туғунга ёзиб қадар «Насрун миналлоҳ» оятин.

Жаннати лутфунг насими эсса, Руҳуллаҳ дами
Нисбатида кўргузуб дўзах духони ҳирқатин.

Дўзахи қаҳрингдин айрилса ҳавоға бир шарар,
Айлаб анфоси Масиҳо барқи офат хислатин.

Зотинг ичраким эрур ҳар яхшилиғнинг жомиъи,
Ҳаййи қодир зоҳир айлаб ўз камоли қудратин.

Раъйинг ичраким келибдур ҳар ёруғлуғ манбаъи,
Фарди воҳид боҳир айлаб ўз жамоли раҳматин.

Чун саховат илги очсанг, даҳр чекмас заррае
Зарфишонлиғда қуёш сарпанжасининг миннатин.

Чун зиёфат хони ёйсанг, жанбида топмас сипеҳр,
Жашни луъбат Ҳотаму Бармак бисоти неъматин.

Табъинг оллинда саҳоб андоқ ҳаёдин терлабон,
Ким ҳамул судин юб ўздин дурфишонлиғ туҳматин.

Ҳилминг оллинда жибол андоқ ўзин топиб хафиф,
Ким таҳаттуқда беганмай барқи хотиф суръатин.

Иш куниким кўк темур бирла таковар гардидин
Ер фалак рангин тутуб, кийгай фалак ер кисватин.

Ер била кўкни совурмоғ бирла офат сарсари,
Зоҳир эткай олам аҳлиға қиёмат шиддатин.

Чархи золим кийнаварлар тиғин айлаб восита,
Қатлиом ойинида тутқай ғанимат фурсатин.

Тиғлар пўлодидин парголаларни тоси чарх
Жамъ қилғай, муздек эзмакка ажалнинг шарбатин.

Ҳар қизил воло ялов бўлгай сариғ, баским қилич
Бошқа келган чоғда, зойил қилғай онинг ҳумратин.

Шахе жисми лойи нафй ўлгай бақоси шаънида,
Хасми топқоч хаем илгидин балорак зарбатин.

Дулуғодин тиғким ўт секретиб, рангин қилиб,
Шуъласи Баҳром важҳин, дуди Кайвон жабҳатин.

Чарх миръотида аксидин шафақ қилғай зуҳур,
Баски қондин лаългун қилгай қазо ер соҳатин.

Ул замон ҳар сори юзланса ҳумоюн мавкабинг,
Солиб офоқ ичра рустохез шайну ҳинжатин.

Тушса ҳар ён тиғинг, олгай бениҳоят халқнинг
Жисмидин бош заҳматин, боштин таманно заҳматин.

Разм майдонида тиғинг чиқса қиндин бир нафас,
Кимса тахмин айлай олмай хаем жисми касратин.

Ҳар бирига юз туман ётқон ўлук бўлгай насиб,
Юз туман минг мўрнунг гардун айирса қисматин.

Лаҳза-лаҳза рояти мансурунг ўлгай жилвагар,
Эстуруб Ҳақ фатҳ богидин насими нусратин.

Разм аро ҳар шоҳнинг мулкинки олиб базм аро,
Бир гадоға жуд этиб они, кўруб чун зиллатин.

Хусраво, зотингни васф этмак Навоий ҳадди йўқ,
Авло улким, зоҳир эткай бенаволар одатин.

Токи байрам шоми савм аҳли талаб қилғай ҳилол,
Рўза ният айламай қилмақ май ичмак ниятин.

Ҳар кунунг байрам бўлуб, жоминг ҳилол ўлсун мудом,
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин.

Лек умрунг тули юз навбат Зуҳал давронича,
Фарз эта олса хирад минг йил анинг ҳар навбатин.

Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун, айлаган
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу бирнинг кунятин.



Китоблар

БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ МУҚАТТАОТИНИНГ САРСУХАНЛАРИ

1

ТЕНГРИНИНГ ХАЗОНАИ КАРАМИН МАМЛУ БИЛИБ, ЭЛДИН ТАМАЪ ҚИЛҒАН, ДАРЁ БОРИДА ХАЙ СУЙИДИН ДУР ТИЛАГАН БЎЛҒАЙ

Ҳақ таоло махзанин англабки холи бўлмамиш,
Халқдин ҳар кимки жамъиятқа асбоб истагай.
Меҳр оламни мунаввар айлабон ул кулбасин
Ёритурға тийра тундин кирми шабтоб истагай.

2

НАБИЙ ШАРЪИДИН АЁҚ ЧИҚАРҒАИ КАЖРАВ КЎЗИ ЗУЛМАТ БОДИЯСИДА ҲИДОЯТ ШАМЪИДИН БЕПАРТАВДУР

Бу йўлда кимки набий шаръидин чиқарди қадам,
Йўл озди, чунки мутеъ ўлди ақли жоҳилига.

Таваккул аҳлики чиқмас сафарда жодадин,
Яқиндурурки, етар гом бирла манзилига.

3

ҲАДИС МАЗМУНИКИМ «АЛКОСИБУ ҲАБИБУЛЛОҲ» ҲАЗРАТ ХОЖАИ НАҚШБАНД ҚАДДАСА СИРРАҲУ МУНДОҚ БАЁН ҚИЛИБДУРКИМ:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ
Деди: «Алкосибу ҳабибуллоҳ».

Маъни айтур бу сўзга пири комил,
Ки сўзи эрди Ҳақ сари шомил.

Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал эрур касбдин мурод фано.

4

ҲАДИС ТАРЖИМАСИ: САХИЙНИНГ ЎТДИН НАЖОТИ БОВУЖУДИ УБУДИЯТ ВА БАХИЛНИНГ ЖАННАТДИН ҲИРМОНИ БОВУЖУДИ СИЁДАТ

Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййиди Қураший.

Бормағай дўзах ичра ҳеч сахий
Филмасал бўлса бандаи ҳабаший.

5

АМИРУЛ МЎЪМИНИН АЛИ ҚАРРАМАЛЛОҲУ ВАЖҲАҲУ СЎЗИГА ТАРЖИМАКИМ — УНЗУР ЛИМО ҚОЛА ЛО ТАНЗУР ЛИМАН ҚОЛА

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини
Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер.

6

ТУЗЛУК ТАЪРИФИДАКИМ, ШИОР ҚИЛҒАНҒА САЪБ ИШЛАР ОСОНДУР ВА КУЛЛИ УМУР СУҲУЛАТ БИЛА ЯКСОН

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари,
Юз мушкил ўлса йўқса минг оллингда ҳар замон.

Юз сафҳа бир қалам била котиб қилур рақам,
Минғ қўйни бир асо била ҳар ён сурар шубон.

7

ҲУСННИНГ ЗОТИ ИСТИҒИОСИ ШАРҲИДАКИМ, ТО ШАММАЕ АНДИН БОҚИЙДУР, ИШҚ АҲЛИҒА АЖЗ ВА ЗАБУНЛИҚ МУЛОҚИЙДУР

Таҳ-таҳ юрагим қон эди бир-бир ситамидин,
Кўп-кўп келури чоғида келса эди оз-оз.

Кеч-кеч келури вақтида ҳам рози ўлибмен
Бот-бот келурига қиладур анда доғи ноз.

8

ФАНО АҲЛИНИ ЎЗ ВАҚТИНИНГ ПОДШОҲИ ДЕБТУР, БАЛКИ ВАҚТ ПОДШОҲИНИ АНИНГ ГАДОЙИ

Гадолиг яхшироқ аҳли фанодин,
Ки олам ичра қилсанг подшолиғ.

Жаҳон аҳлиға, кўрким, шаҳ не айлар,
Жаҳон таркини қилғандин гадолиг.

9

Тирик чу охир ўлар, бас, ўкуш ғами муҳлик,
Чекиб ажал мададига бу изтироб недур?

Чу ҳар кишики туғар, ўлмайин йўқ имкони,
Не ишки бўлмайин имкони йўқ, шитоб недур?

10

Ажал чун муқаррардур ўлмак учун, бас тамаъдин
Недур юз ғам ўтиға куйдурмак ўзни,

Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас не яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.

11

ҲУКАМО ҚАВЛИНИНГ ТАРЖИМАСИ

Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:

Шоҳдин тундлуғ, ғанидин бухл,
Молға майлу ҳирс донодин.

12

ЎҒУЛҒА АНО ҲАҚҚИ АТОДИН КЎПРОҚ ЭКАН БОБДА АНДОҚҚИ, ДУРҒА ДАРЁ ТАРБИЯТИ БУЛУТДИН ОРТУҒРОҚДУР

Ано ўрнин ато тутмас ўғулға,
Ки мумкиндур ўғул бўлмоқ атосиз.

Масиҳо бирла Марямдин қиёс эт,
Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз.

13

ГУЛШАНДА БИР САРВИ ГУЛАНДОМДИН АЙРУ БАҲРАМАНД БЎЛСА БЎЛУР КОМДИН ДЕБТУР, БАЛКИ НОКОМДИН ДЕБТУР

Гулшан аро гулхадде агар йўқ,
Гул, бас, кишининг тарабфизойи.

Гар лоларухи хитойи анда
Топилмаса, лолаи хитойи.

14

ЯХШИ ХОТУНЛАР САФОЙИ РЎЗГОРИ ҚУЁШ НУРИҒА МИСОЛДУР ВА ШАМСНИНГ МУАННАС ЭКАНИ МУНГА ДОЛ

Яхши хотунлар сафойи зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош,

Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.

15

ЎЗ МАНЗУРИНИНГ КАЖНАЗАР ТАВОБИЪИДИН БАДҲОЛ ВА БЕБАСАР ЛАВОҲИҚИДИН ХОТИРИДА МАЛОЛ ИЗҲОРИНИ ҚИЛУР

Бизинғ ғазолаи мушкин тавобиъин кўрким,
Қадим нигундурур ул хайл меҳнати юкидин.

Ағарчи итча эмастурлар одамийлиғда,
Бу турфадурки, қалинроғдурурлар ит тукидин.

16

САБЗАИ ХАТНИНГ АВВАЛ ЧИКИНУ УЛҒАЯ ҚИЁҒ ЭКАНИ ВА АВВАЛ ЧЕКИЛУРИН ВА СЎНГРА ҚИЁДИН ДЕГАНИ

Чекилур эрди сабзаи хатти,
Кўнғлум ичраки дедим ани чикин,

Бу чикин гўё эмди бўлди қиёғ,
Ки кўнгулни қияр қиёғ бикин.

17

САЛОМАТ АҲЛИНИНГ МАЛАКВАШЛИҚҚА МАЙЛИ ВА ЎЗИДЕК МАЛОМАТИЙЛАРНИ ШАЙТОН ХАЙЛИ ДЕБТУР

Малак атбоъидурурлар ул хайл,
Ким алар келди саломат аҳли.

Мену шайтонға татбиғким, эрур
Мендек ул доғи маломат аҳли.

18

АРЗИ ҲОЛИНИ ҲИММАТИ ЧАРХ ПАЙВАНДЛАРҒА ДЕМАК ВА САВОЛНИ ЗАМИРИ ХУРШИДМОНАНДЛАРДИН ҚИЛМОҚ МУНОСИБ ДЕБТУР

Бийик ҳиммaтлик элга арзи ҳол эт,
Замири нурпош элдин савол эт.

Ки бор абри баҳори гавҳарафшон,
Чоқин ҳам олам аҳлиға зарафшон.

19

МУТАСАЙЙИДИ НОПОК, НОДОН, ФОСИҚ БОБИДА

Сени сайиди пок, донойи зоҳид
Дедим, эй улусқа сўзунг фитна солгон.

Ажаб кимсасенким, ҳам аввалғи мисраъ,
Сенинг давлатингдин дедим тўрт ёлғон.

20

БОБОБЕК ЎЕЛИ ФАВТИНИ АДО ҚИЛИБТУР ВА УЛ ЎЕИЛ БОБОСИНИ ДУО

Агар Бобобек ўғли айлади иақл,
Ҳақ этсун равзани маъвоси анинг.

Ўғил гар борди Тенгри раҳматига,
Яшасун қарнлар бобоси анинг.

21

МАХФИЙ РОЗНИ ҲУҚҚА ИЧИНДАГИ МУШК ИСИ ДЕБТУРКИМ, ҲУҚҚА ОЧИЛСА, УЛ ИСИНИ НЕ ЙИЕИШТУРСА БЎЛУР, НЕ ЁШУРСА

Розни асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.

Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.

22

МАЗЛУМ ОҲИ БАРҚИДИН ХАБАР БЕРУРКИМ, ЯШМ БИЛА ДАФЪ БЎЛМАС, БАЛКИ ЛУТФ СУЙИ БИЛА ЎЧУРМАГУНЧА ДАФЪ БЎЛМАС

Эйки, истарсен чоқин дафъиға яшм,
Ўзга текмакка бериб имконға йўл.

Бехабар мазлум оҳи барқидин,
Ким чоқиндин доғи сўзонроқдур ул.

Турфароқ буким, санга махсус эрур,
Гар санга жонинг керак, огоҳ бўл.

23

ДОНО НУКТАСИНИ НОДОН ЭШИТМАСА, ҚОЙИЛҒА НЕ ЗИЁН, ГАВҲАРЕКИ БУ СОЧАР, УЛ ТЕРМАСА, МУНГА НЕ НУҚСОН

Биравким хирадманднинг нуктасин
Қулоғига олмас, не нуқсон мунга.

Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамоғлиғ худ осон мунга.

24

ШОҲИ ҒОЗИЙНИНГ КАРАМИ ДАРЁСИН ВА РАВШАН ЗАМИРИ ХУРШИДИ ОЛАМОРОСИН ДЕБТУРКИ, УЛ ЕЛ БИЛА ЛОЙ ВА БУ ГАРД БИЛА ТИЙРА БЎЛМАС

Шоҳи Ғозий эрур карам тенгизи,
Поку софий замиру равшанрой.

Ҳарза кўп сўздин ўлмас тийра,
Баҳр ел касратидин ўлмас лой.

25

НОДОННИНГ ҲАРЗАСИН «АНКАР УЛ-АСВОТ» ДЕБТУР ВА МУНИНГ ДАЛИР АЙТУРИН АНИНГ САВТИДА АНГА АДАМИ ИЛТИФОТ

Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур, далир айтур,
Қулоққа ёқмаса, манъига танбиҳ айламак бўлмас.

Эшак савти каломуллоҳда келди «Анкар ул-асвот»,
Анинг савтиға тақрибу таҳоши истамак бўлмас.

26

РАЗИЛИ БЕҲАВСАЛА МУКНАТ КЎРСА, ЎЗИН АЗИЗ ТУТМОҚ НЕ ҒАРИБ ВА ЖОҲ МАЙИ НАШЪАСИДИН ЎЗИН УНУТМОҚ НЕ АЖИБ

Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногаҳ
Етишса мукнат анга, аржуманд тутқай ўзин.

Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас,
Ки жоҳ ани чу мает айлагай, унутғай ўзин.

27

МАЙДИН ТАВБА ҚИЛҒАНҒА НИКУҲИШ ВА БАНГГА БОШ ИНДУРГАНГА САРЗАНИШ

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,
Тезак дуди сари қилмоқдур оҳанг:

Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,
Нашот андин хаёл айлаб емак банг.

28

ШОҲИ ҒОЗИЙ БИЛА НАВВОБИНИ АНБИЁ САРАФРОЗИ БИЛА АСҲОБИҒА ТАШБИҲ ҚИЛИБДУР

Бизинг шоҳ ул сифатким бори шаҳлардин эрур мумтоз,
Эрур нойиблари ҳам бўйла яъни давлат арбоби.

Ўзи шаҳлар аро хайли нубуватда Муҳаммаддек,
Ва лекин беклар онинг оллида пайғамбар асҳоби.

29

ПОКДОМАН ЗУАФОҚИМ ЭТАКЛАРИДИН ЮРУННИ ЭРАНЛАР САЖЖОДАСИ МЕҲРОБИҒА ТИРОЗ ҚИЛСА САЗОДУР ВА УЛ МЕҲРОБДА НАМОЗ ҚИЛСА РАВОДУР

Покдоман зуафодин неки зоянда бўлур,
Руҳпарвардуру жонбахш, зиҳи хилқати пок.

Кўрки, Марямга ўғил Исои Руҳуллоҳ эрур
Урса бу ҳолға нопок улус таън не бок.

30

ЭРНИ ХУРУС ДЕБТУР ВА КУЛАҲ ГЎШАСИН АНИНГ ТОЖИ, НОМАРДНИ МОКИЁН ДЕБТУР ЕМАКТА НАЖОСАТ МУҲТОЖИ

Эр уруб лаъл тож ила гулбонг,
Зангваш эл қайси ҳарзаким демагай,

Вақтида тортибон хурус нидо,
Не нажосатки мокиён емагай.

31

ЎЗИН ФИСҚ ИЧИНДАГИ ҚАРИ КОФИР ДЕБТУР ВА АНИ ТАРЖИҲ ҲАМ ҚИЛИБДУРКИМ, ЎЗИДА БУ ҲОЛ НИҲОН ВА АНДА ОШКОР ЭРКАНИН БИЛИБТУР

Эй Навоий, бир қари кофирни кўрсанг ишқ аро,
Кўрма онинг ҳолатин ўз ҳолатингдин кўп йироқ.

Сенда бу ҳолат ниҳоний келди, анда ошкор,
Лекин ул якранглик бобида сендин яхшироқ.

32

ШАҲНИНГ АДОЛАТИ ОЛАМНИ ҚУЁШДЕК РАВШАН ҚИЛУРИДА ВА ЗУЛМДИН ТИЙРАЛИК ЁЙИЛУРИДА АЙТИБДУР

Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутгай.

Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳамул дам тийралик оламни тутгай.

33

ХЎБКИМ ШАМОЙИЛИДА ОНСИЗ БЎЛҒАЙ, АНИ СУРАТҚА ТАШБИҲ ҚИЛИБДУРКИ, ЖОНСИЗ БЎЛҒАЙ

Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо сурати.

Хилъатин зарбафт дебодин гар этсун бил яқин,
Ким намудор ичрадур зарбафт дебо сурати.

34

МУТОЯБА РУХСАТ БЕРГАН НАВКАР БОБИДАКИМ, ЯНА ИХТИЛОТИ БЕҲАМИЯТЛИҒДУР ВА БЕҲИММАТЛИҒ

Чу навкарга бердинг ижозат, яна
Келиб, қилса хидматқа қўлдошлиқ,

Бил андоққи, жуфтунга берсанг талоқ,
Яна истагай қилмоқ ўйношлиқ.

35

МАНЗУРНИНГ ҲУСНИ БАҲОРИ ОЛУ ГУЛИДИН САПИДА ҚИЛИБ, ШАФТОЛУ ГУЛИДИН ГУЛГУНА ҚИЛҒОИИ

Ул баҳори ҳуеннинг рухсорини деҳқони сунъ
Арғувони тўн уза айлабдурур олу гули.

Турфа кўрким, бир чамандур оразиким, даврида
Очилур олу гули, ўртада шафтолу гули.

Ҳусну раънолиқ била дастори узра сончибон,
Ваҳки, шафтолу гулидур ё эрур солу гули.

Барча бир соридур, улким айлабон қаддимни хам,
Ашким этти лаъл, эрур даклай уза долу гули.

36

ТИЙРАЛАР ТАҚАДДУМИН АҲЛИ САФОҒАКИМ БУЛУТ БИЛА ҚУЁШДИН ЗОҲИРДУР, ДАЛИЛ КЎРГАЗМАҚ

Гар тийралар тақаддуми аҳли сафога бор,
Бу нуктани муомаладин кўрма ташқари.

Даврон ароки кўрайи сўзу гудоз эрур,
Шуъла эрур ҳамиша қуйи, дуд юқори.

37

ШАҲ ЛУТФИ ОМ БЎЛСА ҲАМ, БАРЧАҒА ТЕНГ ТАРБИЯТ БЎЛМАСҚА ЖИҲАТ АЙТУР ВА ХУРШИДДИН РАВШАН ДАЛИЛ КЎРГИЗУР

Шаҳ лутфи гарчи бўлса кўп, қобил топар нашъу намо,
Беважҳдур, бу нуктага ҳар кимсаким диққат тутар.

Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир,
Саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар.

38

ТОЖНИНГ ТАРКИН ИСТАБ, ДАРДИ САРДИН ШИКОЯТ ҚИЛУР

Тож кўп дарди сар берур бизга,
Зулмидур ақлу ҳуш торожи.

Бошимиздин бу тожни гум қил,
Барча гар бўлса салтанат тожи.

39

ЎЗИ СЎЗИ БОБИДА ДЕРКИМ, МУҚОБАЛАДА ҲАР КИМ ИЛИК УРҒАЙ, АММО ҚАЛАМ СУРА ОЛМАҒАЙ ВА ОРЗУ ҚИЛҒАЙ ВА ЛЕКИН ТИЛГА КЕЛТУРА ОЛМАҒАЙ

Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг килкингдин.

Бирига, ё ўнига, ё юзига, ё мингига,
Дегай эл найлагай ортуғ эса эллик мингдин?!

40

ЎЗ НАЗМИНИНГ РУТБАСИ ПОЯСИН ТИЪДОД ҚИЛУР ВА ҲАР БИРИГА МАРТАБАЕ ИСНОД ҚИЛУР

Навоий шеъри тўққуз байту, ўн бир байту, ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.

Буким албатта етти байтдин ўксук эмас, яъни
Таназзул айлай олмас рутба ичра етти гардундин.

41

ФАЛОКАТДИН АЁҒИҒА КАФШ БЎЛМАҒАИҒА ЧУН КАФШ УЧУН АЁҒИ БОР ШУКР ВОЖИБДУР

Улки, ифлосдин аёғинда
Кафш йўли азми чоғи йўқтур анинг,

Шукр қилдик боқиб бирав сори,
Ки юрурга аёғи йўқтур анинг.

42

МАСХ БОБИДАКИМ, МАСХАРАЕДУР БЕТАРИҚ ТАКАЛЛУМ СУРМАК

Фалон масх агар чин десун, йўқса акс,
Анинг асл зотига не бокдур.

Ки коёкни акс ҳам қилсалар,
Вуқуф аҳли оллинда коёкдур.

43

ЎЗИ ТАМАЪ ВОДИЙСИН ҚАТЪ ВА ТАЛАБ БОДИЯСИН ТАЙ ҚИЛҒАНИИ АЙТУР

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлгай бир тараф, сен бир тараф.

44

УЛУМДИН АШРАФ ДИН ИЛМИДУР, АНДИН ҲАМ ҒАРАЗ АМАЛ, ЙЎҚ ЭРСА ДИН ВА ДУНЁДА ХАЛАЛ

Илми дин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.

Лекин ул илм доги нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

45

ШАҲНИНГ ҚУЁШҚА МУШОБАҲАТИНИНГ ДАЛОЙИЛИ ВА ҲАР ҚАЙСИНИНГ НАФЪ ВА ЗАРАР ЖИҲАТИДИН МАСОЙИЛИ

Шаҳни доноким қуёш дебтур, анга будур далил,
Ким қуёш янглиғ эрур файзи жаҳон аҳлиға ом.

Ойдин ансаб йўқ нима хуршиддин файз олгали,
Кўрки, ул доги эрур гоҳи ҳилолу гаҳ тамом.

Бир кеча-кундузда даврон гаҳ қоронғу, гаҳ ёруқ,
Чарх анинг бир даврасинда гоҳ субҳу гоҳ шом.

Чун қуёшқа будурур ҳолат, ажаб йўқ, шоҳ ҳам
Бўлса ўз тобиъларидин гаҳ рамида, гоҳ ром.

46

БИРАВ ДУНЁЛИК НАЖОСАТИҒА ОЛУДА БЎЛСА, ДУНЁ АҲЛИ ТАМАВВУЛИ СЎЗИН ОРЗУ БИЛА ДЕРЛАР, БАЛКИ ҲАСРАТ ҲАМ ЕРЛАР

Дунё аҳлидин агар топти тамаввул бириси
Ўзгалар ҳасрат ила моли ҳадисин дерлар.

Бири худ ботти нажосат ичига бўғзиғача,
Ўзгалар ушбу нажосатқа ҳасад ҳам ерлар.

47

АМИРУЛ МУЪМИНИН АЛИ КАРРАМАЛЛОҲУ ВАЖҲАҲУ КАЛОМИНИНГ ТАРЖИМАСИ

Замона аҳли эмаслар атоларига шабиҳ,
Эрур замонга мушобиҳ аларга ҳар хислат.

Мутиъ эрурлар ангаким, замондин олгай ком,
Адув ангаки, етишкай замонадин шиддат.

48

РОЗ ГАВҲАРИН КЎНГУЛ МАХЗАНИДА ЁШУРА-ОЛМАҒАНҒА, ЯНА БИРОВ ФОШ ҚИЛҒАНДИН ШИКОЯТ ТЕҒМАСЛИКДА

Ҳар кимки кўнгул махзанида ёшура олмай,
Сочқай тилига келтурубон махзани розин,

Топшурғай эшитгангаки, фош айламагайсен,
Ҳам нуктаи таҳқиқину ҳам сирри мажозин.

Чун ганж иёси нақдни ҳар ён ўзи сочқай,
Бемузд ажаб йўқтур, агар сойғаса хозин.

49

АБНОЙИ ЖИНСИМДИН ХАЛҚ ГИЛАМАНД ЭДИЛАРКИМ, ЭЛДИН НОМАҚДУР ОЛУРЛАР, НИМА БЕРМАС ДЕБ МЕНДИН ҲАМ ШИКОЯТ ҚИЛУРЛАР

Менинг абнойи жинсимдин шикоят бу эди элга,
Ки номақдур олурлар, бу шикоят худ ажаб эрмас,

Ажаб будурки, мендин ҳам шикоят зоҳир айларлар,
Ки номақдур олам аҳли ҳар неким тилар, бермас.

50

ХАТНИ ТАРОШ ҚИЛУРДИН Ё ЯРАМАСЛИҒНИ ИСБОТ ҚИЛУР ВА Ё ЯРАР ДЕМАКИН УЁТ БИЛУР

Эйки, юз сафҳасида хаттинга юзланди тарош,
Яна дерсенки, бу хат яхшилигида йўқ шак,

Яхши эрса, не учун бас ҳар икки-уч кунда
Тиғ тортарсену бошдин аёғ айларсен ҳақ?

51

ИССИҚ ҲАВОДА СОВУҒ СУНИ ДЕРКИМ ДЎЗАХ АРО ЗУЛОЛИ КАВСАРДУР ВА АНИНГ ИЧИНДА МУЗ БУЛУРИ ТАР

Хуш кўрармен даҳрни совуғ су бирлаким, бу ёз
Бўлди иссигдин қуёш кўзларга чатри Санжари.

Бир аёқ музлуқ су жоми Жамдурур, невчунки бор
Бир аёг огзича муз ойинаи Искандарий.

52

ТАМАЪ ТУХМИН СОЧМОҒИИ МАНЪ ҚИЛУРКИМ, АНДИН ПУШАЙМОНЛИҒДИН ЎЗГА БАР ЙЎҚТУР ВА МАЗАЛЛАТДИН ЎЗГА САМАР

Навоий, тамаъ тухмини сочма кўп,
Риё ашкидин анга су очма кўп,

Амал мазраъин эккали берма ер,
Ҳавову ҳавас хирманин елга бер.

53

РИЁ МАЗАЛЛАТИДА СЎЗ ДЕР АГАРЧИ КАЪБАДУР ВА ФАНО МАДҲИДА НУКТА СУРАРДА ГАР ХУД БУТКАДАДУР

Риёйи Каъбадин дайри фанога
Кириб, гар бутка зоҳир қилдим имон,

Мени ёзғурма, эй шайхи риёйи,
Ки гар кофир эдим, бўлдум мусулмон.

54

ҚАЛАМ АДҲАМИ ХУШ ХИРОМИДИН ВАРАҚ КОФУРИ МАЙДОНИДА СУРМАККА ТАСКИН ТИЛАР ВА ОҚУ ҚАРО МАДҲИ ТАРКИНИ ОЙИН ИСТАР

Кофур уза мушк олиб кўп ҳарза рақам чектим,
Эйки, кошки бу ишдин Ҳақ берса манга тавба.

Оқу қаро мадҳида ҳар неки дедим, ёқмас,
Эмди бу мазаллатдин оқ тавба, қаро тавба.

55

РОЙИҲА УЧУН ГУЛОБ ВА ОЛМА ҚАЗОНИНИНГ КИЧИКЛИККА ЖИҲАТ АЙТУР ВА МУХТАСАРЛИҒИҒА МУНОСАБАТ

Олмаву гулоб қайнатурға
Табъи эрмас улуғ қазонға роғиб.

Демак бу қазон кичикдур асру,
Эрмас мунга ҳиммат аҳли толиб.

Ким руҳ ғизосининг қазони,
Мундин ҳам улуғ эмас муносиб.

56

ШОҲИДИ РАЪНОДИН ЛАЪБАНДУЗЛИҚ ТИЛА ВА РИНДИ ФАРЗОНАДИН ЖОНГУДОЗЛИҚ ВА ДИЛСУЗЛИҚ ИСТА

Ҳарзагард ўлди шоҳиди раъно,
Лек жонсўз ринди фарзона.

Ул парий рост ўйлаким кўпалак
Бу бир, аммо нечукки парвона.

57

ЎЗ ИСЁНИНИНГ ШИДДАТ ВА КАСРАТИН ДЕР ВА ХАҚ КАРАМИ ОЛЛИНДА АНИ АФВ ҚИЛМОҚНИНГ СУҲУЛАТИН

Қилибмен онча исёнким, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлгай.

Худоё, афв осонроқдурур, йўқса ғазаб қилсанг,
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

58

ДЎСТДИНКИ ДУШМАН ХЎЙИ БЎЛҒАЙ, ДУШМАН ЯХШИРОҚДУРКИ, ДЎСТ РЎЙИ БЎЛҒАЙ

Ниҳоний игна санчар ёрлардин
Адувваш новакафганлар кўп ортуқ.

Мунофиқшева золим дўстлардин
Мухолифтабъ душманлар кўп ортуқ.

59

АШҲАБНИНГ ТУВОҒИ БЕРКЛИГИН ТЕМУРГА ЎХШАТҚОНДЕК ЎЗИН ҲАМ БЕРК ЭКАН ЖИҲАТДИН ТЕМУРБЎЗ ДЕБТУР

Фалоннинг сархун отики гар эрур берк,
Қилур таъвил ақли нуктаомуз.


Ки гўё ғояти маҳкамлигидин,
Анинг отини дебтурлар Темурбўз.

60

БАРЛОСБЕК БИЛА ХОЖА МАЖИД БОБИДА АЙТИЛИБДУР ВА ДУО ҚИЛИБТУР ВА МУСТАЖОБ БЎЛУБТУР

Тутулмиш эди Мажид Барлос бекка,
Ким айтур эдиким бу яиглиғ қутулгай.

Қутулди улу бу тутулди, Илоҳий,
Тутулғон қутулгай, қутулғон тутулгай.



Чистон

(лукз)

Қанот кўп урмоқ ила қари учарлари йўқ,
Учарда гарчи қаридур аларға истизҳор.

5

ЎҚ

Не қушдурурки, учар уч қанот била, лекин
Агар қўнар ҳам, очиқдур қанотлари бори,

Қаноти саридур огзи валек доим очуқ,
Бу турфароққи, бўлур қуйруғида минқори.

Эрур анинг киби туз кўнгли ошёнида ўқ,
Сипеҳр жаъбасидин истасанг намудори.

6

АНОР

Не мажмардур, тўла ахгар, вале ул мажмар андоми,
Эрур сунъ илгидин гоҳи мусаддас, гаҳ мусамман ҳам.

Чиқар равзандин ахгар дудию бу турфаким, онинг
Ўтига дуд йўқтур, мажмариға балки равзан ҳам.

Ўту мажмар дема, бор ул садафким, дурларин онинг
Эвурди қонга даврони мушъабид чархи пурфан ҳам.

Агар бу навъ эмас, бас не учун бормоқ кучи бирла
Бўшар жисми, оқар қони, анга мажруҳ ўлуб тан ҳам.

Нечаким табъи норидур ва лекин меъда норига
Берур таскин, мунунг нафъин топибмен воқнан мен ҳам.

7

БЕЛ

Не навъ пайкори коридур ул узун тиллик,
Ки оғзиға қоқилур бир узун ёғоч маҳкам.

Мунунгдек оғзини маҳкам қилиб эмас мумкин,
Ки ул узун тилидин ҳеч навъ қилғай кам.

Тепарлар ончаки мақдур эрур ва лекин ул
Бу тепмак ила қотиқ ерни чок этар ҳар дам.

Бу навъ ер ёра олмас жаҳонда ул кишиким,
Йўқ эрса белида куч гар ани, дегил Рустам.

8

ЮМУРТҚА

Ул ҳуққаи ожким, қилурлар гулфом,
Ким жавфи паниру маскадин тўлди тамом.

Ким ани уруштирмоғидин истар ком,
Ноком ани ушатғусидур ани ноком.

9

ПОКИ

Не пайкардурки, айлар ночахин тез,
Ўзи бирладурур лекин масофи.

Магар Баҳроми Чўбин наслидиндур,
Ки аҳволида зоҳирдур хилофи.

Равондур тиғи эл бошида доим,
Вале ўз кўксидур анинг ғилофи.

Бу ҳолатқа, тонуғдур эл бошининг,
Сафоси, доғи ўз кўкси шикофи.


Чу мен қилдим аён поки нишонин,
Керакким, топқай эмди табъи софи.

10

ПАРВОНА

Ул қушки, таашшуқдурур андеша анга,
Бир нахлгаким шомдадур беша анга.

Шохи учидин аён бўлуб реша анга,
Гул очмақ ўшул решасидин пеша анга.



Пупоклар

1

Ё Раб, ул шаҳду шакар, ё лабдурур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали
Рамза ўқин қошиға ёлабдурур.

2

Жавр ўқин жонимга соқий ёзмади,
Васл жомидин хуморим ёзмади.
Килки қудрат сабзхатлар ишқидин
Ўзга иш оллимға гўё ёзмади.

3

Ё қошингдин неча бир ўқ кўз тутай,
Отки, ўтрусиға онинг кўз тутай.
Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин,
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай.

4

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин «ё» қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.

5

Бовужуд ул юз эрур гулгунасиз,
Ким кўрунур оллида гул гунасиз.
Юз қизиллиқ йўқтурур, эй аҳли зуҳд,
Токи мункирсиз майи гулгуна сиз.

6

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра багримни бутун.

Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиғ ер эмиш, ё Раб, бу тун.

7

Ўткали ул сарви гулрух соридин,
Йўқ хабар ул сарви гулрухсоридин.
Ҳажридин боғ ичра берур ёдима
Қоматидин сарву гул рухсоридин.

8

Тиғи ишқинг ёрасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган.
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин,
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган.

9

Ваҳ, қачонға тегру ишқинг кожидин
Кўзума ҳар лаҳза ўт чоқилғуси.
Басдурур кўнглумда ишқинг, ёқма ўт,
Ким ҳарорат ул ҳам ўтча қилғуси.

10

Ул парий ишқида бу девонани
Эйки истарсен, келиб гулханда кўр,
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,
Эй кўнгул, наззора қил, гулханда кўр.

11

Ёғди жаврунг ўқи ҳажринг тошидек,
Қилди қон кўнглум ичин ҳам тошидек.
Сочқали моҳим аёғига сипеҳр,
Кўз ёшимнинг лаълу дуррин тошидек.

12

Нақш тушмиш кўзда ул ёшим менинг,
Ўйлаким, бормас буён ёшим менинг.
Комим ўлмоқдур ҳабибимдин йироқ,
Гар худ ўлсун Хизрча ёшим менинг.

13

Неча дедим ул санамга бормоғин,
Қилмади ул тарк охир бормоғин.
Мунчаким худройлиқ кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормогин.

Кўрсаткичлар

ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА АФСОНАВИЙ ШАХСЛАР НОМИНИНГ ИЗОҲЛИ КЎРСАТКИЧИ[1]

АЁЗ – асл исми Абу Нажм Аёз ибн Уймоқ. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг садоқатли ва соҳибжамол қули. Султон саройида тутган мавқеи барча ашрофлардан баланд бўлган. Султон Маҳмуд вафотидан кейин бир муддат Султон Муҳаммад, сўнг Султон Масъуд Ғазнавий саройида хизмат қилган. «Тарихи Байҳақий»да келтирилишича, Аёз умри охирида Мукрон вилояти ҳокими этиб тайинланган. Султон Маҳмуд ва қули Аёз ўртасидаги дўстлик ва самимий муҳаббатни адабиётга илк марта Саноий ва Низомий олиб кирган. Форс шоири Зулолий Хонсорий «Маҳмуд ва Аёз» номли йирик ирфоний достон ёзган. Аёз – ишқ ва ошиқлик йўлида шоҳу гадо тенглигининг рамзи сифатида талқин қилинади. *Ғазал 613, 6.*

АФРИДУН, Фаридун – «Шоҳнома»да зикр этилган Пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» асарида ҳам Фаридунга багишланган алоҳида боб мавжуд. Унда келтирилишича, Жамшид авлодидан бўлмиш Отибиннинг ўғли – Фаридун Заҳҳокка қарши бош кўтарган Кова бошчилигидаги исёнга раҳбарлик қилади. Нужум, тиб ва афсунгарлик илмлари ҳамда Меҳржон байрамига асос солган. Уч ўғли – Салм, Тур ва Эражга мамлакатини бўлиб берганидан сўнг ораларида адоват пайдо бўлиб, Рум ва Турон ҳукмдорлари – Салм ва Тур ўз укалари – Эражни ўлдиришади. Йиллар ўтиб, Фаридуннинг иабираси – Манучеҳр отаси учун амакиларидан қасос олади. Шу тариқа, беш юз йил адолат билан ҳукмронлик қилган Фаридун уч ўғлини тупроққа топширади ва ҳасрат билан дунёдан ўтади. *Ғазал 492, 5; 617, 6.*

БАРМАК – Аббосийлар халифалигида вазирлик қилган машҳур сулоланинг номи. Бармакийлар илм-фан ривожига кўрсатган гамхўрлиги ҳамда сахийликлари билан тарихда ўчмас из қолдиришган. *Қасида 7, 4.*

БАҲРОМ – Сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Баҳром Гўр, Баҳром ибн Яздижурд номлари билан ҳам машҳур бўлган Варахрон V (421–438). Шоиртабиатлиги, ҳаётсеварлиги, овчиликка ишқибозлиги, одиллиги билан машҳур бўлган. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. *Ғазал 372, 6; қасида 1, 4; 8, 2.*

БАҲРОМ ЧЎБИН – Сосоний ҳукмдор Хусрав Парвизнинг лашкарбошиси. Рум қайсари ҳамда Турк хоқони Сованинг лашкарлари устидан узил-кесил галаба қозонган. Кейинроқ Хусрав Парвизга қарши қўзголон кўтариб маглубиятга учраган. *Чистон 9, 2.*

БОБОБЕК – Алишер Навоий замондошларидан бири. *Қитъа 20, 1.*

БУ ЛАҲАБ, Абу Лаҳаб – ислом динининг ашаддий душманларидан бири, Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.)нинг амакиси. Абу Лаҳабнинг асли исми Абул Уззо ибн Абдул Муталлиб бўлиб, икки ёноги оловдек қизариб тургани учун Абу Лаҳаб кунясини олган эди. Абу Лаҳаб ҳақида «Масад» сураси нозил бўлган. *Ғазал 213, 7.*

---

[1] Изоҳларни Сайфиддин Рафиддинов ва Олимжон Давлатовлар тайёрлаган.

БУЛҚОСИМ – пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг куняси. Сиярларда келтирилишича, пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг Қосим исмли ўғли бўлган ва чақалоқлиги пайтида вафот қилган. Шу сабабдан, араблар ўз одатлари бўйича у кишига Абулқосим – Қосимнинг отаси деб ҳам мурожаат қилишган. *Газал 393, 6.*

ВОМИҚ – Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» достонидаги ошиқ йигит. *Газал 16, 3; 79, 4; 142, 7; 155, 2; 200, 2; 202, 6; 296, 7; 584, 4.*

ДОРО – Аҳмонийлар сулоласининг охирги ҳукмдори бўлган Эрон шоҳи. Искандар билан бўлган урушда маглубиятга учраган. Милоддан аввалги 330 йилда ўлдирилган. *Қасида 1, 7.*

ЖАБРАИЛ, Жибрил, Руҳуламин – пайғамбарларга илоҳий ваҳийни етказувчи фаришта. *Газал 290, 8; 650, 4; мусаддас 1, 5.*

ЖАМШИД, Жам – Пешдодийлар сулоласига мансуб учинчи подшоҳнинг исми. Баъзи манбаларда ёзилишича, етти юз йил ёки минг йилга яқин подшоҳлик қилган. Таҳмураспнинг ўғли. Ривоят қилинишича, Жамшид инсонларга зарур кўп нарсаларни ўйлаб топган, жумладан, қурол-аслаҳа ясаган, бинолар ва ҳаммом қурган. Одамларга либос тикиш, кемасозлик ва табибликни ўргатган, Наврўз байрамини жорий қилган. Гавҳар ясашни ўйлаб топган ва гавҳарли тахт ясаган. Бу тахт Жамшид тахти, Жамшид маркаби, Жамшид чодири, Жамшид курсиси каби номлар билан аталган. Шунингдек, Жамшид «жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ҳам ихтиро қилган, деб ривоят қилинади. Бу жом Кайхисравга, сўнгра Дорога ўтган экан. Саъдий Шерозий ҳам «Гулистон» асарида биринчи бўлиб тўн тиккан ва қўлига узук таққан киши Жамшид эканлигини айтган. Худолик даъвосини қилганидан сўнг таназзулга юз тутган. Заҳҳок томонидан ўлдирилган. *Газал 59, 5; 69, 6; 83, 7; 105, 13; 148, 9; 173, 6; 266, 8; 281, 7; 316, 6; 324, 3; 331, 6; 334, 4, 6; 361, 7; 396, 6, 7; 397, 6; 413, 6; 419, 6; 476, 1; 492, 5; 570, 7; 624, 6; қитъа 51, 2.*

ЖОМИЙ, Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414–1492) – XV аср форс-тожик адабиётининг энг йирик намояндаларидан бири, улкан шоир ва мутафаккир. Навоийнинг устози ва дўсти. Болаликда таълимни ота-онаси ҳузурида олиб, сўнг Ҳирот, Машҳад ва Самарқандда ўқишини давом эттирган. Учта девон, «Хамса»га жавоб тариқасида ёзган «Ҳафт авранг» («Етти тахт») ва ирфон, тасаввуф, фалсафа, фиқҳ, мантиқ, тилшунослик, муаммо, тафсир, ҳадисшунослик, тарих илмларига оид 46 асарнинг муаллифи. *Газал 215, 7; 650, 9; қасида 5, 11.*

ИСО, Масиҳ, Масиҳо, Руҳуллоҳ – исломиятдан олдин ўтган пайгамбарлардан бири. Насронийлик динининг асосчиси. Инжил китоби унга нозил бўлган. Қуръони каримда Исо исми 25 марта учрайди. Исо Масиҳ (а.с.) Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай касалликларни тузатиш, ўликларни тирилтириш каби мўъжизаларга эга бўлган. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида таъкидлашича, Исо (а.с.)дан илгари ўтган пайгамбарларга қирқ ёшидан сўнг пайгамбарлик мақоми берилган, Исо (а.с)да гўдакликдан пайгамбарлик нишоналари намоён бўлган. Онаси Марям Жаброил алайҳиссаломнинг нафаси билан ҳомиладор бўлади ва Исо (а.с.) дунёга келади. Исо (а.с.) халқни ҳақ динга даъват этиб, улуғ мўъжизалар кўрсатади. Аллоҳ таоло иймон келтирмаганлар зараридан асраш учун Исо (а.с.)ни осмонга чиқаради. Навоий мазкур асарида Исо (а.с.)нинг Имом Маҳдий зуҳур қилганидан сўнг осмондан тушиши, Дажжоли лаънини ўлдириши,

миллатларни тўғриликка ва ҳақ динга даъват этиши, шунингдек, ўн етти ёшда пайғамбар бўлганию ўттиз уч ёшида осмонга чиқиб кетганидан хабар беради.

Мумтоз адабиётда Исо Масиҳ (а.с.) кўплаб ғоявий-бадиий вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган образлардан биридир. У поклик, гўзаллик, қаноат, тажрид, тафрид ва ҳозиқ табиб тимсоли. Маъшуқнинг ахлоқи, ҳусни, чиройи, аъзолари таъриф-тавсиф этилганда Исо Масиҳ (а.с.)га қиёсланади, баъзан ундан устун қўйилади. *Ғазал 1, 3; 6, 2; 10, 2, 4; 22, 2; 31-3; 33, 1, 2; 59, 4; 82, 5; 83, 2; 87, 4; 101, 2; 103, 1, 9; 105, 6; 121, 3; 135, 4; 145, 4; 156, 6; 176, 1; 178,2; 193,2; 196, 2; 203, 3; 227, 3; 234, 5; 235, 3, 4; 250, 1; 258, 3; 276, 3; 285, 1; 324, 5; 326, 1; 351, 2;374, 5; 376, 5; 386, 4; 393, 3, 4; 416, 1; 417, 2; 442, 7; 476, 2; 495, 4; 512, 5;521, 3; 555, 4; 578, 1, 2; 602, 7; 606, 4; 623, 5; 639, 5; 645, 5; мухаммас 1, 3; мусаддас 1, 2; қасида 6, 11; қитъа 12, 2; 29, 2.*

ЛАЙЛИ, Лайло – гўзал ва латофатли маҳбубанинг исми; Мажнуннинг севикли ёри. *Ғазал 9, 5; 32, 1; 43, 4; 45, 6; 67, 2; 144, 7; 146, 4; 157, 3; 161, 9; 176, 2; 177, 5; 184, 5; 213, 5; 257, 5; 275, 1; 305, 4; 337, 5; 344, 1; 415, 4; 444, 2; 463, 8; 493, 4; 601, 3; 640, 3.*

ЛУТФИЙ – таниқли ўзбек шоири. 1366 йили туғилиб, 1465 йилда, 99 ёшда Ҳиротда вафот этган. Бизгача ўзбекча шеърлар девони ҳамда форс тилида ёзган шеърлари етиб келган. *Мухаммас 1, 5; мусаддас 1, 7.*

МАЖИД БАРЛОС – Алишер Навоий замондошларидан бири. *Қитъа 60, 1.*

МАЖНУН – «Лайли ва Мажнун» достонининг бош қаҳрамонларидан Қайснинг лақаби. *Ғазал 8, 5, 6; 9, 5; 12, 9; 15, 3; 23, 8; 43, 4; 45, 6; 53, 6; 56, 4; 64, 1; 67, 2, 11; 73, 3; 79, 4; 83, 1; 86, 10; 89, 2, 5; 96, 7; 133, 3; 137, 6; 1142, 7; 146, 4; 155, 2; 157, 3; 160, 5; 161, 9; 166, 4; 174, 6; 176, 2; 177, 5; 184, 5; 198, 3; 200, 2; 211, 6; 213, 5; 220, 3; 231, 5; 235, 4; 239, 2; 243, 7; 247, 5; 254, 4; 257, 5; 258, 7; 259, 5; 267, 1; 270, 5; 272, 3; 275, 1; 296, 7; 299, 7; 305, 4; 308, 2; 314, 3; 337, 5; 343, 4; 344, 1; 382, 3; 415, 4; 428, 1;440, 2; 442, 4; 444, 2; 451, 2; 452, 1; 458, 3; 460, 3; 463, 2, 4, 8; 464, 6; 469, 4; 474, 4; 479, 6; 481, 5; 493, 4; 496, 2; 497, 7; 515, 5; 536, 9; 558, 4; 572, 3; 584, 4; 601, 3; 610, 5; 617, 1, 4; 619, 7; 620, 4; 627, 2; 630,1,6; 635, 2; 639, 3; 640, 3; 641, 5; чистон 1,5.*

МАРЯМ – исломиятдан аввал ўтган Исо Масиҳ (а.с.)нинг онаси. Қуръони каримда «Марям» сураси мавжуд. Муқаддас китобда Марям исми 34 марта келади. Марям образи Навоий шеъриятида поклик, иффат ва аёл шаънини улуғловчи тимсол сифатида қўлланилган. *Ғазал 10, 4; 82, 5; 476, 2; қитъа 12, 2; 29, 2.*

МОНИЙ Ибн Фатак (216 – Ктесифон – 277) – монизм таълимотининг асосчиси; наққош ва рассом. Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик каби турли диний таълимотлар билан танишади. 240 йилдан бошлаб Моний ўзининг мустақил таълимотини Эронда таргиб қила бошлайди. Бироқ зардуштий роҳиблар бу таълимотга кескин қарши чиқадилар. Шундан сўнг, Моний асосан Марказий Осиё ерларида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатади. Аммо Моний 273 йилда яна Эронга қайтади. 275 йили Шоҳ Баҳром I нинг амри билан ҳибс қилиниб, зиндонга ташланади ва 277 йилда қатл этилади. «Шобурақон», «Канз ул-эҳё» («Тирилганлар хазинаси»), «Жабборлар ҳақида», «Сирлар китоби», «Авангелион», «Кефалак», «Бунгохик» («Бунгоҳанг») китоблари унинг қаламига мансубдир. Моний таълимоти ўлимидан кейин кенг тарқалади. У VIII асрда Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланади. Аммо кейинчалик ислом дини вужудга келганлиги сабабли монийлик аста-

секин Европа ва Осиё мамлакатларида барҳам топди. XIV асрга келиб бу диний таълимот Хитойда ҳам тақиқланди. Моний ўрта аср Шарқ шеъриятида машҳур наққош ва рассом сифатида доимо тилга олинган. *Ғазал 600, 4.*

МУСИИ ИМРОН – яҳудийлик динининг асосчиси, пайғамбар Мусо (а.с.). Нур таратувчи қўли (яди байзо) ва ерга ташлаганда аждарҳога айланувчи ҳассаси билан қатор мўъжизалар кўрсатган. Тўрт муқаддас китобнинг бири – Таврот Мусо (а)га нозил бўлган. Яҳуд қавмини Фиръавн зулмидан озод қилган ҳамда худолик даъвосини қилган Фиръавн устидан галаба қозонган. *Ғазал 4,4.*

МУҲАММАД, Аҳмад, Аҳмади мурсал (с.а.в.) (570–632) – пайғамбарлар силсиласидаги энг сўнгги пайгамбар. Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) ҳаёти ислом тарихига оид ишончли манбаларда ҳамда сиярларда батафсил ёритилган. Навоий девонидаги бир қатор ғазал ва қитъалар Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.)га багишланган. Уларда пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари, шафоат ва меърож мўъжизалари, нури муҳаммадия тўғрисидаги таълимот, ул зотнинг «макорими ахлоқ» эканлиги шоирона талқин қилинган. *Ғазал 393, 1; қитъа 28, 2.*

НУҲ – исломиятдан аввал ўтган ва узоқ умр кўрган пайғамбар. Қуръони каримда «Нуҳ» сураси мавжуд. Қуръонда Нуҳ исми 33 марта зикр этилган. Нуҳ (а.с.) замонида буюк Тўфон воқеаси содир бўлган. Нуҳ (а.с.) кема ясаб, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтдан, барча ўсимликлардан намуна олиб, Ҳаққа имон келтирганлар билан бирга кемага чиқади ва тўфондан нажот топади. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида берилишича, бугунги башарият асли Нуҳ (а.с.)нинг уч ўғли – Сом, Ҳом ва Ёфаснинг авлодларидир. Шу сабабдан Нуҳ (а.с.)ни «Одами соний» – Иккинчи Одам ҳам дейишади. *Ғазал 132, 7; 452, 5.*

НЎШИРАВОН, Нуширвон Одил, Анушервон – Сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ. Асл исми Хусрав ибн Қубод. Одиллиги билан тарихда ўчмас из қолдирган. *Ғазал 500, 7.*

ОДАМ, Одам Ато – илк инсон ва пайгамбар. Қуръони каримда Одам Ато исми 25 оятда келтирилган. Мумтоз адабиётда, жумладан, Навоий шеъриятида Одам (а.с.) нинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, амри Илоҳий бўлгани сабабли фаришталарнинг унга сажда қилгани, Шайтоннинг кибр қилиб унга сажда қилмагани ва Илоҳий даргоҳдан ҳайдалгани зикр этилади. Шунингдек, Одам (а.с.) жуфти – Момо Ҳавво билан Шайтоннинг макрига учиб, манъ қилинган дарахт мевасини егани ва жаннатдан қувилиб ерга тушгани, тавбаси туфайли Аллоҳ таоло томонидан афв этилгани каби воқеалар газалларда турли муносабатлар билан талмеҳ сифатида келтирилади. *Ғазал 426, 7.*

ПАРВЕЗ – Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи Хусравнинг исми. Низомий ҳамда Амир Хусравнинг «Хусрав ва Ширин» достонларидаги асосий қаҳрамонлардан бири. *Ғазал 99, 6; 149, 3; 199, 6; 556, 6.*

РУСТАМ, Таҳамтан – афсонавий паҳлавон. Каёнийлар сулоласининг жаҳонпаҳлавони – Золи Зар ҳамда Кобул ҳукмдори – Меҳробнинг қизи бўлмиш Рудобанинг фарзанди. Туғилишида афсонавий Семурғ доялик қилган. Болалигидан унинг ҳаёти қаҳрамонликларга тўла бўлган. Тўққиз ёшида оқ филни гурзи билан уриб ўлдиради. Ўн бир ёшида бобоси очолмаган Албурз тогидаги Оқ Қалъани фатҳ этади. Оқ дев, Аждарҳо,

Аквондев, икки бошли шер каби даҳшатли махлуқлар, Комус Кашоний, Ашкбўс, Ҳомоварон шоҳи, Афросиёб каби енгилмас баҳодирлар ҳам Рустамнинг куч-қуввати олдида ожиз қоладилар. Билмасдан ўз фарзанди – Суҳробни ўлдириб қўяди. Умри охирида Исфандиёр – Эрон тахтининг валиаҳдини ўз шаънини асраш йўлида ночор ўлдиради. Ўзи укаси Шагоднинг ҳийласи билан чоҳга тушиб, ҳалок бўлади. Рустам мумтоз адабиётда жасорат ва ботирлик, жисмоний қувват, қаҳрамонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. *Fазал 141, 6; 215, 5; қасида 1, 9; чистон 7, 4.*

САЛМОН, Салмон Форсий – Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири. Макка мушрикларига қарши газотларнинг бирида хандақ қазишни маслаҳат бериб, мусулмонларнинг ғалабасига сабабчи бўлган. Салмон разияллоҳу анҳу машҳур ҳадисга кўра, пайғамбаримиз (с.а.в.) оиласининг аъзоси ҳисобланади. Салмон Форсийдан қатор саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинган. *Қасида 5, 11.*

СИКАНДАР, Искандар – ўз даврида Ер юзининг ягона ҳукмдори бўлган машҳур шоҳ. Айрим манбаларда Қуръон тафсирлари ва «Хамса» достонларида келган Искандар Зулқарнайн билан македониялик Александрнинг бошқа-бошқа шахс эканликлари таъкидлаб ўтилган. Унинг ҳаётини Навоий «Тарихи мулуки ажам» асари ҳамда «Садди Искандарий» достонида ёритган. Ундаги талқин бўйича, Искандар ҳикмат, валийлик ва пайғамбарликни ўзида мужассам этган. *Fазал 69, 1; 95, 1; 132, 8; 183, 1; 316, 6; 396, 6, 7; 447, 1; 470, 4; қитъа 51, 2.*

СУЛАЙМОН – исломиятдан илгари ўтган пайгамбарлардан бири. Довуд (а.с.)нинг фарзанди. Сулаймон (а.с.)нинг исми Қуръони каримда 17 марта зикр қилинган. Ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган. Ғайб ва шаҳодат оламидаги жамийки мавжудот – инсу жин, деву парилар, наботот ва ҳайвонот бу зотга бўйсунган. Сулаймон (а.с.)нинг қушлар тилини билиши, Сулаймон ва чумоли мунозараси, Исми Аъзам нақш қилинган узук қиссаси каби унинг ҳаётига боглиқ воқеалар мумтоз адабиётимизда турли мақсад ва йўналишларда ўз ифодасини топган. *Fазал 69, 2; 331, 6.*

ФАРҲОД – Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Чин ҳукмдорининг ўғли, Ширинниг севгилиси. *Fазал 8, 5; 15, 3; 23, 8; 53, 6; 58, 4; 64, 1; 67, 2; 89, 2; 91, 2; 96, 7; 99, 6; 125, 5; 133, 4; 137, 6; 142, 7;149, 3; 198,3; 199, 6; 200, 1, 2; 202, 6; 211, 6; 218, 3; 220, 3; 226, 3; 243, 7; 272, 3; 279, 5; 292, 2; 296, 7; 314, 3; 315, 5; 373, 4; 415, 4; 440, 2; 451, 2; 460, 3; 464, 6;474, 4; 493, 4; 496, 2; 497, 7; 523, 4; 536, 9; 544, 4; 556, 6; 557, 4; 558, 4; 584, 4; 610, 5; 617, 4; 627, 1; 630, 6; 641, 5.*

ХАЛИЛ – исломиятдан аввал ўтган пайгамбар – Иброҳим (а.с.)нинг лақаби. Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.) Намруд замонида одамларни тавҳид – яккахудоликка даъват қилиб, Намруд томонидан манжаниқ билан оловга ташлангани, Аллоҳ таоло амри билан олов салқинлик ва омонликка айлангани, Иброҳим (а.с) Каъбани бино этгани каби воқеалар мумтоз адабиётимизда талмеҳ сифатида жуда кўп ўринларда келтирилади. *Мусаддас 1, 1.*

ХИЗР – «оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичган, пайгамбарлигига эса шубҳа бўлган кишининг номи. Одамларга йўлдошлиги билан машҳур. Хизр (а.с.)нинг исми ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи манбаларда унинг исми Биқё бин Милкондир. Қуриб қолган ўт-ўлан устига ўтирганда яшил майсага айлангани учун Хизр деб аталган.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилишича, Хизр (а.с.) Арфахшад бинни Сомнинг фарзандидан бўлиб, Зулқарнайннинг мулозимларидан биридир. Зулқарнайн тириклик сувини қўлга киритиш мақсадида зулматга кирганида Хизр (а.с.) уни бошлаб борган. Ўша пайтда Илёс (а.с.) ҳам улар билан бирга эди. Аммо ушбу тириклик сувини Аллоҳ таоло Хизр ва Илёс (а.с.)ларга насиб қилди. Айрим манбаларда айтилишича, тириклик сувидан мурод илми ладунийдир. Аҳли ислом эътиқодига кўра, Хизр (а.с.) абадий ҳаётга эришган. Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу асарларида битилишича, у Сабзаворнинг Кавк шаҳридан бўлиб, ислом динининг имом Шофеъий мазҳабидадир. Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо – пир, дарвешлик ва руҳий ҳурлик намунаси сифатида энг кўп қўлланилган образлардан ҳисобланади. *Газал 31, 3; 74,3,4; 83, 7; 101, 2; 103, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9; 105, 8: 108, 5; 183, 1; 250, 1; 338, 6; 421, 2; 470, 4; 509, 4; 522, 4; 527, 3; 537, 5; 547, 7; мухаммас 1, 3; туюқ 12, 2.*

ХУСРАВ – сосоний ҳукмдор Хусрав Парвез. Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. Навоий ғазалларида Хусрав сўзи асосан уч маънода қўлланилади: Хусрав Парвез, Амир Хусрав Деҳлавий ҳамда шоҳ (Ҳусайн Бойқаро). *Газал 215, 7; қасида 5, 11.*

ШИРИН – Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги гўзал маҳбуба, Фарҳоднинг севгилиси. *Газал 67, 2; 91, 2; 125, 5; 315, 5; 415, 4; 493, 4; 544, 4; 556, 6.*

ЮСУФ – канъонлик Яъқуб (а.с.)нинг ўғли. Қуръонда Юсуф (а.с.)нинг қиссаси «энг гўзал қисса» дея таърифланади ва у «Юсуф» сурасида тўлиқ келтирилади. Юсуф (а.с.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.с.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, акаларининг Юсуф (а.с.)га ҳасад қилиб уни қудуққа ташлашлари ва арзимас чақа учун Миср карвонига қул қилиб сотиб юборишлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, қуллик даврида Юсуф (а.с.) ва Миср Азизининг хотини – Зулайхо ўртасидаги можаролар, туҳмат билан зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, умрининг охирида сабри ва лаёқати туфайли Мисрда азиз бўлгани, Юсуф (а.с.)дан айрилгач Яъқуб (а.с.)нинг йиғлайвериб кўр бўлгани, фарзанди Юсуф (а.с.)нинг кўйлагини кўзига суртгач отанинг кўзлари очилгани каби воқеалар мумтоз шеърият вакиллари учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлган. Умуман, мумтоз шеъриятда Юсуф гўзаллик тимсоли бўлса, Яъқуб маъшуқига нигорон ва интизор бўлган ошиқ тимсоли сифатида келтирилади. *Газал 4, 3; 19, 5; 149, 7; 191, 2; 257, 4; 521, 8; 644, 9; 647, 3.*

ЯЪҚУБ – улуғ пайгамбарлардан бири. Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)нинг ўғли – Исҳоқ (а.с.)нинг фарзанди. Яъқуб (а.с.)нинг исми кўпинча ўғли – Юсуф (а.с.)нинг бошидан ўтган можаролар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Манбаларда келтирилишича, ўн икки фарзандининг отаси бўлган Яъқуб (а.с.) Юсуфни айрича бир муҳаббат билан яхши кўрган. Юсуфнинг акалари унга ҳасад қилиб, Миср карвонига арзимас баҳога сотиб юбориб, қонли кўйлагини оталарига келтириб, «Юсуфни бўри еб кетди», деб ёлғон гапирадилар. Яъқуб (а.с.) уларга ишонмайди, гўзал сабр қилишдан бошқа чора топмайди. Юсуф (а.с.) фироқида уйига (бу уй кейинчалик «байт ул-аҳзон» – гамхона, ғам уйи номи билан машҳур бўлади) кириб, кечаю кундуз шунчалик кўп кўз ёш тўкадики, алалоқибат кўзлари кўр бўлади. Юсуф (а.с.) узоқ йиллардан кейин Мисрдан ўз кўйлагини тириклиги нишонаси сифатида отасига юборади. Яъқуб (а.с.) жигарбандининг кўйлагини кўзига суртади ва кўзлари очилади. Навоий шеъриятида Яъқуб (а.с.) воқеасига ишора қилиб, ўз

ёридан айро тушган ва уни соғиииб яшаган ошиқ ҳолатини тасвирлайди. «Байт ул-аҳзон» воситасида эса ғам, алам ва ҳижрон дардига мубтало бўлган ошиқ маскани назарда тутилади. *Ғазал 79, 7; 644, 9.*

ҚОРУН – Мусо (а.с.) замонида яшаган хасис бой. Сеҳр-жоду туфайли жуда кўп бойликка эга бўлиб, Мусо (а.с.)га қарши фитна уюштиради. Мусо (а.с.)нинг дуоси туфайли бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Мумтоз шоирларимиз Қорун воқеасини ибратли талмеҳ сифатида келтирадилар. Бу орқали хасислик ва очкўзликни қоралайдилар. *Ғазал 69, 3; 296, 6.*

ҒАЗНАВИЙ, Султон Маҳмуд – Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси. Султон Маҳмуд ва қули – Аёз ўртасидаги муҳаббат, Сўминот бутхонасини бузиб, ўрнига масжид қурдиргани, «Шоҳнома»ни қадр этмагани учун Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд ҳақида ёзган ҳажвияси адабиёт тарихида турли муносабатлар билан талмеҳ қилинади. *Ғазал 79, 7; 644, 9.*

ҲОТАМ – арабларнинг Тай қабиласига мансуб бўлган, саховатпешалиги билан ном чиқарган тарихий шахс. Халқ оғзаки ижодида Ҳотами Той қиссасининг турли вариантлари мавжуд. Шунингдек, Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий «Ҳотам-нома» номида йирик насрий асар яратган. *Қасида 7, 4.*

ҲУСАЙН, султон (Шоҳ Абулғозий Баҳодирхон, Хусрави Ғозий) – тўлиқ номи Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро (1438–1506). Хуросон ҳукмдори (1470–1506). «Ҳотамий» ва «Ҳусайний» тахаллуслари билан ўзбек тилида шеърлар ёзган. Асосан газаллардан иборат девони бор. Навоийнинг яқин дўсти ва маслакдоши, ўзбек тили ва адабиёти ривожига катта гамхўрлик қилган темурий ҳукмдорлардан. 1485 йили ёзган «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» номли насрий асарида Навоийга «шеърият мулкининг соҳибқирони» деб, таъриф берган. «Хазойин ул-маоний» девони айнан Ҳусайн Бойқаро ташаббуси билан тузилганини Навоий дебочада алоҳида эҳтиром билан қайд қилиб ўтади. *Ғазал 134, 9; 205, 13; мухаммас 2, 7; мусаддас 2, 7; қасида 5, 4; қитъа 24, 1; 28, сарлавҳа.*

ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АДАН – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳарнинг номи. Ўзининг қимматбаҳо дурлари билан машҳур. *Ғазал 14, 3; 23, 3; 241, 2.*

АЖАМ – араб бўлмаган мусулмон ўлкаларининг умумий номи. *Ғазал 613, 11.*

АСТРОБОД – Хуросоннинг шимоли-шарқида жойлашган Мозандарон ўлкасининг маъмурий маркази. *Ғазал 611, 7; 621, 9.*

БАДАХШОН – Помир тоғ тизмасида жойлашган Тожикистондаги Тоғли Бадахшон автоном вилояти ҳамда Афгонистондаги ўлка номи. *Қасида 5, 1.*

БАТҲО – Маккаи мукарраманинг олдинги номи. *Ғазал 6, 7.*

БАҒДОД – ҳозирги Ироқ пойтахти. *Ғазал 99, 7.*

БЕСТУН – Эрондаги Албурз тоғ тизмаларида жойлашган қулла. *Ғазал 544, 4.*

БИРЖИС (Муштарий) – сайёранинг номи. *Ғазал 69, 5; 295, 2.*

БОБИЛ – Месопотамиядаги қадимги давлатнинг номи. *Ғазал 19, 5; 520, 5.*

БОҒИ ЖАҲОН – Ҳиротдаги боглардан бирининг номи. *Ғазал 105, 11.*

БУХОРО – Ўзбекистонда жойлашган машҳур қадимий шаҳар, дунё тамаддунининг ўчоқларидан бири. *Ғазал 6, 7.*

ДАЖЛА – Бағдод шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтадиган дарё номи. *Ғазал 141, 3; 275, 5.*

ЖАЙҲУН – Амударёнинг бошқа бир номи. *Ғазал 141, 3; 275, 5; 617, 7.*

ЗУҲАЛ – еттинчи фалакда жойлашган сайёранинг номи, Сатурн. *Қасида 9, 2.*

ИРОҚ – мамлакат номи бўлиб, тарихий манбаларда Араб Ироқи ҳамда Форс Ироқи каби иккига бўлинган номда ҳам учрайди; «Шашмақом»даги мақомлардан бирининг номи. *Ғазал 364, 7.*

КАЙВОН – еттинчи фалакда жойлашган сайёранинг номи, Зуҳал, Сатурн. *Қасида 8, 2.*

КАНЪОН – ҳозирги Фаластинда жойлашган минтақанинг номи. Яъқуб ва Юсуф (а.с.)ларнинг ватани. *Ғазал 201, 1; 231, 1; 644, 9.*

КАЪБА – мусулмонларнинг Маккадаги зиёраттоҳи. *Ғазал 173, 4; 295, 9; 311, 8; 334, 6; 345, 9; 364, 5; 420, 7; 448, 8; 501, 8; 513, 6; 612, 7; 621, 1; 650, 6; қитъа 53, 1.*

КОБУЛ – ҳозирги Афғонистоннинг пойтахти. *Ғазал 230, 7.*

МАРВ – Хуросондаги обод ва машҳур шаҳар, ҳозирги Туркманистонда жойлашган Мари шаҳри. *Ғазал 484, 1.*

МАШҲАД – Эрондаги шаҳар номи. *Ғазал 505, 1.*

МИСР – Шимолий Африкада жойлашган мамлакат. *Ғазал 571, 5.*

ОМУ – Амударёнинг бошқа номи. *Ғазал 356, 7.*

СУҲАЙЛ – турғун юлдузлардан бирининг номи. *Ғазал 251, 3.*

ТАБРИЗ – Эрондаги шаҳарнинг номи. *Ғазал 99, 7.*

УТОРУД, АТОРУД – сайёранинг номи, Меркурий. *Қасида 1, 6; 4, 1, 2, 6, 7; 5, 3, 9.*

ХИТО – Хитой мамлакати ва унинг маркази. *Ғазал 204, 5; 249, 6.*

ХУРОСОН – шарқдан Мовароуннаҳр, ғарбдан Кўҳистон билан туташган минтақа номи. *Ғазал 364, 7; 469, 7; 646, 1.*

ХЎТАН – Кошғар минтақасига кирувчи, киндигидан мушк ажратувчи жайронлари билан машҳур воҳа ва шаҳар. *Ғазал 588, 3; 649, 3.*

ЧИН – Хитой мамлакати ва унинг маркази шундай ном билан аталган *Ғазал 22, 1; 516, 1; 628, 1.*

ЭРАМ – худолик даъвосини қилган золим подшоҳ Шаддод томонидан қурилган жаннатсимон афсонавий боғ. *Ғазал 397, 5; 405, 2; 510, 1; 543, 4.*

ҲИЖОЗ – Арабистон ярим оролидаги (Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган) минтақанинг номи. *Ғазал 364, 7; 469, 7; 579, 3; 613, 11.*

ҲИРИЙ (Ҳирот) – Хуросоннинг маъмурий ва сиёсий маркази бўлган обод шаҳар, темурийлар пойтахти. *Ғазал 295, 9; 593, 7.*

ЭТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

ЛЎЛИ – *ғазал 166, 5; 185, 2.*

ТУРК – *ғазал 144, 9; 205, 5.*

ҚИЁТ – *ғазал 73, 9.*

ҚЎНҒИРОТ – *ғазал 73, 9.*

ҲАБАШ – *ғазал 249, 6.*

ҲИНДУ – *ғазал 166, 1; 181, 4; 308, 5; 344, 2; 506, 1; 508, 4, 5; қасида 3, 3.*

АЙРИМ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ[1]

А

Абр (булут) – тасаввуф истилоҳида ортиқча ҳисобланган ҳижоб (парда); у бандалик ва раббонийлик пардасидир; жидду жаҳд билан мушоҳада мақомига етишишга сабаб бўлган ҳижобдир. Шунингдек, нафсоний зулмат афъоллари ва руҳоний малакалардан ҳосил бўлган қалб ҳижоби. Бу ҳижоб – зотий ва асмоий тажалли офтобини мушоҳада қилишга монелик қилади.

Абру (қош) – Илоҳий зотни тўсиб турадиган илоҳий сифатлар. Ва вужуд олами бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўладилар. Навоий ёзади:

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

(«Гаройиб ус-сиғар», 117, 1)

Арш – айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни багрига олган мунаввар бир борлиқ – кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Арш «нафси кулл» ҳам дейилади. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, тажаллий манбаи, яъни илоҳий қудрат намунаси. Навоий ёзади:

Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

(«Гаройиб ус-сиғар», 339, 4)

«Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» – булар Аршга қўйилган номлардир. Қалб ўзининг сир-синоати, азамати ва файз мазҳари бўлгани учун Аршга, Каъбага қиёсланади.

Асмон ҳусно – АЛЛОҲу таолонинг гўзал исмлари. Навоий орифона ғазалларида ва «Хамса» достонларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмои ҳуснони зикр қилади, уларни турли ният ва мақсадларда қўллайди. Асмои ҳусно ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «АЛЛОҲнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)». (Аъроф:180). Ёки «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «АЛЛОҲ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, у Зотнинг гўзал исмлари бордир» («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади.

Б

Бут – маъшуқ, мақсад ва матлаб; бошқа бир талқинга кўра солик қалбида зоҳир бўлувчи нозик маънолар. Навоий ёзади:

---

[1] Биз ушбу изоҳларда сўзларнинг асосан тасаввуфий маъноларига эътибор қаратдик *(нашрга тайёрловчилар)*.

Ул бут гамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум,
Жон ришталарин жамъ қилиб боглади зуннор.

(«Наводир уш-шабоб», 182, 5)

Бутхона – лоҳут илмидан ва аҳадият зотининг мазҳаридан киноя.
Бўса – руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва давомли муроқаба. Навоий ёзади:

Бош қўяй дедим оёги туфроғига деди: қўй,
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 385, 3)

Бўса, канор ва ғамза – соликнинг мақом ва даражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазба.

В

Важд – ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишда туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Ҳужвирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф) даги аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.
Васл – Маъшуқи азал ишқига тамоман ғарқ бўлмоқ; ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари АЛЛОҲ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, деб ишонадилар.
Воҳид – тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмои ҳуснодан бири.
Вужуд – Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш, яъни, бутун борлиқ абадийлигини инкор қилиб, Ҳақ вужуди боқийлигини исбот қилмоқдир. Бу зикр пайтида ўзига хос сўз ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Тариқатда буни «нафйи исбот» дейдилар.

Д

Дарвеш – нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борликдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Сўфий, девона, қаландар каби атамалар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланади. Дарвешлик, тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир.
Даҳан (оғиз) – махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Калом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, огиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади. Навоий ёзади:

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфаким,
Бел анга маълум эмас, маълум эрурки йўқ оғиз.

(«Наводир уш-шабоб», 207, 5)

Дил (қалб) – илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва махзани бўлган жой. Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳакимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа бўлиб, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир.

Қалбнинг атвори, табақоти еттитадир: 1. Садр – кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоғи. 2. Қалб – юрак, имон жавҳарининг ўчоги. 3. Шигоф – халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод – кўнгилнинг мушоҳада маскани. 5. Ҳаббат ул-қалб – Ҳаққа қаратилган муҳаббат макони. 6. Сувайдо – гайбий мукошафа жойи. 7. Муҳжат ул-қалб – илоҳий нурлар тажаллий қиладиган жой.

Ж

Жазба – банда саъй-ҳаракат қилмасдан Аллоҳнинг иноятн билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишидир; Аллоҳнинг лутфи билан руҳнинг севинч, сурур ва гайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздан кечиш ҳоли.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – ошиқнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба – Ҳақнинг ошиқни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у АЛЛОҲ томонидан ато этилади. Соликда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

Жалол – улуғлик, буюклик, азамат. АЛЛОҲнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари. Маъшуқнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаш. Соликни «мен»лик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар. Жалол – Ҳақнинг кўз ва назардан пинҳон ҳайбати.

Жамол – ҳусн, гўзаллик; чирой. АЛЛОҲнинг лутфига ва раҳматига сабаб бўлган сифатлари; Ҳақ тажаллийси; жамол – АЛЛОҲнинг марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон ила қилган тажаллийси; жамол – маъшуқ ошиққа ҳожатманд эмаслигини кўрсатиш учун камолиятини зоҳир қилиши.

Жом – қадаҳ. Орифнинг маърифат бодасига тўла дили ва аҳволи. Баъзилар жом – бадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар. Зотан, комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино атамалари ҳам ориф қалбини англатади. Қалб – хумхона, майхона ва майкада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик деганда, ишқнинг чулғаб олиши, ботиний ва зоҳирий сифатлар, маърифат сархушлигига ғарқ бўлиш назарда тутилади. Навоий ёзади:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлгали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

(«Гаройиб ус-сиғар», 1, 5)

З

Зикр – эслаш, хотирлаш, АЛЛОҲга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тариқатда бандани АЛЛОҲга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу зикр қилишдир. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида АЛЛОҲни зикр қилиш

буюрилади. «Аҳзоб» сурасининг 41–42-оятларида шундай амр қилинади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».

Бир ҳадиси шарифда келтирилишича: «Жаннат аҳли ҳеч нарсадан афсусланмайдилар, фақатгина дунёда зикрсиз ўтказган вақтларидан афсусланишади». Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Ҳақ тариқатнинг, дарвешликнинг зикрсиз қарор топиши мумкин эмас.

Икки хил зикр мавжуд: зикри хуфия – яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Зот – ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли, асоси. Сўфийлар ақидаси бўйича, АЛЛОҲ ўз зотида қоим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

Зоҳид – дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар». Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва «Илм ал-яқийн«дир. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан бехабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Навоий шеърларида ҳақиқий зоҳидларни эмас, риёкор, ишқсиз ва ихлоссиз зоҳидларни танқид қилган.

Зуннор – ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; маъшуққа хизмат ва итоат этиш учун астойдил бел боғламоқ; баъзи ўринларда дунёга кўнгил бермоқ ва «мен«лик даъвосини илгари сурмоқ маъносида ҳам келади.Навоий ёзади:

Дайр пири хидматига, эй кўнгул, бел богладинг,
Балким ушбу богламоққа бор эди зуннор шарт.

(«Наводир уш-шабоб», 281, б)

Зулф – Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкилотлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жалолий сифат; зулф – яширин моҳиятдурким, уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг гаройиб суратлари; йўқлик олами.

И

Имон – Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайгамбарлигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш. Қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол.

Ислом динида, АЛЛОҲнинг мавжудлиги, бирлиги, фаришталарга, Муҳаммад пайгамбар (с. а. в.) АЛЛОҲнинг элчиси эканига, Қуръонга, ундан олдин нозил этилган диний китобларга, охират кунига шубҳасиз ишонган, намозини канда қилмаган, рўза тутган, ҳажга борган, закот берган киши мўъмин, яъни имонли киши дейилади. Имоннинг туб моҳияти ва бош асоси Қуръони карим оятларида белгилаб берилган.

Диний ва тасаввуфий адабиётларда имон икки қисмга ажратилган: тақлидий имон ва таҳқиқий имон.

Тақлидий имон – ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган имон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устуворлик қилади.

Таҳқиқий имон – имонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу имон инсонни ҳар қандай шубҳа, қўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизликдан муҳофаза этувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади.

Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

Ирфон – кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм.

Ишқ – Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Тасаввуфда Ҳусни Мутлақка бўлган шиддатли севги. Ҳақнинг бошлангичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ишқ АЛЛОҲдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос. Навоий ёзади:

Ҳавойи ишқинг аро ўзга оламим бордур,
Ки ашким анжум эрур, оҳ дуди афлоким.

(«Гаройиб ус-сиғар», 425 , 4)

Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳга, мажозий ишқ эса АЛЛОҲ яратган нарсаларга, одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.

К

Кашф – ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги гайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд.

Каъс – қадаҳ. Мақсадга интилаётган соликни маст қилган ваҳдат шаробининг қадаҳи. Шароб зоҳир бўлса, коса мазҳардир. Севги қадаҳи; соликнинг сирри; ошиқнинг қалби.

«...Кунту канзан...» – ҳадиси қудсийдан олинган ибора. Ушбу ҳадиснинг тўла таржимаси шундай: «Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтди: «Мен бир гўшаи қаноатда ёшуруғлуғ ганж эрдим. Мани Тангрилигимни ҳеч ким билмас эрди. Ўз қудратимни билдирмакни дўст тутиб, қамуғ оламни халқ қилдим. Мени бирлигимга иқрор қилсунлар деб». (Рабғузий. «Қисасул анбиёи туркий». Тошкент. 1898. 3-бет.)

Л

Лаб – мавжудотга вужудий файз етказувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз) ва раҳмоний нафасга ҳам ишора, ашёлар вужудига файз багишлаш. Лаб жонни қувватлантирувчидир, шариат тилида «нафхи руҳ» дейилади. Шунингдек, лаб – ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламдан пайгамбарларга фаришта, валиларга илҳом орқали нозил бўлган сўзлар.

Лаби лаъл – маъшуқ каломининг ботиний маъноси, аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда илоҳий жамол гўзаллигини зикр этувчи сўзлар.

Лаби ширин – ҳадиси қудсий ва воридоти гайбийлар каби идрок қилинадиган ва бевосита нозил бўлган сўзлар.

Лавлок (лавлока ламо халақтул афлок) – «Агар сен (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора.

Лайлат ул-меърож – Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Лиманил-мулк – «Мулк кимга тегишли?» Қуръон оятига ишора. Яъни, «Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор – Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қиёматда) бирорта ишлар ҳам АЛЛОҲу таолодан махфий қолмайди (Яъни, АЛЛОҲу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун АЛЛОҲ: «Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?» – деб хитоб қилади! Бандалар бир овоздан: «Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли АЛЛОҲгагина тегишлидир», деб жавоб берадилар («Ғофир» сураси, 16-оят). Тасаввуфда бу Қуръоний ибора орқали ҳар бир нарса: мулк, қудрат, ҳусн ва шунга ўхшашларнинг Вужуди Мутлаққа тегишли эканига ишора қилинади.

Лиқо (юз, чеҳра, кўриниш) – маъшуқнинг зуҳур этиши.

Лутф – Эҳсон. Бандани Ҳақ тоатига яқинлаштирадиган ва гуноҳлардан узоқлаштирадиган нарсалар. Маъшуқнинг муроса, мадад ва осойиш билан ошиқни тарбия қилиши.

М

Мазҳар – зоҳир бўлиш вақти ва макони; пайдо бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, АЛЛОҲнинг исм, сифат ва феълларининг ашё ва моддада зуҳур этиши.

Майхона – илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури; завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботини. Навоий ёзади:

Эшит майхона ичра дайр пиридин Ҳақ асрори,
Ки воиз хонақаҳда гоҳ дер афсона, гаҳ афсун.

(«Бадоеъ ул-васат», 451, 7)

Лоҳут олами маъносида ҳам келади. Майхона – мушоҳада ила матлубга восил бўлиш иштиёқидагилар, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифторлар, ҳақиқат бодасидан сармаст, якдил ва сафоли дўстлар тўпланадиган жой.

Майи лаъл – ошиқлар қони, уларнинг кўз йўлидан кўксидаги жомга тўкилувчи қон.

Майл – ошиқнинг ҳушёрлик ва шуур билан ўз аслига қайтиши.

Масти хароб – ошиқнинг маҳбуб ишқига ғарқ бўлиши. Бунда дил тамоман истиғроқ – ишқ ва иштиёқ галабасидан ўзини билмас даражада ҳайратга чўмиш, ғарқ бўлиш ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётий зарурий нарсалардан халос этади ва вуслат – эришиш мартабасига етказади.

Мастлик – барча сифатлари билан ишқнинг чўлғаб олиши. Масту хароб – истигроқ ҳолатига, масту шайдо – завқ ва ҳузнга ишора.

Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали АЛЛОҲга яқинлашадилар. «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид погонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат погонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Имом Ғаззолийнинг ёзишича: «Соглом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир». Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солик ишқ мартабасига юксала олмайди.

Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон – АЛЛОҲнинг эҳсони бўлганидан сўфийлар ирфонни илмдан устун қўйганлар.

Мақом – манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Диний ахлоқ ва феъл-атвор. Қушайрийнинг айтишича, мақом соликнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва ахлоқидир. Мақом ирода, риёзат, мужоҳада билан қўлга киритилади. Тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ризо – тариқат мақомларидир. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айни шу тартибда давом этади.

Маҳбуб ва санам – севикли зот; тажаллийнинг сифотий суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳийя.

Мижа (мужгон), киприк – адабиётшуносликда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшуқнинг нозу карашмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Тасаввуф истилоҳида соликнинг валоятига, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтадилар; орифнинг амалларни сусткашлик билан бажариши ва унга басират кўзи билан боқмаслиги.

Мосиво – мосиваллоҳ: АЛЛОҲдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.

Мосиво – АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарса касрат демакдир. Ҳақ соликлари Худо яратган ашёларга мафтун бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар ва ҳақиқий борлиқ – Аллоҳнинг ишқу ёди билан умр ўтказишни афзал деб билганлар. Навоий ёзади:

Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солик бошига дунёву мо фиҳо бало.

(«Бадоеъ ул-васат», 29, 9)

Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ – АЛЛОҲ борлигининг тасдиғи ва далилларидир. Тариқатчи шоирлар «гайр», «сиво», «давъо», «ёлгон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

Мурид – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Мурид ва муршид – «Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур... нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун шарт ҳисобласин».

«Агар толиб (мурид) муқтадо (пир)га етишиш ишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтадий (сулукни бошлаган) бўлса, пирга савол қилиши мумкин. Агар мутавассит (сулук ўртасида) бўлса, баъзан савол қилсин.

«Авлиёлар ҳузурида мурид ўз аҳволини яшириши жуда қийин, чунки муршид валоят султони бўлиб, одамларнинг ҳолига ҳокимдир. Агар муршиднинг ўзи йўл бермаса, ҳеч ким унинг сифати ва ҳолидан огоҳ бўлолмайди» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муштоқ – орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.

«Муту қабла ан тамуту» – «Ўлмасдан бурун ўлинг!» Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис сўфий ориф, эран, абдол –

яъни Ҳақ ошиқлари учун ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавий айрим ҳикматларида бу ҳадисни изоҳлаб, уни тарғиб қилади.

Муршид – тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх. «Саййид Амир Кулол қуддиса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва гайбат (ғойнблик) да ҳам толибнинг руҳонияти қуши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди». «Муршид (пир) бу – ҳозиқ табиб, муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муршид ва мурид – XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб ўтган Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

Муршид бўлган суҳбат тутур мурид бирлан,
Ошно этар илму ҳикмат, тавҳид бирлан.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу борада шундай деганлар: «Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур.

...Муршид Аллоҳнинг марҳамати билан толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.

...Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамиз».

Мутбача – мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; тасаввуфда садоқатли ва самимий мурид, толиб, ошиқ,

Мусҳаф – Қуръони карим.

Муғ дайри – майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар мажлиси.

Муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқиинг мартабаларидан бири.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси уруғ бўлгани каби диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг асли ва асоси муҳаббатдир.

Мўй (соч) – ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли ва яна орифнинг «ҳаблул матин»и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим.

Н

Нафс – ўзлик, руҳ, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. «Нафсини таниган Раббисини танийди» ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради. Навоий ёзади:

Ҳар киши нафс итлигидин айласа ўзни халос,
Ваҳш хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

(«Бадоеъ ул-васат», 119, 7)

Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора – ёмон ва гуноҳ ишларни қилишга буюрадиган ҳайвоний нафс, «Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради» («Юсуф» сураси, 53-оят).

2. Нафси лаввома – маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганнинг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлиги натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс («Қиёмат» сураси, 2-оят).

3. Нафси мулҳима – илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлигини илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс («Шамс» сураси, 7–8-оятлар).

4. Нафси мутмаинна – қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажаллийларига мазҳар бўлган нафс («Наҳл» сураси, 106-оят, «Фажр» сураси, 27-оят).

5. Нафси розийя – ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолий ва жамолий тажаллийларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розилик билан қаршилайдиган, ризо мақомига эришган нафс («Моида» сураси, 191-оят, «Фажр» сураси, 28-оят).

6. Нафси марзийя – АЛЛОҲ рози бўлган нафс. «Розияллоҳу анҳум». Бу мақомда АЛЛОҲ розий, банда марзийя. Ўзаро ризо ҳолати («Фажр» сураси 27–30, «Баййина» сураси, 8-оят).

7. Нафси комила ёки «нафси закиййа» ёки «нафси сафиййа» – барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, комил инсон сифати («Шамс» сураси, 9-оят).

Нур – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. «Ан-Нур» Асмои ҳуснодан бири. АЛЛОҲнинг зоҳир исми билан тажаллийсига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний билан юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган.

О

Об (сув) – ҳаётдан мурод маърифат бўлгани каби сувдан мақсад ҳам маърифатдир.

Оби ҳайвон – Аллоҳ нурларининг порлаши ва тажаллийси.

Оби ҳаёт – зулматдаги булоқ. Ривоятларда айтилишича, унинг сувидан ичган одам абадий тирик қолади. Тасаввуфда ишқу муҳаббат чашмасидан киноя.

Огоҳ – воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ йўлчиси. Қалб кўзи очиқ валий.

Озод – дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий ҳурриятга эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

Ойна – Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Комил инсоннинг кўнгли.

Олам – дунё, жаҳон, коинот, борлиқ. Тасаввуфда АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарсага олам дейилади ва олами амр, олами арвоҳ, олами дунё, олами кубро, олами суғро, олами халқ, олами шаҳодат каби бир неча оламлар тушунчаси илгари сурилади. Амр олами билан халқ олами орасидаги фарқ амр оламининг лаҳзада бор бўлганлигидадир. Инсон катта олам ичидаги кичик олам деб ҳам юритилади.

Оли Або – беш киши: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али, набиралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар назарда тутилади.

Ориф – ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон – туйғуларга асосланади. Ориф АЛЛОҲ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказади.

Ориф – танувчи, билувчи. АЛЛОҲни, унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий.

Оташ – Аллоҳ ишқининг ҳайбати.

Ошиқ – тасаввуфда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қуйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мақтул«лик, қуш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва кадарларни пинҳон сақлаш, таркидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, маъшуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидаги фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилига итоат этиб, унга қарши боришдан қочиш, нафсдан халос бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш, қалб жунунига етишиш, маъшуқасини ҳатто ўзидан-да қизганиш...

П

Паймона – ҳақиқат майи; гайбий нур ва маъноларни идрок қиладиган орифнинг қалби.

Пири харобот – комил инсонлар ва йўлбошчилар, пири майхона маъносида ҳам келади.

Пири муғон, пири харобот, хаммор ва бодафурўш – майхоначи, ҳазрат пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда пири комилнинг сифатлари. Муҳаммад алайҳиссалом ва асосан муршиддан киноя.

Р

Рамз – сўз замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган маъно.

Раҳматан лил оламин – Ҳазрат пайгамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг «оламларга раҳмат» сифати. АЛЛОҲу таоло Қуръони каримда «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик», деб марҳамат қилади («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур Қуръоний ибора асосан наът шеърларда кўпроқ келтирилади.

Рух – юз, бет; афсонавий йирик қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Тасаввуфда АЛЛОҲ ҳуснининг мазҳари; Рух – кўп исм ва сифатларга эга бўлган яккаягона илоҳий Зотга ишора. Рух – ҳазрати Вожиб таолонинг тажаллийси, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зуҳурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасаввифларга кўра, рухдан мақсад – илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажаллий қилишидир. Бунда Ҳақ «Латиф», «Рауф», «Таввоб», «Муҳйий», «Ҳодий» ва «Ваҳҳоб» сифатлари билан тажаллий қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (АЛЛОҲдан ўзга нарсалар) мутлақо зулфга таъбир қилинади. Чунончи, зулф – маҳбуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий Зот ҳижоби ва ҳақиқий Воҳид жамолининг ниқобидир. Рух эса – моддадаги тажаллиёт.

Рух ва рухсор – зотий ҳусн мазҳари ва жамолий тажаллийларга айтилади; Навоий ёзади:

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хотири майли раёҳин айламас.

(«Бадоеъ ул-васат», 225, 3)

Баъзан мавжудот олами рухсор дейилади.

Руҳ – ҳақиқатидан банда бир оз хабардор бўлган илоҳий сир. Илоҳий бир нафас ва АЛЛОҲ амрларидандир. Ҳақ тажаллийсидир. Руҳ наботий руҳ, ҳайвоний руҳ, инсоний руҳ ва изофий руҳ каби қатор турларга ажратилган. Маъшуқиинг камоли назарда тутилиб, унга «Эй руҳ!» деб мурожаат этилган.

Рўъятуллоҳ – АЛЛОҲ сирларини ва тажаллийларини қалб кўзи билан сайр айлаш, маънавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

С

Санам – бут. Соликни Худодан тўсиб турувчи нарса.

Сийна – илоҳий илм сифати.

Соқий – маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир, у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Навоий ёзади:

Тут, эй соқий, манга бир майки, анинг нашъаси еткач,
Кўнгул беҳол бўлгай, жонга ҳар дам ўзга ҳол ўлгай.

(«Фавойид ул-кибар», 581, 9)

Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада: «Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади» дейилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан «муршиди комил«ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини ичадиган маъшуқдир.

Соқий ва мутриб – маъно оламидан файз етказувчилар.

Соғар, суроҳи ва мино – орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхона деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оламлари ҳам тушунилади. Баъзан семурғ, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи тасаввуф истилоҳларида майхона, буткада, шаробхона деганда илоҳий маърифат ва завқ-шавққа тўла комил орифнинг ботини назарда тутилади.

Соғар ва паймона – маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манба ва шу манба соҳиби.

Сулук – йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равиш, сўфиларнинг тариқат йўли. Нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига, унинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик деб тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Сухан (сўз) – гайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Сўфий – тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу арконига риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий – тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сохта сўфий эса авом, риёкор ва мунофиқдир.

Т

Тавҳид – тасаввуфда АЛЛОҲни битта (ягона) деб билиш, ёлғизлигини тан олиш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, суфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. АЛЛОҲнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний

хаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хилдир: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айлаши.

Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (АЛЛОҲ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифлар муваҳҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир сифатида эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машҳуда иллаллоҳ«нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди – Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажаллий этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фоъила иллаллоҳ» дейди; сифот тавҳиди – Ҳақ соликка сифатлари билан тажаллий этганда, солик АЛЛОҲни ва Унинг сифатларини кўради; Зот тавҳиди – Ҳақ соликка зоти билан тажаллий этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина АЛЛОҲни кўради ва «ла мавжуда иллаллоҳ» дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, партавланиш; Ҳақ таоло лутфига муяссар бўлиш; ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажаллий – илоҳий файзнинг солик кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Навоий ёзади:

Магар тажаллийи ҳуснунга мазҳар ўлди қуёш,
Ки зоҳир айлади онча жило била ёгду.

(«Бадоеъ ул-васат», 506, 4)

Тажаллий икки қисмдир: 1. Руҳоний тажаллий 2. Раббоний тажаллий. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчиси ҳазрати Мусо алайҳиссаломга тегишлидир. Тажаллий – доимо гайбдан шуҳудга, зулматдан нурга, номаълумдан маълумга ўтиш, демакдир. Тажаллий соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажаллий тўртга бўлинади: зотий тажаллий – илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; сифот тажаллийси – илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллийси – Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши; феъл тажаллийси – илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Ҳақ таоло ҳар лаҳза, ҳар ерда турли мартабаларда тажаллий этади, яъни ўзини ошкор қилади.

Ваҳдати вужуд аҳлига кўра икки хил тажаллий мавжуд: умумий ва раҳмоний тажаллий – бу тажаллийдан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажаллий – бу тажаллийда мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

Тажрид – мужаррад бўлмоқ. Мужаррад деб ялангоч ва бўйдоқ кишини айтадилар. Сўфийлар истилоҳида дунёвий гараз ва андишалардан батамом холи бўлиш тажриддир.

Тажрид-тафрид – соликнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаънига нолойиқ сифатлардан баланд тутиш, Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз кўришдир.

Талаб – матлубдан муродни қидирган, излаган одам.

Тараб – истилоҳда Ҳақ билан унсият(яқинлик) ҳосил қилиш.

Тарсо – замима (ёмон) сифатлардан халос бўлган ва ҳамида (яхши) сифатларга эришган ҳамда нафси амморадан қутулган руҳоният одами.

Тарсобачча – ғайб оламидан солик қалбига ворид бўлган (қуйилган) ғайбий воридотлар. Тарсобачча – раббоний жозиба ва руҳоний жолиба (жалб қилувчи нарсалар)дир. Баъзилар руҳлар оламидан кишилар қалбига ғалаба қилиб файз етказган ва нафслар қутқусидан халос қилган кишини тарсобачча дейдилар.

Тариқат – луғавий маъноси йўл демакдир. Тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат АЛЛОҲга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва таълимот йўлидир. Аммо тариқат шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. Яъни тариқат аҳли шариат амрларини бажариш билан бир қаторда қўшимча нафл ибодатларни ҳам адо этади. Қаттиқ риёзатлар чекиб, суннатга жиддий эътибор қаратади. «Тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солик зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (Қ) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклайди.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр – хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифланган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида қаралган. Бу йўл – Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл – нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланган. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғриликдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби бўлган.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлардан ўтмоги шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайгамбар Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)га бориб богланади. Тариқатлар у Зотнинг икки буюк саҳобаси – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али томонидан давом эттирилган. Ҳазрати Абу Бакрга бориб богланадиган тариқатлар зикри хуфияга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

Турра – жамолдан киноя.

Ф

Файзи илоҳий – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Икки қисмга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси – файзи муқаддас. Дастлабкисига илм мартабаси орқали, кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади.

Фано – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топиши. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, АЛЛОҲнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Фано ҳолидаги ошиқ «мен»лигини унутиши билан тавҳид асрорига соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса фанофиллоҳдир. Бу эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши.

Тасаввуфда фано фил ишқ тушунчаси ҳам мавжуд. Бунга кўра кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали фано фил ишқ даражасига эришилади.

Алишер Навоий «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни ҳам» сатрида фано фил ишқ мақомига ишора қилган. Фақру фано эса маънавий бойлик мақоми. Навоий ёзади:

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб.

(«Бадоеъ ул-васат», 48, 7)

Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, АЛЛОҲу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Фақр мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси билан яшаш демакдир. Фақр шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Пайгамбар алайҳиссалом: «Фақирлик фахримдир» деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фахрланганлар. Бу фахрланиш халққа камбагаллигини, тиланчиларга хос ҳаётини кўрсатиш эмас, АЛЛОҲ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворишдир.

Фақр – йўқсиллик, АЛЛОҲга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий, мурид, толиб, ўзини ҳар жиҳатдан АЛЛОҲга муҳтожлигини биладиган, ал-фақру илаллоҳ – АЛЛОҲга муҳтож бўлиш, ал-фақиру илаллоҳ – ўзини АЛЛОҲга муҳтож деб билган киши.

Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбагалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр – таркидунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайди:

1. Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;
2. Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзламаслик;
3. Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;
4. «Хосу омнинг хизматини» адо этмоқ;
5. Нафсни енгмоқ;
6. Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: «Сўфи ҳар қандай ғам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир», деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига урғу беради.

Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр – молинг бўлмаслиги, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслиги, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг АЛЛОҲдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

Х

Харобот – шаробхона. Суфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб, жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб – башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир. Навоий ёзади:

Кир харобот ичраким, бир журъасидин еткурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлига хаммор файз.

(«Фавойид ул-кибар», 278, 5)

Хат – кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан, вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; маҳбуб юзига латофат, нозиклик, гўзаллик билан чизилган хат. У барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Навоий ёзади:

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.

(«Гаройиб ус-сиғар», 171, 1)

Хат ва маҳбуб юзини кўрган шак-шубҳасиз, касратни ваҳдат деб билади, маълум бўладики, ваҳдат – кундуз, касрат кечасидир; хат – ғайб олами. У вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳлар олами борлиқларига ҳам ишора, дейдилар.

Хол – ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат – кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Агёрнинг идрок ва шууридан беркитилган ва махфий қилинган. «Барча амрлар ундан бошланади ва унга қайтади...». Хол йўқлик оламини англатиши билан бирга Мутлақ зот ягоналигига ҳам ишорадир.

Зулфига тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлгай донадўст.

(«Гаройиб ус-сиғар», 87, 7)

«Миръотул ушшоқ«да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, хол – тоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қора рангга ташбиҳ қилиниши гайбий ҳақиқатдир, идрок ва шуурдан панададир; мабдаъ ва касрат интиҳосининг ҳақиқий ваҳдат нуқтасидир. Ва яна Мутлақ Зот ваҳдатидан киноя ҳам дейдилар. Қора хол деганда, баъзан, гайб олами тушунилади.

Хум – сир мартабаси ва руҳий латифа. «Аҳадиятул жамъ» ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)га ҳам айтилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида «хуми ишқ» ибораси кўп қўлланилган. Навоий ёзади:

Эй Навоий, хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг.

(Бадоеъ ул-васат», 348, 7)

Ч

Чашм (кўз) – ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш. Бу мушоҳадакорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни солик назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фойдали ва зарарли нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар. Навоий ёзади:

Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб,
Боқмас манга, кўзум нечаким турса телмуруб.

(«Бадоеъ ул-васат», 66, 1)

Чашми пурхумор – соликнинг ўзида сайр қилиши.
Чашми жоду – илоҳий жазбалар.
Чашми маст – илоҳий сир ва унинг жазбалари.
Чашми наргис – камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартабалар.
Чашмаи ҳайвон – маърифатнинг манбаи ва асоси, Ҳақ маърифати.
Чашм ва абру (қош) ва жамол – солик қалбига қуйилувчи гайбий илҳомлар.
Чеҳра – бет, юз, башара, афт; тасаввуфда соликнинг кайфият ва ҳолатига кўра содир бўладиган ҳамда соликнинг гайб ҳолатида рўй берадиган тажжалиёт.
Чеҳраи гулгун – комил орифнинг қалбида порлайдиган тажаллиёт.

Ш

Шайдо – жазба ва шавқ аҳлидан киноя.
Шамъ – АЛЛОҲнинг нури, илоҳий нур қуёши; тажаллий. Навоий ёзади:

Жон қуши ўртанмасун деб ёпма ўтлуқ чеҳраким,
Шамъ ўтин кўргач куядин айламас парвона бок.

(«Бадойиъ ул-васат», 325, 3)

Шароб, май, бода – муҳаббат; асосан, ишқ-муҳаббат шароби. Май – илоҳий май. Нақл қилинишича, Ҳазрати пайгамбар Муҳаммад (с. а. в.) меърожда илоҳий ишқ шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб – ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг галаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат галаба қилган пайтда, солик қалбига қуйилиб уни масту беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатдир. Бу ҳолат чулғаб олганда ақл муҳокамалари ва хаёл хоҳишлари зойил бўлади, масту мустаграқлиқ ҳолати юз беради. Шароб – мастликдан киноя ва Ҳақ муҳаббатининг жазбасидир. Навоий ёзади:

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 1, 7)

Пайгамбар алайҳиссалом АЛЛОҲ таолодан ҳикоя қилиб айтдилар: «Эй Аҳмад (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар. Агар мает бўлсалар хурсанд бўладилар, агар хурсанд бўлсалар талаб қиладилар, агар талаб қилсалар топадилар, агар топсалар тавба қиладилар, агар тавба қилсалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар етсалар бирлашадилар, агар бирлашсалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди». (Муҳаййир, «Девон», «Муҳаррир», 2010, 23-б.)

Шароби хом, шароби пухта – хом шароб ҳақиқий бандаликдан йироқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб – бандалик, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан таҳуро (тоза, соф шароб) – Қуръонда зикр қилинган ва мўъминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг «Нодир ул-меърож» асарида ёзилишича, мўъминлар жаннатда шароби таҳурдан ичсалар, АЛЛОҲ таолонинг беназир ва беқиёс дийдорига мушарраф бўлар эканлар («Инсон» сураси, 21-оят).

Шўх – нозли дилбар; илоҳий жазба ва илоҳий тажаллий.

Қ

Қад – ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.

Қаландар – дарбадар кезувчи, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрувчи, қаландарлик қиладиган, шунингдек, қаландария тариқатига мансуб киши. Тасаввуфий шеърларда асосан дарбадар кезувчи Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий асарларида сохта, текинхўр қаландарларни қаттиқ танқид қилган бўлса-да, шеърларида ошиқнинг турли ҳолатларини ифодалаш учун қаландар атамасидан фойдаланади.

Қаландар ва қаллош – маъно товланишларига кўра сафо аҳли, тарк аҳли ва фано аҳли назарда тутилади. Навоий ёзади:

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини;
Ё Раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур.

(«Бадоеъ ул-васат», 173, 6)

Қоба қавсайн – икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида АЛЛОҲ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашувини ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги масофа яқинлигини англатади.

Қолу бало – Ҳақ таоло Одам болаларининг пуштикамарларидан қиёматга қадар дунёга келажак барча зурриётлардан: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» деб сўраганида, улар: «Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг» («Аъроф» сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қомат – севикли ёр; муҳаббат манбаи; қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилиши, сиғинишга муносиб назарда тутилади. Зеро, Худодан бошқа сиғинишга муносиб эмас.

F

Ғамза – кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан кўз сузиш, боқиш. Тасаввуфда қўрқув ва умид (хавфу ражо); идрок қилинган ишоратлар. Навоий ёзади:

Ул ғамза қон қилурга, ул кўз вафо қилурга,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монеъ.

(«Фавойид ул-кибар», 291, 5)

Ғариб – мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизиқ, камёб. Солик асл ватани бўлмиш руҳлар оламидан келганини ва ўткинчи дунёда гурбатда яшаётганини ҳис қилса, ғариб дейилади.

Х

Ҳаблул варид – бўйин томири. Қуръондаги: «Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз» оятига ишора («Қоф» сураси, 16-оят).

Ҳайрат – ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очган тажаллий туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши. Навоий ёзади:

Кўнгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Ани бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат.

(«Фавойид ул-кибар», 76, б)

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришиш, ойдинлашиш, ойдинликдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири – гуноҳ қилиш қўрқувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фанофиллоҳ ҳолига кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир.

Ҳал мин мазид – «Яна қўшимча борми?», «Яна зиёдаси борми?» маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. «У Кунда Биз жаҳаннамга: «Тўлиб битдингми?» дермиз, у эса: «Яна қўшимча борми?» дер («Қоф» сураси, 30-оят). Тасаввуфий асарларда бу ибора орқали ёрнинг чексиз нозу истигноси ва фазилатларига ишора қилинади.

Ҳақиқат – қалбнинг доимий суратда АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар, маърифат. Тариқат сирри, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади.

«Таҳқиқ» – ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қувватини ва тоқатини сарфлаш, «таҳаққуқ» – ҳақиқат мартабасига етишиш. «Ҳақиқати Муҳаммадийя» – ҳақиқатлар ҳақиқатидир. Илк ҳақиқат «АЛЛОҲ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) руҳини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани шу руҳ ва нурдан, шу руҳ ва нур учун яратди» шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақидаси.

Ҳақиқат бир неча маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейинги мақом бўлиб, Илоҳий Зот маърифатини ифодалайди. Тасаввуф буни «Шариат – соликнинг жисми, ҳақиқат – унинг руҳи», деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб биладилар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан, яратилиш ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладилар. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида астасекин «комил инсон» тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан ташқари «ҳақиқати жомиъ», «ҳақиқати мутлақ», «ҳақиқатул ҳақоиқ» иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳакимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ҳамда сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: «Мен учун тамоман равшан бўлдики, Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир», деб таъриф беради.

Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир. Қушайрийнинг ёзишича, шариат фиқҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Навоий ёзади:

Ўзлугининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

(«Наводир уш-шабоб», 10, 7)

Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни АЛЛОҲдан йироқлаштирувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солик орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «АЛЛОҲ ила қул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Оддий ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасидаги нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Кишининг Ҳақ ва ҳақиқат орасидаги пардаси. Ҳижоб ва парда фақат нафсдир.

Ҳол – меҳнат орқали қўлга киритилмайдиган Ҳақ неъмати. Мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол – сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчандир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган солик ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол – ошиққа маъшуқнинг лутфи. Ҳол эгаси ишқ туғёнида ҳолдан ҳолга юксалиб боради.

Ҳол соликнинг хоҳиш-иродасисиз АЛЛОҲдан қалбга етган маънолар, файзлардир. Илми қол – шариат, илми ҳол – тариқат. Тасаввуфда соликнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам тасаввуф баъзан илми ҳол деб юритилади. АЛЛОҲнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби»дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Ҳол соҳиби – маънавий ҳолати яхши бўлган, тасаввуфий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; важд, жазба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким инсон.

Ҳусн – гўзаллик, чирой. Илоҳий ҳусн. Энг мукаммал камолот ва сифатга эга бўлган Зот, Ҳақ. «АЛЛОҲ гўзалдир ва у гўзалликни севади» (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукаммал камолот; АЛЛОҲ жамоли, маҳбуб дийдори. Навоий ёзади:

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 205, 6)

МУНДАРИЖА

ҒАЗАЛЛАР
АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Эй навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво 6
Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо 7
Эй, қилиб лутфу ато бирла улус коми раво 8
Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро 9
Ё Раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо 10
Эй гулшани рухсоринг ўлуб даҳрға оро 11
Эй, санга муқтадолиқ ики кавн аро 12
Улки ишқ аҳлини ўлтурмак эрур одат анга 13
Килк эрур жисмимки, тил бўлмиш демакдин лол анга 14
Лаъли лабингки, жоним эрур мубтало анга 15
Ҳажридин ҳар нечаким бўлди кўнгул зор манга 16
Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга 17
То сенингдек қотили хунхорае бордур манга 18
Лабинг сори токим назардур манга 19
Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга 20
Қилди юз пора кўнгул бўлгали афгор санга 21
Баҳона қатлимадур ишқдин фасона санга 22
Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро 23
Ваҳки, расвомен яна девонаву оқил аро 24
Эй алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро 25
Демаки, кирди ўқи қатл вақти қоним аро 26
Сенингдек буте йўқтурур Чин аро 27
Багир хунобидин заъф ўлди голиб хаста жонимға 28
Ўтға солгил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса 29
Хотирим вайронлиғин билгай биров ҳижронида 30
Даҳрким, ёр йўқ манго анда 31
Тушта кўрдум ёрни хандон рақибин ўтруда 32
Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо 33
Жисми беморимга бор ул наргиси шаҳло бало 34
Тиги заҳролудидин жисмимда сар-тосар яро 35
Гулу гулзор сенинг боғи жамолингга фидо 36
Мажнун бошини саждадин олмас эди асло 37

Дарди ҳажримға ул икки лаъли хандондур даво 38
Гулбарг уза қилмишсен то сабзаи тар пайдо 39
Қилур ишқ юз минг бало ошкоро 40
Эй, санга қомати дилжў раъно 41
Зиҳи лаълинг майидин жонга яғмо 42
Ёр жавлонгаҳидин келди сабо 43
Эй, юзунг гулбаргига ошуфтаву ҳайрон сабо 44

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «БАДОЕЪ» ДИН

Ҳақ ўзин қилди муҳиб, сен ойни маҳбуб, эй ҳабиб 45
Ёр гулгун тўн енгинму юзга айлабтур ҳижоб 46
Ваҳки, ул муғбача, ҳар дамки чекар бодаи ноб 47
Паридек улки эрур хўблар аро маҳжуб 48
Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб 49
Шаҳд аро оғушта гулбаргедурур ул икки лаб 50
Бўлмайин ҳусн кўнгул топмади ишқ ичра тараб 51
Жамолин айла улус кўзидин ниҳон, ё Раб 52
Эй, жамолинг гулшани хўбу висолинг боғи хўб 53
Эй, фироқингдин манга ғам рўзию меҳнат насиб 54
Юзунгда қиронинг эрур бас ажойиб 55
Ишқинг ихфосига не янглиг бўлайин муртакиб 56
Куйди кўнглум, шуъла ўтлуғ достонидин тушуб 57
Ишқ нобуд этти бизни волаю шайдо қилиб 58
Ваҳ, не бало экинким, ул чиқти самандин ўйнотиб 59
Ул мени сурмакка ҳар дам ханжари ҳижрон чекиб 60
Ишқ ўти ичра ҳар дам кул бўлурмен ўртаниб 61
Ул парий кўнглум қушин сайд этти, зулфин дом этиб 62
Ичсангиз май суйидин, ишрат уйин обод этиб 63
Вафони қилди кўп озурда ул ой, чун жафо айлаб 64
Ун чекармен ишқ аро, бир наргиси жоду кўруб 65
Ўртанурмен, кўнглига андин асар бўлгайму деб 66
Ул парий ишқида йўқким мени девона куюб 67
Хорлар бир гул гамидинким кўнгулга бутрашиб 68
Куйсалар Фарҳоду Мажнун ишқдин афсона деб 69
Май қуёшиму ичимда уёқиб 70
Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб 71

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

Нечаким кўнглумда бор ул дилрабонинг ёди кўп 72
Жавр ўқин хокий танимга урма кўп 73

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Тахту жоҳинг кишвари мулки Скандар бўлди тут 74
Тутти кўк ферузагун жомини шингарфий булут 75
Жон фараҳ топти, лабинг жавҳари бўлғач анга қут 76
Ваҳки, лаълинг қилди багрим таҳ-батаҳ қон оқибат 77
Кўздин учти ул парий, ваҳким, анга етмакка бот 78
Бошим чу гарду кўзум кўр сенсиз ўлмади бот 79
Ғаминг қаттиғлиғин қилсам ҳикоят 80
Танимни қилса гамзанг юз жароҳат 81
Бошиға май чиқибон, бўлди ул ситамгар маст 82
Ё Раб, ул ой ҳуснининг идрокин элга мубҳам эт 83
Ҳарфи ишқ ўлди азалдин сафҳаи жонимда сабт 84
Ваҳки, чиқди отланиб бир масти лояъқил йигит 85
Ваҳ, қаён борди бузуқ кўнглумни зор этган йигит 86
Олами ишқ ичра дардинг ўтдурур, ҳажринг ҳам ўт 87
Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зори расво бирла дўст 88
Чу қилди жилвагар ул шўхи нўшлаб сурат 89
Кўйи гардидин кўзумни аввал, эй ҳамдам, ёрут 90
Баҳор эл гулга мойил, багрима юз хор ҳар соат 91
Танимга берди жон ул нахл қомат 92
Эй қошинг фитнаву ул наргиси шаҳло офат 93

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Агар жаҳонга фалакдин ғаме бўлур ҳодис 94
Менинг мажнунлуғумға ишқу савдо гар эрур боис 95
Ваъдаи васлидин этса ул сўзи ширин ҳадис 96

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Эй жаҳон мулки хирожи санга бир гавҳари тож 97
Телба кўнглум пўясига анбарин бандинг илож 98
Эй, сочинг ошуфтаси юз хайли савдоий мизож 99
Эмас лаълинг қатили жонга муҳтож 100

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

Кўзи қатл этти кўнглум зулфи ичра мубтало бўлгач 101
Турра марғулин очиб рухсори маҳ сиймога соч 102
Тўлгади сабрим, қўлин зоҳир қилиб дилдор куч 103
Чиқти боғлаб яна ул кофири хунрез қилич 104
Чиқти жон, қошима жонон киргач 105

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРОМИЙЛАРИНИНГ ҲУСН ОРОЙЛИҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

Зиҳи тақаддумунг Одамға бас ҳадиси саҳиҳ 106
Бу кўҳан дайрда ич шому сабоҳ 107
Эй, хату жонбахш лаълингдин нишон Хизру Масиҳ 108
Бода келтур, чун қуёштин чекти махфий жом субҳ 109
Истамон май бўлса хуршиди жаҳоноро қадаҳ 110
Эй сенинг кўюнг ҳарими туфроғи юз пок руҳ 111

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «БАДОЕЪ»ДИН

Жафо тариқида андин эрур жаҳонга русух 112
Қотилеким, анга эрмас киши асло густох 113
Дилраболар гар кўнгул олмоқдадурлар асру шўх 114
Гарчи ул ширинлаб ичган май эрур бисёр талх 115
Мени ҳавосида девона айлади ул шўх 116
Ҳар нечаким санга жафода русух 117
Сочингки, юр чогида борди ҳар тараф бир шох 118

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «БАДОЕЪ»ДИН

Қани сенинг киби маҳбуби оқибат маҳмуд 119
Хўблар базмида жамъ ўлмоққа бор ул ой мужид 120
Ўзин шаккар деса лаълингға монанд 121
Кўнгулнинг хонумонин берди барбод 122
Ёр васлидин узуб эрдим мени шайдо умид 123
Доми зулфу донаи холидин этса ёр сайд 124
Буки ҳар ёндин кўкартибдур юзумни кожи дард 125
Эй жамолинг қошида лол хирад 126
Ўйла ҳижрон тошларин ёгдурди чархи тезгард 127
Қадинг деб сарвни жон бўлса хурсанд 128
Ишқ ўзлук нафйи айлар, зуҳд ила тақво не суд 129
Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд 130
Рухсори жонибида ул холи анбаролуд 131
Туш-тушумдин душману йўқ дўстдин қатъо умид 132
Ҳам аёгида ўтук, ҳам бошида дастори тунд 133

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЛ ҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛУҒИ «БАДОЕЪ»ДИН

Жунун дафъиға қилдим юзда қон ёштин аён таъвиз 134
Лабинг ҳукми эрур қонимга нофиз 135
Эй, лабинг бодасиға руҳу равон ичра нуфуз 136

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТАХЕЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

Сипеҳр осебидин солим қутулмоғлиқ не имкондур 137
Менки ҳижрон даштига кирдим қуюндек беқарор 138
Ҳар кишиким, ер юзинда бир сенингдек моҳи бор 139
Буким, кўнгулнинг ул ойсиз не саъб ҳолати бор 140
Бу тийраи қотилки, оти ҳажр тунидур 141
Ул қуёшким, кўнглум ичра ҳажрининг озоридур 142
Ишқдин, ваҳким, манга ҳар лаҳза ҳоле юзланур 143
Заъфлиқ жисмим қачон нозук белингга чирманур 144
Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар 145

Васлдин, ваҳким, дамо-дам элга жоми нўш баҳр 146
Ваҳки, золим ишқ жонимга яна бедод этар 147
Лабки хандон қилибон қошу кўзин ўйнатадур 148
Чиқиб ишқ ўти кўксум чокидин, бошимдин ошибдур 149
Кимки олам боғида бир сарви гулрухсори бор 150
Туррангки, тоби юзда ўтумға василадур 151
Бинафша атри била эл тарабни ёд этадур 152
Ғамзанг ул сайёдким, гулшан аро ороми бор 153
Улки солғай шуъла аъзосига ўтлуғ оҳлар 154
Хатти то бош чекти, кўнглин май била хушҳол этар 155
Шоми ҳижроним аро жисми чу нолим чирмашур 156
Ўлмасам бу кеча, ранжу дарди ғавғоси недур 157
Ҳар қачонким хотиримга ул кўзу қош эврулур 158
Шиканжи туррасидинким гириҳ ёзилмайдур 159
Бу кеча шамъу субҳ ёқо чок қилдилар 160
Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур 161
Неча тортай васл учун мен зори маҳзун интизор 162
Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор 163
Ул не раъно қомату рухсори фаррухфолдур 164
Яна бу оқшом бузуғ кўнглум, басе бадҳолдур 165
Тушумга кирди жаннат ичра ҳуру тўбию кавсар 166
Ваҳки, мен бедилга не ул номусулмондин хабар 167
Эй фалак, ҳижрон ғамидин хотирим ношод эрур 168
Оҳим ғамингда гунбади ахзарни куйдурур 169
Кўнглум ўтин зоҳир этсам, барча олам ўртанур 170
Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар 171
Тилаб юзунгни кўнгул ҳажрдин фароғ истар 172
Не тонг, агар ўқи вайрон кўнгулга рогибдур 173
Фориғу озода билмас мубталолардин хабар 174
Шоми ҳижрон субҳидек бағримни чок этти сипеҳр 175
Кеча куймак расмини парвона мендин ўрганур 176
Кўзда су, кўнгул аро ўт, не кўрарсен, охир 177
Қасрнинг ҳар кунгури узра бало тошимудур 178
Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур 179
Музтариб кўнглум аро ул юз хаёли айланур 180
Май лабингға етса, жонимга ҳарорат еткурур 181
Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар 182
Турфа кўрким, фурқатидин юз малол оллимдадур 183

Мену – ғариблиғу ҳажру бенаволиғлар 184
Осилмамиш қулогингдин юз узра гавҳарлар 185
Холу хаттидинки, ҳар бирнинг бир ўзга ҳоли бор 186
Кофиреким, сен киби рухсори оташноки бор 187
Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор 188
Икки гул вақтидуру икки қуёш давронидур 189
Лўливашимдин айруки, қабримда лоладур 190
Сарв уза гул бутмаса, қад узра рухсори недур 191
Мен киби парвона ишқ ўтида беоромдур 192
Париваше, дедилар, пардаи ҳижобдадур 193
Кулбамга, баски, гардун ғам тоши ёғдурубтур 194
Йўлида кош мени пора-пора қилғайлар 195
Холи ҳижронида кўнглум дарди беандозадур 196
Лолагун тўн ичра, ё Раб, ул ғазоли Чин эрур 197
Борди улким, сендин айрилгай кўнгул то жони бор 198
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур 199
Ҳаёт боғида то сарву лола бўлғусидур 200
Юзи гулчеҳра соқийнинг тараб ҳукмига туғродур 201
Кўнгул уйига ғаму ғусса селидин не қусур 202
Висол аҳли, сизу – жоми муроду комронлиглар 203

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

Замона боғики, гулбаргидур нишотангез 204
Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз 205
Жонима қасд айлару бор ўйлаким жоним азиз 206
Гар ўлмасам эди ул ойга ошно ҳаргиз 207
Ўтинг, ишрат аҳлики, биз зорларбиз 208
Маозаллоҳ, сиз, эй ишқу муҳаббат, не балодурсиз 209
Не айб, ишққа бу мўри мубтало ожиз 210
Тўкти қонимни — менинг сори чу очти ёр кўз 211
Ишқ журмиға мени, эй дўстлар, ёзғурмангиз 212
Кўксумни тиғи меҳнат ила ёра айлангиз 213
Киши кўрмайдурур ишқ ичра зоре мен киби ҳаргиз 214
Васл уммидидин бошимга ёрни келтурдунгуз 215
Йўқ ҳадим қўймоққа онинг рахши туйногига юз 216
Кўзу кўнглумга то бўлди аён ул зулф бирлан юз 217

Қачон бўлгай манга васлида имкони тараб ҳаргиз 218
Эмди ғами йўқ, солди чу кўнглум аро минг сўз 219
Эй юзунг боғи насимида ҳавои наврўз 220
Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз 221
Нозанинлар, бенаволарга тараҳҳум айлангиз 222
Мени бир нома бирла дилбарим ёд этмади ҳаргиз 223
Бор анингдекким керак ул кўзу қошу қадду юз 224
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз 225
Бормаким, бир дам ўзумни била олмон сенсиз 226
Йигитлигинда қилур қадни бенаволар кўж 227

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Даврон гулию гулшани хориға арзимас 228
Эй, қуёшдек оламоро ҳуснунга ҳайрон улус 229
Ҳар ниёз этсам аён, жуз ноз ойин айламас 230
Йўқ дамеким, фурқати жонимға бедод айламас 231
Йўқ манга ҳад айламак бошингға эврулмак ҳавас 232
Менга, соғинмаким, ул дилрабо эрур мунис 233
Бир ойни тилаб, хаста кўнгул зорму эрмас 234
Айлаган қадду юзунг боринда сарву гул ҳавас 235
Кимгаким бўлса насиб ул офати жондек анис 236
Қилса бўлғай меҳрни нуринда ёшунган қиёс 237
Мен киму меҳру вафо?! Зулму итоб айласа бас 238
Ўйла бўлмиш нотавон кўнглумга жонон бирла унс 239
Гар манга бор эрса ул дилдори зебо бирла унс 240
Йўқ тамаъ ағёрдин, гар душман эрмас ёр, бас 241
Ғамингдин, эй парий, девона бўлмас 242
Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас 243
Лабингдин айру бағир лахт-лахт қонму эмас 244
Олам ичра манга ул ҳури малаксиймо бас 245
Биров анинг лаби жонбахшидин нишон бермас 246

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «БАДОЕЪ»ДИН

Зиҳи отинг била хайли малойик ичра хуруш 247
Келки, ҳижронинг мени маҳзунни бадҳол айламиш 248

Қайси ишрат меваси нахли ҳаётим қилди фош 249
Авжи ҳусн узра юзунг хуршиди фарруҳбол эмиш 250
Шамъ учини олмоғ учун, эй маҳваши фаррош 251
Мен гадога ҳар неча кўйи сари бормоқдур иш 252
Оҳким, ул шўх эрур ҳам моҳваш, ҳам шоҳваш 253
Базми васл ичра манга тутти қадаҳ ул маҳваш 254
Қадинг ниҳолики боғи ҳаёт тарфини тутмиш 255
Неким қилур, кўрунур ул бути ситамгар хуш 256
Юзу энгида мунча латофат бўлур эрмиш 257
Эй мусаввир, лутф этиб сизғил мени жононға тўш 258
Чекиб жон риштасин чобуксуворимким, каманд этмиш 259
Нечаким қатл била ноз эрур ёрға иш 260
Ул ой гар айни усруклуктин уйқу майлиға ётмиш 261
Эй жамолингнинг хаёли хотири вайронда нақш 262
Шафақ жинсин қуёш зарриштасидин чорқаб қилмиш 263
Менга номеҳрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш 264
Лабинг бу хастаға невчун такаллум этмади иш 265
Манга бор ул санами раъно хуш 266
Невчун юзида қаҳр ила чин зоҳир айламиш 267
Не хам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш 268
Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш 269
Ишқ кўнглунгга солиб дард, ани қон этмиш 270
Септи тун мушкига сийми судадин кофур қиш 271
Ҳуши йўқ кўнглум жунун даштида бир шайдо эмиш 272
Жавзо кунидин доги ул чеҳра жамил эрмиш 273
Суратингдур ўйла кўнглум байтул аҳзонида нақш 274
Сарви раъно қаддидин раъно қадинг чолок эмиш 275

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «БАДОЕЪ»ДИН

Бир киши ўзни қилур аҳли фано базмида хос 276
Эй кўнгул, зоҳир этиб ишқинг ўти догиға ҳирс 277
Гар этти ишқини аҳли жаҳон учун тахсис 278
Эй доғи меҳнатингға мени мубталога ҳирс 279
Эрур ишқинг мени маҳзунга махсус 280

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Файз тақвода чу йўқ билким эрур, эй муртоз 281
Васлиға жон истар ул ҳури малаксиймо эваз 282
Қилған эрмиш нотавон сарви равонимни мараз 283
Эй, қуёш васфин демактин, моҳи рухсоринг ғараз 284

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

Дайр пири хидматида қилса ҳар хаммор шарт 285
Гул уза анбар ёйилди, зоҳир эткач ёр хат 286
Хат чиқардинг, қилма ҳусну ноз аро эмди ғалат 287
Юзу лаълингдин топар ҳар лаҳза кўнглум инбисот 288

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «БАДОЕЪ»ДИН

Ўйла қилдим дафтари ишқингда ҳар достонни ҳифз 289
Эй, ўлукни тиргузур чоғда суруб дурбор лафз 290
Тонг эмастур, тоби ишқингдин кўнгул гар топса ҳаз 291
Кўнгулки ишқини жон ичра айлади маҳфуз 292

АЙН ҲАРФИНИНГ ИЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ 293
Улки, айлармен гами ҳажринда жон бирлан видоъ 294
Қилур қайғу кўнглумга ул нозанин жамъ 295
Минг жавр ила биравки қилур ишқдин ружъ 296
Ул парий ҳар дам қилур мажнунларин шод ўзга навъ 297
Ул қуёштин топти бу ақшом бизинг кошона шамъ 298
Истамассен хотири ушшоқи ҳайронингни жамъ 299

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ҒАЗОЛАЛАРИНИНГ ҒАВҒОСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Ул ой равшан қилур кўзларни меҳри ховари янглиғ 300
Келди ёру бўлмас оллинда муяссар фошлиғ 301
Ярақондин манга гар бор эса рухсор сариғ 302
Онча ёр алтофидин ҳар кун етар шармандалиғ 303
Бил ани дайрда масти мудом мен янглиг 304

Шўхи чароғчи ёқибон ҳуснидин чароғ 305
Кўзунгки, куфр ила юз динға солди вайронлиғ 306
Эй лабинг хосияти чашмаи ҳайвон янглиг 307

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «БАДОЕЪ»ДИН

Дашти фаноки мўрча йўқ шерларга саф 308
Ҳажрдин ҳар дам қилур бу хотири афгор хавф 309
Оҳким, кўнглум бузулди топмайин жонон вуқуф 310
Ишқ тобидин ўлубмен мени бемор заиф 311
Қотил кўзунг атрофида мужгон чекибдур ўйла саф 312
Гар танимда зоҳир ўлмиш доги ҳижрон ҳар тараф 313

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «БАДОЕЪ»ДИН

Чарх дард аҳлиға ҳар дам ёғдурур гарди фироқ 314
Ёр келса бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ 315
Ҳар кун ўткан кечадин ошуфта кўнглум зорроқ 316
Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ 317
Ўқларингдинким кўзум ҳам равшан ўлмиш, ҳам очуқ 318
Эй, жамолу нозу ишванг бир-биридин хўброқ 319
Мени айлаптурур бир қотили паймоншикан ошиқ 320
Солур диним уйига кофире ҳар лаҳза вайронлиқ 321
Боғ ичра санга сочти гул оқу қизил яфроқ 322
Бинафшанинг нега бўлмиш димоғи мунча улуқ 323
Солса партав том уза чиққанда рухсори очуқ 324
Кўнглум бўлур ғамиинг туни ҳар лаҳза қайғулуқ 325
Ҳар кишиким гайри ишқинг ҳарфи ёзғай бир варақ 326

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «БАДОЕЪ»ДИН

Десангки, дашти фано аҳлиға бўлай ҳамтак 327
Бу кеча оҳим эрур давронни барҳам урғудек 328
Фалак зарфи тўла май бўлсаю топсам ани хумдек 329
Тиғи ишқингдин кўнгул ҳар ён оғиздек бўлди чок 330
Оғзиким сўзда Масиҳодек қилур элни тирик 331
Хони васлингдин агар бўлмас муяссар бар емак 332
Баски, кўксум чоки тиккан игнадин бўлди тешук 333
Эй тани хокий хадангингга нишон бўлган кесак 334

Ўт урди жонима, чун очти лаъли оташнок 335
Меники муғбача дайр ичра айлагай усрук 336
Гулшан ичра йўқтур оромим — дилоромим керак 337
Айтмонким, лаъли жонбахшинг эрур жондин чучук 338
Сарвнинг соясида бодаи гулфом керак 339
Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг 340
Айласа муғбача дайр ичра мени масти маланг 341
Раҳмсиз бўлгай кўнгул куффори Хайбар кўнглидек 342
Дарду меҳнат тошин, эй маҳзун кўнгул, жонимга ўк 343
Субҳи иқболу саодат келди ул фархунда энг 344
Эй, жафо пешангу бедод — ишинг, жавр — фанинг 345
Бировки, қўнди кеча ўзга ерга ёри анинг 346
Ошиқ ўлдум, панд берманг — чорам асбобин тузунг 347
Чун латофат кўзгуси бўлмиш сафо ичра ул энг 348
Қуюндек васл даштидин гар, эй Лайли, мени сурдунг 349
Зиҳи қути ҳаётим ҳажр муҳлик дардида ёдинг 350
Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг 351
Ҳажрдин кўзумга оламни қаронғу айладинг 352
Нил тортиб, оразинг оройишин фан айладинг 353
Айрил, эй заъф, эмди моҳи нотавонимдин менинг 354
Не бийми ҳажрдурурким, ниҳояти йўқ анинг 355
Қилса кўксум чок тиги заҳрпарварди анинг 356
Не ажаб, сарви сиҳига инмаса бошинг сенинг 357
Юзунг оқ, эй гамки, ашким рангини ол айладинг 358
Ичмадинг май — то бурунроқ бизни расво қилмадинг 359
Оразинг гулдур, гул узра сунбули тар кокулунг 360
Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг 361
Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг 362
Оташин рухсора очиб, хонумоним ўртадинг 363
Элга ишқидин ғараз меҳру вафосидур анинг 364
Зулфиким, богликдурур ҳар жонға бир тори анинг 365
Оҳимни сарсар айлабон, ашкимни тўфон айладинг 366
Кўрган эл бедоди ҳижрондин мени ер бирла тенг 367
Менинг фироқиму анинг висоли тун била тонг 368

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «БАДОЕЪ»ДИН

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул 369
Эй кўнгул, мен тарки ишқ эттим, вале фош этмагил 370

Қосидо, оллинда аҳволи харобимни дегил 371
Эйки, ишқ ошубида ҳолим сўрарсен, сўрмагил 372
Не атову не ўғул, сен шаҳ йигит, мен қори қул 373
Гаҳ-гаҳ, эй шўх, мени бошинг учун ёд этгил 374
Қошларингдинким эрур қонлиғ кўнгул ичра хаёл 375
Дўстлар, ул сарвқад ҳажринда чун бўлдум қатил 376
Ҳажринг кунин бир йилчаву ҳар соатин бир ойча бил 377
Ул гули раънога номам хўб эмас яксон қизил 378
Ёр ҳижронида сарвақтимга еттинг, эй ажал 379
Жонға зулмунгни нечаким кўнглунг истар, онча қил 380
Бу не қомат, бу не рафтору на шаклу на шамойил 381
Эй мусаввир, оразин кўр, меҳри рахшон чекмагил 382
Начукки дард қироги аёғинг остида дол 383
Ики кўз манзилинг, эй моҳи маҳмил 384
Ёқинг ўт бергали, эй ишқ, ҳаётимга халал 385
Гўё лабу хаттингни тарҳ этканда Наққоши азал 386
Ишқинг ўтидин таним кул бўлди, эй бадмеҳр, бил 387
Ким деди меҳрингни ул маҳвашқа равшан айлагил 388
Эй парий, юз ёралиқ кўнглум сари наззора қил 389
Эй кўнгул, ҳижрон кунидур, тортиб афғон йиглагил 390
Ҳажр ўқидин, эй кўнгул, ҳар ён қанотлар соз қил 391
Тиғи ҳижронинг била кўнглумни юз парканд бил 392
Ҳулласин ул сарв қилди нахли раънодек яшил 393
Юзига, англамадимким, ниқоб эрур ҳойил 394
Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул 395
Оташин гул ғунчасидур ўтлуғу қонлиг кўнгул 396
Юзини кўрди бадан чокидин хароб кўнгул 397

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «БАДОЕЪ»ДИН

Борму ул икки ўрулгон гесуйи анбар шамим 398
Неча ҳижрондин бузуғ кўнглумда бўлгай дам-бадам 399
Субҳидам гул ёқти шамъу, лола зоҳир қилди жом 400
Холу хаттинг уза, эй турфа санам 401
Ёрға еткач алам, тутти кўнгул хайлини ғам 402
Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмиш дам-бадам 403
Тутқали бодаи гулгун қади савсан моҳим 404
Қачон кўрсам ул ойни, куйдурур жонимни афгоним 405

Не ғам, кўргузса кўксум ёрасин чоки гирибоним 406
Саҳар кўрдум юзин — ақшомғача куйди ҳазин жоним 407
Суда кўрмак юзунг душвор эди, эй ҳусноро моҳим 408
Жунундин ўйла туфрог ўлди жисми ранжпарвардим 409
Эй, юзу қаддинг ошиқи гулу сарви равон ҳам 410
Ишқ ўтидин танда андоқ саъб ўлубтур куймаким 411
Ҳажрингда қону ғуссадур ичмак-емакларим 412
Йигларимни, эйки, кўп манъ айладинг, йўқтур шаким 413
Киши ҳам эрмас эмиш ишқ сиррига маҳрам 414
Фурқати заъфида қон ёш ичра ётмиш пайкарим 415
Кўнглуму жоним фидо оғзиға, гуфторига ҳам 416
Эмас жунундин, агар тогларда бўлса қарорим 417
Не рафиқеким, давосиз дарди ҳолимни десам 418
Фироқ ўтидин анингдек қизибтурур баданим 419
Ишқ таркин қилдиму чиқти кўнгулдин ёди ҳам 420
Келди тиргузгали заъфим кўруб ул Исодам 421
Ҳажр қоним тўккудекдур, бўйлаким зор ўлмишам 422
Қариған чоғда бир маҳваш йигитга мубтало бўлдум 423
Кўнгул жароҳатиға васлидин даво кўрсам 424
Жонга кўксум чокидин жононни меҳмон айладим 425
Бодадин жон иси касб этти машом 426
Лаҳза-лаҳза кундуз онинг зулмини ёд айларам 427
Дардоки, лаҳза-лаҳза фузундур малолатим 428
Бўлғанда ҳажр тунлари беҳушлуғ ишим 429
Куяр ҳажрингда жисми нотавоним 430
Фироқ даштида туфроқ бўлуб эди бошим 431
Қориган вақтда бир тифлга шайдо бўлдум 432
Эй пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур, бечора ҳам 433
Ҳажр ароким, ўзни май бирла фасона айларам 434
Хирқаи зуҳд ўртамак кўнглум шиори айладим 435
Эй, ҳилолингға нигун қад била пайвасталигим 436
Нома ёздим ёр учун, лекин жавобе топмадим 437
Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам 438
Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим 439
Сочинг саводига ҳаргиз назора айламадим 440
Орзу тухмиға бар ҳирмон эканни билмадим 441
Шоми васлингни кўруб, субҳи дилафрўз дедим 442

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НОЗИ «БАДОЕЪ»ДИН

Эй, келиб минбаринг уч поя била Сидраға син ... 443
Бизга ул ой ҳажридин бир йилчадур ҳар тийра тун ... 444
Ишқ даштин ҳеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун ... 445
Субҳ чун борғунг, келиб кулбамға пинҳон кечқурун ... 446
Богладим афғонга бел найдек, сени кўрган замон ... 447
Маҳвашеким чеҳра давринда қирон этмиш аён ... 448
Рунчаи хандон уза холингмудур, эй маҳжабин ... 449
Доги кўп танники хирқам ёпмиш, эй сийминбадан ... 450
Лабингда нилгун холингдур, эй жон ... 451
Хизрваш хат бирла чун ҳуснунг самандин сургасен ... 452
Ваҳ, неча тортай ул ой дарду ғамин ... 453
Ғамингда бузди кўнгул хонумонини ҳижрон ... 454
Қани улким, кўзум кўргай жамоли оламорийин ... 455
Қизил ёхуд қаро ё кўк тўнунг ҳар бир эрур мавзун ... 456
Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён ... 457
Ишқинг ўтиға қуруқ жисмим ўтун ... 458
Кўйида итлар мени гаҳ тирмабон, гаҳ тишлабон ... 459
Жилваи қаддинг кўруб, сарви равондин ким десун ... 460
Буки зулфунг домиға кўнглум қуши урмиш ўзин ... 461
Манга ҳар нечаким йўқ заҳра дам урмоқ висолингдин ... 462
Кўнгулки, ҳар сари чок ўлди тиғи ҳижрондин ... 463
Ҳажр шоми баски сели ашк оқиздим қайғудин ... 464
Чархдин жонимгадур юз тиғи қотил ҳар замон ... 465
Дема гулгундур либосим ашкнинг хунобидин ... 466
Ҳар қатра қонки томди кўнгул тоза догидин ... 467
Сиришким лаъли оташнок хатти мушкборидин ... 468
Вафо йўлинда, эйким, топмадинг истаб асар мендин ... 469
Йўқтурур мажлисда айше фурқатинг бедодидин ... 470
Кўзгу ҳар дам судур ул рухсори оламсўздин ... 471
Эй мусулмонлар, фиғон ул кофири худкомдин ... 472
Васл этти ёр ваъда лаби жонфизосидин ... 473
Яна не чеҳраға ўт солди майки, ҳайронмен ... 474
Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечкамен ... 475
Ҳар тарафким борур агёр ила жонон, талашурмен ... 476
Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир эткамен ... 477
Базм ичинда андоқ ул маҳваш хаёли бирламен ... 478

Бир юзи ўтлуқ шарори ишқидин маҳрурмен 479
Азимат айлама, эй шўхи бехабар, ҳар ён 480
Соқиё, очтинг чу май тутмоққа жоми Жам юзин 481
Минг ўтум бор, айлай олмасмен аён мингдин бирин 482
Лабинг майи ҳавасидин мудом йиглармен 483
Гар деса кўз бирла рухсорин тамошо қилмайин 484
Қил бу ён жавлонки, жонни хоксоринг айлайин 485
Оҳу вовайлоки, олам аҳлининг бадҳолимен 486
Жонға ҳар дам ишқидин юз минг бало кам истамон 487
Ўлтурур кўйида ишқ аҳлин алолоси учун 488
Масканим ҳижронда бўлса эрди Марви Шоҳжаҳон 489
Йўқ дамеким, ул қуёш ёдида фарёд айламон 490
Кўз била қошинг аро ул холи мушки нобдин 491
Неча ғамим ўтин аҳли замонға еткурайин 492
Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлған 493
Ой ботти мунфаил бўлубон ул жамолдин 494
Рахшингки, хиром ичра ўтар кабки даридин 495
Куйдум ғами ишқимни аён айламакимдин 496
Киши ойирса бир бедилни ёри дилпазиридин 497
Келса бир кун, неча кун келмаслиғидин лолмен 498
Ул парий маҳжуб бўлғай деб мени девонадин 499
Неча кўрған сойи ажзим жавр оғоз эткасен 500
Қариған чоғда бир маҳваш йигит шайдоси бўлмишмен 501
Кеча асру музтар эрдим, ваҳки, шайдомен букун 502
Тугун бир-бир демон, юз-юз мусалсал зулфи торидин 503
Кўрса не фикри таним захмию кўнглум куйганин 504
Кирпикимдур ашк қони бирла шохи арғувон 505
Ёзарда ишқинг ўтин секрир оҳимдин шарар ҳар ён 506
Ичимдаги ёшурун ғамки, айта олмасмен 507
Кўнгул тошлар қаросин доғларким, қўйди ғам ҳар ён 508
Аҳд қилдим, ишқ лафзин тилга мазкур этмайин 509
Музайян қилма мармар тоши бирла туфроғим бошин 510

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОЯТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЙИ «БАДОЕЪ»ДИН

Сужуд этар қуёш оллинғда ўйлаким ҳинду 511
Не ажаб, гар қилмасам гул рангу бўйин орзу 512
Юзунга ошуфта қошлар бўлмаса ошиқ иағу 513

Рўзада лабташналиғдин қилди заъф ул моҳрў 514
Хатинг эрмас, гул узра сабзаи боғи Эрамдур бу 515
Кўп қочар ёр, ани кўп қилсам мени зор орзу 516
Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму 517
Ваҳ, бу не ҳусну, жамолу не латофатдур бу 518
То тушта юзин кўрдуму бўлмиш манға ком уйқу 519
Тиғ тортиб чу келур қатлима жонон ўтру 520
Сочинг ранги анбармудур, мушки Чинму 521
Не билгай улки қилур худи узра жилва ялов 522
Жонона тушубтур мени бемордин айру 523
Пок ишқ аҳли нечук васл айлагайлар орзу 524
Дема юзким, Хўтан гулзоридур бу 525

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГЕЗЛИҒЛАРИ «БАДОЕЪ»ДИН

Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин огаҳ 526
Юзун кўр, қилмағил мужгону хатту холидин нола 527
Яна шуълалиқ кўнгулни гаминг этти пора-пора 528
Кўнглаким қон ила ҳар доғки бўлмиш тоза 529
Оразинг холи недин қилди мени девона 530
Бут оллида чу сужуд айлагум ичиб бода 531
Баски қон борди аламлар юзланиб ҳар доғима 532
Хатинг саводига сунъ илги йўнди чун хома 533
Кўнгулни қилди минг қотилча ёра 534
Чоклик кўнглум нишони ғунчаи хандонида 535
Сен қаро пар бошинг узра, кўргузуб мен дуди оҳ 536
Тиғидин захм едим, еткач ул ой қошинда 537
Рангсиз холинг эрур ул орази дилжў уза 538
Ўзгалар боғиндадур наврас ниҳолим бу кеча 539
Яқодек қурб агар топмон сенинг сиймин сақоқингға 540
Тушда еткандек дурурмен сарви ҳуризодима 541
Халқ меҳрига яна, ё Раб, мени зор айлама 542
Томида эрмас кабутар хайли бу журъат била 543
Иситқон, нозанин жисмингки, тердин тушти тоб ичра 544
Узди мендин дўстлуқ ул шўхи сийминтан яна 545
Менки ғам даштида иттим оҳи дардолуд ила 546
Ғунча гул ичра гаҳе пайдо бўлур гулзорда 547
Заъфдин ингронғоним элнинг фигони зорича 548

Сарв қад гулрухлар ўтмас хотири ношодима 549
Бас ёмон ҳоле тушубтур, ёрлар, мен зорға 550
Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда 551
Тийралик хаттинг саводидин лаби хандон уза 552
Не ажаб, ушшоқ аро бўлсам мени зор ўзгача 553
Танимдур ҳалқаи зулфида не янглиг дард қофинда 554
Кўйида тоше тилармен қўйгали бош остига 555
Ёр агар базми аро гамгинларин шод айласа 556
Киши висол туни ёри бирла ётқунча 557
Манга бўлмагай ёр бегона ногаҳ 558
Не суд гулшан аро ичмакинг ниҳон бода 559
Тонгға солма ваъдаи васлингни бори бу кеча 560
Сунбули шомида юз айлади гулрез яна 561
Бода тобидин қизил раглар узоринг богида 562
Дардлар кўнглумга юзлансун, балолар жонима 563
Хаста кўнглум қушини бошинг учун шод айла 564
Кўнглум итти зор ҳусни онининг туғёнида 565
Не ҳаддим ёзмоқ битик ул меҳри оламтобга 566
Ҳалокингмен, чекиб тиғи жафо ўлганни ўлтурма 567
Кеча эл осудадур, кўнглум бирав қайғусида 568
Эй хуш улким, гоҳи-гоҳи етса ёри қошиға 569
Ёр ҳажридин агар заъф эрди жисму жонима 570
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била 571
Кўнгулни хайли гаминг қилди йўл убур била 572
Биравким, рашк элтурмен кечурмакка хаёл ичра 573
Не бир ёреки, васлим саъйиға помардлиг қилса 574
Бас тийра эрди субҳидамим шоми ғамғача 575
Бошимга шуълаи ҳижрон туташқандин эмас огаҳ 576
Йўл эрур юз манзил ортиқ мендин ул қотилгача 577

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «БАДОЕЪ»ДИН

Кўнглум олгач ул парий мажнуну шайдо қилдило 578
Муниси жон деганим офати жон бўлдило 579

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «БАДОЕЪ»ДИН

Зулму бедод айлаб андоқ бузмамиш даврон мени 580

Не май хуштур манга, не гул керакликтур, не гулзоре 581
Неча кўйидин чиқарға йўл сари боқиб турай 582
Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гўёси 583
Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли 584
Боғдин келди насиму гул исин келтурмади 585
Демаки, қатлима ушшоқи нотавон яхши 586
Яна ҳижрон ўти жонимға тушти 587
Қирқиб эрди қошин ул бодапараст худрой 588
Муддаилар бетараҳҳум, ёр бепарво басе 589
Эмас фироқ туни, эй кўнгул, нақора уни 590
Олача ҳошиялиқ тўн кийиб ул рашки пари 591
Онча кўнглумдадурур гулшани ҳижрон тикани 592
Кош бўлса ҳар туган жисмимда жавшан яфроғи 593
Кўз била кўнглумга бўлмиш гўйиё васлинг чоғи 594
Уйқу ҳамсояларимдин кетарур ҳажр туни 595
Ул қуёш оқ уйдаю мен музтарибмен ҳар сари 596
Хаста жоним риштаси кўрганда ҳажр озорини 597
Зиҳи нахли қаддингдин хижил сарви бўстони 598
Сиёсат этти сочинг, мушк чун хато қилди 599
Селларким тўкар кўзум ёши 600
Жон мазраида бўлса, не тонг, дард хирмани 601
Интизоридин ул ойнинг кўзки солдим ҳар сари 602
Не ишқ эдики, адам айлади вужудумни 603
Тилармен ислаб-ислаб ғабгабингни 604
Тушта сарву гулдин ислаб бирни, қучтум бирини 605
Кўксумда наъл бўлди хадангинг нишонаси 606
Саҳар куяр ғами ҳажрингда хаста жисм хаси 607
Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади 608
Гул не бўлгайким, юзунг ҳажрида кўргаймен ани 609
Йўққи, ёмғурдин мени ҳолимга даврон йиғлагай 610
Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси 611
Тан қаро туфроғ ўлуб, оҳ ўти охир бўлмади 612
Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади 613
Нозук ҳарир агар танингга ҳойил ўлмағай 614
Чеҳра ўти бирла кўнглум хонумонин ўртади 615
Оҳким, номеҳрибоним азми бедод айлади 616
Гар яна бир қатла ўз васлингға еткурсанг мени 617
Чу ул ҳури париваш жилва айлар вақти, ноз эткай 618
Менинг бахтим юзи ғам кожидин ул кун қаро бўлди 619

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси 620
Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай 621
Ваҳш хайлин дашт аро мен телбаи маҳзун сари 622
Ашк хунобидин ўлмиш кўзларим Уммон киби 623
Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени 624
Ҳижрон куни ҳар хастаки жононга йўлуқти 625
Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай 626
Тиғи ҳижронинг кириб кўнглумни ғамнок айлади 627
Чун илик бермаски ўпсам, ул ситамкор илгини 628
Биравки ишқ била қилди муттаҳам бизни 629
Ваҳки, савдодур димоғимда, паришонлиғ доғи 630
Коми лаълингнинг хаёлидин кўнгул қозгонмади 631
Не чоглиғ тошким Фарҳод ушотти 632
Барча базм аҳлиға луъбатбоз ишининг ҳайрати 633
Эй хуш улким, багрима бир лоларухдин доғ эди... 634
Дашт аро дерменки Мажнунни ўзумга учратай 635
Ўқунгким жисми урёнимға етти 636
Ҳаво хушдурур, тут қадаҳ, ёр, ахи 637
Келса ёру бўлмаса ҳамраҳ рақиби тийрарой 638
Сўра келмади ёр беморини 639
Поклар кўнглидур ул орази маҳваш сари 640
Бизга етмас эрди бир номеҳрибон дарду ғами 641
Ёр борған чоғда бормиш бедилин ўлтургали 642
Улус қўзгалур, гўё ёрим етишти 643
Оҳки, ишқ айлади шайдо мени 644
Гулшан ичра жилваи ноз этса жонон қомати 645
Ваҳки, бир гойиб хаёлидин паришонмен басе 646
Не кун ўлгайки, нигорим келгай 647
Юзи хуршидидин кўзлар қамошти 648
Боғ аро гўё сабо солмиш эди жонон иси 649
Бошни гар ерга қўя олмон, боқиб моҳим сари 650
Бу сабабдин ёрумиш гўё Хуросон кишвари 651
Истамон кўнглумни айларда хаёл ул моҳни 652
Заъфликдур, дедилар, ул бути маҳсиймони 653
Не дилоромеки, сўргай дарди ҳолимдин гаҳе 654
Ёйиб оразда мушкин холларни сунбулунг доми 655

МУСТАЗОД
Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой 657

МУХАММАСЛАР
Шарбати «Юҳйил изом» эрни майи нобиндадур 659
Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени 660

МУСАДДАС 663

ТАРЖИЪБАНД 667

ҚАСИДА 674

ҚИТЪАЛАР 684

ЧИСТОН (ЛУҒЗ) 704

ТУЮҚЛАР 710

КЎРСАТКИЧЛАР 714

ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАР 722

УДК 821.512.133
84 (5ў)1
Н14
ББК 84 (5ў)1

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчилар:

Ҳамид Сулаймон, Сайфиддин Рафиддинов

Масъул муҳаррир
Иброҳим Ҳаққул

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 й.

ISBN 978-9943-03-366-5

Адабий-бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Учинчи жилд

ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ

Бадоеъ ул-васат

Китоб безаклари ва макетини
Анатолий Бобров ва *Шуҳрат Мирфаёзов* тайёрлади

Нашр учун масъуллар: *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*
Муҳаррирлар: *Илҳом Зойиров, Ваҳоб Раҳмонов*
Бадиий муҳаррир *Акром Баҳромов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Саҳифаловчилар: *Умида Валижонова, Акмал Сулаймонов*
Мусаҳҳиҳлар: *Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 08.06.2011 й.да рухсат этилди.
Бичими 70 x100 $^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
61,59 шартли босма тобоғи. 18,2 нашр тобоғи.
Адади 3000 (1-завод 1000) нусха. 66 – 2011 рақамли шартнома.
269 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Рафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Навоий, Алишер.

Хазойин ул-маоний: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А.Навоий; нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов; масъул муҳаррир И.Ҳаққул; ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 764 б.

Ж.3 : Бадоеъ ул-васат. – 764 б.

ББК 84 (5ў)1